И.С.Тухлиев, М.Э.Пўлатов,
А.Ш.Бердимуродов

ТУРИЗМ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

И.С.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, А.Ш.Бердимуродов

ТУРИЗМ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Самарқанд-2021

УДК: 338.48(038)
И.С.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, А.Ш.Бердимуродов. Туризм атамаларининг изоҳли луғати. – Самарқанд. СамИСИ. 2021. 252 бет.

Мазкур изоҳли луғатда туризм бизнесида энг кўп ишлатиладиган 2000 дан ортиқ сўзлар ва иборалар келтирилган бўлиб, ҳар бир иборанинг рус ва инглиз тилидаги таржимаси ҳамда ўзбек тилида туризм билан боғлиқ равишда изоҳи берилган.

Изоҳли луғат туризм соҳаси ходимлари, мустақил тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчиларга, шунингдек, туризм йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари бакалавр ва магистрлари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: и.ф.д., профессор **М.Қ.Пардаев**
и.ф.д., профессор **М.М.Муҳаммедов**

Туризм атамаларининг изоҳли луғати Ф-1-61. «Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш» мавзусидаги. фундаментал лойиҳанинг иш режаси асосида нашр этилди.

Туризм атамаларининг изоҳли лугати Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кенгашининг 2021 йил "11" январдаги № 7-сон йигилиши баённомаси асосида чоп этишга тавсия қилинган.

©СамИСИ. 2021
©И.С.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, А.Ш.Бердимуродов. 2021

СЎЗ БОШИ

Жаҳондаги глобаллашув шароитида туризм муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига айланди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан[1] зиёд киши саёҳат қилмоқда. Туризм, нафақат савдо хизматларининг бир тури сифатида намоён бўлмоқда, балки бугун туризм бозорининг барқарор ривожланиши янги ишчи ўринларини яратишга ва унга турдош бўлган тармоқларни ривожлантиришга имконият яратмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, инновацион ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида туризм соҳаси ҳам янги босқичга кўтарилди. Мамлакат иқтисодиётининг стратегик сектори сифатида туризмни жадал ривожлантириш масаласи Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишарида ҳам ўз аксини топгани бежиз эмас.

Мамлакатимиз раҳбариятининг республикамизда ягона туристик индустриясини шакллантириш ва ривожлантиришга доимий эътибор қаратиб келаётганлиги туфайли бугунги кунда халқаро туризм ҳамжамияти ва бизнеси вакилларининг Ўзбекистонга янада қизикиши ортиб бормоқда. Мазкур ўзгаришлар нафақат туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга, балки миллий туристик хизматлар билан халқаро бозорларга фаол киришга ҳам имкон бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, чуқур ўзгаришлар таълим муассасалари профессор-ўқитучилари, талабалар, давлат хизматчилари ва хусусий туризм бизнесининг вакиллари томонидан фойдаланиладиган туризм терминологиясига сезиларли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни талаб қилмоқда. Давр талабидан келиб чиқиб, давлат тилида туризм соҳасидаги атамалар билан боғлиқ бўлган замонавий атамалари изоҳли луғатини яратиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Хозирги пайтда туризм сохаси бўйича мавжуд луғатлардан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш вазифаси сон жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан ҳал этилди деб бўлмайди. Туризм соҳасидаги мутахасс ислар, олий ва ўрта таълим талабалари бугун туризм назарияси ва амалиётининг асосий жиҳатларини, БМТ Бутунжаҳон туризм

[1] БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаининг UNWTO Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутки// Моҳият 2014 йил 3 октябрь - № 40.

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI № 59836

ташкилоти (БТТ) ва бошқа етакчи халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва таърифларини, республикамизнинг миллий қонунчилигига оид замонавий туристик атамаларни ўз таркибига олган кенг қамровли мажмуали луғатдан ўрганишни талаб қилмоқда.

Ушбу талабни ҳисобга олиб, замонавий туристик фаолиятнинг амалий, илмий, назарий асослари, ишлаб чиқариш, молиявий, иқтисодий ва халқаро жиҳатларини қамраб олган кенг қамровли мажмуали луғатни яратиш, муаллифларнинг аниқ мақсади бўлди.

Луғатни яратиш жараёнида муаллифлар қуйидаги манбаларга мурожаат қилишган ва фойдаланган:

- Словарь современных терминов, применяемых в сфере туризма: Справочно-методическое пособие/Авт.сост. Е.В.Голышева, Н.В.Ивонина, И.С.Тухлиев, А.П.Темирходжаев. - Самарканд: Zarafshon, 2018. - 408 с.;

- I.S.Tuxliyev. Turizm asoslari. Darslik. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. - Toshkent: «Fan va texnologiya», 2014, -332 b.;

- Туризм, гостеприимство, сервис: Словарь-справочник: Учебное пособие / Под ред. Л.П.Воронковой. - М.: Аспект Пресс, 2002. - 367 с.;

- Рябова И.А., Исмаев Д.К., С.Н.Путилина. Словарь международных туристских терминов. М.: ООО «Книгодел»: МАТГР, 2005.- 466 с.;

- Словарь экономических терминов. [Электронный ресурс]: http://dic.akademik.ru/contens.nsf/econ_dict/., Толковый словарь туристских терминов. М.: ИНФОГРОУП. 1994 г.;

- Экономический словарь [Электронный ресурс], 2011. - Режим доступа: http://abc.informbeau.com/html/%;

- Turizm: nazariya va amaliyot. darslik -T.: «Fan va texnologiya», 2018, 400 bet.

Кўрсатилган манбалардан муаллифлар тегишли маълумотлардан фойдаланган ҳолда, ноаниқ ва мавҳум маълумотларни ҳисобга олиб ва уларга тузатишлар киритишга ҳаракат қилинган.

Луғатдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида унда келтирилган атамаларнинг инглиз тилидаги варианти ҳам кўрсатиб ўтилган. Иккита ёки уч сўздан ортиқ сўзлардан ташкил топган иборалар ҳам мавжуд бўлиб, улар алифбо тартибида келтириб ўтилган.

Луғатдан керакли атамани қидиришни осонлаштирадиган алифбо кўрсаткичи берилган, шунингдек луғатда "Халқаро туризмда қўлланиладиган терминлар ва қисқартмалар", Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилда туризм соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар хронологияси, Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визалари тоифаларини жорий этиш рўйхати, туризмда

энг кўп кўлланиладиган халкаро тўлов карталари турлари ўз аксини топган.

Ушбу муаллифлар томонидан тайёрланган туризм атамаларининг изохли луғати мамлакатимиз олий ўкув юртларининг «Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)», «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», «Туризм (фаолият турлари бўйича)», «Туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси», «Туризм маркетинги», «Туризм менежменти», «Туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш» таълим йўналишларидаги фанларни ўқитишда услубий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

incl. - include

ISO - International Organization For Standardization

UNWTO - United nation world tourism organization

WTO - World tourism organization

БМТ - Бирлашган миллатлар ташкилоти

бошк. – бошқалар

БТТ - Бутунжаҳон туризм ташкилоти

г. - грамм

грек. – грекча

долл. - АҚШ доллари

й. – йил

кв.м. - квадрат метр

км. – километр

ҚҲММБ – конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

$м^2$ - метр квадрат

млн. - миллион

млрд. - миллиард

нем. - немисча

ОАВ – оммавий ахборот воситалари

см. - сантиметр

турагент - туристик агент

турбаза - туристик база

туроператор - туризм оператори

турпакет - туристик пакет

турфирма - туристик фирма

Ўз.Р. - Ўзбекистон Республикаси

ҳ.з. - ҳоказо

A

Абориген - Абориген - Aboriginal, Original Resident - 1) бирор бир давлат ёки ҳудуднинг туб яшовчиси, шунингдек, одатда туб халқлар (этник гуруҳлар); ўша жойнинг яшовчиси, анчадан буён ўша жойда яшайдиган ва кўпинча туристик маршрутнинг ўта хавфли жойларида йўл кўрсатувчи сифатида ёлланадиган шахс.

Аванзал - Аванзал - Avant salle - ресторанда тадбир меҳмонларини кутиш, уларнинг йиғилиши ва дам олиши учун мўлжалланган хона.

Аванс/Бўнак - Аванс - Prepaid expense – бирор-бир иш эвазига кейинчалик ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул, маҳсулот, озиқ-овқат ва ҳ.к.

Авиа ташувчи - Перевозчик воздушный (Авиаперевозчик) - Air transport carrier - йўловчиларни, юкларни, товарларни, хатларни ва тижорат асосида туристлар ва уларнинг юкларини доимий ёки чартер равишда ҳавода ташиш лицензиясига эга бўлган ташкилот.

Авиаброкер - Авиаброкер - Aviation broker, Bill broker - чартер авиарейсларни брон қилиш билан шуғулланувчи брокер. Ҳаво транспорти орқали ташиладиган юк ва самолётлар суғуртаси билан шуғулланади. У юридик шахс ҳам, жисмоний шахс ҳам бўлиши мумкин. Авиаброкер компаниянинг ўз ҳаво транспорти бўлмайди. У бошқа турли авиакомпаниялар билан ўзаро шартнома асосида иш юритади.

Авиакомпания - Авиакомпания - Aircompany, Airline(s), Airway(s) - 1) туристларни ташиш билан шуғулланувчи ташкилот; 2) туристларни йўлга солиш каналларидан бири. Авиакомпаниялар қуйидагиларга бўлинади: commuter - кичик ҳудудий авиакомпаниялар, унчалик узоқ бўлмаган масофаларга учишларни амалга оширади; major - йирик миллий авиакомпания, давлат бўйлаб ва чет элга учишларни амалга оширади; regional - бир неча катта давлатларни бирлаштирувчи ҳудудда ёки давлат ичидаги маълум ҳудудда учишларни амалга оширади. Ўзбекистон миллий авиакомпанияси 1992 йилда 28 январда ташкил этилган. Авиакомпания 25 та давлатда ўз ваколатхоналарига эга. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпания тасарруфида 11 та халқаро аэропорт мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5584-сонли фармони асосида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ўрнида иккита мустақил ташкилот - "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК дирекцияси, "Учиш мажмуаси", "Ҳаво алоқалари бош агентлиги" ва "Ўзавиатехтаъминот" моддий-техник таъминот мажмуаси" давлат

унитар корхоналарининг негизида "Uzbekistan Airways" ва барча аэропортларни бирлаштирган "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамиятлари ташкил этилган.

Авиатариф - Авиатариф - Avia tariff - маълум масофага йўловчи ташиш учун белгиланган ҳақ. Давлатлараро ташишда индивидуал, оддий, гуруҳли ва махсус авиатарифлар мавжуд.

Авиаташув - Авиаперевозка - Air freight - ҳаво транспортлари ёрдамида одам ва юкларни ташишнинг бир тури.

Авиация туризми - Авиационный туризм - Aviation tourism - 1) фаол ва экстремал туризмнинг бир тури бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад самолёт штурвалига ўтириш бўлади; 2) авиация- иложи борича кўп туристик объектларни забт этиш воситаси бўлган автобус ва темир йўл антиподи.

Авиачипта тарифлари - Тарифы авиабилетов - Airticket rate - ҳаво ташувлари учун тақдим этилган хизматлар даражасига, фойдаланиш шартларига, алмашинув ва авиачипталарни қайтариш шартларига боғлиқ ҳолда қўлланиладиган дифференциалланган тўлов тизими.

Авизо - Авизо - Aviso - ҳисоб-китоб операцияси хусусидаги расмий билдириш, мижозларга банк томонидан авизо орқали амалга оширилган дебит ва кредит операциялари, ёзувлари, ҳисобдаги қолдиқлар, пул ўтказишлар, чек ёзувлари, аккредитив очиш ва бошқа ёзувлар хусусидаги маълумотларнинг берилиши.

Автаркия - Автаркия - Autarky - (грек. autarkeia - ўз-ўзига етарли) - ўзини ўзи маҳсулотлар билан таъминлаб, бошқалар билан камдан-кам алоқага киришишдир. Асосан натурал хўжаликка хосдир.

Авто уй - Автодом - Motor home - фургонда турар жойи мавжуд бўлган автомобиль ёки алоҳида занжир кўринишида ёки автомобилнинг ўзида жойлашган. Авто уйда ўтириш жойи мавжуд. У ерда био ҳожатхона, душ, газ плитаси, музлатгич, кондиционер, буюмларни қўйиш учун шкаф, ёритгичлар мавжуд. Авто уйни яна занжирли фургон деб аташ хам мумкин. Шимолий Америка ва Европада авто уйлар туризми ривожланган бўлиб, у ерда тўхташ ва ётиш учун кемпинглар - махсус тўхташ жойлари ҳам кўп.

Автобус - Автобус - Bus - релссиз, механик транспорт воситаси ҳисобланади. У 8 ва ундан ортиқ кишига мўлжалланган бўлиб, тезлик билан ҳаракат қиладиган, устида ёқилғи сақлайдиган ёки бошқа автоном занжирли кўринишга эга автотранспорт туридир.

Автобусдаги экскурсиялар - Автобусные экскурсии - Bus excursions - экскурсантларни экскурсия объектларига олиб боришга мўлжалланган автобусдаги экскурсия. У икки хил кўринишда бўлади, яъни тематикали ва кўриш учун қулай турлар.

Автомаршрут - Автомаршрут - Auto route - енгил машина ёки

автобусда саёхат қилинадиган маршрут. Автомаршрутлар учун танланадиган йўл автотранспортда босиб ўтилиши керак, у ерда ёқилғи қуйиш шахобчаси ва автомашиналарни техник кўрикдан ўтказадиган марказ, йўл ҳаракати қоидалари ва белгилари, етарли даражада мотел ва кемпинглар мавжуд бўлиши ва сайёҳларни ётоқ билан таъминлаши лозим.

Автомобиль - Автомобиль - Autocar, Passengar car, Automobile - релссиз, балонли транспорт воситаси. Ундан қурук жойларга саёҳат қилишда фойдаланилади.

Автомобиль ижараси - Аренда автомобиля - Rent a car - кичик автобуслар ва енгил автомобиллар ижарага берилиши. Автомашиналарнинг ижараси 2 турга бўлинади: ҳайдовчи билан ва ҳайдовчисиз ижарага бериладиган автомобиллар. Автомобиль қўшимча ижаралари унинг фойдаланилган муддатидан ва босиб ўтган масофасидан келиб чиқилади. Туристлар учун эса ижарага бериш қўшимча имкониятлар очиб беради ва турли хизматлар таклиф қилинади. Автомашиналарнинг ижарага берилиш тизими қуйидагича гурухланади: синфи: М - кичик, Е - тежамкор, С - ихчам, I - ўрта ўчамли, S - стандарт, F - тўлиқ ўчамли, 4 эшикли, Р - кучайтирилган, L - люкс, Х – махсус; тур: С - 2-4 эшикли, D - 4 эшикли, W - ҳаммабоп кичик ҳажмли машина, V - вагон, L - лимузин, S - спорт, T - ўзгартирилган (кабриолет), F - тўлиқ янгиланган, Р - юк машинаси, J - ҳар қандай йўда юрадиган жип русумли машина, Х - ҳар қандай йўлда юрадиган машина, R - дам олиш учун; трансмиссия (узатмалар қутиси): А - автоматик, М – қўлда; кондиционер: R - кондиционерга эга бўлган, N - кондиционерга эга бўлмаган.

Автомобиль қўйиш жойи - Автостоянка - Parking - бу транспорт воситаларини қўйиш учун махсус катта майдонга эга бўлган жой.

Автомобиль қўйиш жойи ва ётоқ - Автостоянка и кровать - Parking site and bed - бу кемпинг кўринишида бўлиб, автотуристлар билан келишган ҳолда, уларга 2-4 кишилик палаткада ёки кичик уйдан жой беришади. Автомашиналарини қўйиш учун ҳам жойга эга бўлишади.

Автомобиль қўйиш жойи ва палатка учун жой - Автостоянка и место для палатки - Parking and tent site - кемпинг тарзидаги хизмат кўрсатишни ўзида акс эттириб, автотуристлар билан келишган ҳолда машина учун автотураргоҳдан жой ва палаткани ясаш учун ҳам махсус жой берилади.

Автомобиль тарифи - Автомобильный тариф - Auto tariff - автомашина транспортида ташиш учун тўланадиган тариф.

Автомобиль туризми - Автомобильный туризм (Автотуризм) - Auto tourism - 1) дам олишнинг машҳур тури, машинадан фойдаланиладиган саёхат, маршрутнинг бир қисми

ҳисобланади. Бу туризм турида шахсий автомобиль мавжуд бўлса саёҳат қилишда туроператор хизматидан фойдаланиш шарт эмас; 2) одамларнинг доимий истиқомат қиладиган жойларидан ташқари мамлакатлар ёки ҳудудларда ҳусусий ёки ижарага олинган автомобилдан асосий транспорт воситаси сифатида фойдаланган ҳолда туристик сафарни амалга оширишидир.

Авто-мототуризм - Автомототуризм - Automoto tourism - саёҳат, сайр ва экскурсия шунингдек, маршрут бўйлаб текислик ва тоғли масофаларни автомашина, мотоцикл ва бошқа транспортларда босиб ўтиш.

Авторикша (Моторикша) - Тук-тук - Tuks-tuks - уч гилдиракли мотоцикл кўринишидаги Таиланд таксиси, лекин юриш мосламаси одатий мотоцикллар каби эмас, юриш мосламаси ён томонда эмас, балки орқа томонда ўрнатилган.

Автостоп - Автостоп - Hitchhiking - 1) ҳайдовчининг рухсати билан йўловчи транспортда бепул ҳаракат қилиш; 2) ёлғизлар учун йўловчи транспортдан фойдаланишда саёҳат усули, ёшлар орасида кенг таркалган. Айрим автоклублар ва талабалар бирлашган ҳолда махсус талонлар ишлаб чиқаришадики, автостопда саёҳат қилувчилар ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб қилишади. Автостопда саёҳат бу - ўз замонасининг санъати ҳисобланади. Бу ишда тажрибали кишилар, янгиларга нисбатан тезроқ маррага эришади. Тез ва хавфсиз саёҳат қилиш учун, кўп миқдорда ёзилмаган қонунларни, хорижий тилларни билиш ва ҳаттоки психолог бўлиш лозим.

Автотурист - Автотурист - Motorist - бутун саёҳат давомида шахсий ёки ижарага олинган автомашинасидан ёки автобусдан фойдаланадиган сайёҳ. Автотуристнинг автомобиллардан фойдаланиш учун миллий ёки халқаро ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши шарт.

Агент - Агент - Agent – 1) ташкилот, муассаса ва шу кабиларнинг маълум вазифани бажариш учун тайинланган вакили; 2) туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш, турпакетларни сотиш топшириқларини бажарувчи туристик агентлик вакили.

Агентлик (махфий) тарифи - Агентские тарифы – Agency tariff - саёҳат агентлигига сотиш учун тақдим этиладиган меҳмонхона хизматлари нархлари эълон қилинган тарифлардан фоиз чегирмалари ҳисобланади.

Агентлик келишуви - Договор поручения - Contract of agency - хизмат кўрсатувчи ва сотувчи (тур оператор ва тур агент) ўртасидаги шартномавий бизнес муносабатларининг бир тури. Агентлик келишувига биноан, бир томон (агент) бошқа томоннинг (туроператор) номидан ва ҳисобидан муайян ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Тур агент томонидан имзоланган битимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бевосита туроператорнинг таклифидан келиб

чиқади, лекин туроператор агентга хизмат ҳақи тўланши шарт ва бунинг баробарида агент кўрсатмаларга мувофиқ ўзига берилган топшириқни бажариш мажбуриятини олади.

Агентлик мукофоти - Агентское вознаграждение - Agent's commission – 1) агент томонидан амалга ошириладиган воситачилик хизматлари учун агентга ишга ёллаган шахс томонидан бериладиган мукофот. Агентлик тўловларининг миқдори агентнинг кўрсатмаларига боғлиқ. Савдо агентлари учун тўлов одатда сотилган маҳсулот ёки хизмат учун даромаднинг улуши сифатида белгиланади; 2) туроператор томонидан агентлик шартномасига мувофиқ агентга тўланган мукофот суммаси.

Агентлик операциялари - Агентские операции - Agency operation – 1) агентлик хизматларини бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият, бунга мижоз учун товарлар (хизматлар)ни сотиш билан шуғулланадиган агентнинг фаолияти мисол бўлади; 2) бир томоннинг топшириғи билан келишилган ҳудудда иккинчи (агент) томон амалга оширадиган олди-сотди билан боғлиқ бўлган амалий ва ҳуқуқий ҳаракатлар.

Агентлик шартномаси - Агентский договор - Agency agreement (agency contract, contract of agency, agent's contract) - ишончли муносабатларни ташкил қилувчи қонуний шартнома бўлиб, унда биринчи шахс (бош директор) иккинчи томоннинг (агент) талабларига буйсунган ҳолда директорнинг ўзи шахсан шартнома тузади. Шартнома асосида тузилган агентлик, масалан, якин қариндошига кредит картасини берганида, карта эгаси қариндош томонидан ўз кредит карталари билан харид қилиш учун тўланиши мумкин.

Агогика - Агогика - Agogics - экскурсантларнинг диққатини экскурсия жараёнида жамлаш мақсадида ишлаб чиқилган таъсир.

Аграр муносабатлар - Сельскохозяйственные отношения - Agricultural relations - ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлардан иборат.

Агробизнес - Агробизнес - Agribusiness - қишлоқ хўжалигидаги бизнес. Кенг маънода, бунга қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи бизнес турлари киради.

Агротуризм - Агротуризм - Agrotourism - қишлоқ туризмига кўра торроқ тушунча бўлиб, аграр минтақаларни ривожлантириш, маданий меросни асраш, маҳаллий урф-одатлар ва маҳсулотларни тиклашни қўллаб-қувватлашга қаратилган туризм тури. Ушбу туризм тури туристларнинг турар-жой, озиқ-овқат, дам олиш соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Агрофирма - Агрофирма - Agro firm - муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан шуғулланадиган ва уни

саноат асосида қайта ишлайдиган корхонадан иборат.

Адрас - Адрас - Adras - танда ипи табиий ипакдан, арқони қалин ипдан тўқилган газлама. Гули икки томонлама бўлганлиги учун айрим жойларда дурўя деб аталади. Арқон ипи йўғонроқ бўлганлиги учун газлама юзасида кўндаланг чивиқлар ҳосил бўлади. Кудунгланиш натижасида юқори навли Адраснинг бир томони атласдай силлиқ бўлиб, иккинчи томони товланиб туради. Гуллари абр усулида бўлиб сариқ, кўк, пушти, қизил ранглар қўлланилган. 1920 йилларгача Марғилон, Хўжанд, Бухоро, Самарқанд ва бошқа жойларда тўқилиб, Ўрта Осиё бозорларидан ташқари Афғонистон, Хитой каби қўшни мамлакатларда ҳам сотилган. Адрас ўзбек халқи ҳаётида кенг тарқалган бўлиб, аёлларнинг кийим-кечаклари, шунингдек чопон, кўрпа ва кўрпачалар учун ишлатилган.

Айирбошлаш ваучери - Обменный ваучер - Exchange voucher - ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда турист ва исталган корхона ўртасидаги ҳар қандай олди-бердилар кўрсатилган бўлади.

Айланма капитал - Оборотный капитал - Working capital - хом ашё материаллари, энергетика ресурсларида моддийлашган ва бир ишлаб чиқариш циклида сарфланувчи, ўз қийматини тайёрланган маҳсулотга тўлиқ кўчирувчи капитал.

Айланма маблағлар - Средства оборотные - Current assets - ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фондларига мўлжалланган айланма пул маблағлари.

Аквалanг - Аквалanг - Skin-dive - уч юз метргача чуқурликка шўнғиш имконини берувчи, енгил шўнғиш ускунаси. Туристлар учун денгиз, катта кўл ёки дарёларда жойлашган туристик марказларда фаол дам олишнинг имконини беради.

Аквалангчи - Аквалангист - Skin-diver - шўнғишни амалга оширувчи шахс.

Аквапарк - Аквапарк - Aquapark, waterpark - кўнгил очиш учун мўлжалланган мураккаб инфратузилмага эга сув ва сувли ўйин машғулотлари, фавворалар, сузиш ҳавзалари мавжуд бўлади. Шунингдек, у ер замонавий сув боғлари, ховуз ва ҳоказолар алоҳида турдаги сунъий тўлқинлари аттракция воситалари билан жиҳозланган бўлиши мумкин.

Аквател - Акватель - Aquatel - 1) туристларни жойлаштириш воситаси сифатида фойдаланиладиган кема; 2) сувдаги кичкина меҳмонхона, у мос равишда жиҳозланган кема сифатида ишлатилади.

Акватория - Акватория - Water area - сув сатҳининг табиий, сунъий ёки шартли чегаралари билан чегараланган қисми. Сув зоналарига океанлар, денгизлар, кўллар, сунъий портлар, сув омборлари, каналлар киради. Акватория сунъий ёки табиий сув ҳавзаларини ўз ичига олади, улар ичида тўхташ объектлари жойлашган ва кемалар туширилади ва моллар юкланади.

Аквизитор - Аквизитор - Booking clerk - туристик хизматларни брон қилиш бўйича ишларни амалга оширадиган агентлик ёки туристик ташкилот ходими. Унинг зиммасига янги мижозларни (туристларни) жалб қилиш вазифалари юкланиши мумкин.

Аквизиция - Аквизиция - Aquisition - янги мижозларни туристик ва транспорт хизматларини харид қилишга жалб қилиш. Халқаро туризмда даромад олиш, чет эл валютаси тушиши, иқтисодиётни рағбатлантириш, янги иш жойларини яратиш ва бошқалар учун чет эл туристларини мамлакатга олиб келиш ҳисобланади.

Аккредитация - Аккредитация - Accrediting - ваколатли органнинг юридик шахс муайян сохада ишлаш ҳуқуқини расман тан олган тартиб-қоидадир.

Аккредитив - Аккредитив - Letter of credit - банк ёки омонот банкларининг бирор шахс ёки ташкилотга маълум миқдордаги маблағни бериш ҳақида бошқа банк ёки кассага юборган буйруқ қоғози, масалан, жамғармалар банкига қўйилган пулни исталган омонат банкидан олиш учун берилган ҳужжат.

Аккредитланган агентлик - Агентство аккредитованное - Appointed agency - туристик, транспорт ёки меҳмонхона компанияси билан тузилган битим асосида ўз хизматларини сотиш ҳуқуқини олган саёҳат агентлиги.

Аксептор - Акцептант - Acceptor - қонун лойиҳасини, ҳисобни тўлаш мажбуриятини олган жисмоний ёки юридик шахс.

Активларнинг иқтисодий рентабеллиги - Экономическая рентабельность (эр) активов - Economic return on assets - туристик корхоналар учун муҳим кўрсаткич бўлиб, ўз маблағлари ёки қарз маблағлари миқдори: ЭР = (К + кредит учун фоизлар, харажатларга боғлиқ) / К, бу ерда К - корхонанинг умумий капитали.

Акцептуация - Акцептуация - Accentuation - 1) бошқа томоннинг таклифига биноан шартнома тузиш; 2) келишилган вақтда тўлаш мажбурияти; 3) банкнинг ҳисоб варақ ёки ҳисоб рақамида кўрсатилган миқдорни тўлашни кафолатлаш учун розилиги.

Акциз - Акциз - Excise duty (tax) - кенг истеъмол моллари (канд, гугурт, туз, тамаки ва х.к.)га солинадиган қўшимча устама солиқ. Маҳсулотга ёки кўрсатилаётган хизмат (коммунал, транспорт ва бошқа турдаги хизматлар) нархи устига қўйилади. Ўзбекистон Республикасида акциз солиги тўловчилари юридик ва жисмоний шахслардир.

Акционерлик жамиятлари - Акционерное общество - Joint-stock company - масъулияти чекланган фирмаларнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, одатда кўпроқ фойда олиш мақсадида моддий, меҳнат ва пул ресурсларини бирлаштирган уюшма ҳисобланади. Акционерлик жамиятлари очиқ ва ёпиқ турда

бўлади. Очиқ турдаги акционерлик жамиятида акцияларни эркин сотиб олиш ва сотиш мумкин. Ёпиқ турдаги акционерлик жамиятида эса акциялар бир неча кишилар (корхоналар)га тегишли бўлиб, бозорда эркин сотиб олиниши ёки сотилиши мумкин эмас.

Акция - Акция - Stock - акционерлик (ҳиссадорлик) жамияти томонидан шу жамият капиталига ўз ҳиссасини қўшган пайчиларга, яъни ҳиссадорларга бериладиган ва уларга жамият ишида қатнашиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, қимматбаҳо қоғоз. Акция турли кўринишда бўлади: "номли" акция - умумий йиғилишда акционерга овоз бериш ҳуқуқини кафолатлайди, дивиденд олиш ҳуқуқини (кафолатсиз) беради; "имтиёзли" акция - акционерга фаолият натижасидан қатъий назар муайян миқдордаги дивидент олиш кафолатини берувчи, лекин акционерлик жамиятининг умумий йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқини бермайдиган акция.

Алмашинув дастури - Программа обмена - Exchange program - бир клубда алмашинув дастурининг бир қисми бўлган бошқа клубларда эквивалент дам олиш учун қолган қисмини (мавсум, интервал, блокларни жойлаштириш) мос равишда алмаштириш учун алгоритмнинг тавсифи.

Алмаштириш курси - Курс обменный - Exchange rate - битта пул бирлигининг бошқа пул бирлигида ифодаланганлиги.

Алоҳида қўриқланадиган табиий жойлар ва ҳудудларнинг кадастри - Кадастр особо охраняемых и охраняемых природных объектов и территорий - Inventory of specially protected and protected natural sights and territories - атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни тежаш ва махфий эталонли қийматини (табиий ва тарихий) англатувчи барча ҳудудлар ва объектлар бўйича маълумотлар мажмуи.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва акваториялар - Природные особо - охраняемые территории и акватории - Highly protected nature reserve and aquatory - ернинг ва (ёки) сув кенгликларининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари. Табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тартиби ўрнатилади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар - Территории особо охраняемые - Protected areas - ернинг устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади. Табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими ўрнатилади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

Алпинизм - Альпинизм - Alpinism - спорт ва фаол дам олиш тур бўлиб, унинг мақсади тог чўққиларига чиқишдир. Алпинизм спорти табиат томонидан яратилган обеъктлар (баландлик, қиялик, тог қоялари)нинг устига чиқишдир.

Алтернатив туризм - Альтернативный туризм - Alternative tourism - салбий иқтисодий, экологик ва ижтимоий-маданий таъсирларни минималлаштиришга қаратилган оммавий туризмга қарама-қарши бўлган туризм шакли. Алтернатив туризм турларига экотуризм, қишлоқ туризми, табиат ён бағрига саёҳат кабилар киради.

Алтитуда - Альтитуда - Altitude – ҳудуднинг денгиз сатҳидан баландлик кўрсаткичи.

Алтруизм - Альтруизм - Altruism - бошқаларнинг фаровонлиги учун бефарқ бўлмаган ташвиш билан боғлиқ фаолиятни камраб олувчи концепциядир.

А-ля карт - А-ля карт - A-la carte - ресторан мижозларига хизмат кўрсатишдаги таомнома тури. Ушбу хизмат турида мижоз унга тақдим этилган таомномада келтирилган таомлардан ўз диди ва хоҳишига кўра танлаб, ҳақини белгиланган нархда тўлайди. "А-ля карт" менюси бўйича овқатланиш ва хизмат кўрсатиш тури юқори сифатли хизмат кўрсатишга эга бўлиб, сайёҳларнинг комплекс хизматга эга бўлиши кўрсатади. Бу ҳолатда овқатланиш маблағлари тўлиқ унинг тўпламига киради. Бу тур меҳмонларга қулай ва обрўли шароитлар яратиш учун французча хизмат кўрсатиш турини амалда қўллаётган ресторанларга хос.

А-ля фуршет - А-ля фуршет - A-la fourchette - меҳмонлар туриб овқатланадиган хизмат кўрсатиш тури.

Амалгамация - Амальгамация - Amalgamation - 1) йирик корхона томонидан ўз мустақиллигини йўқотиб қўядиган, уни сотиб олган компания акцияларига ном бериш ва алмашиш; 2) янги компания тузиш, турдош компанияларда бирлаштирилиб, ўз мустақиллигини йўқотган, янги ташкил этилган компаниянинг акцияларига алмашадилар.

Америкача режа - Американский план - American plan, AP - кунига уч махал овқатни (тўлиқ пансион) ва нархини ўз ичига олган меҳмонхона тарифи.

Америкача нонушта - Завтрак американский - American breakfast, ABF, AB - озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлари турли хил: қаҳва, сут, чой, шарбат, колбаса маҳсулотлари, пишлоқ ва кефир, творог ҳамда иссиқ овқатлардан иборат нонушта. Бундай оддий нонушта АҚШ ва Канадада тақдим этилади. У номернинг ҳисобига қўшилмайди ва у алоҳида тўланади.

Америкача усул - План американский - American plan - нарх таркиби номер нархи ва уч ёки икки махал овқатланиш (пансион ёки ярим пансион) хизматини ўз ичига олган меҳмонхонада овқатланиш бўйича ҳисоб-китоб қилиш усули.

Амортизация - Амортизация - Amortization - 1) машина, асбоб-ускуна, бино ва шу кабиларнинг эскиришига қараб, уларнинг баҳосини камайтириб бориш, уларнинг шу чегирилган қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига қўшиб бориш; 2) алоҳида шахсни ёки ташкилотни ўз қарзини аста-секин, даражама-даража тўлаш мажбуриятидан қутулиш; 3) қарз мажбуриятининг йўқотилиши, ўчирилиши оқибатида унинг бекор қилинганлигини тан олиш.

Аниматор - Аниматор - Animator - денгиз ёки дарё саёҳатлари, клубли ҳордиқ чиқариш марказлари ва бошқа кўнгилочар муассасаларида фаолият кўрсатувчи, вазифаси туристлар учун ўйин-кулгу дастурларини ташкил этиш бўлган мутахассис.

Анимация - Анимация - Animation - кўнгилочар фаолиятлар мажмуи. Дам олиш вақтида кўнгилочар ва спорт фаолиятини ташкил этиш.

Анимацияли дастур - Анимационная программа - Animation program - туристларнинг дам олиш ва маънавий қизиқишлари доирасига кирадиган ва уларнинг бўш вақтлари учун ишлаб чиқилган спорт ва кўнгилочар тадбирлар мажмуаси.

Анкета - Анкета - Questionnaire - 1) муайян дастур асосида тузилган саволларга жавоб олиш учун ҳар қандай маълумотни олиш учун сўровнома; 2) ўрганишнинг марказий вазифаси билан мантиқан боғлиқ саволлар мажмуаси шаклида шакллантирилган асосий ижтимоий ва ижтимоий-психологик ахборотни олиш учун услубий воситалар; 3) такрорланадиган сўровларда фойдаланиладиган маълумотлар тўплаш воситаси, ўз-ўзидан репликация берувчи жавоблар билан сўров бирликлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш. Сайёҳлик компаниясида сўровномалар ва уларни тўлдириш намуналари мавжуд.

Анкета-сўров ўтказувчи шахс - Анкетер - Interviewers - 1) сўров ўтказувчи шахс; 2) савол бериш усули билан асосий ижтимоий

маълумотларни тўплашни амалга оширувчи шахс.

Анклав - Анклав - Enclave - бир давлатнинг ҳамма томондан бошқа давлат ҳудуди билан ўраб олинган ҳудуди ёки ҳудудининг бир қисми. Масалан, Лесото давлати ЖАР ҳудудидаги анклав ҳисобланади. Агар анклав денгизга туташ бўлса, у ярим анклав деб аталади. Фарғона вилоятига қарашли Сўх, Чўнғара, Шоҳимардон, Қалача ва Жангаил ҳудудлари Ўзбекистон эксклавлари бўлиб, Қирғизистон Республикаси учун анклав бўлиб ҳисобланади.

Антропоном жойлашиш - Размещение антропономное - Anthroponomous location - ҳодисалар таркалишининг аҳоли зичлигига мутаносиблиги. Ушбу турар жой туристик турар жойлар тармоғи, туристик индустриянинг жойлаштириши, туристик инфратузилмаси билан ажралиб туради. Антропономияни максимал жойлаштириш талабнинг локализацияси билан тавсифланади.

Анъана - Традиция - Tradition - ижтимоий-маданий мероснинг элементлари, аждодлардан авлодларга ўтиб, халқ оғзаки ижодида, жамиятда, шунингдек, ижтимоий гуруҳларда узоқ вақт сақланиб келаётган анъаналар. Булар бизга маълум бўлган ижтимоий нормалар, хулқ-атвор меъёрлари, қадриятлар, ғоялар, шунингдек маросимлар ва урф-одатлардир. Анъана жамият аъзолари учун қимматли бўлган нормалар, кўникмалар, урф-одатлар, маданий ютуқлар, шунингдек уларни авлоддан-авлодга етказиш усулларини ҳам ўз ичига олади.

А-парт - А-парт - A-part - (циклик меню) хизмат кўрсатишда меҳмонлар олдиндан буюртма берадиган ва белгиланган вақт ичида уларга хизмат кўрсатиладиган овқатлантириш менюси тури. Бу тур кўпинча дам олиш уйлари ва курорт меҳмонхоналарда учрайди.

Апарт меҳмонхона - Апарт отель - Apart hotel - 1) апарт меҳмонхона ўз ичига бир нечта апартаментлар ва катта бўлмаган ошхонани олади ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш хусусиятига эга; 2) швед меҳмонхоналар ассоциациясига киради.

Апартамент - Апартамент - Apartment - 1) катта, ҳашаматли бино; 2) узоқ ва узоқ бўлмаган муддатларга туристларга ижарага бериладиган квартиралар (катта бўлмаган уйлар, алоҳида кириш эшигига эга бўлган ярим уйлар). Апартаментлар хизматларининг сифати, шинамлиги, хоналар сони ва ўлчами каби хусусиятлари билан таснифланади, лекин бизга маълум бўлган юлдузлар тизими билан эмас балки ҳарфлар тизими билан таснифланади. а) А турдаги апартаментлар ётоқхона, меҳмонхона ва ошхонаси битта хонада бўлган жойдир. Майдони 40-45 м^2 ва 2-4 кишига мўлжалланган; б) Б тур апартаменти ўзида 2 та алоҳида ётоқхона, зал ва ошхона мавжуд. Майдони 60-90 м^2. 2-6 тагача кишига мўлжалланган; в) С тур апартаменти ўзида 3-4 та алоҳида

SAYYOHLIK VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 59836

хона, зал, меҳмонхона, овқатланиш хонаси ва ошхонадан ташкил топган. Майдони 100 м^2 дан ортиқ, 12 кишигача мўлжалланган; г) Апартаментнинг люкс класси - ҳашаматли безатилган хоналар, алоҳида виллалар ёки қароргоҳлардан иборат. Улар 2 ёки ундан ортиқ хоналардан ташкил топиб, алоҳида хизматларга эга, хизматларни танлашнинг максимал имконияти мавжуд, шахсий бассейн, ҳашаматли бино ва бошқалар мавжуд. Апарт-меҳмонхоналарида бунақа номерлар қоидага кўра "Президентга мос апартамент" деб номланади.

Апартамент меҳмонхона - Апартамент гостиничный - Apartament hotel – 1) бир нечта яшаш хоналаридан иборат меҳмонхона номери тури, ўзида ётоқхоналари қўшиб ва ошхона бурчагида алоҳида ўтириш учун жой, овқат тайёрлаш ва дам олиш учун жой мавжуд. Бу турдаги номерларга қуйидагилар киради: 2 ва ундан ортиқ яшаш хоналари мавжуд (меҳмонхона, ошхона ва ётоқхона), ошхона жиҳозларига эга бўлган номердир; 2) кичик ва ўрта катталикдаги (400 ўринли), доимий бўлмаган аҳоли яшаши учун мўлжалланган катта шаҳарлардаги меҳмонхона тури. Кўпинча ўз-ўзига хизмат кўрсатиш асосида квартира типида вақтинчалик турар жой сифатида ишлатиладиган хоналар билан таъминлайди. Нархи одатда яшаш муддатига қараб фарқ қилади.

Апартамент номер - Номер апартамент - All suites - икки, уч ва тўрт хонали, узоқ муддатли турувчи қонуний оилаларни жойлаштириш учун номерлардир. Аппартамент хонасида ошхона ҳамма жиҳозлари билан ва замонавий техникалар (микро тўлқинли печ, кофеварка, аралаштиргич) билан албатта таъминланган ва худди уйдаги шароит каби жиҳозланган бўлиши керак.

Апгрейд/юксалиш - Обновить - Upgrade - етказиб бериш усуллари тартиби, кўтарилган категориялар учун туристдан қўшимча пул олинади.

Аппартаментнинг максимал сиғими - Максимальная вместимость апартамента - Maximum capacity of an apartment - бир аппартаментга жойлаштирилиши мумкин бўлган максимал мижозлар сони.

Археологик ёдгорликлар - Археологическое наследие - Archaeological heritage - археологик ёдгорликларнинг унсурлари бўлиб, инсоният фаолиятининг ўтган даврларидаги қолдиқлари ва предметлари, ҳар қандай бошқа излари ҳисобланади: 1) инсоният тарихни ва унинг табиий муҳит билан алоқасини текширишга ёрдам беришга сақлаш ва ўрганиш; 2) инсоният тарихини ва унга мос табиий муҳитни ўрганишга ахборотнинг асосий манбалари бўлиб қазилма ва топилмалар ҳамда бошқа усуллар ҳисобланади; 3) археологик ёдгорликлар қурилишларни, иншоотларни, архитектура ансамбларини, ўзлаштирлган

участкаларини, кўчиб юрадиган нарсаларни, бошқа турдаги ёдгорликларни ҳамда уларнинг атрофидаги ер усти ва остида жойлашган нарсаларни ҳам ўз ичига олади.

Археологик қазилмалар - Раскопки археологические - Archaeological excavations - археологик ёдгорликларни ўрганиш махсус рухсат билан ёдгорлик ва маданий қатламларни тўлиқ ўрганишни таъминлайдиган методология асосида амалга оширилади.

Археология - Археология - Archaeology - (қадимшунослик) қадимги моддий маданият ёдгорликларига асосланиб кишилик жамияти ўтмишини ўрганувчи фан. Меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, қурол-яроғлар, зеб-зийнатлар, уй-жой, устахоналар, мудофаа ва ирригация иншоотларининг қолдиқлари ҳамда ўтмишга оид турли топилмалар археологиянинг бош манбаи бўлиб, уларни чуқур илмий ўрганиш асосида ўтмишдаги кишилик жамиятлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарихининг умумий манзараси тикланади. Шу сабабли археология тарих фанининг бир тармоғи ҳисобланади.

Архипелаг - Архипелаг - Archipelago - бир-бирига яқин жойлашган ва одатда бир хил келиб чиқишга (материк, вулқон, коралл) ва ўхшаш геологик тузилишга эга ороллар гуруҳидир. Экваториал зонадаги (Ҳинд океанидаги Сейшел ороллари, Атлантика Океанидаги Бермуд, Кариб, Канар ороллари, Тинч окенидаги Гавай ороллари ва бошқалар) архипелаглар фаол дам олиш зоналаридир. Туризмнинг ривожланган инфртаструктурасига эгадир ва амалда тўлиқ туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар эвазига яшайди.

Архитектурали ансамбл - Ансамбль архитектурный - Architectural ensemble - меъморий ва шаҳарсозлик сохасида - бинолар, муҳандислик иншоотлари (кўприклар, кўллар ва бошқалар) ва яшил майдонларни ўз ичига олган тарихий тузилишнинг гармоник бирлигидир; 2) бинолар, иншоотлар ва қўшни ҳудудлар, улар ўзаро алоқада маълум бадиий кўринишга эга бўлган ягона функционал объектни ифодалайди. Архитектура ансамбли, шунингдек ҳар қандай қурилиш объекти меъмор томонидан яратилади.

Архитектура объекти - Объект архитектурный - Architectural construction - бинолар, иншоотлар ёки уларнинг мажмуалари.

Асосий иш жойи - Основное место работы - Main place of work - Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунларига мувофик ходимнинг меҳнат дафтарчасини олиб бориши керак бўлган иш жойи.

Асосий капитал - Основной капитал - Basic capital - ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йил давомида иштирок этувчи ва ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотга қисман ўтказиб борувчи меҳнат воситалари.

Асосий маблағ - Средства основные - Fixed capital -

ташкилотнинг асосий фондига қўйилган капитал суммаси.

Асосий меҳмонхона хизматлари - Основные гостиничные услуги - Main hotel services - одатда, турар жойлар билан таъминланган ва шартномани тузиш пайтида (турар жой, овқатланиш ва бошқалар) сайёҳ томонидан тўланадиган хизмат турлари. Меҳмонхона томонидан тақдим этиладиган хизматлар, одатда, ушбу турар жойнинг каталогида кўрсатилган бўлади.

Асосий ташувчилар - Основной перевозчик - Main carrier - транспорт компанияси (ёки транспорт воситаси) орқали туристларни дам олиш жойига этказиб бериш ва қайтариб олиб келиш.

Асосий фаолият тури - Основной вид деятельности - Main activity - юридик шахснинг фаолият тури, унга мувофиқ ҳисобот даврида сотишнинг умумий ҳажмидаги тушум улуши ҳисобланади.

Асрлар садоси фестивали - Фестиваль "Асрлар садоси" - "Asrlar sadosi" festival - ҳар йили Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида ўтказилган халқ анъаналари ва урф-одатлари, амалий санъат, миллий кулинария ва мусиқа фестивали. Одатда фестивал баҳорнинг май ойида ўтказилган ва 2 кун давом этган. Унда очиқ ҳавода қўшиқлар, рақслар, халқ ўйинлари ва мусобақалар билан бирга миллий либослар кўргазмаси каби намойишлар ташкиллаштирилган.

Атлас - Атлас - Atlas - (арабча текис, силлиқ) - танда ипи ҳам, арқоқ ипи ҳам табиий ипакдан тўқиладиган бир юзлама силлиқ мато. Танда ипи абрбанди усулида бўяб безатилади. Алоҳида ишлов бериб жило берилади, шунга кўра у товланиб туради. Илгари мато юзига кудунг урилган, ҳозирги кунда атлас иссиқ сатхли барабан - каландрдан ўтказилади. Ўзбек атласлари ранг-баранг нафис гулларга бой, бу гуллар бир-бири билан уйғунлашиб, матода яхлит гўзал бир нақшни ҳосил қилади. Атласнинг табиий ипакдан тўқилган энг аъло нави саккиз тепкили хонатлас деб аталади. Хонатласнинг барча сири унинг тузилиши ва тўқилиш усулидадир. Атласнинг тўқилиш жараёни: тўрт тепкили атлас тўрт тепкили дастгоҳда, саккиз тепкили атлас саккиз тепкили дастгоҳда тўқилади.

Атом туризми - Туризм атомный - Atomic tourism - фуқаролик ва ҳарбий мақсадларда фойдаланиладиган ядро технологиялари билан танишишга бағишланган, нисбатан янги туризм тури. У ядро қуроллари музейларига ва уларнинг етказиб бериш воситаларига, шунингдек, ядровий қурол синовлари ўтказиладиган ҳудудларга ташрифларни ўз ичига олади.

Атроф-муҳитнинг ифлосланишини - Загрязнение окружающей среды - Environmental pollution - инсон фаолияти соҳасидаги маиший ва саноат чиқиндиларининг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши.

Табиатни ифлосланишдан мухофаза қилиш қонун билан тартибга солинади.

Аукцион - Аукцион - Auction - «ким ошди» савдоси, очиқ савдо қилиш. Бу савдо давомида маҳсулотни энг юқори нарх бўйича кўтарган харидор сотиб олади.

Аутсорсинг [2] - Аутсорсинг - Outsourcing - (инглиз тилидан outsourcing - ташқи манба) корхона ёки ташкилотнинг асосий бўлмаган ўз функцияларини ташқи бажарувчиларга (масалан, бухгалтерия ҳисоби, реклама фаолияти) бериши - аутсорсерларга, корхоналарнинг юқори малакали мутахассисларига, ўз бизнес жараёнларинидан воз кечиш, масалан айрим маҳсулотларни тайёрлаш, балансни тузиш ва ушбу бизнес жараённи бошқа ихтисослашган ташкилотлардан сотиб олиш; кооперациялашувнинг бир кўриниши, корхонанинг ишлаб чиқариш, молиявий ва ташкилий жараёнларини бирлаштириш орқали корхонанинг асосий фаолиятини бошқаришни оқилона амалга ошириш ва корхонанинг асосий бўлмаган, корпоратив вазифаларни ташқи ихтисослашган корхоналарга бериш. Аутсорсингнинг: бизнес жараёнлар, ишлаб чиқариш, одатий (буюртмачилар билан индивидуал алоқалар) ва тармоқ (энг кўп талабга эга бўлган стандарт хизматлар) турлари фарқланади. Хусусий бизнесда ва давлат секторида қўлланилиши мумкин.

Аффинити гурухи - Группа «Аффинити» - Affinity group - саёҳатчилар гурухи умумий касбга оид ва хаваскорлар қизикишлари ва умумий саёҳат мақсади билан бирлаштирилган (масалан, археологлар, актёрлар, спортчилар, зиёратчилар, кинологлар).

Аффирмация - Аффирмация - Affirmation - ҳужжатларни, ҳисобларни тасдиқлатиш.

Аҳоли даромадлари - Народные доходы - National incomes - аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натура шаклида олган даромадлари миқдори. Аҳоли даромадларига иш ҳаки, тадбиркорлик даромади, пенсия, нафақа, стипендия, капиталдан олинадиган фойда, пулдан олинган фоиз, дивиденд, рента, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотини, ҳунармандчилик буюмларини сотиш ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар киради.

Аҳоли пунктидаги қисқа муддатли дам олиш зонаси - Зона кратковременного отдыха населения - Short-term area holiday - аҳоли яшаш жойлари яқинида жойлашган дам олиш маскани.

Аэробус - Аэробус - Aerobus - одатда икки ярусли, кўп сонли йўловчиларни ташишга мўлжалланган (380 кишигача), кенг фюзелажли йўловчи самолётидир.

---

[2] Нурымбетов Т. Аутсорсинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рақобатдошлигини таъминлашнинг замонавий воситаси сифатида // «Бизнес-эксперт» №3-сон, 2018 й. –Б. 59-64

Аэрбуслар категориясига дунё самолётлари орасида энг катта бўлган Боинг 747 йўловчи самолётлари киради. Бу ҳаво гиганти 1989 йилда АҚШ компанияси томонидан фойдаланишга топширилган. Қанотларининг узунлиги 64,9 метр, учиш узоқлиги 13 340 км, Боинг 747 бортига 566 йўловчи олади. Ўзбекистонда Боинг 757 - 767, А320 аэрбусларидан фойдаланилади.

Аэропорт - Аэропорт - Airport - ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатишга, ҳаво транспортида ташишга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва шу мақсадларда аэродром, аэровокзал, бошқа иншоотлар, шунингдек зарур қурилмаларга эга бўлган иншоотлар мажмуаси.

Аэропорт расмиятчиликлари - Аэропортовые формальности - Airport formalities - паспорт назорати, санитария, фитоназорат, аэропорт йиғинлари, йўловчи ва багажларни рўйхатга олиш кабиларни ўз ичига оладиган расмиятчиликлар.

Б

Багаж - Багаж - Luggage, baggage - 1) транспорт билан жўнатишга қадоқланган ва пассжирдан алоҳида ташиладиган юк (нарсалар ва бошқалар). Темирйўл транспорти билан ташишда багаж деб, шахсий маиший эҳтиёжлари учун олиб юриладиган нарса ва бошқа бойликларга айтилади. Бундай багаж вагонда йўловчининг йўл ҳужжатида кўрсатилган белгиланган станциягача ташиб борилади. Йўловчиларни авиаташишда йўловчи багажининг ўлчами ва оғирлиги ИАТА тавсияси асосида авиакомпания томонидан катъий чегараланади. Йўловчи ўзи билан бортга оладиган, ташиш учун регистрацияга топширмайдиган багаж қўл юки деб аталади. Денгизда багажни ташиш ҳолатида денгизда йўловчиларни ташиш шартномаси бўйича ташиладиган ҳар қандай нарса (жумладан автомашина) багаж деб аталади. Бу ҳолатда денгизда юкларни ташиш шартномаси бўйича ташиладиган нарсалар ёки ҳайвонлар багаж деб ҳисобланмайди; 2) йўловчига шахсан тегишли бўлган, унга поездда юрниш тугагач зарур бўлган ва ташиш учун багаж вагонида чипта бўйича қабул қилинувчи буюмлар.

Багаж биркаси - Багажная бирка - Baggage label - ҳар бир багаж ва эгасининг жойи ҳақида маълумотни сақлайдиган маркировка воситаси, идентификатордир. Багажни ташиш (идентификация) мақсадида фойдаланилади. Ташувчи багаж биркаларни багажни регистрация қилишда берилади.

Базавий истеъмол - Базовое питание - Meal basis - мехмонхона истеъмолини таминлаш AO - accommodation only - истеъмолсиз, BB - нонушта (номер нархи ичида), HB - яримпансион, FB - пансионат, AL - ҳаммаси ичида, All meals - меню ўз ичига винони олади, аммо

бундай хизмат кўпрок қўшимча all meals with wine хизматини ўз ичига олади. Unlimited drinks - чегараланмаган вино.

Базавий лагер - Базовый лагерь - Base camp - ўқув ва амалий машғулотлар учун хизмат қилинувчи, фаолият юритиш осон ва қийин бўлган маршрутлар орасида фаолият юритувчи жой.

Байдарка - Байдарка - Kayak - тор ва енгил қайик тури бўлиб, асосан сув спорти ва туризмда ишлатилади. Одатда икки киши томонидан қўл ёрдамида ҳаракатга келтирилади, баъзан елкандан фойдаланилади.

Байрамона кечки овқат - Гала ужин - Gala dinner - туристик гуруҳлар учун жуда катта байрамона кечки овқат. Бу одатда туристик дастурнинг охирги кунларида режалаштирилади.

Баланс - Баланс - Balance - туризм соҳасида ва умуман хўжалик, савдо ишларида бир-бирига боғлик бўлган соҳаларнинг ўзаро мувофиқлик салмоғи. Баланс бирор корхона ёки ташкилотда муайян бир муддат оралиғидаги кирим билан чиқимни, яъни даромад билан буромадни бир-бирига таққослаб чиқилган якун.

Бальзам - Бальзам - Balsam - табиий доривор ўсимликлардан тайёрланган малҳам. Бу дори-дармонлар учун ёки коктейлларда таркибий қисм сифатида ишлатилади.

Баллар - Баллы - Points - меҳмонхонанинг таснифлаш тизими, Ҳиндистон ва Осиёнинг баъзи мамлакатларида меҳмонхоналар даражасининг балланиши. Юлдузлар билан таққослаганда қуйидагича кўринишда бўлади: 100-150 балл - *; 150-210 балл - **; 210-260 балл - ***; 260-290 балл - ****; 290 ва ундан ортиқ - *****

Балнеоиқлимий курорт - Бальнеоклиматический курорт - Balneoclimate resort - тиббиёт ва профилактика муассасаси ёки соғломлаштириш иншоотида ихтисослашган бўлим бўлиб, унда асосан терапевтик омил, маъданли сувлар ва қулай иқлим шароитлари яратилган бўлади.

Балнеоиқлимий туризм - Бальнеоклиматический туризм - Balneoclimate tourism - бу туризм тури тиббий ва соғломлаштириш соҳаларини қамраб олган бўлиб, унда табиат ён бағрида даволаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Балнеоиқлимий туризмининг асосий объектлари шифобахш балчиқлар, минерал сувлар ва бошқалар ҳисобланади.

Балнеологик курорт - Курорт бальнеологический - SPA - 1) муносиб инфраструктуралар ва шифобахш балчик, табиий шифобахш минерал сувлар манбаига эга бўлган маскан, курорт; 2) балнеотерапия тиббиёт ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ёки тиббиёт муассасасида ихтисослаштирилган бўлим ҳисобланади. Табиий минерал сувлардан (денгиз, нарзан, радон, ёдид-бромли ванналар), сунъий минерал сувлардан ва тоза сувдан (инжинли ванналар, ўсимлик экстрактларидан яратилган хамом,

ароматик ёғлар ва бошқалар) фойдаланиш йўлга қўйилган.

Балнеотерапия - Бальнеолечение - Balneotherapy - табиий ёки сунъий равишда тайёрланган минерал сувларни терапевтик мақсадларда ишлатиш ҳисобланади. Минерал сувлар юқори концентрацияларда минерал ва органик таркибий қисмларга эга бўлиб, улар инсон танасига фойдали таъсир кўрсатади.

Банк - Банк - Bank - юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини бир жойга тўпловчи ва узлуксиз айланиб турушини таъминловчи, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит, ссуда берувчи, томонлар ўртасида тўлов ва бошқа ҳисоб-китоб ишларида воситачилик қилиб турувчи, олтин ва чет эл валютаси билан боғлик операцияларни бажарувчи кредит-молия муассасаси. Банк пул қўювчиларга маълум фоиз тўлаб, қарз олганлардан юқорироқ фоиз ставкасини ундиради ва ана шу фоизлар ўртасидаги фарқ банк фойдаси ҳисобланади.

Банкет - Банкет - Banquet - 1) бирор шахс ёки ҳодиса шарафига уюштирилган кечки овқат; 2) махсус жиҳозланган хонада сақланадиган ресторан хизматига ўхшаш муҳим воқеа муносабати билан уюштирилган овқатланиш тури.

Банкет зали - Банкетный зал - Banqueting room - ресторанниг мижозлар дам олиб, муҳим санани нишонлаши, овқатланиши ташкил этиладиган жойи.

Банкет-фуршет - Банкет-фуршет - Dinner banquet - расмий характерга эга бўлган, иш бўйича музокаралар, савдо шартномалари тузиш вақтида амалга ошириладиган овқатланишнинг бир тури. Совуқ овқатлар, ичимликлар, газаклар, десерт ва иссиқ ичимликлар тортилади.

Банкомат - Банкомат - Cash machine - мижознинг банкдаги ҳисоб рақами билан компьютер тизими орқали боғланган накд пул берувчи электрон мослама.

Банкомат - Банкомат - Cash machine, automated teller machine (ATM) - эгаси учун белгиланган лимит доирасида кредит картасидан накд пул бериш курилмаси. У катта дўконлар, темир йўл станциялари, аэропортлар, меҳмонхоналар, кўчаларда ўрнатилади. Пластик тўлов картаси эгасини банкнинг ҳисоб-китоб маркази билан боғлик компютер тармоғи орқали идентификациялашда пул беради. Пул амалиёти карта эгаларининг клавиатурасидан шахсий идентификация кодини ўз ичига олади, шунинг учун ахборот хавфсизлиги қоидаларини амалга ошириш талаб этилади.

Бар - Бар - Bar - алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, газаклар, ширинликлар, унли қандолат маҳсулотлари ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, сотиладиган умумий овқатланиш корхонаси. Сотиладиган маҳсулотлар ассортименти ва тайёрлов усули бўйича барда сут, пиво, шароб, қаҳва, коктейл бар, гриллбар бўлиши мумкин; мижозларга

хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусияти - видео кабин, турли бар ва бошқалар мўжассамлашган бўлади.

Баркарор ривожланиш концепцияси - Концепция устойчивого развития - Sustainable development - унинг асосий мазмуни келгусида эҳтиёжларни сифатли кондириш имкониятларини сақлаб туриш ва ошириш, сайёҳлар ва мезбон ҳудудларнинг мавжуд эҳтиёжларига жавоб берадиган туризмни ривожлантириш ҳисобланади. Баркарор туризм иқтисодий, ижтимоий ва эстетик эҳтиёжларни кондирадиган барча маданий қадриятлар, зарур экологик жараёнлар, биологик хилма-хиллик ва ҳаётни қўллаб-қувватлаш тизимларини сақлаб колишга қаратилган барча ресурсларни бошқаришга асосланган. Баркарорлик тамойиллари анъанавий ва мукобил лойиҳаларни ўз ичига олган туристик фаолиятнинг барча турларида қўллаш учун мўлжалланган.

Бармен - Бармен - Barman - алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, коктейл, енгил таомлар ва газакларни тайёрлаш ва мижозларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ходим.

Бевосита франчайзинг - Франчайзинг прямой - Direct franchising - франчайзернинг франчайзани бевосита маҳаллий тадбиркор (франчайзер)га сотиши.

Бедуин - Бедуин - Bedouin - ҳаёт фаолияти яшаш учун жуда ноқулай, оғир шароитдаги доимий кўчиқ саҳрода яшайдиган чўл одамлари. Бедуин жамоаларининг яшаш жойлари ва уларнинг турмуш тарзи айрим сайёҳларни қизиктиради ва у ерга сафарлар уюштиради. Ҳозирги вақтда бундай аҳоли пунктларига туризм экскурсиялари муҳим даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бекпакер - Бэгпэкер - Backpacker - мустақил сайёҳат қилувчи шахс.

Белгиланган квота - Фиксированная квота - Fixed quota - туризм операторлари (тур агентлар) учун меҳмонхона номерларининг белгиланган миқдордаги квотаси.

Бельэтаж - Бельэтаж - Dress circle - ер устидаги тепалик балконларнинг биринчи қавати ва амфитеатр.

Беллмэн - Беллмэн - Bellman - меҳмонхона хизматчиси, тунги назоратчи.

Белл-хопер - Белл-хопер - Bell-hoper, bellhop - меҳмонхона ходими, унинг вазифаси меҳмонлар келганда эшикни очиш, машинанинг эшигини очиш учун ёрдам бериш, меҳмонларни нонуштага чақириш кабилар киради.

Бенчмаркинг[3] **- Бенчмаркинг - Benchmark** - (инглиз тилидан benchmark - ҳисоблашнинг

---

[3] Нурымбетов Т. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чикаришини диверсификациялашда бенчмаркингни қўллашнинг аҳамияти // Agrollm, №3-сон, 2018 й. –Б 114-115.

бошланиши) - бегоналарнинг тажрибасидан фойдаланиш услуби бўлиб, энг яхши компанияларнинг илғор тажрибасидан, ўз компанияси бўлимларининг ва алоҳида мутахассисларнинг тажрибасидан ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, бизнес - жараёнларни такомиллаштиришда фойдаланиш; аниқ натижаларнинг таҳлили ва уларни ўз фаолиятида қўлланишига асосланган. Бенчмаркингнинг қўйидаги турлари фарқланади: рақобатдош бенчмаркинг - ўз маҳсулотлари, бизнес - жараёнларни рақобатдошларнинг ўхшашлари билан солиштириш; функционал - алоҳида фаолиятни соҳа компаниялари билан солиштириш. (масалан, логистика, персонални бошқариш); умумий - бошқа соҳаларда фаолият кўрсатаётган компаниялар билан солиштириш; ички - ўз корхонасининг хар хил бўлимлари фаолиятини солиштириш орқали энг илғор бизнес-жараёнларини тадбиқ этиш.

Бепул кириш - Вход бесплатный - Free entrance - музелар, расм галереялар ва бошқа туристик объектларга бепул ташриф буюриш. Маданий муассасаларининг хизмат харажалари, балладия, васийлик кенгаши, давлат ёки жамоат ташкилотлари томонидан мамлакат маданий меросини оммалаштириш мақсадида копланади. Баъзи мамлакатларда хорижий сайёҳларга пуллик музейларни - бепул ташриф қилиши учун махсус "меҳмондўстлик карта"си берилади.

Бермуд усули - План бермудский - Bermuda plan - нарх таркиби номер нархи ва нонуштани ўз ичига олган меҳмонхонада овқатланиш бўйича ҳисоб-китоб қилиш усули.

Бешинчи категорияли номер - Номер пятой категории - Fifth class room - ўринлар сони яшайдиган кишилар сонига тенг бўлган, алоҳида қўл ювгичсиз (залда ювинадиган) битта яшаш хонасидан иборат бўлган, майдони бир нечта одам учун мўлжаллаб ҳисобга олинган жойлаштириш воситаси номери: а) 6 метр^2 йил бўйи фаолият кўрсатувчи жойлаштириш воситасида; б) 4,5 метр^2 мавсумий фаолият кўрсатувчи жойлаштириш воситасида.

Бивак - Бивак (бивуак) - Bivouac - туристик гуруҳининг бир кеча-кундуз ёки дам олиш учун турар жойи (отопарк).

Биде - Биде - Bidet - унитаз якинида жойлашган, аврат жойларни ювиш учун мўлжалланган, сув билан таъминланган кичик ванна. Унинг унитаз билан умумлашган турлари ҳам мавжуд. Одатда, 4 ва 5 юлдузли меҳмонхона номерларининг душларида мавжуд бўлади.

Биеннале - Биеннале - Biennale - ҳар икки йилда мунтазам равишда ўтказиладиган тадбир, масалан, кўргазма, кино фестивали.

Бизнес - Бизнес - Business - бойлик, фойда орттиришга йўналтирилган иш, фаолият. Бизнес хўжалик юритиш кўламига караб йирик, ўрта ва майда турларга

бўлинади. Ходимларнинг ўртача сони ва махсулот хажмига караб ажратилади.

Бизнес синфли номер - Номер бизнес-класса - Business class room - хизмат сафари ва командировкада бўладиганлар учун мўлжалланган, номерларда ишлаш учун барча (иш столи, факс, телефон, компютер) каби жиҳозлар билан таминланган бўлиши шарт бўлган номер.

Бизнес синфи - Бизнес-класс - Business class - самолётдаги ўриндиклар тури, биринчи ва иктисодий класс ўртасидаги қулай класс.

Бизнес ланч - Бизнес ланч - Business lanch - бизнесни муҳокама қилиш учун тушлик (одатда, ресторанда), харажатлар одатда бизнес харажатлари ҳисобидан копланади.

Бизнес меҳмонхона - Бизнес отель - Business hotel - бу иш одамлари ва тадбиркорларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган ва уларни профессионал фаолият учун максимал қулайлик билан таъминлайдиган меҳмонхона: семинарлар, музокаралар ва ҳк.

Бизнес режа - Бизнес план - Business plan - 1) бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликнинг барча соҳаларида қўлланадиган муҳим қурол бўлиб ҳисобланади. Иш жараёни ҳақида маълумот беради. Унинг ёрдамида фирма ўсиб бориши, истиқболни белгилаб бориши, даромадини кўпайтириши мумкин. БР ўта муҳим молиявий ҳужжат сифатида фирма фаолиятини барча қирраларини тахлил қилишга ёрдам беради. У нафақат ички ҳужжати бўлиб, балки кредит олиши учун зарур бўладиган ҳужжатлардан биридир. 2) муайян давр учун батафсил бизнес-режа, корхона эришиши керак бўлган кўрсаткичларни белгилаш; 3) фирма, унинг махсулоти, унинг ишлаб чиқарилиши, сотиш бозори, маркетинги, операцияларни ташкил қилиш ва уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бизнес-режаларни ишлаб чиқиш режаси, фирма фаолияти ҳисобланади.

Бизнес саёҳатчи - Бизнес путешественник - Business traveller - расмий муассасалари вакиллари, бошқа давлатлар ёки давлатлар, уюшмалар делегацияси аъзолари, нодавлат нотижорат делегацияси ташкилотлари, бизнес туристлар иштирокчилари учун иш ташрифлар қилиш. Бу тур қиймати ишлаб чиқариш харажатларини ўз ичига олади, у бутун дунё бўйлаб жуда кенг тарқалган. Бизнес саёҳатчиларга музокаралар ва бизнес учрашувлари тамом бўлгач уларга қимматли хизмат турлар, энг яхши меҳмонхоналар, озиқ-овқат, бой маданий дастур сотиб олиш ва таъминлаш кабилар сайёҳлик компаниялари томонидан ташкил килинади.

Бизнес тур - Бизнес тур - Business tour - бизнес туризми туризмнинг қиммат туридир ва бизнес хизматларини ташкил қилувчи корхоналарга катта даромад келтиради.

Бизнес туризм - Бизнес туризм - Business tourism - бу хусусий

сайёҳлик хизматларини талаб қилувчи бизнес мақсадлари бўлган саёҳат тури ҳисобланади.

Бизнес/расмий виза - Виза деловая/служебная - Business/official visa - хорижий давлатнинг дипломатик ваколатхонаси паспортида эгасига виза учун бизнесни ёки иш сафари учун давлатга вақтинча кириш ҳуқуқини берадиган белги ҳисобланади. Ташкилотнинг (чет эллик юридик шахснинг) бошқа ташкилотнинг (виза олувчиси) ташкилотининг ушбу ташкилотнинг маълум бир ходимига таклиф қилиш вақтида чиқарилиши, унинг мақсади ва давомийлигини кўрсатиб беради.

Бизнесмен - Бизнесмен - Businesman - бизнес билан шуғулланувчи шахс, корчалон.

Билвосита франчайзинг - Франчайзинг косвенный (субфранчайзинг) - Indirect franchising - халқаро франчайзер бошқа давлат ҳудудида бутун тизимни бир франчайзерга ўтказиш учун барча ҳуқуқларни сотганда билвосита франчайзинг амалга оширилади.

Биометрик паспорт - Биометрический паспорт - Biometric passport - бу фуқаронинг маълум бир давлат фуқороси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, у орқали фуқаро бошқа давлатларнинг чегараларини кесиб ўтиш ва хорижда қолиш пайтида у ҳақида маълумот беради. Унда эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, паспорт рақами, берилган вақти ва яроқлилик муддати санаси ва бошқа маълумотлар келтирилган бўлади.

Биосфера қўриқхонаси - Заповедник биосферный - Biosphere reserve - табиий ҳудудларни, мажмуаларни муҳофаза қилиш мақсадида илмий тадқиқотлар ўтказиладиган, атроф-муҳитни узоқ муддат давомида мониторинг қилинадиган, табиатни муҳофаза қилиш соҳаси изланишлар олиб бориладиган қўриқланадиган ҳудудлар (қўриқхоналар, миллий парклар ва бошқалар).

Бир кеча учун номернинг ўртача нархи - Средняя стоимость номера за ночь - Average daily rate/average room rate - ўтган кечада номер фондининг умумий даромадини эгалланган кечалар нархига нисбати.

Бир кун нормаси - Дневная норма - Measured daywork - турар жой учун бир кеча ёки кундуздан ортиқ бўлмаган ҳолда чегараланган нарх.

Бир кунлик меҳмон - Однодневный посетитель - Day visitor - ташриф буюрган жойга якка ҳолдаги ёки бир кишилик турар жойда иккинчи тунни ўтказмайдиган меҳмонни билдиради (БТТ таърифи).

Бир кунлик ташриф буюрувчи - Посетитель однодневный - One day visitor - бир кун яшайдиган ва кетадиган сайёҳ, шу жумладан транзит туристлар деб ҳам номланади.

Бир марталик чартер - Разовый чартер - Single charter -

самолёт туристларни манзилига етказгач, ортга қайтиб кетади. Агар рейс "олдинга ва орқага" типида режалаштирилган бўлса, унда бир мунча вақт ўтгач, самолёт туристларни қайтариб олиб келиш учун қайтиши керак. Бундай транспортда самолёт чартери маълум муддатларда буюртма бўйича қатновларни амалга оширади ва ушбу муддатларда авиакомпания самолётни чартер рейси билан таъминлаши шарт. Парвоз учун зарур бўлган самолёт ёкилғиси миқдори унинг йўналиши ва самолёт турига боғлиқ.

Биржа - Биржа - Exchange - 1) маҳсулот, валюта ва қимматбаҳо қоғозларни айирбошлашда, ҳисоб ва маълумот хизматларини амалга оширишда фаол қатнашувчи ташкилот. Хизмат кўрсатгани учун воситачилик йиғимини олади; 2) биржа савдо-сотиғи бўладиган жой.

Биринчи категорияли номер - Номер первой категории - First class room - жойлаштириш воситасининг бир ёки икки кроват, ҳаммом билан жиҳозланган (ҳаммом ёки душ, қўл ювгич, ҳожатхона) номери; одатда, бир ёки икки киши учун мўлжалланган бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам - Первая помощь медицинская - First medical aid - жароҳатланувчини даволаниш масканига етказилгунга қадар ёки тиббиёт ҳодими етиб келгунга қадар кўрсатиладиган ёрдам, одатда ўз-ўзига ёки кўпроқ бошқалар томонидан амалга оширилади.

Битта сотилган номерга ўртача меҳмонлар сони - Среднее число гостей на один проданный номер - Average number of tourists for one sold room - умумий меҳмонлар сонининг номерлар сонига нисбати.

Бож - Пошлина - Duty - муайян товарлар ва хизматлар учун олинадиган давлат солиғи.

Божхона - Таможенный - Customs - чегара орқали ўтадиган жами юкларни, шу жумладан багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат муассасаси. У ўтказилаётган юкларни текшириш ва улардан йиғимларни ундириш билан шуғулланади. Божхоналар, одатда, денгиз ва дарё портларида, халқаро аэропортларда, темир йўл станцияларида, чегара ҳудудларида ва мамлакатнинг йирик марказларида жойлашади.

Божхона - Таможня - Customs - 1) давлат чегараси орқали ўтувчи туристлар ва улар томонидан олиб ўтиладиган товарлар ва шахсий буюмларнинг қонунийлигини ва бож тўловларини тўлашнинг тўғрилигини назорат қилувчи давлат органи. 2) бож ундирадиган жой; 3) чегара орқали ўтадиган жами юкларни, жумладан, багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат муассасаси; ўтказилаёган юкларни текшириш, тартибга солиш ва расмийлаштириш, улардан бож ва йиғимлар ундириш билан шуғулланади. Божхоналар одатда, денгиз ва дарё портларида, халқаро аэропортларда, темир йўл стансиялари, чегара пунктларида жойлашади.

Божхона божи - Пошлина таможенная - Customs - Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилган товарлар учун божхона органлари томонидан олинган тўлов. Ўзбекистон Республикасида импорт, экспорт, мавсумлик ва махсус (махсус, антидампинг, компенсация) божхона тўловлари қўлланилади.

Божхона декларацияси - Декларация таможенная - Customs declaration - чегарадан ўтиш даврида юк ва валюта тўғрисида маълумотлар киритилган, божхона ходимлари томонидан бериладиган ҳужжат бўлиб, бу туристлар томонидан тўлдирилади.

Божхона декларацияси - Таможенная декларация - Customs declaration - 1) давлатнинг чегараларида божхона органларига туристларнинг ёзма ёки оғзаки мурожаат этиши, туристик ва давлат божхонаси тартибида мавжуд бўлган нарсалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. 2) миллий қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжат; чегара орқали ўтадиган юк (экспорт товарлари, кишиларга тегишли юклар, қўлдаги анжомлар, валюта, қимматбаҳо буюмлар ва бошқалар)лар ҳақидаги асосий маълумотлар қайд этилади. Божхона декларацияси жисмоний ва юридик шахслар, сайёҳ ва турист (декларант)лар томонидан тўлдирилади ва товарлар миқдори, уларнинг нархи ҳақидаги маълумотлар қайд этилади. Божхона декларацияси товар (мулк)ни мамлакат чегарасидан киритиш, чиқариш ёки олиб ўтиш учун рухсатнома вазифасини ўтайди. Божхона декларациясида қайд этилган товарларнинг божхона қоидаларига хилоф бўлмаслиги ва товарлар тўғрисидаги маълумотнинг тўлиқ бўлиши учун декларант жавобгар ҳисобланади. Божхона декларациясида қайд этилмаган барча товар (мулк)лар қонунбузарлик ҳаракати саналиб, улар давлат фойдасига мусодара этилади ва декларант маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Божхона имтиёзи - Таможенные льготы - Customs privileges - одатда солиқ солинадиган товарлар ёки товарларга нисбатан мамлакатга олиб келинадиган божхона тўловларидан қисман ёки тўлиқ озод қилиш; мамлакатдан муайян маҳсулот ёки товарларни экспорт қилиш бўйича чеклашларни қисман ёки тўлиқ олиб ташлаш.

Божхона назорати - Таможенный контроль - Customs control - қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуидир. Божхона назорати мақсади - Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигини, божхона тарифи тўғрисидаги қонунини ва бошқа қонун ва норматив актларни шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий масалаларига тегишли Халқаро шартномаларни бажаришда

Халқаро нормаларга риоя қилинган ҳолда фаолият кўрсатади.

Божхона омбори - Таможенный склад - Bonded warehouse - шундай режимки, бунда олиб кирилган товарлар сақлаш даврида импорт божи, соликлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланади, экспорт режимида олиб чиқишга мўлжалланган товарлар эса божхона назорати остида Божхона кодексининг 26-моддасида назарда тутилган имтиёзлар берилган ҳолда сақланади. Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш ман этилган товарлар ҳамда рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа товарлар божхона омбори режимига жойлаштирилиши мумкин эмас. Товарлар божхона омбори режимида уч йил мобайнида туриши мумкин. Ушбу муддат товарларнинг айрим тоифалари ва айрим шахслар учун қонун ҳужжатлари билан чекланиши мумкин, лекин у бир йилдан кам бўлмаслиги керак. Белгиланган муддат тугагунга қадар товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс томонидан товарни бошқа божхона режимига жойлаштириш сўралиши керак. Бу талабларга риоя этилмаган тақдирда, товар божхона органига қарашли божхона омборига вақтинча сақлаш режимига жойлаштирилади. Божхона омбори режимига жойлаштирилган товарлар билан қилинадиган операциялар рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби Божхона кодексида белгиланади. Божхона омбори шундай режимки, бунда олиб кирилган товарлар сақлаш даврида импорт божи, соликлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланади, экспорт режимида олиб чиқишга мўлжалланган товарлар эса божхона назорати остида Божхона кодексининг 26 - моддасида назарда тутилган имтиёзлар берилган ҳолда сақланади. Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш ман этилган товарлар ҳамда рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа товарлар божхона омбори режимига жойлаштирилиши мумкин эмас. Товарлар божхона омбори режимида уч йил мобайнида туриши мумкин. Ушбу муддат товарларнинг айрим тоифалари ва айрим шахслар учун қонун ҳужжатлари билан чекланиши мумкин, лекин у бир йилдан кам бўлмаслиги керак. Белгиланган муддат тугагунга қадар товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс томонидан товарни бошқа божхона режимига жойлаштириш сўралиши керак. Бу талабларга риоя этилмаган тақдирда, товар божхона органига қарашли божхона омборига вақтинча сақлаш режимига жойлаштирилади. Божхона омбори режимига

жойлаштирилган товарлар билан қилинадиган операциялар рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби Божхона кодексида белгиланади. Агар товарларни амалда четга олиб чиқиш вақтида тўловлардан озод қилиш ёки тўланган суммани қайтариш назарда тутилган бўлса, божхона омбори режимига жойлаштирилган ва экспорт режимига кўра олиб чиқишга мўлжалланган товарлар бождан, солиқлардан озод қилинади ёхуд тўланган суммалар қайтарилади. Бу товарлар божхона омбори режимига жойлаштирилган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай олиб чиқилиши лозим. Товарлар белгиланган муддатларда амалда олиб чиқилмаган тақдирда бож, солиқлар, шунингдек уларнинг фоизлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади. божхона назорати остида сақланадиган режим режимида импорт божхона божлари, солиқ ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан, экспорт режимида экспорт қилиш учун мўлжалланган товарлар божхона назорати остида сақлаб турилади.

Божхона расмиятчилиги - Таможенное оформление - Customs clearance - товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш учун божхона органлари томонидан амалга ошириладиган операциялар мажмуи.

Божхона сиёсати - Таможенная политика - Customs policy - Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг ташқи ва ички сиёсатининг ажралмас қисми бўлган ягона божхона сиёсати амалга оширилади. Божхона сиёсатининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида товар айирбошлашни самарали назорат қилиш ва тартибга солиш, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, ички бозорни ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Божхона тартиби - Таможенный режим - Customs regime - Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуидир. Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш уларнинг божхона режимларига мувофиқ амалга оширилади. Қуйидаги турдаги божхона режимлари белгиланади: эркин муомалага чиқариш (импорт), реимпорт, экспорт, реэкспорт, транзит, вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш), вақтинча сақлаш, божхона омбори, эркин божхона зонаси, эркин омбор, бож олинмайдиган савдо дўкони, божхона ҳудудида қайта ишлаш, божхона назорати остида қайта ишлаш, божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш, йўқ қилиш, давлат фойдасига воз кечиш.

Божхона таъминоти - Таможенное обеспечение - Customs enforcement - божхона органлари томонидан

идентификация килинган товарлар ва транспорт воситаларини, биноларни ва бошка жойларни мухрлаш, печатлаш, рақамлаш, хат ва бошқа белгиларни, таниб олиш белгиларини ва штампларни қўйиш воситалари.

Бозор - базар - Bazaar, market - 1) савдо жойининг ҳамма учун ишлатиладиган номи, кўп сотувчи ва харидорлар мавжуд бўлган, кўпинча усти очиқ ҳолда. Бу сўз жануб ва шарқ мамлакатларда тарқалган. Одатда бозор белгиланган ҳафта кунларда ишлайди, "бозор кунлари" деган жумла ҳам мавжуд. "Бозор кунлари" одатда шанба-якшанба бўлиб, савдо кўп бўладиган кунлар ҳисобланади, аммо бозорлар одатда ҳафта давомида ишлайди, душанбадан ташқари. Маҳсулотни ишлаб чиқарган кишиларнинг ўзи асосан махсулотини сотади. Бундан ташқари айнан бир маҳсулот бозорлари ҳам мавжуд бўлиб, "Китоб бозори", "Балиқ бозори" каби. Машҳур бозорлар: Миср бозори (Истамбул), Гранд бозор (Истамбул), Сиёб бозори (Самарканд), Чор-су (Тошкент), Хан эл-халиле (Қоҳира) ва ҳ.к. 2) сотувчи ва харидор ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи. Бозордаги талаб ва таклиф иқтисодий, демографик, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллар таъсирида шаклланади.

Бозор иқтисодиёти - Рыночная экономика - Market economy - эркин товар пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя килишга йўналтирилган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

Бозор сегментацияси - Сегментация рынка - Segmentation of the market - бозорни ҳар бирига алоҳида маҳсулот ва маркетинг тадбирлари керак бўладиган аниқ истеъмолчи гурухларига бўлиш жараёни.

Бозорнинг рақобат картаси - Конкурентная карта рынка - Compiting market map - фаолият кўрсатаётган бозорда эгаллаган ҳолатига кўра ракобатчилар таснифи.

Бозорни баҳолаш - Оценка рынка - Market assessment - сотилиши мумкин бўлган муайян товар ёки хизматларнинг ҳажмини ва нархини белгилаган миқдор.

Болалар дам олиш худуди - Зона детского отдыха - Children's holiday area - болалар учун дам олиш ва ўйин-кулгу учун махсус ишлаб чиқилган функционал зона.

Болалар туризми - Детский туризм - Child tourism - кузатувчи раҳбар билан мактаб ёшидаги (7 дан 17 ёшгача) болалар гуруҳидан иборат ташкил қилинган саёҳат.

Бординг хауз - Бординг хауз - Boardinghouse - шаҳар ичида жойлашган узоқ муддатли турар жой. Бундай меҳмонхоналар узоқ иш сафарига келадиган одамлар учун мўлжалланган.

Бореал иқлим - Бореальный климат - Boreal climate - ўрта кенгликларнинг ўртача совукли иқлими.

Босс - Босс - Boss - корхона эгаси, муассаса дректори, тадбиркор.

Ботел - ботель - Boatel, boat hotel - Ботел атамаси меҳмонхона бизнесидаги янги тушунча бўлиб, боат - қайиқ, кема ва ҳотел - меҳмонхона маъноларини англатади. Одатда ботел деганда сузувчи меҳмонхона тушунилади. Ботел мос равишда жиҳозланган кичик кема сифатида фойдаланилувчи, сувдаги унча катта бўлмаган меҳмонхона.

Боулдеринг - Боулдеринг - Bouldering - бу махсус спорт тури бўлиб, хавфли жойларда мураккаб трюкларнинг бажаришдир. Унда бошқа турдаги тоғ спорти турларидан фаркли ўлароқ, арқонлар, карбатлар ва бошқа хавфсизлик ускуналари қўлланилмайди.

Боурайдер - Боурайдер - Bowrider - кўлга камон олган ҳолда моторли қайиқда (моторли қайик) саёҳат қилиш. Американинг 80% га якин кемалари шу спорт тури мақсадида фойдаланилади.

Бош ошпаз - Шеф повар - Head-cook - менюни ривожлантиришга масъул бўлган шахс, овқатланиш корхонасининг фаолиятини ва консепцияга мослигини мувофиклаштиради. Улар менежерлар тоифасига киради.

Бошка умумий жойлаштириш воситалари - Прочне коллективные средства размещения - Diverse collective accommodations - дам олиш учун мўлжалланган ва ягона етакчига эга бўлган ҳар қандай турдаги - уй-жойлар, лагер ёки жамоа ётокхоналари сингари нотижорат муассасалар (БТТ таърифи).

Бошқарувчи - Руководитель - Chief - ташкилотнинг ишларига масъул шахс.

Бошпана ҳуқуқи - Право убежища - Right of sanctuary - давлатнинг ўз сиёсий ёки илмий фаолиятлари учун (ҳудудий бошпана) ўз ҳудудига кириш ва қолишлари учун жалб қилинаётган хорижликларга рухсат бериш ҳуқуқи.

Бранч - Воскресный бранч - Branch - буфет сифатида фаолият олиб борувчи корхона. Бунда мижозлар учун овқатлар ассортименти кенг, чой ва ширинликлар алоҳида-алоҳида ташкил этилади.

Брифинг - Брифинг - Briefing - 1) брифинг; матбуот анжумани; бир мавзу бўйича қисқача мунозара.

Брон қилиш - Бронирование - Booking - меҳмонхоналарда ёки транспорт воситаларида муайян сайёҳ (йўловчилар, экскурсор) жойлари, белгиланган вақтда маданий ва кўнгилочар муассасаларга билетларни брон қилиш (брон қилиш).

Брон қилиш ойнаси - Окно бронирования - Booking window - меҳмонхонанинг маълум бир қисмидада меҳмонларни қабул қиладиган жой.

Бронлаш аризаси - Заявка на бронирование - Application for reservation - туристик маҳсулот ёки транспорт хизматининг маълум бир тури бўйича хизмат кўрсатувчига ёзма буюртманома. Унда тақдим этилиши лозим бўлган хизмат, хизмат тури ва класи ва унинг муайян шартлари ҳақида

маълумотлар бўлиши керак.

Бронлаш ва резервлаш тизими - Система бронирования и резервирования - Booking and reservation system - туризм индустриясининг маҳсулот сотишдаги асосий канали.

Бронлаштириш хизмати - Служба бронирования - Booking service - олдиндан номерни банд қилиш. Бу хизматга қуйидагилар киради: аризаларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш. Аризалар бўйича брон бўлими келгусида меҳмонхонанинг тўлиш режасини тузиши мумкин (ҳафталик, ойлик, йиллик).

Бунгало - Бунгало - Bungalow - бу туристларни жойлаштириш учун жанубий мамлакатларда қуриладиган алоҳида бир қаватли бино (уй).

Бўрондан огоҳлантириш - Штормовое предупреждение - Storm warning - кутилган бўрон ёки кучли шамол ҳақида маълумот.

Бутик меҳмонхона - Бутик-отель - Hotel boutique - дизайни ва хизматидан фарқ қилувчи кичик меҳмонхоналар. "Бутик меҳмонхона" атамаси меҳмонхонанинг ички декорацияси, одатда ҳашаматли ёки гайритабиий хусусиятларини тасвирлаш учун ишлатилади. Бу шуни англатадики, бутик меҳмонхоналар одатда стилизе қилинган ёки тегишли ички маконга эга қиммат меҳмонхоналардир. Баъзан ҳар бир хона ўзига хос услубда ишлаб чиқарилади. Одатда бутик меҳмонхоналар "дизайн меҳмонхоналар" деб аталади. Одатда бу кичик ёпик клублар бўлиб, уларнинг сони 100 дан ошмайди, бу шахсий хизматнинг гарови ва батафсил маълумотга энг якин эътибор. Бундай меҳмонхоналарнинг хоналари ва хоналарининг ички қисми кўпинча таниқли дизайнерлар томонидан индивидуал дизайнда амалга оширилади. Мазкур тадбирда алоҳида маркалар қўлланилади. Қоида тариқасида, меҳмонхона ҳар қандай тармоқга тегишли эмас, бу эксклюзив лойиҳа асосида ва ноёб бўлган ҳолда амалга оширилади. Бутик меҳмонхоналар энг юкори даражадаги хизматни ва ҳар бир меҳмонга индивидуал ёндашишни ажратиб туради.

Бутик-отель - Бутик-отели - Boutique hotel - жозибадор интерьерга эга элитага мансуб кичик меҳмонхоналар.

Бутунжаҳон мероси ёдгорликлари - Памятник всемирного наследия - World heritage monuments - ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари қўмитаси томонидан белгилаб берилган, бутунжаҳон миқёсидаги аҳамиятга эга бўлган табиий ва маданий мерос ёдгорликлари.

Бутунжаҳон туризм ва саёҳат кенгаши - Всемирный совет по туризму и путешествиям - World travel & tourism council (WTTC) - БТСК туризм иқтисодий ва ижтимоий таъсирлар соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланади, туризм саноати билан боғлиқ масалалар ва муаммоларни ҳал этиш бўйича конференсиялар

ташкил этади. БТСКнинг асосий вазифаси туризм саноатида катта мавкейга эга бўлган ҳукуматлари ўртасида хабардорлигини ошириш ҳисобланади. Шунингдек дунёда молиявий ресурслар ва иш ўринларини яратиб бериш, маълумот тўплаш ва йиллик статистикаларини нашр қилиш ва бошқалардан иборатдир.

Бутунжаҳон туризм куни - Всемирный день туризма - World tourism day - Испаниянинг Торремолинос шаҳрида 1979 йилда бутунжаҳон туризм ташкилотининг бош ассамблеяси муассаси томонидан тасдиқланган ва 27 сентабрда нишонланадиган халқаро байрам. Байрамнинг мақсади - туризм тарғиботи, унинг дунё ҳамжамияти иқтисодига қўшган ҳиссасини ёритиш, ҳар хил миллатлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) - Всемирная туристская организация (ВТО) - United nations world tourism organization (UNWTO) - бу Бирлашган миллатлар ташкилот қошидаги хукуматлараро ташкилот бўлиб, туризмнинг ривожланишига кўмаклашади, 170 дан ортиқ аъзоси бор. Туризм соҳасидаги етакчи халқаро ташкилот. Бош қароргоҳи Мадридда жойлашган. БТТ 1974 йилда ташкил этилган. Ташкилот 120 га яқин мамлакатни бирлаштиради. Ўзбекистон 1993 йилда БТТга аъзо бўлган, 2004 йилдан Самарканд шаҳрида ушбу ташкилотнинг Буюк ипак йўли бўйича минтақавий офиси фаолият юритмокда. Ҳамкорлик натижасида ўтган даврда Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда жаҳон туризм бозорида тарғиб қилишга қаратилган ўнлаб муҳим лойиҳалар амалга оширилган. БМТ Бутунжаҳон туризм ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессияси 2014 йил 1-3 октябрь кунлари Самарқан шаҳрида ўтказилган. Ушбу анжуманда Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда Африка қитъаларидан кўплаб олимлар, нуфузли халқаро сайёҳлик ташкилотлари раҳбар ва вакиллари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этишган. Муҳокамаларда хорижнинг 16 давлати, ҳусусан, Ўзбекистон, Озарбайжон, ЖАР, Жанубий Корея, ХХР, Индонезия, Франсия, Хорвагия, Сербия, Мозамбик, Бразилия, Малдив, Эрон Ислом Республикаси, Сейшел ороллари, Мавритания, Россия, Хиндистон ва Мексика вакиллари ўз маърузалари билан чикишган.

Бутунжаҳон туризм таълимини ўқитиш ассоциацияси - Всемирная ассоциация по профессиональному обучению в области туризма - Association for hospitality tourism education and training, AMFORT - туризм соҳасидаги касбий таълим ва ўқитиш учун масъул бўлган халқаро ташкилотдир. АМФОРТ 1987 йилдан буён БМТ бутунжаҳон туризм ташкилоти таркибига киради. Уюшманинг мақсади - юкори сифатли профессионал туристик таълимни ташкил этиш.

АМФОРТнинг мақсади туризм соҳасида касбий тайёргарлик усулларини рационализация қилиш; ўқув дастурларини стандартлаштириш; ўқув марказлари ўртасида техник ва таълим соҳасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш ва дарсликлар нашр қилиш; Ходимлар туристик секторининг эҳтиёжларини аниқлаш. Уюшма қароргоҳи Мадридда жойлашган.

Буфет - Буфет - Buffet - уй-жой бинолари ёки жамоат биноларида жойлашган умумий овқатланиш корхонаси бўлиб, тайёр маҳсулотлар, совуқ овқат, атирлар, иссиқ, ширин оддий овқатлар, унли ошхона, нон ва қандолат маҳсулотларини сотиш билан шуғулланади.

Бўш вақт - Время свободное - Free time - 1) одамнинг бўш бўлган вақти; 2) туризнинг ўсиш омили.

Бушмен - Бушмен - Bushman - 1) Жанубий Африкадаги африкалик қабилалар кўчманчилари; 2) Австралияда қишлоқ аҳолиси деб аталади, қишлоқда бутанинг ичида яшовчи киши.

Буюртма шартлари келтирилган рўйхат - Список с условиями заказа - List of condition of an agreement - гуруҳни ташкил этувчи туристларнинг фамилияси, исми ва жинси; гуруҳга кўрсатиладиган хизматлар ва номерлар ҳақида маълумот; кирувчи мамлакат ички ишлар вазилиги томонидан сўраладиган расмий маълумотлар.

Буюртмани тўлаш тартиби - Порядок оплаты заказа - Payment order - бу туроператор томонидан жорий этилган турар жой учун тўланадиган тўловлар кўрсатмаси бўлиб, бунда турфирма хизматларни тақдим этиш билан турист тўловни тўлиқ ёки қисман олдиндан тўлашни амалга оширади.

Буюртмахоналар - Заказники - Sanctuary - табиий ресурслар мажмуини сақлаб қолиш ёки тиклаш, минтақанинг экологик мувозанатини сақлаш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар (сув заҳиралари). Буюртмахоналарда алоҳида тартиб ўрнатилади. Ландшафт буюртмахоналари табиий ландшафтларни сақлаш ва тиклаш, биологик (ботаник ва зоологик) буюртмахоналар ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ноёб ва йўқолиб бораётган турлари сақланиб қолиш ва тиклаш, палеонтологик (флора ва фауна қазилма қолдиқлари) буюртмахоналар қазилма қолдиқларини сақлаб қолиш, гидрологик (боткоқ, кўл, дарё, денгиз) буюртмахоналар қимматли сув объектларини ва уларнинг экологик тизимларини сақлаб қолиш ва тиклаш, геологик (ноёб ғорлар, тоғ жинслари) буюртмахоналар жонсиз табиатнинг қимматбаҳо объектларини сақлаб қолиш мақсадида ташкил этилади.

Буюртмачи - Заказчик - Customer - пуллик хизматлар кўрсатиш шартномаси бўйича хизматлар кўрсатишга буюртма берувчи шахс. Одатда

буюртмачилар туроператорга буюртма беришади.

Бэби-систер - Бэби-систер - Baby-sister - курорт меҳмонхоналаридаги машҳур хизмат тури. Туристлар ўз фарзандларини экскурсия ва юриш вақтида меҳмонхонада кузатув ва ғамхўрлик қилишлари мумкин.

B

Вагон ресторан – Вагон ресторан - Dining car - бу барча поездларда, маҳаллий ва шаҳар бўйлаб қатнайдиган поездларда ҳаракат чоғида овқатланиш хизматларини тақдим этадиган ресторан туридир.

Вақтни акс эттириш - Время показа - Showing time - экскурсия вақтида экскурсантларга соатни айтиш (3 хил тилда).

Валет сервиси - Валет-сервис - Valet-service - мижозларга буюртма асосида қўшимча равишда тақдим этиладиган меҳмонхона хизматлари ҳисобланади. Яъни мижознинг кийимларини ювиш, дазмоллаш, қуруқлаш ва тозалаш кабилардир.

Валет-паркинг - Валет-паркинг - Valet-parking - меҳмонхона ёки ресторан мижозларига тақдим этиладиган қўшимча хизмат турларидан бири ҳисобланади. Бунда маҳаллий хизматчи меҳмонхонага ташриф буюрган мижознинг машинасини автотураргоҳга олиб бориб қўяди сўнг, мижоз кетишида унинг ҳузурига яна олиб келиб қўяди.

Валюта - Валюта - Currency - Бу мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз, пул)га тенглаштирилган тўлов воситалари ҳисобланади.

Валюта конвентацияси - Конвенция валюты - Convention of currency - бир давлат валютасининг бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади.

Валюта курси - Валютный курс - Currency course - мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси ҳисобланади. Валюта курсининг қатъий белгиланган ва ўзгариб турадиган турлари мавжуд бўлади.

Валюта курси - Курс валютный - Exchange rate - бир давлатнинг пул бирлиги нархининг иккинчи давлат пул бирлигида ифодаланганлиги.

Валюта чеклови - Ограничения валютные - Currency restriction - валюта, олтин ва бошқа валута қийматлари билан операцияларни чеклаш, давлатнинг пул-кредит сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланган давлат чора-тадбирлари тизими. Бу қонуний тартибда ўрнатилади.

Валютани айирбошлаш - конвертирование валют - Currency exchange - миллий валютани хорижий валютага айирбошлаш.

Ваучер нусхаси - Копия ваучера - Counterfoil of voucher - туристларга хизмат кўрсатиш учун ваучернинг иккинчи ёки учинчи нусхалари. Ваучернинг бир нусхаси одатда, туристик хизмат кўрсатувчи

провайдерга берилади ва у саёҳат компаниялари томонидан олдиндан жўнатилган томонларнинг розилиги билан, кўрсатилган хизматлар савдосининг тасдикланиши ҳисобланади. Бошқа нусхаси ички бухгалтерия ва назорат қилиш учун саёҳат компанияси билан қолади.

Вегетар туризми - Вегетарианский туризм - Vegetarian tourism - Бундай туризм турини "вегетар туризм" деб номланишига жуда кўплаб сабаблар мавжуддир. Мисол учун ер юзида бир неча миллион нафар одам ҳайвон гўштини истеъмол қилмайдилар ва ҳаттоки саёҳатга чиққанларида ҳам умуман бошқа ўлка ҳайвонларини гўштидан тайёрланган маззали таомларини истеъмол қилишни исташмайдилар. Шунинг учун ҳам туризм соҳаси вакиллари бундай талабни инобатга олган ҳолда, кўплаб мамлакатлар саёҳатчилар учун вегетарианлар инфратузилмасини жадал ривожлантирмоқдалар.
Вегетарианларнинг юрти Шарқий Осиё мамлакатлари ҳисобланади. Буларга - Ветнам, Таиланд, Ҳиндистон, Малайзия кабилардир. Бундан ташқари вегетарианлар Болгария ва Греция мамлакатларида ҳам мавжуддир.

Вегетарианлик - Вегетарианство - Vegetarianism - Бу ҳайвонот маҳсулотлар бутунлай истеъмолдан чиқарилган ёки уларнинг рўйхати сезиларли даражада камайтирилган озиқ-овқат тизими ҳисобланади. Бундай инсонлар ҳайвонларнинг гўштини истеъмол қилишни истисно қилувчи рацион билан тавсифланган ҳаёт тарзига эгадирлар.

Вегетарианча стол - Вегетарианский стол - Vegetarian table - бу ҳайвон маҳсулотларидан асосан, гўштидан тайёрланган маҳсулотлар қисман ёки тўлиқ рад этилишини таъминловчи озиқ-овқатлар тизими ҳисобланади.

Вейкбординг - Вейкбординг - wakeboards - snowboard ва surfing элементларини бирлаштирадиган фаол дам олиш ва кўнгилочар машғулот туридир.

Вексел - Вексель - Veksel - қарз мажбуриятлари хусусида ёзма ҳолда берилган махсус кўринишдаги қимматбаҳо қоғоз. қарз берган томон векселда кўрсатилган муддат тугаши билан қарзни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Велосипед саёҳати - Поход велосипедный - Bike tour - велосипед воситаси ёрдамида маълум бир йўналиш бўйича сайёҳларнинг ҳаракатланиши.

Велосипед туризми - Велосипедный туризм - Bicycle tourism - жуда кўп ишқибозларга эга бўлган туристик фаолият тури ҳисобланади. Кичик сайр ва экскурсияларни туристлар велосипед ёрдамида ўтказишадилар. Велосипед туризми маршрутлари турли худудларда: мамлакат бўйлаб, текисликлар бўйлаб ва тог ъоралиғида жойлашган бўлади.

Велосипед туризми (велотуризм) - Туризм велосипедный - Bicycle tourism - 1) кичик сайр ва экскурсиялардан

тортиб мураккаб велосипед сафарларигача бўлган кўплаб турларга эга бўлган фаол дам олишнинг оммабоп тури. Велосипед туризми маршрутлари турли ҳудудларда: мамлакат бўйлаб, текисликлар бўйлаб ва тог оралиғида амалга оширилиши мумкин. Велосипед туризми учун махсус велосипедлар ишлаб чиқилган; 2) туризмда велосипед асосий ёки ягона транспорт воситаси сифатида хизмат қиладиган туристик турларидан бири. "Вело туризм" тушунчаси фаол дам олиш турларидан бирини ифодаланиши билан биргаликда, спорт тури бўлиб ҳам ҳисобланади.

Вертолётли тур - Вертолетный тур - Heli-hiking - Бундай тур одатда Европада мамлакатларида ривожланган бўлиб, унда туристни верталиёт ёрдамида сайр томошага, экскурсияларга олиб чиқилади. Верталиётда гўзал табиат ландшафтларини томоша қилдириш билан биргаликда, унда хавфли элементларни ҳам амалга ошириб туристни янада мафтун этиш мумкин.

Виза - Виза - Visa - Бу шахсга маълум чегараларни кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи авторизация ҳужжати ҳисобланади. Истисино ҳолатда, биргина виза билан бошқа давлат ҳудудига кириш тақиқланади. Бироқ, мамлакатдан чиқиб кетиш ҳуқуқини берувчи "чиқиш" визалари ҳам мавжуд. Виза бир марталик виза бўлиши мумкин. Агар чиқиш чегараси кўп марта бўлса яъни - бир йил, уч йил, ва ҳоказо маълум бир вақт даври, ёки бир неча бир муайян вақт давомида давлат бир марталик визани бериш мумкин. Виза одатда паспортга берилади. Умумий қоида сифатида, виза талабгорининг паспортига мухрланади ёки ёпиштирилиб қўйилади, лекин виза бошқа турлари ҳам бор - прокладкалар, почта маркалари, виза маркалари ва бошқалар.

Виза ва рўйхатдан ўтиш бўлими - Овир - Visa and it's registration department - бу визалар олиш ва рўйхатдан ўтиш бўлими ҳисобланади. Унда фуқаролик (минтақавий, минтақавий ва республика ОВИР) ва дипломатик (Ташқи ишлар вазирлиги билан) хорижий паспортларни беришни амалга оширади.

Виза ёрдами - Визовая поддержка - Visa support - расмий таклиф асосида чет эл мамлакатига кириш учун бериладиган кириш визаси ҳисобланади. Одатда таклиф этилган шахснинг тўлиқ сифатларини белгилайдиган илтимосномаси асосида берилади.

Вино туризми - Туризм винный - Wine tourism - ўз номидан маълумки, ушбу туризм тури вино ва вино маҳсулотларини таътиб кўриш, истеъмол қилиш ва ўз жойида тўғридан-тўғри сотиб олишни ўз ичига олади. Вино туризми иштирокчилари шароб ишлаб чиқариш иншоотларига, узумзорларга, машҳур ресторанларларга, шароб фестивалларига ва бошқа махсус тадбирларга ташриф буюриши мумкин.

ВИП зал - ВИП-зал - VIP hall - (инглизча "Very Important Person - VIP") бу аэропортлардаги махсус заллар бўлиб, унда қаҳва, алкоголсиз ичимликлар йўловчиларга бепул тақдим этилади. Шунингдек у ерда алоҳида чиптахона ва багажни қабул қилиш столи, багаж йиғиш ва чиқиш учун алоҳида йўлак мавжуд.

Виртуал туризм - Виртуальный туризм - Virtual tourism - 1) замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали ташкил этилган туризм ҳисобланади; 2) сайёҳлик ва ахборот технологиялари компаниялари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган ва тарғиб қилинган виртуал турлар ва Интернетда экскурсиялар ҳам бу туризмга киради.

Виртуал чартер - Виртуальный чартер - Virtual cruise - бу кемада круизн саёҳат давомида денгиз тўлкинларини суратга олиш ва уларни интернет орқали тарқатишда круиз компаниясининг маркетинг воситаси ҳисобланади.

Воқеийлик туризми - Туризм событийный - Event tourism - маданият, спорт, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги турли тадбирларни кўриш учун ташриф буюришдан иборат.

Г

Газакхона - Закусочная - Snack bar - чекланган ассортиментда енгил газаклар, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар тақдим этувчи, меҳмонларга тез хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва бар стойкаси мавжуд бўлган кичик умумий овқатланиш корхонаси.

Гала концерт - Галла-концерт - Gala concert - маданий ҳаёт билан боғланган фестивал, конгрес ва бошқа оммавий тадбирни якунловчи байрамона Гала концерт.

Гарни - Гарни (схема питания) - Garni - меҳмонхонада фақат нонуштада тақдим этилади.

Гарни отел - Отель-гарни - Garni hotel - одатда ресторанга эга бўлмаган ва чекланган хизматлар тақдим этувчи меҳмонхона корхоналари.

Гаров - Залог - Pledge - олинган қарз эвазига ёки мажбуриятнинг, ваъданинг бажарилишига ишонтириш учун қолдирилган омонат.

Гаров гувоҳномаси - Залоговое свидетельство - Pledge certificate - савдо ва тижорат операцияларини амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин бўлган мол-мулкни қарздор томонидан гаровга қўйилиши ҳақидаги кредит ҳужжатидир.

Гастрабайтер - Гастарбайтер - Gastarbeiter - 1) бу сўз немис тилидан олинган бўлиб, ГАСТ - меҳмон, АРБАЙТЕР - ишчи, маъносини билдиради. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпчилик немис эркаклари ўлиб, яраланиб, ишга яроқсиз бўлиб қолганда Германия ўз мамлакатини қайта тиклаш учун ўз юртига меҳнат мухожирларни чақирган, ва ўша даврда Германияга туркlar ишлагани келган. Немислар ўшанда туркларни гастарбайтер яъни

мехмон ишчи деб аташган. Аслида бу сўзда бирон бир ёмон маъно бўлмаган, ва бу инсонни маҳаллий аҳоли сонидан бўлмай, бошқа юртдан, ишлаш мақсадида келганлигини кўрсатувчи бир сўз бўлган. 2) ривожланмаган ёки ривожланаётган мамлакатдан ривожланган мамлакатга ишлаш ва пул топиш мақсадида ташриф буюрган шахс, ишчи. Кўпгина мамлакатларда маҳаллий ишчи кучи мавжуд ва хорижликларни ишга қабул қилиш учун иммиграцион идоралардан бир қанча ҳужжатлар талаб қилинади. Қонуний Гастрабайтерга махсус виза, рухсатнома берилади. Туристик виза шахсдар учун туристик саёҳат пайтида ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлишига рухсат бермайди.

Гастролер - Гастролер - Barnstormer - ҳар доим тўсатдан иш жойи ўзгариб турувчи виждонсиз ишчи.

Гастрономик туризми - Гастрономический туризм - Gastronomic tourism - бу мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб саёҳат қилиш ҳисобланиб, мақсади маҳаллий ошхона хусусиятлари билан танишиш ҳамда келган туристларга антиқа таом ва маҳсулотлардан татиб кўришга имкон яратади. Гастрономик тур хизмат сифатида нафақат саёҳат килиш бўлиб ҳисобланади, балки дунёнинг бошқа бирор жойида такрорланмайдиган ва бетакрор таъмга эга бўлган масалликлардан таркиб топган, маълум бир ҳудуддагина учровчи таомларни татиб кўришга қаратилган тадбирлар мажмуига киради. Гастрономия туризми турига қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу қизиқиш кўпроқ Буюк Британия, Италия ва Перуда кенг оммалашиб, йилдан-йилга гастротуристик маршрутлар ишлаб чиққан мамлакатлар сони тобора ортиб бормоқда. Бундай қизиқишнинг ошиши туризмнинг бошқа турларини ҳам ривожлантиришга замин яратмоқда. Инсонлар дам олишининг бу турини айниқса хорижда ярим фабрикат маҳсулотларни истеъмол қилиш кўнглига урганидан сўнг, кўнгли истаган таомни экологик тоза ва асл ҳолида татиб кўришга интилиш, деб ҳам тушуниш лозим (батафсил "Turizm: nazariya va amaliyot" дарслиги. - Т.: «Fan va texnologiya», 2018, 400 bet. 253 б.)

Гастрономик меҳмонхона - Гастро-отель - Gastro-hotel - асосан жойлаштириш ва овқатлантиришга қаратилган бўлиб, унда юқори даражали ошхона ва ресторан мавжуд бўлади.

Гастротуристлар - Гастрономические туристы - Gastronomic tourists - туристларнинг бир тури бўлиб, улар одатдаги оддий туризмдан зериккан, ҳар хил рациондаги овқатларга қизиқувчи, ўзлари қизиққан таомларни тайёрлаш ва таътиб кўришга иштиёқманд бўлишади. Уларни одатда гурманлар деб аташади.

География координаталар - Географические координаты - Geographical coordinates - ер шари

сиртидаги аниқланаётган ихтиёрий нуқтанинг ўлчами (баландлиги, градуси ва ҳ.к).

Географик саёҳат тизими - Географическая туристская подсистема - Geographic travel subsystem - мос равишда мустақил вазифаларни бажариш, асосий мақсади туристик тизимни бошқаришга қаратилган туристлар учун географик қисм.

Географик ўрин - Географическое положение - Geographical position - бирор жойнинг баландлиги ва узунлиги, денгиз сатҳидан ёки тоғ тизмасидан канча баланддалиги ёки пастдалигини бирдиради.

Географик ҳудуд - Зоны географические - Geographic zone - ернинг маълум бир иқлим, ўсимлик, тупроқ ва фауна билан тавсифланадиган табиий зоналари.

Гестхаус/меҳмон уйи - Гестхаус - Guest house - "Меҳмон уйи" - арзон нархдаги махсус хонадон, одатда турли муассасалар орқали туристларга тақдим этилади. Одатда уй эгалари ушбу уйда ёки уй яқинида яшайдилар. Меҳмонхонадан фарқли ўлароқ, у ерда доимий ишловчи қабул бўлими (reception) мавжуд эмас. Ушбу уйда уй эгалари ёки уларнинг ёрдамчилари хизмат кўрсатишади. Бу ердаги номерлар учун қатъий талаблар йўқ. Хона ҳажми ва улардаги жиҳоз ва мебеллар турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир мамлакат ёки минтақада меҳмон уйларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Гид - Гид - Guide - тур қатнашчиларига туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси доирасида экскурсия-ахборот, ташкилий йўсиндаги хизматлар ва малакали ёрдам кўрсатувчи жисмоний шахс.

Гидротерапия - Водолечение - Hydropathy - бу беморни сув ёрдамида даволаш ёки уни соғайтириш усули ҳисобланади. У душ, ҳаммом ва ҳоказоларда буғ ёки пар шаклида амалга оширилади. Терапевтик мақсадларда, кислород, карбонат ангидрид ва бошқалар ишлатилади.

Гид-таржимон - Гид-переводчик - Guide-interpreter - туристик хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома доирасида туристлар учун ташкилий хизматларни ва малакали ёрдамни амалга оширувчи, хорижий тил(лар)ни яхши эгаллаган, туристик объектлар тўғрисидаги махсус маълумотларга эга, туристик ахборотларни тақдим этувчи махсус гувоҳномага эга бўлган шахс.

Гид-таржимон хизмати - Услуги гида-переводчика - Guide interpreter service - туристларга вақтинчалик яшаш мамлакатида (жойида) туристик ресурслар билан таништириш билан шуғулланувчи профессионал даражада тайёрланган жисмоний шахснинг фаолияти.

Гиперинфляция - Гиперинфляция - Hyperinflation - ҳаддан ташқари инфляция, нархнавонинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул

топишга интилишнинг минимал даражага келиши билан ифодаланади. Г. Шароитида нархнавони мутлақо тартибга солиб бўлмайди.

Голф - Гольф - Golf - спорт тури. Тўп ва чавгонлар билан очиқ майдонда ўйналади. Бунда 50 мингдан 200 минг м2 гача сатҳга эга бўлган паст-баландлиги ўртача табиий майдон (қир-адир, истироҳат боғи, ўрмон чеккаси) керак, унда табиий ҳолатида қолдирилган 9 ёки 18 та йўлак-трасса белгиланади; ҳар қайси йўлакнинг узунлиги 150 дан 470 м гача, кенглиги 30-40 м. Биринчи йўлак бошланишида тахминан 4 м2 катталикдаги майдонча тайёрланади, ҳар бир йўлакнинг охирида ўртасида ўйиқ-чуқурча (чуқурлиги 11 см ва диаметри 10 см)ли тахминан 20 м2 келадиган майдонча бўлади. Ўйинчилар жой релефи ва тўпни йўналтириш керак бўлган масофа қандайлигига қараб катталиги, йўғонлиги, учининг шакли бирмунча фарқланадиган, узунлиги 85—110 см чавгон (клеб)лардан фойдаланадилар. Ўйиннинг мақсади тўпни (вазни 44 г. қуйма резинали копток) чавгон билан уриб барча йўлаклардаги чуқурчаларнинг ҳар бирига олиб бориб тушириш. Бу ишни камроқ зарб билан амалга оширган ўйинчи ёки жамоа ғалаба қилади. Голф ўйини ўрта асрда Данияда пайдо бўлган. АҚШ, Канада, Буюк Британия, Япония, Австралияда тарқалган. 1900 ва 1904 йилда Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган эди. Голфни асосан ўрта ва катта ёшдагилар ўйнайди. Голф Ўзбекистонда ҳам оммавийлаша бошлади. Бунда 1998 йилда қуриб битказилган Тошкент голф клуби катта аҳамият касб этди.

Гондола - Гондола - Gondola - Венеция (Италия) каналлари бўйлаб туристларни сайр қилдириш учун ноодатий Венеция қайиғи.

Гор - Пещера - Cave - 1) бир ёки бир неча кириш тешикларига эга, ер устки қобиғидаги бўшлиқ; 2) қуёш нури билан ёритилмаган қисм ва чуқурликларга эга, инсон кириши мумкин бўлган табиий ер ости бўшлиғи.

Госпитал - Хоспитель - Hospital - даволаниш ва соғлиқни сақлаш тартиб-қоидаларига риоя қилиш учун мўлжалланган, шунингдек, клиника ва санаториядаги функцияларни бирлаштирадиган муассаса.

Гранд тур - Гран тур - Grand tour - XVIII - XIX асрларда Европа аристократлари (ва кейинчалик бой буржуа оилаларнинг) ўғилларининг таълим олиш мақсадида амалга оширган узоқ муддатли сафарлари. Ушбу сафарлар айниқса XVIII асрда Англияда оммалашган ва баъзан бир неча йиллаб давом этган. Маршрут одатда Франция, Марказий Европа ва Италиядан ўтиб, Испания ҳамда Европанинг бошқа мукаддас жойларини қамраб олган. Россиялик саёҳатчилар кўпинча Германия ва Швейцария орқали Париж ва Лондонга саёҳат қилганлар. Шу билан бирга ўша даврда Италия ҳам ташриф буюриладиган севимли жой эди.

Грум сервиси - Грум-сервис - Groom service - меҳмонхоналарда кичик хизматлар кўрсатадиган уларни топшириқларини бажаришга юборилган хизматчи. Одатда, грум сервис хизматчилари ўсмирлар орасидан танланади, хизмат ҳақи мижоз томонидан қондириладиган чой-чақа билан тақдирланади.

Гуруҳдаги туристлар сони - Количество туристов в группе - Number of tourists in group - гуруҳдаги туристларнинг ҳақиқий сони.

Гуруҳли таърифлар - Групповые тарифы - Group rate - нархлар-нетто (нет-ратес) бир хил фаолият режаси билан келадиган туристлар гуруҳини сигдириш учун. Нарх-нетто расмий равишда қоида бўйича текширувларсиз нархлардан гуруҳли чегирмалар билан шаклланади эълон қилинган. Гуруҳли тарифлар - бир гурух туристларни бир хил дастур билан жойлаштириш учун белгиланган нархлар.

Гуруҳли тур - Групповой тур - Group tour - туристик саёҳат тури, қатнашувчилар сони моддий тарафдан қулай қилинган йўл ҳақи билетларни сотиб олмайдиган мунтазам транспорт қатновига бутун бир транспортни ижарага олади.

Гуруҳли туризм - Туризм групповой - Group tourism - туристик сафарлар шахс гуруҳлари (шу жумладан, оилалар) томонидан амалга ошириладиган, тўхтаб ўтиладиган, қоладиган муддатлари ва бошқалар туристик фирма томонидан белгиланган режага мувофик ташкил килинадиган туристик тур. Гуруҳли турлар индивидуал турларга нисбатан арзонроқ таърифда амалга оширилиши билан ҳам фаркланади.

Д

Даблдекер - Даблдекер - Double-decker - икки қаватли шаҳар автобуси. Кўпинча шаҳарлараро транспорт воситаси сифатида ишлатилади. Икки қаватли автобуслар Буюк Британияда шаҳар транспорти сифатида кенг тарқалган бўлиб, бугунги кунда Европа, Осиё ва Австралиянинг айрим шаҳарларида ҳам қўлланилмоқда. Энг машҳур икки қаватли автобус, Лондоннинг Рутмастер шаҳридадир ва бу шаҳарнинг рамзи бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, икки қаватли автобусларнинг узоқ масофага мўлжалланган моделлари ҳам мавжуд. 2014 йилда Тошкент шаҳрига ҳам Higer русумли икки дона икки қаватли туристик автобус келтирилган бўлиб, шаҳар бўйлаб экскурсияларда фойдаланилиб келинмоқда.

Давлат қўриқхонаси - Заповедники государственные - State reserve - халқаро даражадаги биосфера қўриқхонаси тармоғида белгиланган талабларга амал қилувчи, давлат биосфера қўриқхонаси мақомига эга бўлган ҳудуд. Давлат қўриқхоналарига қуйидаги вазифалар юклатилган: муҳофаза остидаги барча табиат

мажмуасининг табиий ҳолатини сақлаб қолиш; тадқиқот ўтказиш; Иқтисодий ва бошқа объектларни жойлаштириш бўйича лойиҳаларни ва схемаларни давлат экологик экспертизасида иштирок этиш; табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий ходимлар ва мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш; экологик билимларни тарғиб қилиш.

Давлат солиқ хизматлари органи - Органы государственной налоговой службы - State tax authorities - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек шаҳар туманлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича давлат солиқ инспекциялари.

Давлатнинг туризм сиёсати - Туристская политика государства - Tourist policy of a country - бу туризм индустриясини ва туризм бозори субъектларини (туроператорлар ва турагентлар) ривожлантириш, фуқароларга туризм хизмат кўрсатиш шаклларини такомиллаштириш ҳамда шу асосда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича давлат фаолиятидан иборат. Туризм сиёсати Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида амалга оширилади, аввалambор минтақа алоҳида субъектлар даражасида, ундаги мавжуд бўлган туризм билан минтақа иқтисодиёти ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади. Давлатнинг туризм сиёсати халқ хўжалик мажмуасини ривожлантириш ва аниқ мақсадларга эришиш учун туризм соҳаси фаолиятига давлат таъсирининг шакллари, усуллари ва таъсир қилиш йўналишларининг йиғиндисидан иборат (батафсил И.С. Тухлиев ва бошқалар "Туризм асослари". Дарслик. - Тошкент, 2014, 388 -б.)

Даволаниш туризми - Туризм оздоровительный - Health tourism - туризмнинг асосий мақсади даволаш, ҳар қандай касалликнинг олдини олишдир.

Даволаш иқлими - Климатолечение - Climate curative - қуйидагилар киради: аэротерапия, гелиотерапия, даволовчи чўмилиш, оёқ ости терапияси, фитотерапия ва бошқалар.

Даволаш-соғломлаштириш туризми - Туризм лечебно-оздоровительный - Therapeutic tourism - дам олиш ёки даволаш мақсадларида амалга ошириладиган туризм тури. Туристлар, одатда, организм энг фойдали деб ҳисобланган ва сурункали касалликларни даволашга ихтисослашган, соғломлаштириш тартиб-тамойилларини тақдим этадиган курортларни танлашади.

Даврий меню - Меню цикличное - Wide-range menu - мижоз учун кенг танловни таъминлайдиган меню. Даврий менюси кундалик ўзгарувчан салатлар, гўшт ва баликли таомлар,

газаклар ва ширинликлар билан таъминланади.

Дайвер - Дайвер - Deep diver - сув остига чукур шўнғиш бўйича мутахасис (40 метрдан чукур бўлмаган).

Дайвинг - Дайвинг - Diving, dive - 1) сув остидаги махсус мосламалар билан (акваланг); 2) сув остига шўнғиш ёки чўкиш.

Дайджестиф/хазми таом - Дайджестиф - Digestif - тўйиб овқатланишдан кейин таомни тез ҳазм қилиш мақсадида кам миқдорда алкоголь (коньяк, ликёр) маҳсулотини истеъмол қилиш.

Дайди турист - Турист-бродяга - Stroller tourist - "таниш-билишчилик"дан фаол равишда қочади, туристик ташкилотлар билан бўладиган ҳар қандай алоқа шаклини рад этади, жозибадорликдан маҳрум этилган анъанавий туризмнинг "янги" кўриниши. Дайди турист ҳар бир ишни мустақил бажаришга мойил бўлади. У қатъий белгиланган маршрутга, саёҳат жадвалига, аниқ сафар мақсадига эга эмас. У ўзининг ҳар бир саёҳатида маҳаллий маданиятга бутунлай киришиб кетади.

Дам олиш базаси - База отдыха (туристская база - туристик база) - Holiday camp, holiday center, Holiday village - меҳмондўстлик индустрияси корхонаси, табиат қўйнида жойлашган, алоҳида туристлар учун яратилган, дам олишнинг актив турига ҳаваскорлар учун (чанғи ва сув спорти, алпинизм кабилар). Бази туристлар маршрутларга эга бўлиб, кўпинч бошида ёки охирида. Бутун гуруҳларга боғлиқ ҳолда (дам олишнинг асосий тури ўлка, жойга туташувчи)қўшимча сервис: хамкорлик қиладиган ва жиҳозлар (чана ижараси, дайвинг учун асбоблар ва бошқа инвинтарлар).

Дам олиш вақти - Время рекреационное - Recreation time - инсон фаолиятининг дам олиш функциясини амалга ошириш вақти.

Дам олиш клуби - Клуб отдыха - Holiday club - бу туристга турар жойга эга бўлган дам олиш, спорт билан шуғулланиш, туристик ресурслар билан танишиш, клубнинг хордиқ берувчи хизматларидан фойдаланиш ва амалга ошириш имкониятини тақдим этувчи тижорат ёки нотижорат ташкилоти. Дам олиш клуби ташкил этилиши шартлари унинг таъсисчилари томонидан белгиланади ва низомда кўрсатилган бўлади. Кўрсатилган шартлар тугаши билан клуб аъзолиги бекор қилинади.

Дам олиш клуби аъзолик сертификати - Сертификат члена клуба отдыха - Club holiday membership certificate - бирор бир клубга аъзолигини кўрсатувчи ва узоқ муддат дам олиш ҳуқукини берувчи, клуб томонидан таъсис этилган ҳужжат.

Дам олиш клуби жойлаштириш воситаси - Средства размещения клуба отдыха - Holiday club accommodation - клуб томонидан ўзининг аъзоларини жойлаштириш учун меҳмонхона ёки бошқа коллектив ёки индивидуал

жойлаштириш воситаси. Жойлаштириш воситалари номерлар ва аппартаментларга бўлинади.

Дам олиш клуби ташкилотчиси - Учредитель клуба отдыха - Holiday club founders - дам олиш учун мўлжалланган биноларни жойлаштириш, эгалик қилиш, рўйхатга олиш, бошқаришни ташкил қилиш, уни бозорга олиб кириш ва клубда дам олиш ҳуқукларини сотишни ташкил этиш учун унга берилган (эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш) мулк ҳуқукларини амалга оширувчи юридик ёки якка тартибдаги тадбиркор. Дам олиш масканининг асосчиси турар жойлар эгаси бўлиши мумкин.

Дам олиш клубининг аъзоси - Член клуба отдыха - Holiday club member - клубга аъзолик учун кириш бадалини тўлайдиган, дам олиш клубининг аъзолари реестрига киритилган клубнинг низомида ва шартномада белгилаб қўйилган ҳуқук ва мажбуриятларни бажариши лозим бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Дам олиш клублари жойлаштириш воситаларига эга мулкдор шахс - Собственник средств размещения клуба отдыха - Holiday club accommodation owner - якка тадбиркор ва юридик шахс, ташкилотлар ва уларга дам олиш хизматини кўрсатувчи, узоқ муддатли ижара шартномасига кўра якка тартибдаги ёки гуруҳли жойлаштириш воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқига эга мулкдор шахс.

Дам олиш кунлари саёҳати - Поход выходного дня - Weekend excursion - 1-3 кун давом этган сайёҳликнинг энг оммабоп ва қулай тури, 10-12 дан 40-60 км.гача бўлган маршрутлар узунлиги, иштирокчилар сони 2-3 дан 30-60 гача ва бошқалар. Жисмоний фаолиятга боғлиқ ҳолда, ҳафта охири сафарлари шартли равишда билим, ўйин-кулги, машқ, рақобатбардош оилаларга бўлинади.

Дам олиш мавсуми - Сезон отдыха - Holiday season - истеъмолчи (турист) учун йилнинг маълум бир қисмидаги дам олиш учун вақт. Қуйидаги дам олиш мавсумлари мавжуд: юқори (энг кўп ташриф буюриш), қуйи (энг кам ташриф буюриш) ва ўрта мавсум.

Дам олиш маскани - Зона отдыха - Recreational area - дам олиш жойларини ташкил қилиш учун хизмат қилувчи табиий ёки махсус ташкил этилган ҳудуд. Кўпинча пейзаж-рекреацион ҳудудлар сифатида парк, ўрмон ва бошқа яшил ўсимликлар массивлари фойдаланилади.

Дам олиш оралиғи - Интервал отдыха - Interval leisure - дам олиш клубидаги жойлаштириш воситасида қолиш давомийлиги. Бу бир кечалик, бир ҳафталик ёки бошқа муддатларда бўлиши мумкин. Дам олиш оралиғининг доимий, ўзгарувчан, шунингдек, икки йилда бир маротаба сингари турлари мавжуд.

Дам олиш уйи - Дом отдыха - Vacation center - одатда 7 кундан бир ойгача бўлган муддатда қулай

шароитларда жойлашиш ва овқатланишни таклиф қилувчи туризм ва рекреация маскани. Дам олиш уйи курорт ҳудудларда ҳамда сўлим табиат гўшаларида жойлашган бўлиши мумкин. Ушбу муассасалар махсус даволашни талаб қилмайдиган соғлом кишилар учун мўлжалланган. Дам олиш уйи санаторий ва соғломлаштириш марказларидан фарқли ўлароқ тиббиёт муассасаси эмас.

Дам олиш хонаси - Комната отдыха - Rest room - ресторан ва меҳмонхонада ишловчи ходимларнинг дам олиш жойи.

Дарёнинг тезокар жойи - Стремнина - Dalle - дарёнинг гордан чиқиб кетадиган ва тез оқадиган жойи.

Даромадни бошқариш тизими - Система управления доходом - Rms-revenue management system - ихтисослаштирилган меҳмонхоналар маҳсулоти бўлиб, асосида мураккаб аналитик, статистик, эконометрик, математик, ва бошқа алгоритмик моделлар ётади. Мазкур тизим меҳмонхона бошликларига бозордаги талабни кузатиб боришга ва меҳмонхона номерлар фондини сотишга доир нарх бўйича маслахатларни олишга ёрдам беради.

Даромаднинг қайтиши - Норма прибыли - Rate of return - бошлангич инвестициянинг улуши сифатида ифодаланган инвестицияларнинг келтирадиган йиллик даромади.

Дастлабки бронлаш - Приоритетное бронирование - Priority booking - туризм оператори билан жойлаштириш воситаси ўртасидаги муносабатлар шакли, ушбу тур операторлар томонидан тақдим этилган аризалар меҳмонхона менежери томонидан кўриб чиқиши юзасидан устуворлиги билан тавсифланади.

Дегустация/чашначилик - Дегустация - Tasting - "турли хил маҳсулотларнинг таъмини диққат билан баҳолаш" деган маънони англатувчи, таъм тизимига, ҳис-туйғуларга, юқори ошпазлик санъатига эътибор берувчи кулинария термини. Вино таъмини таътиб кўриб аниқлаш бошқа турдаги кучли алкогол маҳсулотларникидан фарқ қилади. Уйда ёки ресторанда пишлоқ намуналарини танлаб олишни ҳам дегустация дейиш мумкин.

Декбоат - Декбоат - Deck boat - палубали қайиқ. Улар кенг бурунли кокпитга эгалик қилади. Ушбу моторли қайиқларга кўпроқ йўловчилар жойлаша олади ва ичимликларни совутиш учун музли идишлар, коктейллар ва барбекю тайёрлаш учун махсус столлар билан жиҳозланади.

Декларант - Декларант - Applicant - товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи шахс ёхуд унинг номидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари декларацияланаётган шахс.

Декларация - Декларация - Declaration - давлат органларига даромад ёки мол-мулкнинг миқдорини, солиқ ва бож қийматини аниқлаш учун қонун ҳужжатларида ва иқтисодий хулқ-

қоидаларга мувофиқ зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги билдиришнома. Солиқ декларациялари солиққа тортиладиган даромадларга, божхона декларацияси чегарадан олиб ўтиладиган товарларга қаратилган маълумотларни ўз ичига олади. Декларацияни топширадиган шахс декларант деб аталади.

Делюкс - Делюкс - Deluxe - ҳашаматли меҳмонхона (меҳмонхона номери), ресторан ва бошқаларнинг тури.

Денгиз касаллиги - Морская болезнь - Seasickness - бу касаллик ҳолати қулоқнинг ички вестибуляр ҳаракатлари натижасида юзага келади. Касаллик бош айланиши, кўнгил айниши, қайт қилиш каби ҳолатларда ўзини намоён қилади.

Денгиз туризми - Туризм морской - Marine tourism - мунтазам қатновчи йўловчи кемалар ёки махсус круиз кемаларида амалга оширилади. Қоида тариқасида маршрут кема вақти-вақти билан туристлар экскурсия ва кўнгилочар дастурлар ташкил этиладиган турли шаҳарларнинг портларига чиқишлари учун махсус танланади. Кема бортида йўловчиларга одатда тўлиқ пансион кўринишида таом берилади.

Депортация - Депортация - Deportation - жиноий ёки маъмурий жазо чораси сифатида давлатдан мажбуран чиқариб юбориш. Кенг маънода депортация қилиш, одатда шахсни ёки шахслар гуруҳини бошқа давлатга ёки бошқа жойга мажбуран чиқариб юбориш деб тушунилади. Қоида бўйича виза муддати тугаганидан кейин мамлакатда қасддан қолган хорижий турист хибсга олиниши ва дарҳол ўз давлатига депортация қилиниши керак.

Дестинация - Дестинация - Destination - туристларнинг талабларини қондиришга ва туристик тажриба орттиришга мўлжаланган, туристларни қабул қилиш учун махсус ташкил қилинган ижтимоий ва маданий аҳамиятга эга бўлган жой ёки макон.

Диний туризм - Туризм религиозный - Religious tourism - муқаддас жойлар ва диний марказларга боришни истайдиган туристлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва нормал шароитлардан ташқарида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган фаолият тури. Диний туризм иккита асосий турга бўлинади: зиёрат туризми ва диний туристик марказларга экскурсия-танишув.

Директ мейл - Директ мэйл - Direct mail - реклама қилиш тури: почта орқали поценциал мижозларга ва буюртмачиларга тўғридан-тўғри реклама материалларини жўнатиш.

Днёвка/қолиш - Днёвка - Stay over - туристик компаниясида ушбу гуруҳнинг ўз фаолиятини давом эттирадиган куни.

Доимий меҳмон - Гость постоянный - Regular guest - бир неча катта меҳмонхоналар "доимий меҳмонлар" учун махсус фаолият режасини яратган. Бу меҳмонхона фаолиятидаги режаларининг

афзаллиги, улар яратган минимал сондаги тунаш жойлашувининг занжири арзонлашишига боғлиқ, шарт аниқ асос қилинган.

Доимий туризм - Туризм постоянный - Stable tourism - туристик ҳудудларга йил давомида туристларнинг деярли бир хилда ташриф буюриши.

Доллар - Доллар - Dollar - (валюта белгиси - $) - дунёнинг кўплаб мамлакатлари, хусусан, Австралия, Белиз, Канада, Янги Зелландия, Намбия, Сингапур, Синт-Эстатиус, Саба, Шарқий Тимор, Пуэрто-Рико, Панама, Пала, Бруней, Бонэйр, Британия Виржиния ороллари, Багама ороллари, Бермуд ороллари, Маршаллов ороллари, Соломон ороллари, Америка қўшма штатлари, Сальвадор, Эквадор, Тайвань, Гонконг, Зимбабве, Фиджи, Микронезия федератив штати, Теркс и Кайкос, Ямайка ва бошқа мамлакатларнинг пул бирлиги. Бир доллар, одатда, 100 центга тенг.

Дўконлар занжири - Цепи магазинные - Chain stores, multiple shops - бир ташкилотга тегишли бўлган кўп сонли дўконлар занжири.

Дунё бўйлаб саёҳат - Кругосветное путешествие - World tour - 1) ҳар қандай сайёҳнинг асосий орзуси. Бутун дунё бўйлаб саёҳат қилишнинг энг қулай усулларидан бири - океан круизлари воситасида саёҳат қилишдир. 2) ер юзи бўйлаб, ер ўқи атрофида амалга ошириладиган ҳамда бошланиш нуқтасида ниҳоясига етувчи саёҳат тури. Агар бундай саёҳат ташқи таъсирларсиз, сув таъминоти, ускуналар ва бошқа зарурий воситалар таъминотисиз амалга оширилса, унда бундай сафар бутун дунё бўйлаб тўхтовсиз сафар деб аталади.

Дюти фри - Дьюти-фри - Duty free - 1) аэропортларда, самолёт бортларида, кемаларда ва бошқа транспорт воситаларида, ёки туристлар ташриф буюрадиган алоҳида ҳудудларда соликсиз савдо қилиш тизими (одатда, тамаки маҳсулотлари, вино, парфюмерия ва сувенирлар). 2) хорижий шахслар томонидан ташриф буюриладиган аэропортлар, паромлар ва бошқа жойлардаги бож туловисиз амалга ошириладиган савдо тизими.

E

Евроосиё - Евроазия - Euroasia - МДҲ давлатлари учун ягона туристик ҳудудни тиклаш мақсадини кўзлайдиган туристик ташкилотлар ассоциацияси.

Европа - Европа - Europe - статистик маълумотларни бир жойга йиғиш ва тақдим этиш, стратегик башоратларни қайта ишлаш доирасидаги БТТдаги 6 туристик макрорегионнинг бири.

Европа иқтисодий жамияти - Европейское экономическое сообщество - European economic community - 12 та Ғарбий Европа мамлакатлари (Белгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия,

Португалия, Франция, Германия)ни ўз ичига олган интеграциялашган гурух. 1957 йилда Рим шартномасига асосан тузилган. 1960 йиллар охирида ягона божхона иттифоқи ташкил этилган. Аъзо давлатлар ўртасида божхона божи бекор қилинган, ўзаро савдо-сотиқдаги миқдорий чеклашлар, учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифи киритилган. 1992 йилнинг охирида ягона ички бозор тузилиши жараёни тугаган.

Европа усули - План европейский - European plan - нарх таркиби фақатгина номер нархини (овқатлантириш хизматисиз) ўз ичига олган меҳмонхонада овқатланиш бўйича ҳисоб-китоб қилиш усули.

Ёдгорлик - Памятник - Monument - 1) кенг маънода - мамлакат, халқ маданий меросининг бир бўлаги; унинг таркибига музейларда намойиш этиладиган тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳамда кўзгалмас (бино ва бошқалар) ёдгорликлар киради. Умумий хусусиятларига кўра, археологик, тарихий, меъморий ва маҳобатли санъат ёдгорликларига бўлинади, шунингдек, тарихий бадиий қимматга эга бўлган ёзма ёдгорликлар ҳам унга тааллуқлидир. Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш вазифаси умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, у маънавий тарбиянинг асосий қисмини ташкил қилади; 2) тор маънода — маълум сана, воқеа ва шахсларни абадийлаштириш мақсадида яратилган санъат асари (ҳайкал, мақбара, қабртоши, эҳром ва ҳ.к.); уларга фаол ижтимоий таъсир этиш хос бўлиб, бу уларнинг гоясида, қўйилиши ва шаклий талқинида намоён бўлади. Ёдгорлик умум омма диққатига мўлжалланган ҳамда атроф-муҳитни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Ёйилган жойлаштириш - Размещение дисперсное - Dispersal location - объектлар бир-биридан муносабатга киришиш қийин бўлган тарзда жойлаштирилади. Турар жойлар рекреацион ривожланишининг бошланғич босқичидаги, цивилизация бормаган, маданиятдан ажралган ҳамда дам олиш учун қулай ҳудудларда бўлади.

Ёпиқ айлана маршрут - Маршрут замкнутый круговой - Closed circular route - йўловчиларни манзилига олиб боришда ва орқага қайтаришда худди шу турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиш режалаштирилган айлана маршрут.

Етакчи рекреация фаолияти - Занятие рекреационное, ведущее - Leading recreation activity - дам олиш тизимининг ихтисослашувини белгилаб берувчи ва тизим яратиш мезонига эга бўлган рекреацион фаолиятнинг элементи.

Ётоқ ва нонушта - Размещение и завтрак - Bed and breakfast - жойлашиш нархига фақатгина нонушта киритилган меҳмонхонага жойлаштириш (РВ, ВВ).

Ёшлар туризми - Туризм молодежный - Youth tourism - гуруҳ раҳбари ва гид-таржимон

ҳамкорлигида ёшлар гуруҳи учун ташкил этилган туристик сафар.

Ж

Жавон - Шифоньер - Chifoniere - тортмали баланд шкаф, тортмаларнинг сони 15 дан ортиши мумкин. 1730 йилдан буён ишлаб чиқарилади.

Жавон-купе - Шкаф-купе - Closet - сурилувчи эшикли гардероб.

Жайлоо туризм - Туризм джайлоо - Jailoo tourism - янги туристик турларидан бири. Жайлоо туризми маҳаллий аҳолиси яшайдиган, цивилизация етиб бормаган, ҳеч қандай электр ва мобил алоқа мавжуд бўлмаган ва бориш қийин жойларга уюштирилади. Бундай тур туфайли шаҳар аҳолиси ўрта асрларда ёки ҳатто ибтидоий шароитда яшаш имконига эга бўладилар. Жайлоо-туризм Африканинг ички ҳудудларида, Амазонка ўрмонида, Осиё тоғлари ва даштлари, Сибир ва Шимолий Американинг ўрмонлари ва тундралари ҳудудларида кенг тарқалган.

Жамоат бирлашмаси - Общественное объединение - Public association - бу фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, унда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маънавий ёки моддий эҳтиёжларни қондириш учун уларнинг манфаатларининг умумийлиги асосида бирлашишидир.

Жамоат фонди - Общественный фонд - Public fund - ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа аҳамиятга эга мақсадларга қаратилган, ихтиёрий мол-мулк бадаллари асосида жисмоний ёки юридик шахслар томонидан таъсис этилган ва аъзолиги бўлмаган ташкилот маблағи ҳисобланади.

Жамовий жойлаштириш воситаси - Коллективные средства размещения - Collective accommodation facilites - хоналар (хоналар ёки бошқа шу каби биноларга) ва яшаш жойларида мунтазам равишда турар жой билан таъминланган ва хоналар сони камида 10 та бўлиши керак бўлган ягона бошқарувга бўйсунадиган ҳар қандай корхона ҳисобланади.

Жаҳон мероси - Наследие всемирное - World heritage - бутунинсоният бойлигини ташкил этувчи маданий ва табиий бойликлар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) - Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) - World health organization (WHO) - халқаро тиббий ташкилот. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг ихтисослашган махсус муассасаси. 1945 йил февралда БМТ конференциясида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган. 1946 йилда соғлиқни сақлаш бўйича Нью-Йоркда ўтказилган Халқаро конференцияда БМТга аъзо 26 та мамлакат ташкилот уставини ратификация қилгач, жаҳон соғлиқни сақлаш

ташкилоти тузилди. Ташкилот ўз олдига ҳамма халкларнинг иложи борича соғ-саломат бўлишига эришишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу муассаса касалликларга қарши кураш олиб боради, уларни тугатиш тадбирларини кўради; атроф-муҳит мухофазаси, юкумли ва юкумсиз (сил, венерик ва паразитар касалликлар, юрак томир касалликлари, хавфли ўсмалар ва бошқалар) касалликларга қарши кураш учун халқаро стандартлар белгилаш, дори моддалар сифати ва қўшимча таъсири ҳамда наркотик моддалар устидан халқаро назорат ўрнатиш, тиббиёт фанининг энг муҳим масалалари (токсикология, фармакология, атроф муҳит гигиенаси ва бошқалар) бўйича ҳамда соғликни сақлаш соҳасидаги тадқиқотларни координациялаш ва уларни ўтказишга кўмаклашиш ҳам бу муассасанинг вазифаси. Ташкилот таркибига 6 регионал ташкилот киради. Улар ҳар бирининг ўз ижроия органлари ва регионал бюролари бор. Унинг олий органи - Жаҳон соғликни сақлаш ассаблеясини мамлакатлар сайлайди, унинг сессиси йил сайин чақириб турилади. Ташкилотнинг марказий маъмурий органи - Секретариатга (штаб квартираси Женевада) генерал директор раҳбарлик килади. Ташкилот маблағининг асосий манбаи унга аъзо бўлган давлатлардан тушадиган бадал пулидир. Ўзбекистон 1992 йилнинг 25 май кунида ЖССТга қўшилди. 1993 йилдан бошлаб ЖССТ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таркибий қисми сифатида Ўзбекистонни соғликни сақлаш соҳасидаги халқаро ва миллий мақсадларига эришишида, тегишли муаммоларни ечишда якиндан кўллаб-кувватлаб келмокда.

Жаҳон туризми статистикаси - Статистика мирового туризма - International tourism statistics - жаҳон туризми оқимлари ва тенденциялари, шунингдек унинг минтақавий тизимлари ҳақидаги маълумотлар, улар ҳар куни йиғилади, таҳлил қилинади ва БТТ томонидан эълон қилинади.

Жиддий нуқсон - Существенный недостаток - A significant disadvantage - белгиланган мақсадни бажаришга йўл қўймайдиган нуқсонли товарлар (хизматлар, ишлар).

Жисмоний шахс - Физические лица - Physical persons - ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлган алоҳида фуқаро (чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар) ни ифодаловчи тушунча. У жамоавий тузилма бўлган юридик шахсдан фарқ қилади: Жисмоний шахс бевосита ўз номидан иш юритади — фаолият юргизиши учун жамоавий тузилма-тегишли фирма ёки корхонани қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт эмас.

Жозибадорлик - Притяжение - Attraction - 1) объектлар орасидаги масофани қисқартириш истаги; 2) туризмда объектлар (шаҳар марказига меҳмонхоналарни жалб қилиниши, асосий рекреацион ресурслар ва инфратузилмаларнинг жойлашуви) ва саёҳатчиларнинг

бир ёки бошка дам олиш масканига бўлган муносабати, уларнинг танланганлигини тушунтириб берадиган муносабатлар сифатида намоён бўлади.

Жойлаштириш воситаларининг очик сотуви - Свободная продажа услуг средств размещения - Free sale - ўз ҳамкорлари (тур операторлари, саёҳат агентлари ва бошқалар) турар жойида ўз мижозларини жойлаштиришни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишлари, шунингдек, улар томонидан олиб борилган бронлаш тўғрисида хабардор қилишлари мумкин.

Жойлаштириш воситаси паспорти - Паспорт средства размещения - Accommodation passport - жойлаштириш воситаси жойлашган жой, моддий-техника базаси ва мижозга кўрсатиладиган хизматлар рўйхати аниқ баён қилинган ҳужжат.

Жойлаштириш воситаси тури - Тип блока размещения - Accommodation type - клуб аъзоларига тақдим этилган жойлаштириш воситасининг қулайлик даражаси ҳамда апартамент номернинг ўлчами.

Жойлаштириш воситасининг сервис хусусияти - Сервис-характеристика средства размещения - Service characteristics of accommodation - жойлаштириш воситасининг паспортида кўрсатилган хизматларнинг стандартлаштирилган рўйхати ва уларни тақдим этишда фойдаланиладиган моддий-техник воситалар.

Жойлаштириш ҳажми - Емкость размещения - Capacity of location - қўшимча инвестициясиз мавжуд бўлган ресурслар асосида улардан фойдаланишда интенсификация йўли билан кенгайтирилган ишлаб чиқаришни амалга оширишдаги меҳмонхонанинг имконияти ва бошқа жойлаштириш воситалари.

Жойлаштириш харажатлари - Расходы на размещение - Accommodation expenses - жамоавий туристик муассасалардаги турар жой харажатлари; уй-жойларни ижарага олиш учун ижара ҳаки; ҳар бир ташриф давомида ёзги уйлар ёки дала ховлиларни таъмирлаш ва фойдаланиш учун тўловлар, квартиралар ёки шунга ўхшаш уйлар билан боғлиқ яшаш жойларига харажатлар, шунингдек яхта ва қайиқлар учун харажатлар, автотиркамалар ёки гилдиракли уйлар (кичик автобуслар ва дам олиш учун транспорт воситаларидан ташқари)ни ёллаш каби харажатлар шулар жумласидандир.

Жойни аниқлаш - Локализация - Location - муайян объектни қуриш учун жой танлаш.

Жўнатувчи туроператор - Аутгоинговый туроператор - Outgoing tour operator - ўз мамлакатининг фуқароларини мамлакатдан ташқарига саёҳат қилишини ташкил этиш, ҳаракатга келтириш ва халқаро чиқиш турларини реализайция қилишга

ихтисослашган туроператордир. Бу туроператорлик фаолиятининг кўп куч ва маблағ талаб қиладиган қийинроқ кўринишидир. Жўнатишнинг қийинлиги сотиладиган йўлланмани чукур ўрганиш зарурлигида ва ҳар хил аспектлар ҳақда тўлиқ маълумот олиш зарурлигидадир. Оператор фақатгина сотиладиган меҳмонхоналар, экскурсион дастурлар, ташкил этиладиган трансфералар, давлатга киришни расмийлаштириш тартиби ҳақида тўлиқ маълумотни билиб колмасдан, балки маҳаллий ҳукуматнинг снёсатини борган мамлакатдаги қонунларини, анъаналарини, хукукий меъёрларни, туристнинг хавфсизлигини, маҳаллий ошхонанинг ўзига хослигини, дам олиш ва кўнгил очар муассаларнинг ишини ҳам билиши керак.

З

Зарар - Ущерб - Damage - битим иштирокчиларидан бири, хусусан, шартномавий ҳамкорлар ёки турист ёки учинчи шахс томонидан етказилган зарарларнинг компоненти.

Зардўштийлик - Зороастризм - Zoroastrianism - 1) Эрон, Афгонистон, Озарбайжон ва Яқин ва Ўрта Шаркнинг бир қатор давлатларида қадимда ва ўрта асрларда кенг тарқалган дин, Ҳиндистондаги Парсислар ва Эрондаги гербилар орасида сақланиб колган. Бу ном пайғамбар сифатда кўрилган Зороастер исмидан олинган. Муқаддас китоби - "Авеста". Зардўштийликнинг асосий тамойиллари иккита: яхши ва ёмонни фаркли қилиш, уларнинг ўртасидаги курашда яхшиликнинг якуний ғалабага эришиши. Аҳурамазда энг буюк худо қиёфасида тасвирланган. 2) **Зардуштийлик**, зороастризм — милоддан аввалги 7—6 асрларда вужудга келган дин. Асосчиси — Зардушт. Сўнгги тадқиқот хулосаларига қараганда, Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм бу диннинг ватани бўлган. Ўрта Осиё, Эрон, Афгонистон, Озарбайжон ҳамда Яқин ва Ўрта Шаркнинг бир неча мамлакатларида тарқалган. Қадимги пахлавий тилида "Зардушт" сўзи "Магупта" деб аталган. Пахлавий тилидаги ёдгорликларни араб тилига таржима қилган олимлар уни "мажус" шаклида қўллаган.

Зиёрат - Паломничество - Pilgrimage - муқаддас жойларга, зиёратгоҳларга ташриф буюриш билан амалга ошириладиган диний туризмнинг бир тури.

Зиёрат туризми - Туризм паломнический - Religious tourism - диний туризмнинг бир тури. Зиёрат сафарлари турли хил динга ва эътикодларга содиқ одамлар томонидан амалга оширилади. Одатда, бу муқаддас жойларга саёҳатларни, монастрларга ва турли хил тарихий-археологик масканларга ташрифларни ўз ичига олади.

И

Ибодатхона - Храм - Temple - сиғиниш ва диний маросимларга мўлжалланган ибодатхона биноси. Ибодатхонанинг аҳамияти одатда маросим ўтказиш вазифаларига қараганда анча кенгроқ бўлиб, уларда кишилар томонидан татбиқ этадиган диний ғоялар амалга оширилади. Ибодатхоналар меъморчилиги ва декоратив безаклари рамзи сифатида кўплаб даврларда коинот суратларидан фойдаланилган (айниқса, Ўрта асрларда Европада), шу билан бирга, ибодатхонада жамоат йиғилишлари, тантанали маросимлар, диний маросимлар, хотира тадбирлари ўтказилади.

Идеал хизмат - Идеальная услуга - Ideal service - муайян хизмат фаслиятининг назарий модели. У аҳолига хизмат кўрсатишда қоидалар, сифат стандартлари, хизматларни етказиб бериш технологиясини ўз ичига олади.

Ижобий таъсирлар - Положительные эффекты - Positive effects - туристик фирмалар турпакетининг сотилган хизматлар ҳажмининг ошишига боғлиқ бўлмаган ҳолда даромадларининг ошиши; минтақада туризм инфратузилмасини ривожлантириш; иш ҳақи миқдорини ошириш, иш ўринлари ва бўш иш ўринларини кўпайтириш; солиқлар ва йигимлар орқали давлат даромадларини ошириш ва бошқалар.

Ижтимоий жойлаштириш воситалари - Социальные средства размещения - Social accommodation - ёшлар меҳмонхоналари, туристик ётоқхоналар, гурухли жойлаштириш воситалари, қариялар учун дам олиш уйлари, ташкилот ишчилари учун жойлаштириш воситалари, ишчилар учун меҳмонхоналар, мактаб ётоқхоналари ва шуларга ўхшаш ягона бошқарувга эга, маблағ билан таъминланадиган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектлар (БТТ таърифи).

Ижтимоий суғурта - Социальное страхование - Social insurance - кишилар ҳаётида юзага келувчи ижтимоий хавфларнинг салбий оқибатларига барҳам бериш ёки юмшатиш мақсадида ишга лаёқатлилик ва йўқотилган даромад учун тўланадиган тўлов.

Ижтимоий туризм - Туризм социальный - Social tourism - ижтимоий эҳтиёжлар учун давлат томонидан ажратиладиган маблағ ҳисобига амалга ошириладиган саёҳатдир. Ижтимоий туризмдан мақсад даромад олиш эмас, кам даромадли кишиларни қўллаб - қувватлаш, уларни дам олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашдир. 2) болалар, ёшлар, нафақахўрлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат, давлат ва нодавлат маблағлари, бошқа хайрия ташкилотлари томонидан таъминланадиган бошқа фуқаролар учун саёҳат, дам олиш ва

даволаниш учун шароит яратиш максадида ижтимоий эхтиёжлар учун ажратилган маблағлардан субсидияланадиган туризм тури, ижтимоий ёрдам; ижтимоий туристларнинг рўйхати ва тоифалари тегишли қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Ижтимоий-маданий соҳа - Социально-культурная сфера - Socio-cultural sphere - бу идоралар, давлат корхоналари ташкилотлар, бошқарув органлари, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг йиғиндиси. Ижтимоий-маданий ва ахборот мақсадида хом-ашё ва хизматларни ташкилотларга сақланган ҳолатда бўлиш, халқнинг маданий ва ахборот мақсадидаги эҳтиёжини қондиришдир.

Ижтимоий-маданий хизматлар - Услуги социально-культурные - Socio-cultural service - жисмоний саломатликни сақлаш ва тиклашни таъминлаш, шахснинг маънавий ривожланиши, касбий маҳоратини оширишга қаратилган хизмат. Хусусан, ушбу турдаги хизматлар тиббий хизматларни, маданий хизматларни, туризм, таълимий ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин.

Икки марталик брон қилиш - Бронирование двойное - Double booking - барча жойлар аллақачон банд бўлганлигига қарамасдан қўшимча гуруҳларга ёки алоҳида сайёҳларга турар жойларни тасдиқлаш. Олдиндан тасдиқланган буюртма беришдан воз кечиш учун қатъий жавобгарлик бор, лекин мехмонхоналар қўшимча резервларга боради, чунки ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, улар буюртма беришдан бош тортишнинг тахминий ва муқаррар даражасини билишади.

Иккинчи категорияли номер - Номер второй категории - Second category room - бир-икки киши яшашга мўлжалланган тўлиқ жиҳозланмаган (умвалник, унитаз) ҳар иккита номерга битта қилиб қурилган ва бита яшаш хонаси бир-икки кишилик кровать билан таминланган номер.

Иккинчи турдаги турар-жой - Жильё второе - Second lodging - индивидуал ҳолда туристларни жойлаштириш воситаси. Шакллари: дала-ҳовлилар, коттежлар, боғли уйлар.

Иқлимли муолажа - Климатотерапия - Therapeutic climate - об-ҳаво омилларидан даволаш ва касалликларнинг олдини олиш мақсадларида фойдаланиш.

Иқтисод синфдаги номер - Номер экономического класса - Economy class room - кенг доирадаги мижозларни жойлаштириш учун номер. Бундай номерлар асосан жойлаштириш нархининг арзон бўлишига таъсир қиладиган камтарона ва арзон мебел ва ускуналар билан жиҳозланган (номерда душ ёки ванна, ҳожатхона, совутгич, телевизор).

Иқтисодий (бизнес) давр - Экономический (деловой) цикл - Business cycle - бир неча йиллар давомида иқтисодий (бизнес) фаолият даражасининг ошиши ва пасайиши. Бу иккита бир хил

иқтисодий конъюктура ҳолати ўртасидаги вақт оралиғи.

Иқтисодий ресурслар - Экономические ресурсы - Economic resources - маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган табиий, инсоний ва ишлаб чиқариш ресурсларидир. Булар: завод ва қишлоқ хўжалиги бинолари, асбоб-ускуналар, асбоблар, машиналар, транспорт воситалари ва коммуникациялар, турли хил меҳнат турлари, ер ва барча фойдали қазилмаларни ўз ичига олади. Барча иқтисодий ресурсларни қуйидагиларга бўлиш мумкин: моддий ресурслар (ер, капитал); инсон ресурслари (меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти); маълумотлар.

Иқтисодий синф меҳмонхонаси - Гостиница класса экономического - Tourist hotel - меҳмонхонаси ўртача ўриндаги муассаса тахминан 150 ўрин. Автомагистралдан узоқ бўлмаган қишлоқ ёки шаҳар атрофида жойлашган. Бундай турдаги меҳмонхона оддий ва тез хизмат кўрсатишга қаратилган хизматларни кўрсатиш учун мўлжалланган. Асосий мижозлари бизнесменлар ва якка тартибдаги туристлар, (саёҳатчилар) яшашни иқтисод қилишни хохловчилар.

Иқтисодий фаолият ҳолати - Статус экономической деятельности - Status of economic activity - иқтисодий нуқтаи назардан ташриф буюрувчи одамнинг асосий кундалик фаолиятини англатади (БТТ таърифи).

Иқтисодий ҳодиса - Явление экономическое - Economic scene - иқтисодий муносабатлар тизимининг бошқа ходисалардан фаркли ва улар билан боғлик алохида тизимидир; иқтисодий олам хакикатда мавжуд, яъни объективдир.

Илм йўли - Учебная тропа - Study route - табиат ҳодисалари ва объектлари ҳақидаги билимларни этказиб берадиган экологик ва табиатни сақлаш концепциясини яратиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

Илмий туризм - Научный туризм - Scientific tourism - қоидага биноан туристлар томнидан фойда олмайдиган туризм тури бўлиб унинг асосий мақсади у ёки бу илмий дастурларда, конгресслар, симпозиумлар, илмий семинарлар ва ҳоказоларда иштирок этиш мақсадида турли хил экскурсиялар амалга ошириладиган туризм тури.

Имидж - Товарный образ - Trademark image - реклама қилинган маҳсулотлар ёки хизматлар билан боғлиқ равишда харидорга маълум бирлашмалар ва ваколатларни беришга даъват қилинган шахсийлаштирилган савдо белгиси.

Имтиёз - Льгота - Exemption - муайян сабабларга кўра юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган афзаллик. Имтиёз давлат қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан — фуқароларга, шунингдек, жамоат бирлашмалари томонидан маъмурият қарорига мувофиқ — унинг аъзоларига тайинланиши мумкин. Имтиёз берилган шахс

белгиланган қоидалардан истисно тариқасида муайян мажбуриятларни бажаришдан тўла ёки қисман озод қилинади ёхуд уларни бажариш соқасида муайян қулайликлардан фойдаланади. Солиқ, пенсия таъминоти, коммунал-маиший хизматлар учун тўловлар каби соҳалардаги имтиёз давлат томонидан белгиланади. Имтиёз туристик корхоналарга ҳам (масалан, солиқлар тўлашдан бутунлай ёки маълум муддатга, тўла ёхуд қисман озод қилиш, имтиёзли шартларда кредит билан таъминлаш борасида ва х.к.), жисмоний шахсларга ҳам берилиши мумкин. Имтиёз тайинлашда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва адолат тамойилларига қатъий амал қилинади.

Инглизча нонушта - Завтрак английский - English breakfast (EBF) - Буюк Британия ва бошқа баъзи мамлакатлардаги меҳмонхоналарда таклиф этилаган, ўз ичига чой ёки қаҳва, тостер, сарёг, мураббо ва иссиқ овқатларни олган эрталабки нонушта. Инглиз анъаналарига кўра иссиқ таом, одатда жўхорили бўтқа, қайнатилган ва қовурилган тухумлардан ташкил топади.

Индивидуал жойлаштириш воситаси - Индивидуальные средства размещения - Individual lodgings - 1) туристлар учун коллектив турар жойлар таърифига мос келмайдиган, якка туристлар учун мўлжалланган турар-жой турлари. Уларда чекланган миқдорда ижарага ёки бепул жой берилади. 2) хонадонлар, хонадонлардаги хоналар, уйлар, коттежлар ижараси.

Индивидуал тур - Индивидуальный тур - Individual tour - турар жой, таомлар, трансферлар, диққатга сазовор жойлар ва кўнгилочар тадбирларни ўз ичига олган ҳолда мижоз томонидан (ёки кичик сайёҳлик гуруҳининг) уларнинг хоҳишига кўра буюртма қилинган туристик хизматларнинг махсус мажмуи орқали саёҳат қилиш.

Индивидуал туризм - Туризм индивидуальный - Individual tourism - маълум бир шахснинг ўз режаси асосида сафарга чиқиши, маълум жойларга тўхтаб ўтиши. Индивидуал туризм қариндошлар ва оилавий алоқа каналлари, ижодий алмашув ва таклифномалар орқали ривожланиши мумкин. Индивидуал туризм шунингдек, ижтимоий ва ёшлар туризми дастурлари доирасида ҳам татбиқ этилади.

Индувидуал турист - Индивидуальные туристы - Individual tourists - алоҳида турда ташкил этилган, одатда, гуруҳли чегирмалар ва имтиёзлар тақдим этилмайдиган дастурда саёҳат қилувчи туристлар.

Инжиқ мижоз - Непривередливые посетители отелей - Picky hotel visitors - ўрта ва юқори даражали менежерлар, тоза, сариштa номерларда ўртача нархлар эвазига осойишта муҳит билан қизиқадиган эркаклар ва аёллар. Бундай одамлар меҳмонхоналар томонидан уюштирилган ҳар қандай махсус

тадбирларни унчалик хохлашмайди, меҳмонхонада қўшнилар билан мулокот қилишни ёқтирмайди, ҳашаматли меҳмонхоналарда қолишдан кўра ўзларига яхши таниш бўлган жойларда колишни хохлашади.

Инкаминг/келаётган - Инкаминг - Incoming - туроператорининг бошқа давлат фуқаролари учун ўз мамлакатлари ҳудудида саёҳатларини ривожлантириш, тарғиб қилиш ва ташкил этиш билан боғлиқ вазифаси.

Инклюзив тур - Инклюзив-тур - Inclusive tour - ҳаво ёки қуруқлик транспорти хизмати, овқатлантиш, жойлаштириш ва бошқа турдаги асосий туристик хизматлар билан тўлдирадиган индивидуал ёки гуруҳли турнинг асосий кўриниши. Қоида тариқасида, маршрутни, вақтни, санани белгилаш ва хизмат кўрсатиш сифатини режалаштиришни, маршрут бўйича хизмат кўрсатиш ва саёҳат харажатларини ўз ичига олади.

Инклюзив тур гуруҳи - Групповой инклюзивный тур - Inclusive group tour - авиа ва ердаги хизматларни ўз ичига олувчи 15 кишидан кам бўлмаган тур.

Инсентив/рағбатлантирувчи тур - Инсентив-тур - Incentive tour - компаниянинг ўз ходимларини мустақил ишларни бажариш, шахсий малакаларини ошириш мақсадида, шунингдек, эришган касбий ютуқлари, кўрсатган алоҳида хизматлари эвазига рағбатлантириш мақсадида юкори малакали ходимлари учун ташкил этадиган сафарлари.

Институцион туризм - Туризм институциональный - Institutional tourism - барча хизматлар - транспорт, жойлаштириш, овқатлантириш ва ҳоказоларнинг туристик корхона томонидан олдиндан бронлаштирилган дастур асосида амалга оширилиши, ҳамда корхона томонидан турнинг бошидан охиригача кузатиб бориши.

Инструкция - Инструкция - Instruction - 1) ҳар қандай фаолиятнинг бажарилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (бухгалтерия ҳисоботи тузиш, солиқ йиғишнинг техник масалалари, даромадни ҳисоблаш ва бошқалар); 2) ҳар қандай ишни бажариш тартиби, машинани ишлатиш ва ҳоказо.

Инструктор - Инструктор - Instructor - профессионал, туристларга қайиқларда сузиш, шамол ёрдамида елканли сузиш, теннис, голф ва бошқа турдаги машғулотларни ўргатадиган профессионал мураббий.

Интеграцияланган ривожланиш стратегияси - Стратегия интегрированного развитие - Integrated development strategy - янги турдаги туристик хизматлар ҳисобига туристик фаолиятни кенгайтириш жараёни.

Интенсивлик - Интенсивность - Intensity - 1) натижанинг ўзгармас ресурсга нисбати; 2) туризмда натижа сифатида туристик маҳсулот, хизматлар, вазифалар, туристлар ва туристлар сони ва

хоказолар; ресурс сифатида меҳнат, ер, капитал каби турли модификациялар бўлиши мумкин.

Интер-раил - Интер-райл - Inter-rail - йўловчига чиптанинг амал қилиш муддати доирасида муайян темир йўл йўналишлари бўйича катнов муддатини белгиланган муддатга тақдим этиш ҳуқуқини берадиган темир йўл транспорти учун чипталар тизими.

Инфотур - Инфотур - Info tour - турфирмаларнинг раҳбарлари ва (ёки) ходимлари учун маълум туристик маршрутлар ва марказлар билан танишиш мақсадида ташкил этиладиган бепул ёки чегирмали турлар.

Инфраструктура - Инфраструктура - Infrastructure - ҳудудда тўлақонли ҳаёт кечириш учун зарур бўлган барча нарсалар: йўллар, машиналар қўйиш жойи, канализация, сув таъминоти, электр энергияси таъминоти ва бошқалатр. Туристлар ва маҳаллий аҳоли истеъмолчи (фойдаланувчи) ҳисобланади.

Ирим - Суеверие - Superstition – бирор-бир ҳодисани содир бўлиш омилларига боғланган тасодифлар.

Исталган талаб - Желательный спрос - Eligible demand - режалаштирилган савдо даражаси ва зарурий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси ва унинг реализациясини таъминлайдиган ишлаб чиқарувчи (туристик фаолият объекти) нинг нуқтаи назаридан келиб чиққан талаб.

Истеъмолчини рағбатлантириш - Стимулирование потребителя - Promoting consumer - харидорни сотиб олишга рағбатлантириш ўз ичига қуйидагиларни олади: чегирмалар, намуналар, купонлар, махсус акциялар, премиялар ва доимий фойдаланганлиги учун мукофотлар.

Истеъмолчи олдида таом таёрлаш столи - Стол для приготовления блюд на глазах у клиента - Flambeed table - истеъмолчилар ўтирган стол ёнига олиб келинадиган кичик (90х50 см), базан ғилдиракли стол. Бу столларни турларга ажратиш мумкин: гўшт тайёрлаш учун стол; газак таёйрлаш учун стол; қандолатлик маҳсулотлари ва пишлоқ учун стол; пастдан иситиладиган таомлар учун стол; олов билан тақдим этиладиган таомлар учун стол. Бунда таомлар совиб қолмаслиги учун иситиладиган идишларни ишлатиш лозим.

Ички бозор (маҳаллий) туроператорлари - Туроператоры внутреннего рынка (местные) - Domestic touroperators - туристик пакетларни ўз мамлакати бўйича сотиш, яъни ўз мамлакати бўйлаб экскурсиялар ташкил этиш.

Ички сайёҳ - Внутренний посетитель - Domestic visitor - мамлакатда доимий яшовчи шахс 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга бошқа жойда саёҳати бўлиб, унинг мақсади пул тўланадиган фаолият билан шуғулланмаслигидадир, барча тўловлар ташриф буюрилган жойдаги манбадан тўланади (БТТни таърифи).

Ички туризм - Внутренний туризм - Domestic tourism - 1) ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи фуқароларнинг вақтинчалик ташриф буюрувчи жойга (ҳақ тўланадиган фаолиятсиз) туристик мақсадларда саёҳат қилиши. 2) Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати. 3) ички туризм давлат чегараларини кесиб ўтиш билан ва туристик расмиятчилик билан боғлиқ эмас. Миллий валюта, тил, ҳужжатлар олдингидек ўзгармасдан қолади. Айниқса, туризмнинг бу тури АҚШ, Франция, Англияда оммабоп ҳисобланади (батафсил И.С. Тухлиев ва бошқалар Туризм асослари. Дарслик. -Тошкент, 2014, - 388 б.).

Ички туризм иштирокчилари - Участники внутреннего туризма - Participants of domestic tourism - туристик хизматларни, иш бўйича сафарларини ташкил этиш, туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи маҳаллий аҳоли ва ташкилотлар.

Ички туризмга оид харажатлар - Расходы относящиеся к внутреннему туризму - Domestic tourism expenses - мамлакат чегараси ичида у ерда доимий истиқомат қилувчи фуқароларнинг туристик сафарларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлари. Ушбу харажат саёҳат харажатларини ва ташриф буюрган жойларда сарфланган маблағларни ўз ичига олади; шунингдек туристик сафарга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган дастлабки сарф-харажатлар ва сафардан кейинги у билан боғлиқ бўлган харажатлар шулар жумласидандир.

Ички турист - Внутренний турист - Domestic tourist - бу ташриф буюрилган жойда жамоавий ёки индивидуал равишда камида бир кеча тунаб қолувчи турист ҳисобланади (БТТ нинг таърифи).

Ички туристик ресурслар - Внутренние туристские ресурсы - Domestic tourist resources - истиқомат қилувчи мамлакат фуқаролари томонидан уларнинг ташрифлари натижасида бевосита амалга оширилган харажатлар киради. Ушбу ресурслар саёҳатларда ва ташриф буюрилган жойлардаги харажатларни, шунингдек сафарга тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш учун сарф-харажатларни, шунингдек сафардан қайтганидан кейин яшаш жойи бўйича кетадиган харажатларни ўз ичига олади (БТТ таърифи).

Ички туристик харажатлар - Внутренние туристские расходы - Domestic tourist expenditure - бу бирор жойга истиқомат қилувчи мамлакат фуқаролари ташрифлари натижасида бевосита амалга оширилган харажатлар. Ушбу харажатлар маршрутда ва ташриф буюрилган жойларда, шунингдек саёҳатни тайёрлаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган дастлабки сарф-харажатларни, шунингдек саёҳатдан қайтганидан кейин яшаш жойи бўйича кетадиган

харажатларни ўз ичига олади (БТТ нинг таърифи).

Ички туроператорлик фаолияти - Туроперейтинг внутренний - Domestic touropereyting - ички туристик маҳсулотни режалаштириш, тарғиб қилиш ва реализация қилиш бўйича туроператорлик фаолияти; ўз мамлакати ҳудудида ўз мамлакати фуқаролари учун турлар ташкил қилади. Ички туризм мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятига асосланган ва ўз фуқароларининг туристик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Иш билан боғлиқ туризм - Туризм деловой - Business tourism - савдо ва тижорий манфаатлар учун бизнес мақсадларида туристик саёҳат қилиш.

Й

Йўл бўйидаги ошхона - Трактир - Tavern - меҳмонхона, ресторан, таверна; энг паст тоифали ресторан, спиртли ичимликлар сотиладиган газакхона.

Йўл кўрсатгич - Путеводитель - Guide book - туристга саёҳат қилиш, энг яхши маршрутларни танлаш, қизиқарли жойларни топиш, ҳудудларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот олиш ва хоказоларга ёрдам берувчи, муайян мамлакат, минтақа, жойлар, диққатга сазовор жойлар ҳақида маълумотлар киритилган қўлланма.

Йўл чеки - Дорожный чек - Traveller's cheque - туристларнинг халқаро валютага ёки қабул қилувчи мамлакат валютасига тақдим этиш воситаси сифатида фойдаланадиган тўлов ҳужжати; товарлар ва хизматлар учун нақд пул ва кредит карталарига тенг пул ўтказиш воситаси сифатида хизмат қилади.

Йўл бошловчи инструктор - Инструктор-проводник - Instructor-conductor - туристларни кузатувчи ва туристик маршрутлар ўтиш даврида хавфсизликни таъминлайдиган мутахассис.

Йўлланма - Путевка - Admission card - маршрутда хизматлар учун ҳақ тўлашни тасдиқловчи ва ушбу хизматларни тақдим этиш учун асос бўлувчи ҳужжат.

Йўловчи - Пассажир - Passenger - бевосита ёки билвосита йўловчи ташиш шартномасига асосан транспорт воситасида ташиладиган, экипаж аъзоси таркибига кирмайдиган шахс.

Йўловчи йўналиши - Пассажирская линия - Passenger line - Бир пунктдан бошқа пунктгача бўлган йўловчи транспорт воситаларининг йўли.

Йўловчи талони - Посадочный талон - Boarding pass - йўловчига самолётга чиқишдан олдин топшириладиган карта. Унда багаж ҳақида, ўрин синфи ҳақида, йўловчининг учиши ҳақида, самолётдаги ўриндиқлар сони ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган бўлади.

Йўловчи ташиш шартномаси - Договор перевозки - Passenger transport agreement - ташувчи йўловчини, йўловчи багаж

топширган бўлса - багажни ҳам белгиланган манзилга элтиб бериш ҳамда багажни олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Бунда йўловчи белгиланган йўл ҳақини, багаж топширган бўлса, багаж ташиш ҳақини ҳам тўлаш мажбуриятини олади. Йўловчи ва багаж ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли чипта ва багаж паттаси билан тасдиқланади. Йўловчи тегишли транспорт устави ёки кодексида назарда тутилган тартибда: ўзи билан болаларни бепул ёки бошқа имтиёзли шартларда олиб юриш; белгиланган миқдор доирасида ўзи билан бепул багаж олиб юриш; белгиланган миқдор доирасида бепул, миқдордан ортиқчаси учун еса - тариф бўйича ҳақ тўлаб, ташиш учун багаж топшириш ҳуқуқига эга.

К

Кадастр - Кадастр - Cadastre - даврий ёки доимий кузатувлар асосида тузилган, бирор мамлакатнинг ёки давлатнинг иқтисодий ресурслари (реестр) ҳақидаги асосий маълумотлар тўплами ҳисобланади. Кадастр объектларнинг қийматлари ва рентабеллигини баҳолашни ўз ичига олган ресурс манбалари ва объектларнинг жойлашуви, уларнинг ҳажми, сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Кадастр маълумотлари солиқларни белгилаш, табиий ресурслардан фойдаланиш учун тўловларни аниқлаш, объектларни ижарага бериш, гаровга қўйиш, сотиш қийматларини баҳолаш учун фойдаланилади.

Казино - Казино - Casino - соврин учун тикилган пул ёки бошқа мол-мулк бўлган қимор ўйинлари, карталар ва зарикли ўйинлар, слот машиналари ва бошқа қимор ўйин турлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятга йўл қўйилмайди.

Кайонинг - Кайонинг - Cayoning - тоғ дарёларида сув ўтказмайдиган костюм оркали сузиш ускуналаридан фойдаланмаган ҳолатда амалга оширилаётган экстремал сузиш спорти ҳисобланади.

Кайтинг, кайт-серфинг - Кайтинг, кайт-серфинг - Kitesurfing - махсус буғ ёрдамида одамни осмонга кўтарадиган учиш мосламаси.

Калитлар ёки тожлар тизими - Система корон или ключей - Crown or key system - Буюк Британияда тарқалган тизими ҳисобланади. Европа таснифлаш тизимидан фарқи, тожлар сони юлдузлар сонидан битта ортиқ. Яъни 5 юлдузли меҳмонхонани 6 тожда таснифлаш.

Калитли мижозлар - Ключевые клиенты - Key accounts - туризм ва меҳмонхона соҳасида сотиш бўйича энг муҳим мижозлар ҳисобланади.

Канат - Фуникулер - Funicular - тоғда йўловчи ва юкларни киска масофага олиб чиқиш ва олиб

ўтишга мўлжалланган темир ипли транспорт воситаси.

Каноэ - Каноэ - Canoe - енгил, ичи тор ва қиска кенгликдаги сувда харакатланувчи эшкакли қайиқ.

Капсулали меҳмонхона - Капсульный отель - Hotel capsule - улардаги "хоналар" майдони бир неча квадрат метрдан ошмайди.

Караванинг - Караванинг - Caravanning - оммавийлашган автомобиль туризми тури бўлиб, бунда карвон ёки "балон устидаги уй" туридаги махсус яшаш учун кузовли ёки прицепли автомобиль саёҳати ҳисобланади.

Карантин далолатномаси - Карантинное свидетельство - Quarantine certificate - санитария сертификатининг ўрнатилиши.

Карвон туризми - Караванный туризм - Caravan tourism - автотуризм тури бўлиб, автомобиль фургони (карвон)дан турар жой воситаси сифатида фойдаланиладиган транспорт тури ҳисобланади.

Карго - Карго - Cargo - 1) юклар; 2) юкларни суғурталаш тури.

Карго шкаф - Шкаф карго - Cabinet cargo - бундай жавонда эшик мавжуд бўлади ва жавоннинг олд томонида жойлашади.

Каридорний - Коридорные - Bellhop - меҳмонхонада бир неча номерга каровчи ходим. У меҳмонларга ўз хоналарини топишга ёрдам қилади, шунингдек, у ерда меҳмонни юкини етказиб беради ва меҳмонхона томонидан тақдим этилган хизматлар ҳақида маълумот беради.

Карнавал - Карнавал - Carnival - кўча шоулари, театр ўйинлари каби байрам тадбири ҳисобланади. шунингдек кўнгил очиш анимацияси элементи хамдир. Очиқ ҳавода халқ фестивали, рақслар, маскарад, театр ўйинлари билан бирга. Кўпгина мамлакатларда миллий карнаваллар кўплаб хорижий сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда.

Картхолдер - Картхолдер - Cardholder - кредит карта ёки банк пластик карточкасининг ҳукукий эгаси.

Каталог - Каталог - Catalogue - 1) муайян тартибда тузилган ҳар қандай нарсаларнинг рўйхати; 2) сайёҳлик маҳсулотини тарғиб қилиш воситалари.

Категория мураккаблиги - Категория сложности - Category of complexity - спорт туристик сайёҳликнинг 3 тасниф белгиси: маршрутнинг давомийлиги, узунлиги ва техник мураккаблиги, тўсиқларнинг табиати, сони ва хилма-хиллигига боғлиқ.

Кафолатланмаган бронлаш - Негарантированное бронирование - Non-guaranteed reservation - мижоз келадиган кунда жойлаштириш воситасидаги номер мижозга соат 18:00 га қадар тақдим этиладиган, агар ўша вақтгача келмаса бронлаштириш жарима тўловларсиз бекор қилинадиган "тўғридан-тўғри" бронлаштириш тури.

Кафолотланган бронлаш - Гарантированное бронирование - Guaranteed reservation - тўғридан - тўғри брон қилиш тури бўлиб, унда

турур жой воситаси мижозга номерни эртанги кун ҳисоб-китоб вақтигача режалаштирилган кириш кунидан олдин тақдим этилади. Бунда жазо қўллаш тўлов тартиби шартига боғлиқ. Брон кеч брон қилинса қоида тариқасида жазо қўлланиши бир кунлик қийматга тенг жарима ундирилади.

Квота баланси - Остаток квоты - Balance of the quota - туроператор (турагент) томонидан сотув эълон қилинмагунга кадар реализация қилинмайдиган номер квотаси. Олдиндан белгиланган квота асосида туроператор 24 соат ичида номер бронланганлигини эълон қилиши лозим ва жойлаштириш воситаси унинг мижозларини қабул қилиши шарт.

Кейтеринг - Кейтеринг - Catering - 1) бу кўп ҳолларда ташқарида ташкил қилинадиган овқатланиш корхоналари хизматларидир. Ташкилотга мутахассис менежер таклиф қилинганда, овқатлантириш муассасидан ташқарида меҳмонларга умумий овқатлантириш хизмати кўрсатилади. Масалан: пикниклар, зиёфатлар, фуршетлар, тўй маросимлари ва шу кабилар.

Келиш карточкаси - Карточка прибытия - Arrival card - бошқа давлатга самолёт ёки денгиз кемаси орқали борган йўловчилар томонидан тўлдирилган ва маҳаллий чегара хизматига топшириладиган махсус бланка.

Келиш куни - День заезда - Day of arrival - жойлаштириш воситаларига туристларнинг келиш санаси.

Келмаслик - Неявка - Non appearance - қачонки мижоз меҳмонхонада 18 соатгача бўлмаса, бундай ҳолларда жойлаштириш хизмати рад этилади.

Кемпер - Кемпер - Camper - 1) кемпингдан фойдаланувчи ва транспорт воситасида саёхат қилувчи турист; 2) енгил пикап машина учун махсус илма кузовли, тахланадиган чодир ва яшаш учун ярокли илма вагон.

Кемпинг - Кемпинг - Camping - денгиздан узок бўлмаган ва шаҳар ташқарисидаги авто-, мото- ва велотуристлар учун мўлжалланган лагерлар. Улар ошхона ва бир неча элементар қулайликлар билан таминланган ёзги уйлар ва чодирларда тунаб қолишни таклиф қилади.

Кетиш куни - День отъезда - Departure day - туристларнинг жойлаштириш воситасини тарк этиш санаси.

Кечикиб жўнаб кетиш - Поздний выезд - Late check out - бу меҳмонни меҳмонхонани тарк этиши белгиланган вақтдан кейин яна маълум сабабга кўра меҳмонхонада бироз вақт тунаб қолиши ҳисобланади. Бундай ҳолатда меҳмон бир кунлик тўлов қийматининг 50 фоизини тўлаши шарт бўлади.

Кечиккан ташриф - Позднее прибытие - Late arrival - меҳмонхонада меҳмон номерни олдиндан брон қилган, лекин келишилган вақтдан бир соатдан кейин маълум сабабга кўра кечикиб

келган ва унинг кеч келгани хақида огохлантириш олган мехмоннинг ташрифи.

Кечиккан тўлов - Поздняя оплата - Late payment - бу қисман тўлов бўлиб, мехмон мехмонхонани брон қилиб келиши билан ўтказилади.

Кирнб келиш боскичи - Стадия проникновения - Penetration stage - туристик махсулотни реализация қилишдаги даромад ошиши, бозорга етказишни кенгайиши ва рақобатбардошликни ошиши билан фарқланади.

Кириш бўйича туроператорлик фаолияти - Туроперейтинг въездной - Incoming touroperey ting - хорижий мамлакат фуқаролари учун ўз мамлакати ҳудудига саёҳатлар ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича фаолиятни амалга оширади. Кирувчи туризм сайёҳликнинг энг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади, чунки бу туризм тури мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Хорижий валюта тушумлари, меҳнат бозоридаги вазият ва инфратузилмани ривожлантириш даражаси унинг ривожланишига бевосита боғлиқ.

Кириш туризми - Въездной туризм - Inbound tourism - норезидент мехмонларнинг бирон бир одатий муҳитдан ташқарида жойлашган раёнда бир йилдан ошмаган вақт мобайнида дам олиш, бизнес ва бошқа мақсадларни амалга ошириш фаолиятини ўз ичига олади.

Кириш туризми - Туризм въездной - Inbound tourism - кирадиган мамлакатида ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда туристик мақсадларда доимий равишда яшамайдиган шахсларнинг саёҳат қилишидир.

Кирувчи порти - Порт захода - Port of call - бу денгизда (дарёда ва шунга ўхшаш) йўловчи ташувчи (туристик) кемаларни тўхташ жойлари оралиғи бўлиб, асосан унинг маршрути кўзда тутилади.

Кириш чиптаси - Билет входной - Admission ticket - давлат, жамоат ёки хусусий музейлар, расм галереялари, қизиқарли шаҳарлар ва бошқа туристик сайёҳлик объектларини киритиш ҳуқуқи учун авиабилетларДИР. Биргаликда хизматлар билан экскурсларни ташкил этишда сайёҳлик агентликлари экскурсия дастурига киритилган объектларга кириб бориш нархини, хизматлар тўпламини умумий нархини ҳисобга олади.

Кирхона - Прачечная - Laundry - 1) мехмонхонанинг ишлаб чиқариш бўлими; 2) истеъмолчиларга кир ювиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш, кийим-кечакларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи мехмонхона бўлими.

Классификация гостиниц - Мехмонхоналарни таснифлаш - Classification of hotels - тақдим этиладиган хизматлар сифат бўйича мехмонхона ташкилотларини баҳолаш тизими. Мехмонхона хизматларининг сифатини бошқариш масалаларини ҳал қилишда мехмонхона корхоналарини шинамлик даражасига қараб таснифлаш катта

рол ўйнайди. Ҳозирда жаҳонда маълум 30 дан ортиқ таснифлаш тизимлари замирида шинамлик даражаси ётади. Улар орасида қуйидаги таснифлаш тизимлари айниқса кенг тарқалган: **Европа таснифлаш тизими** ёки **«юлдузлар» тизими**. Франция миллий таснифлаш тизими асосида тузилган. Унинг замирида меҳмонхоналарни 1 дан 5 юлдузгача бўлган тоифаларга ажратиш ётади; **Ҳарфлар тизими** (А, В, С, Д) Грецияда қўлланади; **Тожлар тизими** Буюк Британияда амал қилади; **Ҳинд тизими** Ривожланаётган мамлакатларда меҳмонхоналарни таснифлашда кенг тарқалган. Бу тизим ҳам меҳмонхоналарни беш тоифага: «бир юлдузли», «икки юлдузли», «уч юлдузли», «тўрт юлдузли», «беш юлдузли» тоифаларга ажратишни назарда тутади. Бу тоифаларни махсус комиссия баллар бўйича баҳолаш асосида белгилайди.

Клиринг - Клиринг - Clearing - ташқи савдо муносабатларида банкларнинг ҳисоб ва бошқа ҳужжатлари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб юргизиш фаолиятидир.

Клуб аъзоларини рўйхатга олиш - Реестр членов клуба отдыха - Member registration of club holiday - дам олиш клубининг расмий ҳужжати бўлиб, унда барча мижозлар рўйхатга олинади, хизматлар учун тўлиқ ҳақ тўланади ва клуб аъзолигининг сертификатини олади.

Клубли дам олиш учун ҳуқуқ - Право на клубный отдых - Rights for club leisure - бу туристик маҳсулот туридир. Бу турда вақтинчалик (камида 3 йил) дам олиш клубининг турар жойларида дам олиш ҳуқуқини ва клубнинг дам олиш тўғрисидаги шартномаси ва бўш вақт клуби аъзосига тегишли сертификат билан тасдиқланган хизматларни олиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Ушбу шартлар тугаши билан клубга аъзолик тугатилади.

Клубли дам олиш ҳуқуқини сотиш - Продажа прав на клубный отдых - The rights sell to leisure club - дам олиш клуби (сотувчиси) томонидан клубда дам олиш шартномаси ва клуб аъзосининг шахсий гувоҳномаси (бирламчи савдода) билан тасдиқланган ушбу клубда жойлашиш ва дам олиш ҳуқуқини (ҳақиқий ёки бўлинма режимда) тегишли лицензия асосида сотиб олувчига сотиш. Клубга дам олиш ҳуқуқини сотиш бўйича фаолият юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан уларни қайта сотиш ва (ёки иккиламчи савдони) сотиш мақсадида клубга дам олиш ҳуқуқини сотиб олиш бўйича фаолиятни ҳам ўз ичига олади. Иккиламчи савдо комиссия савдоси асосида ташкил қилиниши мумкин.

Клубли дам олиш ҳуқуқини сотувчи - Продавец права на клубный отдых - The rights seller to leisure club - бу якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс бўлиб, тадбиркорлик фаолияти доирасида клубнинг лицензияси бўйича харидорга дам олиш ҳуқуқини

сотади. Клубда дам олиш ҳуқуқини сотиш бўйича фаолиятни шунингдек, бошқа юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан лицензия асосида олиб борса бўлади.

Клубли дам олишнинг апартамент жойлаштириш воситаси - Апартамент средств размещения клуба отдыха - Apartment acommodation of club holiday - клуб дам олиши учун энг кам буюртма ва хизмат турлари, қайсиким апартамент ўлчамидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган, мавжуд ётоқхоналар, ошхона, санатория ва энг янги ускуналарга эга бўлган номердир. Апартамент ўлчами студиянинг ўлчамига боғлиқ ҳолда бўлади, битта ётоқхона, иккита ётоқхона ва ундан ортиқ бўлганларга бўлинади.

Клубли меҳмонхона - Клубный отель - Club hotel - бу меҳмонларга учинчи томон ҳудудига чекланган кириш имкониятига эга бўлган барча хизматларни таклиф қилувчи юқори даражадаги меҳмонхона бўлиб, унга ташриф буюриш учун махсус аъзолик картасини талаб қилинади.

Клубли таътил - Клубный отдых - Club holiday - клубнинг иқтисодий бошқаруви остидаги сайёҳлик мажмуаси таркибига кирадиган ва клуб шартномаси ва низомида белгиланган шартлар асосида турли хил хизматлар кўрсатиш учун жиҳозланган дам олиш масканига тегишли турар жойлардаги дам олиш масканлари хизмати ҳисобланади.

Клубли таътилнинг аниқ вақтлар бўйича тартиби - Клубный отдых в режиме реального времени - Timeshare holiday real time - дам олиш вақти, турар жойнинг давомийлиги ва кредит балларига ёки қолган клубдан олинган бошқа ўлчов бирликларига тегишли бўлган баллар сонига боғлиқ бўлиб, уларни қайси йилнинг қайси вақтида ва клубнинг турар жойлари қайси таътилни ўтказиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.

Код-шеринг - Код-шеринг - Code sharing - икки авиакомпанияни парвозни биргаликда тижорат орқали амалга ошириши тўғрисидаги битим. Авиакомпаниялардан бири парвозни ташкил қилади (яъни оператор), иккинчиси эса ушбу парвоз учун чипта ўз номидан ва иккита код (ўзи ва операцион ширкат) остида сотади.

Койка-жой - Койко-место - Bed - бир киши фойдаланиши учун мўлжалланган ётоқ жойли майдон.

Коктейл - Коктейль - Cocktail - турли хил ичимликларнинг аралашмаси.

Коктейл-банкет - Банкет коктейль - Banquet cocktail - конференциялар, кенгаш, ярмарка қатнашчилари ва машҳур инсонлар билан учрашув учун ташкил қилинади. Кечга томон ўтказилади ва 40-60 дақиқа давом этади.

Комиссион тақдирлаш - Вознаграждение комиссионное - Comission reward - шартнома бўйича сотилган турлар учун

белгиланган миқдорда ва тартибда маблағ тўлаш мажбурияти.

Комиссион тўлов - Комиссионное вознаграждение - Commission remuneration - туристик ва транспорт хизматларини ишлаб чиқарувчилари томонидан турагентга, унинг ушбу туристик хизматларни сотишда воситачилик қилганлиги учун пуллик мукофот тўлаш.

Комиссионлар - Комиссионные - Comissions - тур операторлар ва транспорт компаниялари эгалари (ва бошқалар) томонидан сайёҳлик хизматлари, ҳаво йўли хизматлари ва ҳоказоларни сотиш учун саёҳат агентларига тақдим этадиган сотиш нархидан юқорирок фоиз сифатида белгиланган пул миқдори.

Комиссия - Комиссия - Comission - бир томондан (комиссионер) шартномага мувофиқ бошқа томондан (мажбуриятли шахс) ўз номидан битимлар тузиш учун топширадиган комиссиялар ҳисобланади. Сайёҳлик ташкилотига тўланадиган тўлов туристик маҳсулот қийматининг улуши сифатида ҳисобланади (одатда 10-15% гача).

Компенсация тўловлари - Возмещение ущерба - Compensation paid - бу зарар ёки йўқотишни, контрактни бузиш, ҳуқуқбузарлик ёки қонунбузарлик содир этилган ҳолларда моддий пул маблағи асосида ундириладиган жарима ҳисобланади. Агар сайёҳ туристик ташкилотга етказилган зарарнинг ўрнини тўламаслик шарти билан шартномани бекор қилса, бу турнинг умумий қийматининг кўпайиши воучерда белгиланган харажатларнинг 10 фоизидан ошса, бу ҳолда, у ушбу сафарнинг олдидан ташкилотга тўланган барча суммани қоплаш ҳуқуқига эга бўлади.

Комплеклилик - Комплексность - Integrity - 1) ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлик элементларининг даражасини аниқловчи рекреацион тизим хусусияти; 2) туристик маҳсулотнинг рекреацион эҳтиёжни тўла қондириш хусусияти.

Комплекс хизмат кўрсатиш - Комплексное обслуживание - Integrated services - учрашув ва кузатишлар, меҳмонхонага жойлаштириш, овқатлантириш ва экскурсия хизматларини ўз ичига олган туристик хизматларнинг стандарт тўплами.

Комфортабельност - Комфортабельность - Comfortable - меҳмонхона, ресторан, бошқа меҳмондўстлик саноати корхоналаридаги психологик ва жисмоний қулайликнинг максимал даражаси.

Конвенция - Конвенция - Convention - муаян соҳада томонларнинг ўзоро ҳуқукларини ва белгиланган доирадаги мажбуриятларини ўрнатувчи шартнома.

Конгрес маркази - Конгресс-центры - Congress centre - бу шундай муассасаки, у конгреслар, конференциялар, профессионал курсларни ўтказиш ва бошқалар учун иншоот ва ҳар хил

хизматларни тақдим қилади (БТТ таърифи).

Конгрес меҳмонхона - Гостиница конгрессная - Congress hotel - конференция съездлар, симпозиумлар ва мажлислар ўтказилиши учун мўлжалланган меҳмонхона.

Конгресс-тур - Конгресс-тур - Congress tour - ихтисослаштирилган, конференция, съезд, ассамблея ёки семинарларни ўтказиш учун ташкил қилинган тур. Бундай турлардан Европада жуда оммабоп тарзда фойдаланилади ва у туризмнинг энг афзал турларидан бири ҳисобланади. Одатда бу туризмнинг хар бир иштирокчиси ўзининг фирмаси томонидан харажат қилади, бундан ташқари командировка пули олади ва шунинг учун сезиларли даражада маблағ харажат қилиш имкони бўлади. Туризм статистикаси бўйича конференцияга келувчилар дам олишга келган оддий туристлар гуруҳига қараганда кунига 200-700 АҚШ доллардан кўпроқ маблағ сарфлайди. Конгресс туризм қабул қиливчи давлатга кўпроқ даромад олиб келади, шунинг учун бу туризм Швейцарияда, Буюк Британияда ва Финландияда туризмни ривожлантириш бўйича давлат дастурида биринчи ўринларда туради. Конгресс туризми тадбир ташкилотчиларидан махсус ихтисосликни талаб этади. Чунки у ташкилий ва оммавий характерга эга бўлган муаммолар мажмуасини ўзида акс эттиради. Масалан, Буюк Британияда бундай фирмалар 100 дан ортиқ бўлиб, улар қатнашчиларга хизмат киладиган ва тадбирлар ташкил қилиб ўтказувчи (маркетинг, реклама, таклиф қилиш, кузатиб боришни ва докладларни тайёрлаш, тезислар ва бошқа материалларни босиб чиқариш ва бошқалар) фирмаларга бўлинади.

Кондотел - Кондотель - Condotel - меҳмонхона бўлиб, тайм-шер типига кирувчи кўчмас мулк таркибидаги кондоминимум ҳисобланади.

Конкур - Конкур - Show jumping - атлетика спортининг асосий турларидан бири, камида 75 х 40 м. бўлган майдонда (200-1100 м. узунликдаги) муайян маршрутда тўсикларни босиб ўтиш (16 тагача тўсикни).

Конкурент устунлиги - Конкурентное преимущество - Competitive advantage - меҳмонларга меҳмонхона нархининг пастлиги ёки тақдим этилган хизматнинг рентабеллигини ошириш орқали катта фойда келтириши натижасида эришилган устунликлар ҳисобланади.

Консервация - Консервация - Conservation - 1) архитектура, тарихий, маданий ва археологик ёдгорликларни, санъат асарларини узоқ муддатли сақлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; китоблар, ҳужжатлар ва бошқалар. 2) ривожланиш жараёнининг вақтинча тўхтатилиши, бирор нарсанинг фаолияти.

Консерж - Консьерж - Concierge, bell capitan - ўз вазифалари

меҳмонларни меҳмонхонада ёки ижарачиларга зарур бўлган ҳамма нарсалар билан таъминлаб, улар учун қулай шароитларни яратишни ўз ичига олади. Консиержни меҳмонхона лобисида махсус столда ёки кириш ва чиқиш эшиклари ёнида кўриш мумкин.

Консолидатор - Консолидатор - Consolidator - туристик компаниялар бошқа туристик компанияларнинг буюртмаларини ички ва халқаро йўналишдаги махсус рейсларда, шунингдек меҳмонхона корхоналарида мавжуд нархлар бўйича улгуржи чегирмаларни сотиб олиш учун буюртмаларини бирлаштиради.

Консуллик - Консульство - Consulate - давлатнинг ташқи давлат органи бошқа давлат ҳудудида (консуллик вазифаси билан) консуллик вазифаларини бажариши учун тузилади.

Континентал нонушта - Завтрак континентальный - Continental breakfast - таркиби қаҳва ёки чой, шарбат, булочка, сарёғ ва джемдан иборат енгил нонушта.

Континентал режа - Континентальный план - Continental plan - меҳмонхонада хоналар нархини хисоблаш усули бўлиб, у "континентал нонушта" ва хона харажатларини ўз ичига олади. Континентал режа шунингдек «ёток ва нонушта» (bed and breakfast, B&B) деб ҳам аталади. Ана шундай режага мувофиқ туристга континентал нонушта енгил нонушта, қаҳва ёки чой, булочка, ёғ ва мураббодан иборат таомлар тақдим этилади. Айрим мамлакатларда эса у бир стакан шарбат (Италияда), пишлоқ (Голландияда), балиқ билан (Норвегияда) тўлдирилиши мумкин.

Контрабанда - Контрабанда - Contraband - 1) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали божхона назорати остида яширинча ёки яширин равишда идентификациялаш ҳужжатларини ёки алоҳида, заҳарли, токсик, радиоактив, портловчи моддалар, курол-ярог ёки ўк-дорилар, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки диний экстремизмни тарғиб қилувчи материаллар, аратизм ва фундаментализм кабилар хисобланади.

Контрагент - Контрагент - Counteragent - шартнома тарафларининг бири.

Конференция - Конференция - Conference - баъзи масалаларни муҳокама қилиш учун олимлар, шахслар, давлатлар, гуруҳлар, қайсидир ташкилотлар вакилларининг учрашувлари, йиғилишлари.

Конференция майдонининг сотиш самарадорлиги - Эффективность продаж конференц площадей - Conference place sale efficiency - улардан фойдаланиш коэффициэнтини баҳолаш, мавжуд бўлган майдон бўйича фойда хисоби / конференс майдони банд бўлганда фойдаланишга топширилган вакт ва тушган фойда хисоби / банд

қилинган заллардан фойдаланиш вақти бўйича баҳоланади.

Концентратли ўсиш стратегияси - Стратегия концентрированного роста - Concentrated growth strategy - туристик маҳсулот ёки туристик хизматлар бозорини ўзгартиришга асосланган. Бундай ҳолда ташкилот туристик маҳсулотни яхшилаши ёки янгисини ишлаб чиқиши, бозордаги ўз ўрнини мустаҳкамлаши ёки янги туристик хизматлар бозоридан ўрин эгаллашга харакат қилиши керак.

Концерт - Концерт - Concert - 1) бир ёки (камдан-кам) бир нечта оркестр жамоалари томонидан мусиқа асбоб-ускуналари орқали чалинадиган мусиқа кечаси; 2) эълон қилинган дастур бўйича жамоатчиликка ижронинг бажарилиши.

Корпоратив тарифлар - Корпоративные тарифы - Corporate tariff - туроператор ва турагентликлар билан шуғулланмаётган жамоавий мижозларга тақдим этиладиган меҳмонхона хизматлари нархлари нашр этилган тарифлар бўйича фоиз чегирмалар шаклида рақамли шаклда ифодаланадиган нархлар.

Корректность - Хушмуомалалик - Correctness - 1) одамлар билан муомала қилиш одоби, мулойимлик, одоблилик, назокатлилик; 2) аниқлик, тўғрилик, пухталик; 3) муомаласи, гап-сўзлари, хатти-харакатлари ёқимли, хушфел.

Корт - Корт - Court - спорт майдони (40х20 м), теннис ўйнаш учун мўлжалланган майдон бўлиб, майдон қопламаси гил ғишт, ўсимлик, синтетик хилларда бўлади.

Кортеж (намойиш) - Кортеж - Tuple - 1) тартибланган элементларнинг тўплами. 2) тантанали маросим, жўнаб кетиш.

Котировка (биржада юриш) - Котировка - Quotation - валюта алмашинув курсларини яратиш, қимматли қоғозлар ёки биржадаги товарлар баҳоси.

Кредит картаси - Карточка кредитная - Credit card - кредитлаш шартномаси шартларига мувофиқ, белгиланган муддатда банк томонидан мижозга тақдим этиладиган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган операцияларга мўлжалланган банк тўлов картаси.

Круиз - Круиз - Cruise - 1) сув транспорти турларида саёҳат қилиш тушунилади ва бугунги кунда круиз бизнеси соҳасидаги энг машҳур ташувчилар қаторига «Carnival Cruise Lines», «Celebrity Cruises», «Royal Karibbean International», «Prinkess Cruises», «Costa Cruises», «Norvegian Cruise Lines» компаниялари киради; 2) йўловчи (туристик) кемаларининг денгиз (кўл ва шу кабилар)даги саёҳати бўлиб, ташиш, жойлаштириш, овқатлантириш, ўйин-кулгу ва шу кабилар воситаси сифатида ишлатилувчи, ўз ичига соҳил хизмати дастурини олувчи, нафакат ташиш учун балки вақтинчалик яшаш, овқатланиш ва хизмат кўрсатиш вазифаларини бажарувчи транспорт воситаси.

Круиз кемаси - Судно круизное - Cruise ship - туристик гурух сафари дастурида иштирок этувчи туристларни ташувчи ва халқаро қатновларни амалга оширувчи кема. Ушбу кема қиска муддатли ташрифларни амалга оширувчи туристлар учун мўлжалланган ва хорижий кемаларга кириш учун очик бўлган бир ёки бир нечта портларга боришни ўз ичига олади.

Кўл - Озеро - Lake - чукур жойларда тўпланган табиий сув хавзаси хисобланади. Туризм фаолиятида кўлларнинг аҳамияти катта бўлиб, унда шифобахш хусусиятларга эга, доривор ва доривор ресурслар мавжуд. Кўллар юкори даражада ноёблик, ландшафтнинг пейзажли жозибадорлиги каби хусусиятларига эга сайёҳлик имкониятлари мавжуд.

Кунлик номерлар эксплуатацияси миқдори - Количество номеро дней в эксплуатации - Rooms used per day - хона захираси йил давомида меҳмонхонанинг ўз эҳтиёжлари учун доимий равишда фойдаланиладиган хоналарни, шунингдек, бир ҳафтадан ортик вақт мобайнида бўш хоналарни сақлаш имконияти.

Кунлик саёҳатлар миқдори - Количество турodней - Number of tours per day - туристларнинг умумий сонини мамлакатда (минтақада) бир туристнинг ўртача тунаш давомийлигига (кунига) кўпайтириш билан аниқланади.

Кунлик тариф - Дневной тариф - Day rate - кун давомида, меҳмонхонадаги номерни маълум соатларга (24 соатдан кам), масалан, соат 08.00 дан 18.00 гача ижарага беришда ишлатиладиган таъриф. Одатда бундай ҳолатда харажатлар одатдаги кунлик хона нархининг 50%и миқдорида хисобланади.

Кўргазма - Выставка - Exhibition - 1) фан, техника, маданият, санъат ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги иқтисодий ютуқлар тақдимоти. Бу тушунча фақат тадбирни эмас, балки унинг ўтказилиш жойини хам англатади. Кўргазманинг куйидаги турлари мавжуд: маҳаллий, миллий, халқаро, дунё бўйлаб, инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олувчи, махсус ва инсон фаолиятининг фақат бир ҳудудига қаратилган: бадиий, саноат, қишлоқ хўжалигини қамраб олади. Бундан ташқари даврий ва доимий кўргазмалар. 2) кўргазма номи қандай бўлишидан қатний назар одамлар ихтиёрида бўлган маблағни унинг эҳтиёжини қондириш, барча соҳалардаги фаолиятининг тараккиёти учун сарфланишидир.

Курорт - Курорт - Resort - 1) даволаш профилактикаси мақсадида ишлатиладиган ва асосланган алоҳида кўрикланадиган табиий ҳудуд бўлиб, ўз ихтиёрида табиий даволаш ресурслари ва уларни эксплутация (ишлатиш) қилиш учун керакли биноларга шунингдек инфраструктура объектларига эга ҳудуд; 2) меҳмонлар ўз таътиллари вақтида

даволаниш ва ўйин кулгу мақсадида ташриф буюрадиган меҳмонхона.

Курорт бизнеси - Курортное дело - Resort business - табиий шифобахш ресурслар асосида касалликларни даволаш, олдини олишни ташкил этиш ва татбиқ этиш бўйича илмий-амалий ташкилотларнинг барча турлари бирлашмаси.

Курорт конгресс меҳмонхона - Гостиница курортная конгрессная - Resort congress hotel - ўзининг асосий мижозлари кампаниялар бўлиб иштирокчилари дам олиш ҳамда кенгаш ишини биргаликда олиб борадиган меҳмонхона соҳасидаги муссаса. Конгреслар ўтказиш учун бин ова голф ўйинлари учун чанғи спорти ҳамда бўш вақтда махсус хизматлар учун жихозларга эге бўлган бинолари мавжуд.

Курорт меҳмонхона - Гостиница курортная - Resort hotel - дам олиш ва рекреация мақсадларида туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган меҳмонхона. Якшанба ва дам олиш кунларида индивидуал турувчилар оилавий ва гуруҳ туристларга хизмат кўрсатишда қўшимча қулайликлар ва жойлашишни тақдим этади. Охирги йилларда курорт меҳмонхоналар сезонлар ўртасидаги тафовутни қисқартириш мақсадида меҳмонхоналар конгресс ва хизмат туризмга эътиборини қаратишмоқда.

Курорт меҳмонхона - Отель-курорт - Resort - турли хил меҳмондўстлик хизматларини таклиф этадиган, шунингдек, махсус тиббий хизмат ва пархезли овқатланиш мажмуини таклиф этадиган йирик корхоналар. Дам олиш масканида жойлашган бўлади.

Курортли йиғим - Курортный сбор - Resort dues - харажатларни қисман қоплаш учун жисмоний ва юридик шахслардан олинувчи маҳаллий йиғим (тўлов), маҳаллий давлат органлари назорати остида ўтказиладиган бошқа тадбирлар амалга оширилиши билан ёки уларга маъданий-маиший хизматларнинг тақдим этилиши билан боғлик.

Курортология - Курортология - Balneology - табиатнинг даволовчи омилларини ўргатувчи, тиббиётнинг бўлимидир (климатик, балнеологик ва бошқалар), уларнинг организмга таъсирини ва даволовчи профилактик мақсадларда қўлланилиш омилларини ўргатади.

Курс фарқи - Курсовая разница - Exchange difference - чет эл валютасининг миллий валютага нисбатан курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада амалга оширилган операцияларда юзага келадиган фарқ (ижобий, салбий).

Кўрфаз - Лагуна - Lagoon - табиий сувли бассейн, денгиз билан ингичка бўғоз орқали боғланган, ёхуд материк қирғоғи оралиғида маржон қоялар билан ёпилган, ёхуд атолла (атолл - халқа шаклидаги маржонлар ороли) ичида жойлашган жой.

Кўрфаз/қўлтиқ - Залив - Bay - океан, денгиз ва кўлларнинг

қуруқлик ичкарисига кириб турган ва асосий ҳавза билан бемалол сув алмашиб турадиган қисми. Кўрфазнинг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолати асосий сув ҳавзасининг ҳолати билан бир хил бўлади. Айрим ҳолларда иқлимнинг маҳаллий хусусияти ва материкдан борган сув туфайли Кўрфаз суви юза қисмининг гидрологик шароити бирмунча фарқ қилиши мумкин. Баъзан океанларнинг денгизларга хос хусусиятлар (гидрологик режим)га эга бўлган қисмлари ҳам кўрфаз дейилади (Мексика, Гудзон, Форс, Калифорния ва бошқалар). Энг катта кўрфазлар: Форс кўрфази, Адан, Аляска, Бенгалия, Бискай, Катта Австралия, Гвинея ва бошқалар.

Кутилажак меҳмоннинг келмаслиги - Не заезд - No-show - буюртма бўйича режалаштирилган санада туристларнинг жойлаштириш воситасига келмаслиги ёки 24 соатдан кам вақт олдин бронлаштиришнинг бекор қилиши.

Кучларни жамлаш стратегияси - Стратегия перегруппировки сил - Regrouping strategy - ушбу стратегиядан мақсад самарадорликни оширишдир. Бу туристик маҳсулотни бозор талабига мувофиқ ва корхонанинг туристик фаолиятини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш билан боғлиқ равишда янгилашга қаратилган фаолиятни тизимли равишда қайта ташкил этишни назарда тутади.

Кўчманчи - Кочевник - Nomad - кўчманчи аҳоли (Гйпсиэс, Бедоуинлар, Белундис ва бошқа кўчманчи қабилалар) сайёҳлар деб таснифланмайдилар ва сайёҳлик статистикасига киритилмайди.

Л

Лагернинг тўхташ жойи - Лагерная стоянка - Camp stop-over - туристларнинг дам олиши ва тунаб қолишлари учун ажратилган жой бўлиб, тоғли, сувли, отли ва велосипед маршрутларида кўзда тутилади. Лагер тўхташ жойида палатка ёки ўчоқ, ахлат учун чуқур, хожатхона бўлади.

Лайнер - Лайнер - Liner - доимий рейсларни амалга оширувчи катта денгиз йўловчи кемалари ёки самалётлар.

Ландшафт - Ландшафт - Landscape - 1) ҳудуддаги ривожланган абиотик (жонсиз), биотик (жонли табиат) ва антропоген (инсон томонидан яратилган) элементларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги. 2) ўзаро боғлиқ экологик ва биоцентрик компонентлар мажмуи. 3) типологик табиий комплексларни умумлаштирувчи тушунча: геологик замини, релефи, иқлими, тупроқлари, ўсимлик туркуми, ҳайвонот дунёси, гидрологик режимининг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва табиий чегарага эга бўлган ҳудуд. Ландшафтшуносликда ландшафтнинг 3 хил тушунчаси мавжуд: регионал тушунча, бунда ландшафт ер юзасининг табиий чегараланган унча катта бўлмаган

қисми тушунилади; типологик бирлик бўлиб, бунда ландшафт термини барча тасниф бирликларига нисбатан қўлланилади; умумий тушунча, бу ҳолда ландшафт терминини турли катта-кичикликдаги табиий географик комплексларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Ландшафт-маршрут каридори - Коридор ландшафтно-маршрутный - Landscape tour corridor - ҳудудий рекреацион тизимнинг таркибий элементи.

Легаллаштириш - Легализация - Legalization - 1) бирор-бир ташкилотнинг фаолият юритиши учун руҳсат бериш, унинг қонунийлашуви, қандайдир ҳужжатга юридик куч бериш, амал қилиш; 2) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш. Чет элда тайёрланган ёки чет элда ишлаш учун мўлжалланган ҳужжатларни қонунийлаштириш.

Лицензиат - Лицензиат - Licensee - юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг муайян фаолият билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлиши.

Лицензирование туристской деятельности - Лицензияланган туристик фаолият - Licensing tourist activity - туристларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш воситаси. Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

Лицензия - Лицензия - License - лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ). ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.05.2000 № 71-II).

Лицензия агентлиги - Агентство лицензированное - Licenced agency - сайёҳлик агентлиги туристик хизматларни сотиш учун давлат органлари томонидан оладиган расмий рухсатнома (лицензия).

Лицензиялаш - Лицензирование - Licensing - лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси. («Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.05.2000 й. № 71-II).

Лицензиялаш талаблари ва шартлари - Лицензионные требования и условия - License requirements and conditions - фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган

талаблар ва шартларнинг мажмуи («Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.05.2000 й. № 71-II).

Лобби, вестибюл - Холл - lobby, Hall - меҳмонхона, театр ва ҳоказоларнинг дам олиш, меҳмонларни кутиб олиш ва кутиб туриш учун мўлжалланган катта жойи (одатда кириш жойи).

Логотип - Логотип - Logotype, logo - ҳар бир компания имиджининг асосий элемантларидан бири. У турли хил фирмаларнинг бир йўналишдаги маҳсулотларини фарқлаш учун хизмат қилади. Логотипда оддий мисол қилиб давлатларнинг герб ва байроқларини айтиш мумкин.

Локандо - Локандо - Locando - йўл ва қишлоқда жойлашган йўловчилар учун кичик меҳмонхона.

Лофт - Лофт - Mezzanine - очиқ ётоқхонали уй. Меҳмонхона номерларида токчалар қўшимча ва/ёки болалар ётоқлари сифатида ишлатилиши мумкин.

Люкс - Люкс - Luxe - дўконлар, меҳмонхоналар, ателье ва бошқаларда энг яхши ускуналардан фойдаланиш, юқори даражада хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

Люкс меҳмонхона - Отель-люкс - Luxury hotel - одатда шаҳар марказида жойлашган кичик ва ўрта бизнес корхона ҳисобланади. Яхши ўқимишли ходимлар конференция қатнашчилари, ишбилармонлар учрашувлари, юқори ҳақ тўланадиган мутахассислар олий тоифа мижозларга юқори даражадаги хизматни таклиф этади. Одатда, хизматларнинг барча турларини ўз ичига олган юқори нархли хона номерлари мавжуд бўлади. Хоналар бир неча яшаш хонаси ва хавфсиз ҳолатдага ётоқ хонаси мавжуд бўлади.

Люкс синф меҳмонхонаси - Гостиница класса люкс - Luxury hotel - шаҳар марказида жойлашган ва оз сонли номерга эга бўлган меҳмонхона тури. У асосан ривожланган иқтисодиётга эга йирик шаҳарларнинг марказида жойлашган бўлади. Бу энг талабчан меҳмонларнинг эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган яхши ходимлари билан характерланади. Меҳмонхонада жойлаштириш корхоналарида бўлган барча турдаги хизматларни тақдим этиши сабабли номерлар нархи одатдагидан кўра жуда юқоридир.

Люкс-апартамент - Люкс-апартаменты - Luxury-apartment - камида 45 квадрат метр яшаш майдони бўлган уч, тўрт хонали номер. Бу номерда балки ошхона бўлмаслиги мумкин. Бу номерларнинг энг қиммат категорияси.

М

Мавсум - Сезон - Season - маълум ҳудуд учун энг қулай бўлган туристик фаолият билан шуғулланиш вақти.

Мавсум давомийлиги - Продолжительность операционного периода - Duration

of season - туристик корхоналар ўз фаолиятини амалга оширадиган мавсум давомийлиги. Бу 90 кундан (курорт-санаториялар учун) 365 кунгача (меҳмонхона учун) бўлиши мумкин.

Мавсумий меъёрлар - Сезонные нормы - Seasonal norm - мавсумга қараб фарқланадиган турли хизматлар нархларининг хилма-хиллиги.

Мавсумий нарх режаси - Сезонно-ценовой план - Seasonal price plan - жойлаштириш воситаси фаолият кўрсатадиган йил ёки мавсумни ташкил этадиган барча нархлари даврларининг йиғиндиси.

Мавсумий туризм - Туризм сезонный - Seasonal tourism - туристларнинг баъзи бир туристик ҳудудларга йилнинг фақатгина маълум бир вақтларида ташриф буюриши.

Мавсумийлик - Сезонность - Seasonality - дам олиш шароитлари ўзгариши билан боғлиқ равишда такрорланадиган, бирор бир ҳудуд учун одатий бўлган хусусият.

Маданий ва табиий меросларНаследие культурное и природное - Cultural and natural heritage - туристик эътиборни торта олувчи табиий ва антропологик обеъктлар йигиндиси ва улардан келиб чиқадиган соғломлаштириш,маданий ва х.к хусусият вакансиялари.

Маданий меросларНаследие культурное - Cultural heritage - халқларнинг ўзига хослигини сақлаб қолувчи ва ривожлантирувчи, ўтмишда яратилган моддий ва маданий бойликлари, шунингдек ҳайкаллар, маданий-тарихий ҳудуд ва объектлардир.

Маданий меърос - Культурное наследие - Heritage - 1) аждодлардан бизгача етиб келган қимматбаҳо нарсалар, булар жумласига тарихий обидалар ва маданий анъаналар киради; 2) қадрли ва қимматбаҳо, вақт синовлари ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган ва аждодлар томонидан яратилган маънавий ва моддий маданиятнинг бир бўлаги. Маданий мерос объектлари типи: қурилиш (ижод маҳсули); комплекслар (ансамбльлар); кўзга ташланиб турувчи жойлар. Маданий мерос объектлари турига қуйидагилар киради: археологик (меҳмонхоналар, қабрлар, қадимий қолдиқлар, устунлар, истеҳкомлар, ҳарбий лагерлар, ишлаб чиқаришлар, суғориш иншоотлари, йўллар, ибодат жой ва иншоотлари, қоя-тош тасвирлари, тарихий-маданий ер қатламлари участкалари, қадимий уруш майдонлари; қадимги ва илк одамлар қолдиқлари); тарихий (уйлар, иншоотлар, улар комплекслари (ансамбллар) алоҳида кўмилган қабристонлар, тарихий воқеалар содир бўлган таниқли шахслар ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ жойлар, халқлар маданияти ва турмуш тарзи); монументал санъат (тасвирий санъат асарлари, ҳам мустақил (алоҳида) ҳам архитектурологик, археологик ҳамда бошқа диққатга сазовор жойлар ёки улар билан боғланган комплекслар (ансамбллар));

архитектура ва шаҳарсозлик (тарихий марказлар, кўчалар, даҳалар, майдонлар, архитектура ансамбллари, тарихий иншоотлар қурулиш планлари ва қурилмаган иншоот қолдиқлари, алоҳида архитектура иншоотлари ҳамда улар билан боғлиқ монументал санъат, декаратив, тасвирий санъат асарлари); боғ-роғ санъати (бунда ҳақиқий боғлар, истироҳат боғлари, ҳиёбонлар, инсон кўли билан яралган ландшафт архитектураси); ландшафтлилар (тарихий қийматга эга бўлган ҳақиқий манзилгоҳлар).

Маданий туризм - Культурный туризм - Culture tourism - тарихий, маданий ёки географик эътиборга сазовор жойларга боришни қамраб олувчи туризм. Маданий туризм энг машҳур ва оммабоб туризм туридир. Бундай саёҳатнинг асосий мақсади туристик эътиборга сазовор жойлар билан таништириш (тарихий ҳайкаллар, архитектура, санъат, табиий ва этник хусусиятлар, халқнинг замонавий турмуши ва ҳ.к).

Маданий туризм - Туризм культурный - Cultural tourism - туристларни миллий маданият, урф-одат ва анъаналар билан таништириш билан боғлиқ бўлган халқаро туристик саёҳат кўриниши.

Маданият ёдгорликлари - Памятник культуры - Cultural monument - махсус қонунлар билан ҳимояланган мамлакат маданий меросининг бир қисми, миллатлар.

Мажбурий сертификатланадиган хизматлар - Обязательная сертификация услуг - Mandatory of service sertification - юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни хавфсизлигини тасдиқловчи сертификатлаш ишлари.

Максимум кулайлик - Максимальная комфортность - Maximum comfort - ҳар бир ётоқхонада икки киши жойлашадиган энг қулай шароитлара истиқомат қилувчи шахслар.

Мақом - Статус - Status - фуқароларнинг (ҳуқуқ ва мажбуриятлар жамиятидаги) ҳуқуқий мақоми.

Мақсадли бозор - Целевой рынок - Target market - бозордаги меҳмонхона гуруҳи сегменти ёки маркетинг фаолиятининг бир жойга тўпланиши учун энг муносиб ва фойдали жойдир.

Мақсадли чартер - Целевой чартер - Target charter - маълум бир мақсадда бирлаштирилган ихтисослашган йўловчилар гуруҳлари, масалан: йирик халқаро мусобақаларга учадиган футбол ишқибозлари, спортчилар; касаба уюшмаларининг аъзолари, фестивалга борувчилар, зиёратчилар ва бошқа қатнашчиларни ташиш. Чартер буюртмачиси ўз ходимлари ва аъзоларига кўрсатиладиган транспорт харажатларини тўлаши мумкин бўлган тегишли ташкилотдир.

Мақсадсиз чартер - Нецелевой чартер - No-purpose charter - авиа йўловчилари гуруҳи саёҳатлар мақсадидан қатъий назар

танланадиган транспорт воситаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу турдаги парвозларни ташкиллаштиришни ташкил қилувчи ҳар қандай транспорт компанияси бир йўла иккинчи йўловчи ташиш учун воситачи сифатида фаолият юритиши мумкин.

Мамлакат ҳудудига туристларни кириши, чиқиши ва бўлиш қоидалари - Правила въезда, выезда и пребывания туристов на территории страны - Entry, stay and departure of tourists in the country - сайёҳнинг ҳатти-ҳаракатини тартибга солувчи, туристик фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш воситалари.

Мамлакатнинг туризм экспорти - Экспорт туризма из страны - Country's tourism export - бу ушбу мамлакат иқтисодиёти учун фаол туризмни англатади.

Маркетинг режаси - Маркетинговый план - Marketing plan -- 1) бизнес-режанинг асосий қисмларидан бири ва қулайлиги учун ўз туристик тузилмасига эга бўлиб, у туристик корхонанинг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини акс эттиради; 2) маълум бир маркетинг стратегиясига боғлиқ бўлган ташкилотнинг маркетинг фаолиятини амалга ошириш ва назорат қилишини тавсифловчи ёзма ҳужжат ёки лойиҳа.

Маркетингни режалаштириш - Планирование маркетинга - Marketing planning - маркетинг имкониятларини ва ресурсларини баҳолаш, маркетинг мақсадларини белгилаш ва уни амалга ошириш ҳамда назорат режасини ишлаб чиқишни ўз ичига олган мунтазам жараён.

Маросим - Обряд - Ceremony - шундай диний маросим бўлиб унда инсон урф-одат, маросимлар, инсон ҳаётидаги муҳим лаҳзалар ва инсон ҳаёти фаолияти ҳамда жамиятдаги инсоннинг ижтимоий аҳамиятини белгиловчи восита ҳисобланади.

Маршрут охири - Конец маршрута - End of tour - туристик хизматларни кўрсатиш шартномасида белгиланган маршрутда туристга охирги туристик хизматларни кўрсатиш жойи.

Маршрут чизмаси - Схема маршрута - Tour itenerary - туристик саёҳатнинг йўналишини кўрсатувчи ҳудуднинг топографик чизмаси.

Маршрутлаш - Маршрутизация - Itinerarization - 1) маршрут операцияларида алоҳида сафар рейсларининг ҳолати; 2) туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва тузиш.

Маршуртнинг бошланиши - Начало маршрута - Start route - туристик шартномада кўрсатилган хизмат бўлиб туристга биринчи туристик маршурт хизмати кўрсатиладиган жой.

Масофа - Расстояние - Distance - географик объектларнинг бир-биридан узоклиги бўйича масофа ўлчови.

Массаж - Массаж - Massage - терапевтик ёки бошқа самарага эришиш учун тўғридан-тўғри инсон танасининг юзасида, қўллар ва махсус қурилмалар орқали ҳаво, сув

ёки бошқа воситалар орқали амалга ошириладиган силлиқлаш, босим, тебраниш, шаклида тўқималар ва органларга механик ва рефлекс таъсир қилиш усуллари тўплами.

Мастер-класс - Мастер класс - Master class - туристик агентликларни рағбатлантирувчи воситаардан бири бўлиб, бунда махсус туроператорлик фирмаларидан масъул шахслар бошчилигида туристик агентлик ходимлари янги билим ва кўникмалар олиши учун ўтказилади.

Масштаб - Масштаб - Scale - чизиқ узунликларининг харитадаги нисбати ер юзасидаги узунликка мос келадиган узунлиги.

Матбуот конференцияси - Пресс-конференция - Press-conference - оммавий ахборот воситаларини ахборот билан таъминлаш мақсадида журналистларнинг турли ташкилотларнинг вакиллари билан учрашувини ташкил этиш. Вазиятга боғлиқ ҳолда матбуот анжумани, масалан, мартабали шахс келиши билан аэропортда ўтказилиши ёки олдиндан тайёрланиши ва махсус хонада олиб борилиши мумкин.

Материк - Материка - Continent - катта қуруқлик массиви (кичик қуруқлик массивига қарама карши - орол), сув билан ўралган.

Махсус жойлашиш тадбири каталоги - Каталог специализированных средств размещения - Catalogue of specialised accommodations - санаторийлар, профилактика поликлиникалари, даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа махсус ихтисослаштирилган корхоналар билан бир қаторда уларга тақдим этилган хизматлар (жумладан, касалликларни даволаш, хизматлар ва х.к.).

Махсус жойлаштириш воситалари - Специализированные средства размещения - Special accommodation - 1) туристлар учун исталган типдаги жойлаштириш воситаси, ҳатто фойдага эга бўлмаса ҳам, улар якка бошқарувга ва минимум қулайликларга эга бўлади, улардаги хоналар номер шаклида бўлмаслиги мумкин, балки умумий жойлаштириш шаклида бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундай жойлаштириш воситалари жойлаштиришдан бошқа фаолият билан ҳам шуғулланади, масалан даволаш, конференция ва транспорт (БТТ таърифи); 2) жойлаштиришдан бошқа фаолият билан шуғулланувчи объектлар: санаторий-курорт ташкилотлари, дам олиш ва туризм ташкилотлари. Улар қаторига санаторийлар, даволаш пансионатлари, дам олиш уйлари, пансионатлар, дам олиш базалари, туристик базалар кабилар киради.

Махфий тарифлар - Конфиденциальные тарифы - Confidentioal tariffs - фақатгина туроператор ёки авиакомпаниянинг ўзи саёҳат пакетларида ёки авиачипта савдо қилмаган ҳолатда, лекин алоҳида саёҳат хизматларида, агентларга тўлиқ экскурсия харажатларини мустақил равишда тўлдириш ва ҳисоблаш имконини

берадиган ҳолларда тарқатилади; улар сайёҳлик оператори томонидан тақдим этилган шахсий сайёҳлик хизматлари ва уларнинг аниқ тарифларининг рўйхатида сақланади.

Маҳаллий - Инсайдинг - Domestic/insiding - ички туристик маҳсулотларни режалаштириш, тарғиб қилиш ва амалга ошириш, яъни ўз мамлакати ҳудудида ўз фуқароларига туристик хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ туроператорининг туристик фаолияти.

Маҳаллий истиқомат қилувчи - Житель местный - Local - муайян мамлакатда миллий қонунчиликка тўлиқ риоя қилувчи, рўйхатдан ўтган юридик ёхуд жисмоний шахс.

Маҳаллий туризм - Туризм местный - Domestic tourism - айни шу мамлакат ҳудудидаги туризм.

Маҳаллий туроператор - Инсайдинговый туроператор - Domestic tour operator - ички турмаҳсулотларни режалаштириш, тарғиб қилиш, сотиш ва амалга ошириш, яъни ўз мамлакати ҳудудида ўз фуқаролари учун турларни ташкил этиш билан шуғулланувчи туроператор.

Маъданли сув манбаи - Источник минеральных вод - Mineral springs - ер остида юзага келадиган ва шифобахш хусусиятларга эга бўлган сув оқими. Даволовчи балнеологик марказларни яратиш учун минерал сув манбалари мавжуд ҳудудлардан фойдаланилади.

Мезбон (қабул қилувчи томон) - Принимающая сторона - The host - вақтинчалик яшаш мамлакатига (жойига) келган туристларни қабул қилувчи тараф - юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор. Қабул қилувчи томон тақдим этган хизматнинг мазмуни жўнатувчи томонидан берилган воучерда белгиланган бўлади.

Меню - Меню - Menu - муайян ресторанлар занжири ёки алоҳида турдаги ресторанни тасвирининг универсал кўриниши. Менюнинг турлари "A-lya kart", "Tabldot". Менюлар Статистик ва тематик менюлар ҳам мавжуд.

Метродотел - Метродотель - Maitre d'hote - метродотель ҳар бир буюртма учун стол белгилайди ва официантларга кўрсатмалар беради. Метродотель меҳмонларни кутиб олиб, стол олдигача кузатиб боради, ўтқизиб таомномани қўлларига беради ва официантни юборади. Метродотель официантлар ўртасида ишларни тақсимлайди, уларнинг ташқи кўриниши, жиҳозларнинг (идишлар, салфетка) мавжудлигини, столдаги идишлар ва дастурхоннинг тозалигини, мебель, гилам, ёруғликни текширади. Мижозлар эътирозини ҳам у қабул қилади (сифатсиз овқат ва ичимликлар бепул алмаштирилади).

Меҳмон - Гость - Guest - туризм саноати ва меҳмондорчилиги мижози.

Меҳмон хонаси - Гостининая комната - Keeping - room - меҳмонхона ёки пансиондаги умумий хона, унча катта бўлмаган зал.

Меҳмон чеки - Гостевой чек - Travellers cheque - ваучернинг бир қисми сифатида тез-тез ишлатилиш мақсадида ресторан ёки бар хўжайинига тақдим этилувчи квитанция.

Меҳмон/вақтинчалик виза - Виза гостевая/частная - Guest/private visa - хорижий давлатнинг дипломатик ваколатхонаси паспортида эгасига қариндошларинникига ёки шахсий саёҳат қилиш мақсадида виза берган давлат ҳудудига вақтинчалик кириш ҳуқуқини берувчи белгидир. Бошқа давлатнинг фуқоросига (виза берувчига) бошқа фуқоро (чет эл фуқароси) томонидан таклифнома берилаётганда чиқарилади.

Меҳмондўстлик - Гостеприимство - Hospitality - 1) меҳмонларга нисбатан кўрсатиладиган хулқ-атвор фалсафаси; 2) туризм хизматларини ишлаб чиқаришнинг уйғун комбинацияси, дам олиш муҳитининг қулайлигини ва хавфсизлигини, жисмоний ва руҳий роҳатланишларини таъминловчи, меҳмонларнинг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилувчи хушмуомалалик. Меҳмонларга меҳр-оқибат ва саховат билан муносабатда бўлиш, меҳмондўстлик тамойилларига асосланган қабул ва хизмат кўрсатиш соҳасидир. Меҳмондўстликнинг асосий йўналишлари: овқатлантириш, жойлаштириш, транспорт, дам олишда намсён бўлади. "Меҳмондўстлик" ҳар қандай гамхўрликнинг сирли элементидир. У меҳмонга нисбатан кўрсатилаётган гамхўрлик, мижознинг эҳтиёжларини аниқлаш қобилиятидир.

Меҳмондўстлик индустрияси - Индустрия гостеприимства - Hospitality industry - бу келаётган туристларни жой ва озиқ-овқат билан таъминлашга, шунингдек уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга йўналтирилган бизнес.

Меҳмондўстлик менежменти тузилиши - Структура менеджмента гостеприимства - Hospitality management structure - туристик маҳсулотнинг лойиҳаси, туристик маҳсулотнинг реализацияси, туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш, туристик маҳсулотнинг истеъмоли, сифат назорати.

Меҳмондўстлик муҳити - Среда гостеприимства - Hopsitality atmosphere - ўз ичига меҳмондўстлик материал-техник базаси, маданий-тарихий комплекс, хизмат ходимлари, меҳмондўстлик инфратузилмаси ва меҳмондўстлик менежментини олади.

Меҳмондўстлик саноатининг иш концепцияси - Концепция работы в индустрии гостеприимства - Work concept in hospitality industry - АҚШнинг туризм концепциясини "уйдан узоқда" деб номлаш тамойилини белгиловчи концепция ҳисобланди. Меҳмонхоналар мижозларга кунига 24 соат, ҳафтада 7 кун ва йилига 365 кун вақтни ташкил этади, бу эса ходимларнинг доимий, узоқ ва зич

ишлашини талаб қилади.

Меҳмонларга хизмат кўрсатиш жараёни - Процесс обслуживания гостей - Customer service process - ҳар қандай меҳмонхонада хизматлар унинг тоифасидан қатъий назар, бир неча босқичларга бўлинади: бронлаштириш - меҳмонхонада жойлаштириш жойларини олдиндан банд қилиш; меҳмонларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва жойлаштириш; яшаш хизматларини кўрсатиш; қўшимча хизматларни тақдим этиш; якуний ҳисоб-китоб ишлари ва чиқишни расмийлаштириш.

Меҳмонларни рўйхатга олиш - Оформление гостя - Guest registration - меҳмон билан меҳмонхонада ишлаш, биринчи навбатда меҳмон билан учрашув, уни рўйхатга олиш ва ажратилган хонага олиб бориш.

Меҳмонларнинг меҳмонхонага ташриф даври - Период пребывания гостей в отеле - Length of stay - меҳмонларнинг меҳмонхонада тунаб қолиш оқшомлари сонини акс эттиради; одатда меҳмонларнинг йил, ярим йил, чорак ва бир ойдаги ташрифини ҳисоблашда қўлланилади. Брон қилинган номерлар миқдори ўша даврда кириб келган туристлар миқдорига алоқали деб ҳисобланади.

Меҳмонни рўйхатга олиш - Регистрация гостя - Guest check-in - меҳмонни меҳмонхонага қабул қилишда расмийлаштириш жараёнининг бир босқичи.

Меҳмонхона - Гостиница - Hotel - 1) ўз "маҳсулоти" сифатида хизматлар мажмуини ишлаб чиқарадиган ва бозорда тақдим этадиган, асосий хизматлари жойлаштириш ва овқатлантириш бўлган тижорат корхонаси; 2) хизматларни кўрсатиш учун мўлжалланган мулкий мажмуа (бино, иншоот, қурилма ва бошқа мол-мулкнинг бир қисми); 3) хизмат кўрсатишга мўлжалланиб жиҳозланган (энг камида тўшаклари мавжуд бўлган, хона ва ҳаммомни тозалаш хизмати бор) ва жиҳозланишига қараб синфларга ажратилган, мижозларга тақдим этиш учун хоналардан ташкил топган коллектив турар жой; 4) турар жойларда меҳмон учун мўлжаллаб алоҳида қурилган катта хона; 5) бошқа жойдан меҳмон бўлиб келган кишилар учун вақтинча яшаб туришга қурилган махсус бино. Бу турдаги бинолар турли халқларнинг яшаш шароитлари билан боғлиқ равишда турлича аталган. Масалан, Ўрта Осиёда карвонсарой, работ, "зовия", арабларда "хон", Россияда "гостиний двор", "корчма", Франция ва Испанияда "таверна", "харчевна", инглизларда "инна", японларда "рёкан" каби. XVIII асрдан бошлаб Францияда "отел" номи билан юритила бошлади. Кейинчалик бу ном бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди; 6) туризм ва меҳмонхона индустриясининг элементи бўлиб, турли турдаги хизматлар таклиф килувчи ва туристларни жойлаштириш объекти; 7) туристларга хизмат кўрсатишни таъминловчи турар жой

ҳисобланиб, одатда, кенг микёсли қўшимча ва анъанавий хизматларни тақдим этувчи, юқори даражадаги қулайликларга эга маскандир.

Меҳмонхона администратори - Администратор гостиницы - Receptionist - меҳмонхоналарда меҳмонларни қабул қилиш ва уларни жойлаштиришга масъул бўлган шахс. Шу билан бирга ички жойлаштириш хизматларига ҳам масъул ҳисобланади.

Меҳмонхона бизнеси - Гостиничный бизнес - Hotel business - тадбиркорлик фаолиятининг бир кўриниши меҳмондўстлик саноатини ривожлантириш, турист ва саёҳатчилар эҳтиёжини таъминлаш, маиший хизмат ва бўш вақтни самарали ўтказиш ҳақидаги муаммоларни ҳал қилади.

Меҳмонхона ва бошқа турдаги жойлаштириш воситаларининг даража белгиси - Знак категории гостиницы и другого средства размещения - Hotels and other accommodation categories sign - истеъмолчиларга ва бошқа манфаатдор томонларга меҳмонхона ва бошқа турдаги жойлаштириш воситаларини сертификатлаш тўғрисида маълумот бериш шаклидир. Меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларининг даража белгиси сифатида одатда бешта қиррадан иборат юлдуз шаклидаги георафик шаклдан фойдалинади.

Меҳмонхона ва туроператор ўртасидаги муносабатлар қоидалари - Кодекс отношений между гостиницами и туроператорами - Relation principals between hotels and tour operators - бу халқаро туристик конвенцияларни тузишда туроператорлар ва меҳмонхоналар контрагент вазифасини ўтаётган меҳмонхоналар ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари бўйича меҳмонхона шартномаси бўлган халқаро норматив ҳужжат ҳисобланади.

Меҳмонхона даврийлиги - Цикл гостиничный - Hotel cycle - потенциал мижознинг телефон оркали ёки бошқа йўл билан меҳмонхонага мурожаат қилган пайтидан ва меҳмонхона тўловини тўламасдан олдинги вақтни ўз ичига олган давр. Меҳмонхона цикли қуйидагича бўлиши мумкин: а) шартнома тузишдан олдин (бронлаш, олдиндан тўлов, ҳисоб очиш, меҳмонга келиш); б) уй-жой шартномасини тузиш пайтида (номерни танлаш, банд қилиш, ҳисоб очиш); в) шартнома тузилганидан кейин (ҳисобни текшириш, ҳисоб-китобни тақдим этиш, тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш, жўнаб кетиш).

Меҳмонхона занжири - Гостиничная цепь - Hotel chain - франшиза ёки бошқа меҳмонхона тизимлари ҳисобланиб, миллий бронлаштиришга асосланади. Меҳмонхона занжири исталган давлатнинг исталган шаҳрида қурилиши мумкин. Энг йирик меҳмонхоналар занжири қуйидагилар: Accor, Best Vestern, Hilton, Interkontinental, Marriot,

Meridian, Radisson, Ramada, Sheraton, Vyndham ва бошқалар.

Меҳмонхона индустрияси - Гостиничная индустрия - Hospitality industry - иқтисодий фаолият тури бўлиб меҳмонхоналар, кенпинглар, мотеллар, ўкувчи ва талабалар турар жойлари, саёҳатчилар ва бошқалар учун жойлаштириш воситаларидир.

Меҳмонхона каталоги - Гостиничный каталог - Hotels catalogue - расмий маълумот берувчи йўриқнома, асосан туроператорларда меҳмонхоналарнинг кўриниши ва рўйхатлари, меҳмонхона манзили, телефони, бронлаштириш системаси, хизматлар рўйхати ва меҳмонхона шароитлари ҳақида маълумот берувчи ҳужжат.

Меҳмонхона категорияси - Категория гостиницы - Hotel categories - махсус талаблар мажмуаси билан тавсифланган таснифлаш гуруҳ; меҳмонхона бинолари, моддий-техника жиҳозлари, кўрсатилаётган хизматларнинг номенклатураси ва сифати, хизмат кўрсатиш даражаси учун талаблар мажмуасига асосланган меҳмонхона тоифалари бўйича таснифлаш. Категориялар * ("юлдуз") билан белгиланади. Юлдузларнинг сони хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, хоналарнинг қулайлиги ва бинонинг ўзига мос равишда ортади.

Меҳмонхона клуб - Гостиница-клуб - Hotel-club - бундай турдаги меҳмонхоналарда номер фондидан ташқари бир неча заллар актив (фаол) дам олишни ташкиллаштиришга мўлжалланган. Жойлар: конференция заллари, фитнесс, кино концерт залларри, сухбатлашиш хоналари, банкет заллари ва бошқалар. Одатда биргаликдаги элитнинг фаолиятини амалга оширилади.

Меҳмонхона корпорацияси - Корпорации гостиничные - Hotel corporation - йирик меҳмонхона компаниялари глобал меҳмондўстлик хизматлари бозорининг сегментларини назорат қилади.

Меҳмонхона корхоналарининг ташкилий тузилмаси - Организационная структура гостиничного предприятия - Hotel organizational structure - меҳмонхона корхоналарининг фаолиятини таъминловчи функционал-технологик тизим. ("структура" лотинча сўз бўлиб, нарсалар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ равишда жойлашиши, тузилишини билдиради. Бошқаришнинг мақсадлари, функциялари, вазифалари, объектлари ва органлари унинг ташкилий структурасини белгилаб беради).

Меҳмонхона миссиясининг баёноти - Заявление о миссии гостиницы - Statement of hotel's mission - меҳмонхонанинг асосий мақсадлари тўғрисидаги декларатив ҳужжат.

Меҳмонхона номери - Гостиничный номер - Hotel room - жойлаштириш хизматининг асосий элементи,меҳмонларга дам

олиш, ухлаш, ишлаш имкониятини яратувчи кўп функционалли жой. Номер турлари: Бир хонали номер - битта киши учун мўжалланган ётоқ. Икки кишилик номер - икки кишилик кўпинча оилалилар учун базан бир киши учун мўлжалланган жой. Twin - бу икки киши учун иккита алоҳида краватдан иборат, оила аъзолари ва гуруҳлар учун мўлжалланган жой. Кўп ўринли номер - уч ёки ундан кўп инсон, асосан битта гуруҳ учун мўлжалланган номер. Оилавий номер - оила аъзолари, ота-она ва фарзандлар учун ёки фарзандларнинг тарбиячи, бобо-бувиси билан туришига мўлжалланган номер. Dormitory - бу краватлар сонига қараб яшовчиларни қабул қилувчи кўп ўринли номер бўлиб айнан битта гуруҳ учун мўлжалланган. Junior suit – ишлаш, дам олиш учун қўшимча жойи бор номер, бу категорияга кирувчи уйлар бир хонали ҳисобланади. Ишбилармонлар учун меҳмон кутиш,мини ошхона, ишлаш жойи билан таъминлайди. Бир икки киши яшаши учун мўлжалланган. Хонанинг ярми меҳмон кутиш хонаси, ошхона ва кабинетдан иборат. Suit - ётоқ, ётоқ жойи, алоҳида хона, дам олиш хонаси, иш хонасидан иборат бўлиб уч ва ундан кўпроқ яшаш хонаси ва қўшимча ҳожатхонадан иборат. Apartament - бу ётоқ, ётоқ жойи, алоҳида ётоқ, дам олиш хонаси, ошхона ва ошхона жиҳозлари, икки ёки ундан кўп хоналар (меҳмон кутиш, ошхона, ётоқ)дан иборат бўлиб, битта оила аъзолари ва гуруҳлар учун мўлжалланган.

Меҳмонхона номери - Номер гостиничный - Hotel room - белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозланган меҳмонхона турар-жойларнинг бир ёки бир неча ўрнидан иборат номер.

Меҳмонхона номерининг ўртача нархи - Средняя цена гостиничного номера - Average price of the hotel room - номер фонди умумий даромадининг сотилган номерлар сонига нисбати.

Меҳмонхона тунги аудитори - Ночной аудитор в гостинице - Hotel night auditor - кечалари қабул қилувчи (reception) вазифаларини бажарадиган, меҳмонхонанинг номер фондининг юкланиши ва номернинг ўртача нархи бўйича кунлик ҳисоботлар тузадиган, барча меҳмонхона хизматлари юзасидан меҳмонларнинг амалга ошириши лозим бўлган тўловларининг якуний ҳисоботини тузадиган ходим.

Меҳмонхона фаолияти - Гостиничная деятельность - Hotel activities - фуқароларни қабул қиладиган ва хизмат кўрсата оладиган, гуруҳларни сиғдира оладиган ва уларни бошқара оладиган, белгиланган тартибда мол-мулк ҳуқуқига эга юридик шахслар ва якка тадбиркорлар фаолияти.

Меҳмонхона фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсатгичи - Ключевые показатели эффективности деятельности отеля - Key performance indicators

- меҳмонхона иш фаолиятини баҳолашга имкон берадиган объектив жиҳатдан аниқланадиган параметрлар мажмуи.

Меҳмонхона фаолиятининг сифатини баҳолаш - Показатели оценки деятельности гостиницы - Quality evaluation of hotel activity - меҳмонхона номер фонди, меҳмонхона хонасининг ўртача нархи, сотилган номерда меҳмонларнинг ўртача сони кабиларни тадқиқ қилиш.

Меҳмонхона фондининг фойдаланиш даражаси - Коэффициент использования гостиничного фонда - The utilization rate of the hotel found - бир марталик маҳсулот ҳажмига ва йилига кунлар сонига бўлинадиган, кечки турар жойлар сони.

Меҳмонхона хизматларини тақдим этиш қоидалари - Правила предоставления гостиничных услуг - Provisioning rules of hotel service - меҳмонхонага жойлаштиришни тартибга солувчи, меҳмонхонада турар жойга буюртма бериш (сайёҳлар учун шартнома тузиш ва хизматлар кўрсатиш, шу жумладан уларни тўлаш) бўйича туристга тақдим этилган маълумотларнинг миқдорини белгиловчи норматив ҳужжат; хизматларни тақдим этиш тартиби (шу жумладан, қўшимча тўловларсиз хизматлар), шунингдек, ижро эувчи ва истеъмолчининг хизматларни кўрсатиш учун жавобгарлиги кабилар хисобланади.

Меҳмонхона ҳафсизлик тизими - Система безопасности в гостинице - Security system in accommodations - меҳмонхонада хафсизликни таминлаш борасидаги асосий масалалар тизими: калитлар сақланиши назорати, турар жойларнинг хафсизлиги, фавқулотда вазиятларда қўлланадиган чора-тадбирлар, бегона кишилар устидан назорат.

Меҳмонхона ховли - Гостиный двор - Hotel yard – меҳмонхоналарга қараганда осонлаштирилган стандарт хизматлари билан фаркланувчи, кам ўринлиги корхона.

Меҳмонхона эгаси - Хотельер - Hotelier - меҳмонхона эгаси ёки бошқарувчилар кенгашининг аъзоси, шунингдек, учинчи шахслар билан муносабатларда меҳмонхона манфаатларини ифодаловчи шахс.

Меҳмонхона юкламаси - Загрузка гостиницы - Occupancy, occ rate - муайян вақт мобайнида банд бўлган номерларнинг улуши. Ушбу кўрсаткич қуйидагича ҳисоблаб чиқилади: маълум вақт мобайнида банд бўлган номерлар сони ўша даврдаги меҳмонхона номерларининг сонига бўлинади ва фоиз кўринишида ифодаланади. Меҳмонхона юкламаси меҳмонхона самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Меҳмонхонада жойлашиш турлари - Виды размещения в гостинице - Types of accommodation in hotel - бу меҳмонхонада яшаш учун мос бўлган бир кишилик ёки бир нечта кишилик жойлардан иборат бўлган хоналардир.

Меҳмонхонада тунашни тақдим қилиш - Предоставление ночевок (койко-суток) гостиничными предприятиями - Room offer - доимий ва вақтинчалик жойлардан тунаш мақсадида фойдаланиш.

Меҳмонхоналар занжири - Цепь отелей - Hotels chain - жамоавий бизнесни амалга оширадиган ва занжирларни бошқаришнинг бевосита назорати остида бўлган меҳмонхоналар гуруҳи. Меҳмонхоналар занжири одатда битта бренд билан бирлаштирилади.

Меҳмонхонанинг жойлашган ўрни - Месторасположение гостиницы - Location of a hotel - меҳмонхонанинг жойлашган ўрни қулайлиги ва мижозлари учун унинг атроф муҳит гўзаллиги (инфратузилмасининг ривожланганлиги), ташриф буюрувчиларнинг асосий мақсадини (дам олиш ёки ишбилармонлик туризми) билан келганлигини аниқлаб беради;

Меҳмонхонанинг хизмат кўрсатиш хоналари - Помещения служебные в гостинице - Administrative rooms - хизмат кўрсатиш жойлари, хизмат кўрсатиш жойлари орасидаги йўлаклар, хизмат хоналари ҳисобланади.

Меҳмонхонанинг яшаш хоналари - Помещения жилые в гостинице - Living rooms - меҳмонхона номерлари (яшаш хоналари), коридорлар, фое, йўлаклар, жамоат жойлари, санузеллар.

Меҳнат шартномаси - Договор трудовой - Work agreement - ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Мигрант - Мигрант - Migrant - сафарда қатнашувчи, бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрувчи шахс.

Миграция - Миграция - Migration - ҳудуддаги барча одамларнинг ҳаракати. Фарқли белгилари: даврий кўчиш, доимий кўчиш, эпизодик кўчиш.

Миллий боғ - Национальный парк - National park - давлат томонидан кўрикланадиган ноёб ва табиий объектларга эга ҳудуди.

Миллий ошхона - Национальная кухня - National cuisine - минтақавий ёки этник гуруҳлар, бир нечта шаҳар ёки халқларнинг миллий ошхоналари.

Миллий туризм - Национальный туризм - National tourism - ички ва ташқи туризм йиғиндиси (БТТ таърифи).

Миллий туристик ҳокимият (МТҲ) - Администрация национальная туристская (НТА) - National tourist administration (NTA) - мамлакатда туризмни ривожлантириш ва туризм бозорида ишлаш учун асосий жавобгар бўлган марказий давлат органи. Ўзбекистонда МТҲ Ўзбекистон Республикаси Туризмни

ривожлантириш Давлат қўмитаси хисобланади.

Мини-бар - Мини-бар - Mini-bar - алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар жойлаштирилган номердаги кичик музлатгич. Одатда қўшимча тўлов асосида бўлади.

Минтакавий туризм [4] - Региональный туризм - Regional tourism - туристик хизматлар тақдим этиладиган, турист учун алоҳида қизиқиш уйғотадиган, табиий-иқлимий, маданий ва тарихий ресурслар, кўнгилочар ёки бошқа мажмуалардан фойдаланган ҳолда туристлар эҳтиёжларини қондириш имкониятларига эга бўлган ўзоро чегарадош, бир гурух мамлакатлар ёки вилоятлардан иборат бўлган жой ёки ҳудуд туризми хисобланади. Туристик минтака туристлар ёки туристлар гурухи томонидан танланган, диққатга сазовор жойлар ва туристик объектлар ҳамда уларга мослашган хизматлар тўплами тақдим қилинадиган жой.

Минтақада туризм соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги - Экономический эффект от развития туризма в регионе - Economic efficicency from tourism development in the region - биринчи навбатда туризм индустриясида қўшимча иш жойларини яратиш, бандлигини ошириш, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан заиф минтақаларнинг ривожланишини рағбатлантиришда намоён бўлади.

Миссионер - Миссионер - Missionary - диний ташкилот вакили бўлиб, асосий вазифаси ўз динини тарғиб қилиш (кўпинча христианлик динида учрайди) хисобланади.

Моддий хизматлар - Услуги материальные - Material service - фуқаролар (туристлар)нинг буюртмасига кўра маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини тиклаш (ўзгартириш, сақлаб қолиш) ёки янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек истеъмол учун шарт-шароитлар яратиш, товарлар ва одамларни ташишни таъминлаш билан боғлиқ хизматлар. Хусусан, моддий хизматларга уй хўжалиги, таъмирлаш ёки ишлаб чиқариш, уй-жой-коммунал хизматлари, овқатланиш, транспорт ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Можаро - Инцидент - Incident - тасодиф низога сабабчи вазифасини бажарувчи.

Мол-мулкни суғурталаш - Страхование имущественное - Insurance of a property - қўл юклари, расм ва видео жиҳозларини, шахсий транспорт воситаларини ва туристларнинг бошқа шахсий мулкини, шунингдек, турфирманинг мол-мулкини суғурталаш.

Мотел - Мотель - Motel - 1) автотуристлар учун автострадада жойлашган меҳмонхона бўлиб, гараж, техник хизмат кўрсатиш станцияси, ёқилғи қўйиш

[4] S.Abduhamidov "Distinctive features of regional tourism development". International Academy of Theoretical & Applied Sciences Vol 4 Issue 72, Philadelphia, USA 2019

станцияси, ёкилғи қуйиш станцияси ва бошқа зарур хизматлар билан таъминланган бўлади; 2) шаҳар ташқарисида, шаҳар бўйида, магистрал йўл ёқаларида жойлашган оддий бир ёки икки қаватли бинолар. Бу кичик ёки ўрта корхоналардир (400 ўрингача). Кам сонли ходимларни ўрта даражали хизмат кўрсатиши характерлидир. Мижозлари бўлиб ҳаваскор автотуризмига ургу берилган турли категориядаги туристлар ҳисобланади; 3) XX асрнинг 20-йилларида нафақат мижозлар, балки автомобилларни жойлаш учун мўлжалланган, меҳмонхона бизнеси учун янгилик бўлган мотеллар пайдо бўла бошлади. Мотелнинг пайдо бўлиши Америкада "Т" моделли Фордларни ишлаб чиқилиши яъни автомобиль саноатининг жадал ривожланиши билан боғлиқ.

Мотоциклли туризм - Туризм мотоциклетный - Motorcycle tourism - транспорт воситаси сифатида мотоцикл хизмат қиладиган туризм тури.

М-С-П тузилмаси - Структура М-С-П - M-S-S structure - туристик хизматнинг сифат назорати функциясини бажарувчи ва хизмат сифати менежментида турли менежмент даражалари (менежер (М), супурвайзер (С) ва персонал (П)) бир-бирига боғлиқлигини таъминловчи тизим.

Муаммони ҳал этиш - Разрешить конфликт - Solve the conflict - низоли вазиятларни бартараф этиш ва муаммони ечишни англатади.

Музей - Музей - Museum - маданий-тарихий, табиий-илмий кадриятларни йиғувчи ва улар ҳақидаги маълумотларни музей ашёлари воситасида, тарғиб қилувчи ижтимоий муассасадир. Музейлар моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини, шунингдек табиат ва инсоният жамияти тараққиёти ҳақидаги билимларнинг илк манбалари ҳисобланадиган табиий — тарихий коллексияларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш, кўргазма қилиш ва оммага етказиш билан шуғулланади.

Музей қўриқхона - Музей-заповедник - Museum-reserve - музей экспонатларига қўшимча равишда қўриқхона ҳудудида жойлашган тарихий архитектура ёдгорликларини ўз ичига олади. Музей қўриқхоналари тарихий-меъморий, тарихий-бидиий, тарихий-маданий, ҳарбий-тарихий, мураккаб бўлиши мумкин.

Музейли туризм - Туризм музейный - Museum tourism - музейларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қўшни ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан фойдаланишга қаратилган туризм тури. Музейлар ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик тарихий, маданий ва табиий ҳудудлар тизимини шакллантиришга асосланади.

Музейли шоу - Шоу музей - Museum show - музей экспозициясида "жонлантирилган" экспонатлардан фойдаланиш.

Музеология - Музеология - Museology - музей ишининг

методикаси ва назарияси, музейлар тарихини ўрганувчи фан.

Мультиклуб - Мультиклуб - Multiclub - кўп клублилик низомида белгиланган шароитларда ушбу клубларнинг исталган жойларида жойлашган турар-жойлардан фойдаланиш имконияти кафолатланган бир нечта рекреацион клубларнинг ихтиёрий ассоциацияси.

Мультипликатор - Мультипликатор - Multiplier - туристларга товарларни (хизматларни) сотишдан тушган тушум.

Мультипликатор самараси - Эффект мультипликатора - Multiplier effect - туризмнинг миллий иқтисодиётга бевосита ва билвосита барча таъсирини акс эттиради.

Мунтазам рейс - Регулярный рейс - Regular flights - олдиндан белгиланган (нашр қилинган) жадвалга мувофиқ маълум вақт давомида доимий равишда амалга оширилган рейс.

Муссон - Муссон - Monsoon - мунтазам йўналиши ўзгарадиган, ёзда океандан китъага, қишда эса китъадан океанга ҳаракатланадиган ҳаво йўналиши. Муссон дунёдаги айрим мамлакатларнинг иқлимини белгилаб беради.

Мустақил меҳмонхона - Гостиница независимая - Independent hotel - меҳмонхона занжирларига ёки бошқа корпоратив бирлашмаларга киритилмаган меҳмонхона.

Муҳофаза қилинадиган ҳудуд - Объектозащитная территория - Underprotection area - Бунга табиатнинг ноёб гўзал ҳудудлари, қимматбаҳо муҳандислик ва архитектурали объектлари ҳисобланади.

Н

Назорат/текширув - Досмотр - Inspection - экспорт ва импортга йўл қўйилмайдиган товарларни аниқлаш ва божхона йиғимларини йиғиш учун чегарани кесиб ўтган юклар за йўловчиларни текшириш (божхона текшируви).

Нақдсиз пул - Безналичные деньги - Non-cash money - нақд пуллар, ҳисоб-китоб қилиш учун ишлатиладиган пул, бир ҳисобдан иккинчисига ўтказиш орқали ўзаро ҳисоб-китоблар.

Намойиш - Показ - Show - турнинг асосий усули бўлиб, бунда экскурсия объектлари ва бошқа элементларини намойиш қилиш.

Нарх - Цена - Price - бозор механизмининг муҳим таркибий унсурларидан бири. У ўзининг вазифалари орқали барқарор иқтисодиётнинг шаклланиши ҳамда самарали амал қилишига, бозор мувозанатининг таъминланишига, миллий даромаднинг иқтисодиёт турли тармоқ ва соҳалари, хўжалик юритувчи субъектлари бўйича тақсимланишига, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишига шароит яратади. Шунингдек, у ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириб, соғлом рақобат муҳитининг

яратилишига катта таъсир кўрсатади.

Нарх мувозанати - Цена равновесная - Equilibrium price - бозорда талаб ва таклиф миқдори тенг бўлгандаги нарх.

Нархларга таъсирчан меҳмонхона ташрифчилари - Чувствительные к цене посетители отелей - Price sensitive hotel visitors - унинг вакиллари пулни тежаш учун кўплаб қулайликлардан воз кечишга тайёр. Кўпинча улар савдо вакиллари ва ўрта даражадаги менежерлар бўлиб, кўпинча маблағлари чекланган бўлади. Бундай одамлар анча дўстона бўлишади, уларни бепул хизматлар, ресторанниг иш вақти, залнинг мавжудлиги, қаердан суҳбатдош топиш мумкинлиги қизиқтиради. Одатда улар товар белгиларига ва бошқа компанияларга қараганда кўпроқ меҳмонхона номларига ишонадилар, тақдим этилган чегирмалар ва машҳур товарларга содиқлиги сабабли мунтазам ташриф буюрувчиларга мўлжалланган дастурларда иштирок этишади.

Нархли мавсум - Ценовой период - Price period - барча тарифлар ўзгаришсиз қолган вақт. Одатда нарх-наво туристик фаолият мавсуми билан мос бўлади.

Нархли таклиф - Ценовое приложение - Attached price - каталогга ариза бериш, каталогларга қўшимча сифатида агентликларга тарқатиш, реклама маълумотларини ўз ичига олмайди, фақат каталогда кўрсатилган турларни ўз ичига олади.

Нафас йўлларини даволаш курорти - Бальнеогрязевой курорт - Balneomud resort - тиббий ва профилактика муассасаси курорт мажмуасида ихтисослашган бўлиб, асосан минерал сувлар ва терапевтик лой билан даволаш ишлари олиб борилади.

Нашр этилган тарифлар - Опубликованные тарифы - Rack-rate - мижозларга "мос ёзувлар" нархларида, меҳмонхона хизматлари учун чакана нархларда, "ставкада" нархлар бўйича расман эълон килинадиган буклетлардир.

Низо - Конфликт - Conflict - 1) томонлар, фикрлар, кучларнинг тўқнашуви; 2) мақсадлар ёки ҳаракатларнинг мос келмаслиги; 3) муайян шахслар ёки гурухлардан иборат бўлга икки ёки ундан ортиқ томонларнинг муросага кела олмасликлари.

Низоли вазият - Конфликтная ситуация - Conflict situation - 1) низо сабабларини ўз ичига олган қарама-қаршиликларнинг тўпланиши; 2) низонинг асл сабабини ўз ичига олувчи тўпланиб колган келишмовчиликлар.

Ногиронлик туризми - Туризм инвалидный - Disability tourism - ногирон кишилар учун мўлжалланган ижтимоий туризмнинг бир тури.

Ноёб объект - Объект уникальный - Unique construction - бу объект миллий туристик ресурсларнинг бир қисмидир. Шунингдек у махсус режимда

сақланади, бу ундан кенг камровли фойдаланишни чеклайди.

Номавсум - Несезон - Off-peak - туристлар оқими кам ва туристик бизнес даромадлари жуда оз бўладиган йил мавсуми.

Номер - Номер - Room - битта ёки бир нечта яшаш жойларидан ташкил топган, талабга жавоб берадиган жиҳозлар билан таминланган замонавий меҳмонхона хоналари.

Номер тури - Тип комнаты - Room type - номер тоифаларини белгилаш.

Номер фонди - Номерной фонд - Blocked rooms - меҳмонхона бошқаруви, меҳмонхона занжири бошқаруви, глобал бронлаштириш тизимлари томонидан бошқариладиган меҳмонхоналардаги мавжуд турли тоифадаги номерлар (жойлар)нинг умумий сони.

Номер фонди қуввати - Мощность номерного фонда - Room number capacity - меҳмонхона корхоналаридаги йиллик номер-кунлари умумий сони.

Номер фондининг таъсир кўрсаткичи - Показатели эффективности номерного фонда - Efficiency indicators of housekeeping - меҳмонхона номер фондининг таъсири бутунжаҳон стандартига мувофиқ куйидагиларни ўз ичига олади: йил давомида фойдаланиладиган меҳмонхоналар фонди, бир ҳафта давомида бўш турган хоналар; хизмат қилувчи ходимлар сони, номернинг бир киши учун белгилаган қиймати кабилардир.

Номерда жамовий яшаш учун тўлов - Плата за проживание в коллективном средстве размещения - Payment for collective stay in accommodation - туристларни турар жойдан фойдаланганлиги учун тўлов (турар жойда яшаш учун тўланадиган тўлов) бир кунлик қолиш вақти 12 соат, саёҳатга чиқиш ва вақти бўйича хонадан фойдаланиш бир кун учун ҳисобланган нархлар асосида амалга оширилади.

Номерлар таснифланишининг европа стандарти - Европейский стандарт классификации номеров - European standard of classification of rooms - double twin - икки кроватли номер; extra bed (king size) - оилавий жуфликлар учун ягона катта кроватли номер; triple - иккита кровать ва бола ухлаши учун диван; single - double twin га ўхшаш катталикдаги, лекин бир кроватли номер; unior suite - икки кишилик бир хонали оптимал жойлаштирилган номер; de luxe - шу турдаги номер, лекин олий даражадаги шароитда; suite - меҳмонхонали ва юқори сифатли мебел жиҳозлари билан таъминланган номер; business - ишга яроқли компютер, факс билан таъминланган катта номер; family studio - оилалар учун иккита ёнма-ён жойлашган катта номер; president - бир неча ётоқхоналари, кабинети, 2 ёки 3 ҳожатхоналари мавжуд бўлган меҳмонхонадаги энг ҳашаматли номер.

Номерларнинг тонфаланиши - Классификации номеров - Room classsification - double twin - икки ётокли номер; extra bed (king size) - оила жуфтлиги учун битта ката ётокли номер; triple - болалар ухлай сладиган диван ва иккита ётокли номер; single - double twindaги каби ҳажмда лекин битта ётокли номер. Баъзида битта мижозга икки кишилик номер тақдим этилади, бунда унинг нархи кўтарилади. Бу вариант double for single use деб аталади; unior suite - яхшилаштирилган планировкали, икки ўринли битта хона; de luxe - ҳудди шундай номер лекин қимматроқ жиҳозланган; suite - юқори сифатли техника ва жиҳоз билан таъминланган меҳмонхона ва ётоқхонали номер; business - ишлаш учун факс ва компютерли катта номер; family studio - оила учун мўлжалланган икки хонали номер; president - бир нечта ётоқ хоналарга, кабинетларга ва 2-3 та хожатхонали меҳмонхонанинг энг қиммат номери.

Номерни бўшатиш вақти - Время освобождения номера - Chick out time - меҳмоннинг меҳмонхонани тарк этиш кунидаги номерни бўшатиш вақти.

Номерни қабул қилиш вақти - Время предоставления номера - Chick in time - меҳмонларнинг меҳмонхонага келадиган вақти. Кўпчилик Европа меҳмонхоналарида – 14:00, АҚШда – 15:00 ёки 16:00 бўлиб ҳисобланади.

Нонушта - Завтрак - Breakfast - эрталабки (7:00 дан 10:00 гача) биринчи овқатни тановул қилиш. Кўпинча туристларга - швед столи тақдим этилади. Нонушта тури одатда меҳмонхоналарнинг номер нархидан келиб чиқади.

Нудистлар колонияси - Колония нудистская - Nudist colony, naturist camp - бу махсус меҳмонхона комплекси бўлиб, ёзги мавсумда эркаклар ва аёллар саломатлигини яхшилаш мақсадида ярим яланғоч ҳолатда саёҳат қилинувчи лагер. Нудист колониялари ва лагерлари одатда денгиз соҳилларидаги иссиқ жойларда жойлашган бўлади.

О

Объект (ҳудуд)нинг туристик потенциали - Туристский потенциал объекта (территории) - Tourist potential of the territory - маълум бир объектга (ҳудудга) туристик махсулотни шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар, имкониятлар ва воситалар, шунингдек, тегишли турлар, экскурсиялар, дастурларни амалга ошириш учун табиий ва инсон томонидан барпо этилган ҳодисалар мажмуи.

Овқатлантириш - Питание - Food - инсоннинг озуқага бўлган биологик эҳтиёжини қондириш билан боғлик бўлган ва тижорат фаолиятига асосланган туристик хизмат.

Овқатлантириш индустрияси - Индустрия питания - Food industry - озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқиш ва

қайта ишлаш, савдо тармоғи орқали қадоқлаш ва сотиш, кейинчалик қайта ишланишни талаб қиладиган ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларни тайёрлаш, шунингдек таом тайёрлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ замонавий ишлаб чиқариш тизимлари, савдо фирмалари, йирик марказлар ва кичик сервис муассасалари.

Овқатлантиришсиз жойлаштириш - Размещение без питания - Accommodation without catering - нарх таркибига овқатлантириш хизматлари киритилмаган ҳолда меҳмонхонага жойлаштириш.

Одам савдоси - Торговля людьми - Human trade - куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади ("Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" ЎР конуни. 17.04.2008, 154-сон).

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс - Торговец людьми - Subject of human traffic - мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс.

Одам савдосига қарши курашиш - Противодействие торговле людьми - Anti human trafficing - одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият (Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 118-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда).

Одоб-ахлоқ қоидалари - Этический кодекс - Code of ethics - компаниянинг расмий ҳужжати бўлиб, у ходимларнинг турли гуруҳлар (ташқи ва ички мижозлар) билан бўлган муносабатларини тасвирлайди, ҳар бир ходим мазкур мажбуриятларни бажариши шарт.

Оилавий дастур - Семейный план - Family plan - биргаликда саёҳат қилаётган оила аъзоларига маълум бир мамлакатларда жойлаштириш воситалари нархига бериладиган чегирмалар тизими.

Оилавий номер - Семейный номер - Family room - ҳар бири иккитадан кроватга эга бўлган иккита кўшни хоналардан (ўлчами бир яримга тенг) иборат номер (болалар кровати икки қаватли бўлиши мумкин).

Оилавий сунт - Фэмили сьют - Family suit - умумий фойдаланишдаги ҳаммоми ва алоҳида ётоқхоналар билан таъминланган оилавий хона.

Океанариум - Океанариум - Oceanarium - кузатув ва тадқиқ қилиш учун денгиз ҳайвонлари, шу жумладан балиқларни сақлаш учун мўлжалланган аквариум.

Оммавий ахборот воситалари - Средства массовой информации - Mass media - 1) оммавий аудиторияга мўлжалланган визуал, товушли ахборотларни узатиш тизими; 2) оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журиаллар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармокларидаги веб сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.

Оммавий бозор туроператорлари - Туроператоры массового рынка - Mass market touroperators - туристик пакетларни машҳур бозорларга сотиш. Туристларни ташиш чартер ёки мунтазам ташиш орқали амалга оширилади.

Оммавий туристик-экскурсия хизматлари - Туристско-экскурсионное обслуживание населения - Public tourist-excursion service - режалаштирилган ва ўз-ўзидан ишлайдиган туризм, туристик корхоналар, пуллик ва бепул туристик хизматларни кўрсатувчи муассасаларда амалга оширилади.

Оралиқ давр - Промежуточный период - Interim period - мамлакатдаги энг юқори мавсум ва номавсум вақт оралиғидаги нархларнинг ўртача ҳолати бўйича йил даври.

Оралиқ/интервал - Интервал - Interval - тузилмавий элементлар: транспорт воситаларининг жадваллари, маршрутнинг ҳаракатланиш, гурухга келувчилар ва бошқалар.

Орқама-орқа - Спина к спине - Back to back - меҳмонхонанинг энг қулай тўлиш тизими, бунда келувчи ва кетувчи туристлар гурухи шундай ташкил этиладики, меҳмонхона бўш қолмайди, фақат хонани йиғиштиришда интервал бўлади.

Ортиқча вазндаги юк - Перевес багажа – Excess baggage - ташувчи корхона томонидан белгиланган қоида (оғирлик ва ҳажм) дан ортиқчалилиги учун йўлловчи

(жўнатувчи) лар томонидан қўшимча тарзда тўланади.

Осма йўл - Канатная дорога - Cable raiway - бу йўловчилар ва юкларни ташувчи махсус техника воситаси бўлиб, унда автоуловлар, троллейлар, кабиналар ёки ўриндикларни олиб юрувчи тўртбурчак шаклдаги қутисимон кичик вагонлар осма иплар (кабеллар)да ҳаракатланади, вагонлар (кабин-гондоллар, стул, аравачалар) ер сатҳидан баландда туради.

От миниш - Езда верховая - Horse riding - отга миниб юриш. Туризмда от миниш бир қанча ихтисослашган турларда, масалан, ўрмон йўлаклари ва очиқ майдонларда отда сайр этиш ва от спортида юришларда фойдаланилади.

От туризми - Туризм конный - Equestrian tourism - транспорт воситаси сифатида ҳайвонлар (отлар, пониялар, эшаклар, туялар, итлар, буғулар, филлар ва бошқалар) дан фойдаланадиган фаол дам олиш ва спорт туризми тури. От спорти туризми 5 та қисмдан иборат: отда сафарлар (сафарлар, отда айланиш), от маршрутлари (юриш, саёҳат қилиш), пойга (ТРЕК - от спорти бўйича маълум масофага пойга мусобақалари), жабдуқлилар билан пойга (жабдуқлилар билан маълум масофага пойга мусобақалари), чўпонлар учун танловлар.

Офф-роуд - Офф-роуд - Off-road - фаол дам олиш ва спортнинг бир тури, шунингдек SUV (Sport Utility Vehicle - спорт учун қулай автомобил) деб номланувчи тўрт ғилдиракли йўлтанламас автомобилни юриш қийин бўлган жойларда бошқариш. Офф-роад йўлакларини икки тоифага бўлиш мумкин: спортли ва фаол дам олиш. Фаол дам олиш тури экспедициялар, рейдлар, фестивалларни ўз ичига олади. Спорт тури эса чемпионатлар, кубоклар ва пойгаларни ўз ичига олади.

Очиқ жағ - Открытая челюсть - Open jaw - сайёҳлар гуруҳининг бир шаҳар ёки вилоятдан бошқасига кўчиб ўтадиган мураккаб саёҳат ва қайтиш йўли ёки бошқа турдаги транспорт туристларнинг олдига олиб келган бошқа нуқтадан бошланадиган йўл ҳисобланади.

Очиқ осмон остидаги музей - Музей под открытым небом - Pen-air museum - сақланиб қолган, тикланган ёки бошқа жойдан келтирилган маданий объектлар (иншоотлар) мавжуд бўлган ҳудуд. Маданий-когнитив хусусиятга эга бўлади ва миллий боғлар рўёхатига киритишимиз мумкин.

Очиқ чипта - Открытый билет - Open ticket - очиқ чиқиш санаси деган маънони англатади. Йўловчининг кейинги вақт учун (кун) билетини ёзиши мумкин.

Ошхона - Кухня - Kitchen - 1) ишлаб чиқариш маркази бўлиб, у ерда берилган буюртмаларга таомлар тайёрланади. Буюртмалар олдиндан тайёрланган меню ёрдамида ресторандаги официантлар оркали тушади. Шунингдек банкет залидан, таомлар рўйхати ва сони

тахминан белгиланган ва тўланган. Ошпазлар тайёр рецепт ва технологик карталар ёрдамида керакли таомни тайёрлашади; 2) умумий овқатланиш корхоналари орасида ошхоналар энг кенг тарқалган умумий овқатланиш жойи хисобланади. Асосий фаолияти - ўз махсулотидан аҳоли учун таомлар тайёрлаш, уларнинг мижозлар талабларини қондириш, нонушта, тушлик, кечки овқатлар ёки уларнинг бир қисми тайёрланади. Ошхоналар жойлашган жойига ва хизмат кўрсатиладиган мижозларига кўра умумий равишда фойдаланиладиган саноат корхоналари, муассасалар, курилишлар, ўқув юртлари ва шу кабилар хузуридаги ошхоналарга бўлинади.

Ошхона - Столовая - Canteen - 25 тача ўринга мўлжалланган, хафта кунларига қараб ўзгарадиган менюда таом тайёрланадиган умумий овқатлантириш корхонаси. Унда технологик жараённинг барча циклари мавжуд бўлиб, яримтаёр махсулотлар билан ишлайди ёки тайёр махсулотларни сотиш билан шуғулланади.

П

Пажи/элтувчи - Пажи/посыльные - Bellboy - номерга мехмоннинг юкларини етказиб бериш, мехмоннинг номерига кириб ракамли ускуналардан фойдаланишнинг асосий коидаларини тушунтириб бериш ва хизмат юзасидан бошка вазифаларни бажарувчи мехмонхона ходими.

Пакет - Пакет - Package - транспорт, турар жой, овкатланиш, трансфер, ташриф буюриш, машина ижараси ва бошка шу каби хизматларни ўз ичига олган, олдиндан режалаштирилган тур. Пакет турлича бўлиши мумкин, лекин одатда камида учта компонентни ўз ичига олади.

Пансион - Пансион - Pension - 1) кичкина (одатда 10 та номердан кўп эмас), одатда, мехмонларга бевосита шу бинода яшайдиган жойлаштириш воситасининг хўжайини ёки унинг оила аъзолари томонидан хизмат кўрсатиладиган махсус мехмонхона; 2) туристнинг мехмонхонада (маршрутда) кун давомида амалга оширадиган ишларининг тўлик мазмуни.

Парасейлинг - Парасейлинг - Parasailing - аркон (сим) ёрдамида парашут боғланган моторли кайикда учиш.

Парк - Парк - Park - дам олиш учун мўлжалланган табиий ёки ўстирилган ўсимликлар билан қопланган майдон, кўллар, йўллар, болалар ўйин майдончалари ва сувли худудлар.

Паркинг - Паркинг - Parking - автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриши учун мўлжалланган майдон.

Паром - Паром - Ferry - сув тўсикларини (дарёлар, денгизлар, бўғозлар ва бошқаларни) енгиб ўтадиган, йўловчилар ва транспорт воситаларини (автомашиналар, поездлар ва бошқаларни) ташиш учун махсус жиҳозланган ўзиюрар

дарё (денгиз) кемаси. Паромлар туризм мақсадларида кенг қўлланилади.

Пароход - Пароход - Steamship - буғ воситасида ҳаракатланадиган ёки турбина ёрдамида бошқариладиган кема.

Паспорт - Паспорт - Passport - паспорт эгасининг фуқаролигини ва шахсини тасдиқловчи давлат ҳужжати.

Пассив туризм - Туризм пассивный - Passive tourism - туристик саёҳатнинг тинчроқ ва кам куч сарф қилинадиган, жисмоний зўриқишга хос бўлмаган тури киради. Бу тур бир маромда дам олишга мослашган шахсларга мўлжалланган, танишиш туризми бўлиб, даволовчи характердаги соғломлаштирувчи хусусиятлардан иборат, яъни турли санаторий ва курортларни шулар қаторига киритиш мумкин. Бундай турдаги туризм кўпроқ ёш фарзандли оилаларга, катта ёшдаги туристларга ва нафақахўрларга тегишли бўлади (батафсил Turizm: nazariya va amaliyot. -T.: «Fan va texnologiya», 2018, 400 bet. 253 b.).

Пекиж тур - Пекидж-тур - Package tour - ўз ичига бир қанча хизматларни (транспорт, жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсия ва ҳоказо) оладиган, жами сотиш қиймати унинг элементларининг қийматига тенг бўлган ҳар қандай тур (индивидуал ёки гуруҳ). Бу турнинг нархи каталог ва прайс-варақаларда кўрсатилади.

Пентхаус - Пентхаус - Penthouse - олий тоифадаги меҳмонхонанинг энг қиммат кўринишдаги квартира ёки номери, кўп хонали супер апартамент.

Персонал - Персонал - Staff - бевосита меҳмонларни кутиб олиш ва уларга хизмат кўрсатишда иштирок этадиган ишчилар. Улар зарурий чет тилларини билиши, мутахасис тайёргарлигига эга бўлиши, санитария ва шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиши, хизмат кўрсатиш этикасига риоя қилиши, унинг соғлиги ҳақида маълумот берувчи тиббий кўрикдардан ўтиб туриши, озоҳ, мулойим ва тартибли ташқи кўринишга эга бўлиши керак.

Пиёда юриш туризми - Туризм пешеходный - Walking tourism - пиёда юриш орқали амалга ошириладиган туристик саёҳат. Пиёда юриш маршрутлари одатда текисликларда, тоғ этакларида ёки паст тоғларда (тахминан 3000 метргача) амалга оширилади (бундан ташқари ҳар қандай ҳудудларда амалга оширилиши мумкин). Пиёда туризм учун махсус ускуналар - сафар халтаси, чодир, поябзал ва бошқалар зарур бўлади.

Пикник - Пикник - Picnic - бир неча соатларга жамоа ёки гуруҳ билан дам олиш мақсадида шаҳар ташқарисига уюштириладиган саёҳат.

Пирс - Пирс - Pier - кемаларни боғлаб қўйиш ва бир жойда туриши учун икки томонлама аркон.

Плацкарта (вагонларда алоҳида жой учун сотиладиган билет) - Плацкарта - Reserved seat - йўловчига (сайёҳга) шаҳардаги поездда маълум алоҳида жойни

танлаш ҳукукини берувчи транспорт ҳужжати (чиптаси) ҳисобланади.

Поличартер ташишлар - Поличартерная перевозка - Poly charter flights - бирлашган рейс бўлиб, у икки ёки ундан ортиқ низомлардан иборат.

Порт - Порт - Port - денгиз, кўл ёки дарёнинг қирғоқ бўйлаб жойлашган сув қисми, одатда порт тўлқинларнинг таъсиридан ҳимоя қилинади ва кемалар тўхташи, юкларни омборга жойлаштириш, қайта юклаш ва тушириш ва бошқа ишлар олиб борилади.

Порт йиғилиши - Портовый сбор - Port charges - бирор давлат (шаҳар) да ёки бирор давлат (шаҳар) дан денгиз, дарё ёки аэропорт орқали бирор мақсадда йўловчиларнинг йиғилиши.

Порте (меҳмонхона швейцари) - Портье - Hotel clerk - 1) меҳмонхонада кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумот бериш, меҳмонларни кутиб олиш, номерлар билан таништириш, буюртмани олиш ва етказиш, транспорт хизматларини ташкиллаштириш ва бошқа ишларни бажарувчи ходим; 2) калитларни сақлашни, почта қабул қилишни ва бошқаларни бошқаради.

Портшез - Портшез - Portchease - инсонларни ва нарса-буюмларни ташиш учун мўлжалланган енгил кўчма кресло.

Прейскурант - Прейскурант - Price-list - гуруҳлар, товарлар ва хизматлар турлари бўйича нархларни (тарифларни) мунтазам йиғиш.

Пресс висит - Пресс-визит - Press visit - маълум бир воқеани ёритиш учун бир гуруҳ журналистларни таклиф қилиш, масалан, янги филиалнинг расмий очилишига таширф.

Пресс қабул - Пресс-прием - Press reception - журналистлар билан муҳокама қилинадиган муайян дастур бўйича учрашувлар, презентациялар ўтказиш, аудио ва видео материалларни намойиш этиш.

Пресс-релиз - Пресс-релиз - Press release - оммавий ахборот воситалари ходимлари учун тайёрланган, нашр учун материаллар мавжуд бўлган махсус ахборот бюллетени.

Пул - Деньги - Money - бошқа турдаги товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажарувчи универсал товар. Пул умумий товарларни айирбошлашда асосий вазифасини бажаради. Қадимда пул вазифасини турли хил товарлар бажарган, масалан, чорва моллари, мол терилари, болта ва ҳоказо. Кейинчалик пул вазифасини қимматбаҳо металлар бажарган, чунки улар ўзини сифатини йўқотмайди ва пул ўрнини босишда жуда қўл келган. Пул оддий маҳсулот бўлиб қолмай, у ижтимоий қийматга эга, яъни ҳамма товарларни харид этиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Қ

Қабул қилиш ва жойлаштириш хизмати - Служба приема и размещения - Front office - мижозларни қабул қилишни таъминлайди ва номерларни мижозларга тақсимлаб бериш билан шуғулланади. Буларга қуйидагилар киради: номерларни тақсимлаш ва меҳмонхонадаги бўш ўринларни рўйхатга олиш, мижозлар билан ҳисоб-китоб қилиш, номер калитларини тақсимлаш. Қабул қилиш ва жойлаштириш хизмати қуйидагиларга бўлинади: Front desk (қабул қилиш ва жойлаштириш устуни, администраторлар устуни, Porte, Reception) ва Front office. Қабул қилиш ва жойлаштириш бўлимида қабул қилиш ва жойлаштириш бўйича менежерлар ишлайди (porte), кечги аудиторлар, konserj ҳам бўлиши мумкин. Лекин одатда консиэржларнинг алоҳида устун иш жойи мавжуд жойлаштириш ва қабул қилиш бўлими 3 турга бўлинади: қабул бўлими, касса бўлими, ахборот ва почта бўлими.

Қабул қилиш ва жойлаштириш хизматининг раҳбари - Руководитель службы приема и размещения - Check-in manager/front desk manager - хизмат кўрсатиш ишларини бошқаради, меҳмонхона ходимлари ва мижозлари ўртасида юзага келган асосий муаммолар ва зиддиятли вазиятларни ҳал қилади, хизматчиларнинг ишини назорат қилади ва ҳисобга олади, виза ва паспорт режимига риоя этилишини назорат қилади.

Қабул қилиш ва кузатиш - Встреча и проводы - Transfer - хизматлар комплекси, туристларга уларни аэропорт ёки сув порти, темирйўл вокзали ёки автобус бекатидан олиб келиш ва олиб бориш хизматлари кўрсатилади.

Қабул қилиш зали - Зал службы приема - Reception lounge - меҳмонхонанинг меҳмонларни қабул қилувчи вестибюль қисми (порте хизмати ёки навбатчи администратор жойи).

Қабул қилувчи - Получатель - Payee - 1) юридик ёки жисмоний шахснинг пул тўлови эвазига фойда кўриши; 2) туризмда ташиш шартномасига мувофиқ, йўловчининг мақсадли нуқтасида ва ташувчидан юкни хизмат кўрсатиш учун қабул қилувчи тур оператор ҳисобланади.

Қабул қилувчи мамлакат - Страна принимающая - Host country - бошқа мамлакат резидентларини ўзида қабул қилувчи мамлакат.

Қабул қилувчи туроператорлар - Туроператоры рецептивные - Receptive touroperators - бу турдаги туроператорлар хизмат кўрсатувчи корхоналар (меҳмонхоналар, умумий овқатлантириш корхоналари, дам олиш ва кўнгил очиш муассасалари ва бошқалар) билан тўғридан-тўғри шартномалар ёрдамида туристик ва сайёҳлик хизматларини кўрсатишади.

Қават бошлиғи - Заведующий этажом - Floor head - катта меҳмонхонада унинг ичидаги жиҳозларга, ҳар бир хонанинг экспулатация ҳамда бир ёки бир неча қаватларга жавобгар шахс.

Қават бўйича навбатчи - Дежурный по этажу/сменный супервайзер - Hostess/duty superviser - хоналарни меъёрларга мувофиқ тозалашларига ишонч ҳосил қилиш мақсадида ишчиларнинг алмаштирилишини назорат қилувчи навбатчи.

Қайиқ уй - Плавучий дом - House-boat - пансионат, меҳмонхона ва уй сифатида қўлланиладиган қайиқ.

Қайнок тур - Горящий тур/горящая путевка - Last-minute tour/travel - одатий турпакет нархларга қараганда анча паст нархларда (15-60% гача) тақдим этиладиган стандарт турпакетлар. Одатда, бундай нархлар тур бошланишидан 1-3 кун олдин тақдим этилади. Бундай махсус таклифлар пайдо бўлишининг асосий сабаби маълум рейслар ва меҳмонхоналар учун мўлжалланган тур пакетларнинг сотилмай қолишидир. Ушбу тур пакетларини сотиб олишнинг камчиликлари қуйидагилардан иборат: дам олишни олдиндан режалаштириш, меҳмонхона танлови, парвозлардаги кулайликлар танлови каби имкониятларнинг мавжуд эмаслиги. Одатда бундай турлар фақат визасиз саёҳат қилиш мумкин бўлган давлатлар учун берилади. Маркетинг концепциясига кўра "қайнок турлар" харидорларни жалб қилиш учун эълон қилинади.

Қайта ташриф буюрувчи - Посещение повторное - Re-visit - дам олиш ва сайёҳлик корхоналарининг доимий мижозлари.

Қарокчилик - Пиратство - Hijacking - талончилик ёки бошка мақсадлар билан транспорт воситаси (кема, ҳаво лайнери, автобус ва ҳоказолар) ни қамалга олиш. Қарокчилик фаолиятига очик денгизда, ҳавода ва мамлакатнинг юридик ҳудудидан ташқарисидаги талончиликлар киради.

Қидирув ва қутқариш ишлари - Поисково-спасательные работы - Search and rescue work - бу сайёҳларни туристик клубларда, таълим муассасаларида ва бошка жойларда юзага келган хавфларда ёрдам берувчи қидириш ва қутқарув хизматлари ҳисобланади. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги спортчилар ва фаол дам олишни афзал кўрадиганларни ўз муҳофазасига олади.

Қизил йўлак - Красный коридор - Red corridor - кириб келиш ва чиқиб кетиш жойларида махсус белгиланган, жисмоний шахсларнинг ёзма шаклда декларацияланиши лозим бўлган қўл юки ва кузатиб борилаётган багаждаги товарларни, шунингдек декларацияланиши жисмоний шахснинг ихтиёрига кўра амалга ошириладиган товарларни божхона

чегарасидан олиб ўтиши учун мўлжалланган жой[5].

Қизил китоб - Красная книга - The red book - ноёб ва йўқолиб боратган ҳайвонлар, ўсимликлар ва кўзиқоринларнинг изоҳли рўйхати. Қизил китоблар турли даражада - халқаро, миллий ва минтақавий бўлади.

Қиска мавсум - Низкий сезон - Low season - қонуний саёҳатга чиқиш учун энг қиска оммабоп ва максимал даражада чегирмаларга эга мавсум.

Қиска рўйхат - Шорт-лист - Short list - иш берувчи (ёки бевосита супервайзер) шахсан ўзи билан учрашадиган ва якуний танловни амалга оширадиган компанияда муайян лавозим учун энг муносиб номзодларни ўз ичига олган номзодлар рўйхати.

Қишлоқ туризми - Деревня туристская - Holiday village – 1) ажойиб табиат бағрида жойлашган, йирик аҳоли пунктларидан узоқ жойларга туристларни жойлаштириш учун мўлжалланган бир хил турдаги енгил ёзги уйлар мажмуаси, коттежлар. Туристик қишлоқдаги турар-жойлар одатда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш (хонани тозалаш, овқат тайёрлаш)га асосланган бўлади. Бироқ туризм қишлоғида кафе, ресторан, бар, шунингдек, ракс ва спорт майдончалари бўлиши мумкин; 2) туристларнинг экологик тоза (шаҳарга нисбатан) ҳудудларда дам олиш ва/ёки кўнгил очиш учун қишлоқ жойларига ташриф буюриши; 3) қишлоқнинг туристик маҳсулотини яратиш учун ўзига хос хусусиятларидан ҳамда табиий, маданий-тарихий ва бошқа ресурслардан фойдаланишга қаратилган туристик тур. Ушбу туризм турининг мажбурий шарти шундан иборатки, туристларнинг яшаш жойлари қоида тариқасида, саноат ҳудуди ёки кўп қаватли биноларда эмас, қишлоқ жойларида ёки кичик шаҳарларда жойлашган индивидуал, ихтисослашган бўлишади; 4) шаҳар аҳолиси учун мўлжалланган туристик тур. Дам олиш кунлари дала ҳовлиларда яшаш, жумладан, қишлоқ жойларидаги уйларда (санаториялар бундан мустасно) дам олиш, уйларни ёки ҳудуддаги хоналарни ижарага олиш.

Қолиш давомийлиги - Продолжительность пребывания - Duration of stay - 1) туристнинг ташриф буюрилган мамлакат ёки ҳудудда ташриф давомида сарфлаган вактини англатади. БТТнинг таснифига кўра қолиш давомийлиги 1-3, 4-7, 8-28, 29-91, 92-365 кун бўлиши мумкин.

Қолиш дастури - Программа пребывания - Stay program - 1) туристик маҳсулотнинг истеъмол ҳусусиятлари. Қолиш дастурлари турлари: фактларни аниқлаш, спорт, ижтимоий, илмий-маърифий, бизнес, рекреацион; 2) дам олиш

[5] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида икки йўлакли тизимни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 814-сонли қарори

тадбирларининг бир-бирига боғлиқ ва ўзаро алоқадор бўлган даврларининг мажмуи.

Қопланишнинг ўртача қиймати - Средняя величина покрытия - Medium size of coverage - товарларнинг бирлик баҳоси ва ўртача ўзгармайдиган харажатлар ўртасидаги фарқ. Қопламнинг ўртача қиймати маҳсулотнинг бирлигига баркарор харажатларни қоплаш ва фойда олиш имконини беради.

Қоплаш миқдори - Сумма покрытия - Coverage amount - даромад ва умумий ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ. Шундай қилиб, қоплаш миқдори ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

Қора рўйхат - Горячий лист - Credit card black list - йўқолган ёки ўғирланган кредит карталари тўғрисидаги маълумотни кўрсатадиган варақ, бу меҳмонхона ва кредит карталари ишлатиладиган бошқа ташкилотларга юборилади.

Қочоқ - Беженец - Refugee - фавқулодда вазиятлар туфайли доимий яшаш жойидан, мухитидан ва мамлакатдан бошқа жойга кетганлар.

Қуйи мавсум - Сезон низкий - Holiday season - туристик маҳсулотга бўлган талаб пасайган вақт, бунда авиачипта, меҳмонхона ва бошқа хизматлар нархи сезиларли даражада пасаяди. Одатда об-хаво шароитлари билан изоҳланади.

Қўл юки - Ручной багаж - Hand baggage - йўловчига тегишли бўлган ва йўловчига ҳеч қандай қўшимча харажатларни келтириб чиқармайдиган ҳамда хавфсизлиги учун ушбу йўловчи масъул бўлган юк.

Қулай ҳудуд - Зона комфорта - Comfort area - 1) инсон учун атроф-муҳитнинг барча жисмоний ва ижтимоий-иқтисодий омиллари оптималлаштирилган ҳудуд; 2) кўпчилик одамлар учун маъқул бўладиган ҳарорат, намлик ва шамолнинг комбинацияси мавжуд бўлган ҳудуд.

Қулай шароитлар - Щадящие условия - Gentle conditions - барча дам олувчилар, шу жумладан, ўткир касалликларга учраган ва заиф одамлар учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратишдир.

Қулай/тўсиқсиз туризм - Доступный/безбарьерный туризм - Accessible/barrier-free tourism - туризм соҳасида туристлар ва туризм индустриясидан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишдан чеклашсиз фойдаланиш учун универсал имконият тақдим этувчи, туризм йўналиши сифатида ривожланиб бораётган тўсиқсиз мухитнинг мавжудлигини (ёки яратилишини) англатади.

Қулайлик - Комфортность - Comfort - меҳмонхона, ресторан ва бошқа меҳмондўстлик саноати корхоналаридаги психологик ва жисмоний қулайликнинг аниқ даражаси.

Қулайлик даражаси - Уровень комфорта - Comfort level - қуйидаги шартларга эга бўлган мураккаб мезон: хона фондининг

аҳволи - хоналарнинг майдони (кв.м.), бир ўринли (бир хонали) номерларнинг улуши, кўп хонали номерлар сони, апарт номерлар, коммунал хизматларнинг мавжудлиги ва ҳ.з.; мебел, асбоб-ускуна, санитария-гигиена воситалари ва бошқаларнинг ҳолати. Озиқ-овқат корхоналарининг мавжудлиги ва ҳолати - ресторан, кафелар, бар ва бошқалар; бинонинг аҳволи, кириш йўллари, қўшни ҳудудларнининг жойлашиши; телефон, сунъий йўлдош коммуникациялари, телевизорлар, музлатгичлар, мини-барлар, мини-сейфлар ва ҳ.к.; бир қатор қўшимча хизматларни тақдим этиш.

Қўлтиқ - Бухта - Bay - ернинг айрим қисмлари (оқимлар, тошлар ва яқин оролларнинг чиқиб кетиши) ва улар томонидан тўлқин ва шамолдан ҳимоя қилинган денгизнинг кичик қисми, кўл, сув омборлари.

Қўмсаш туризми/этник туризм - Ностальгический/этнический туризм - Ethnic tourism - бу асосан қариндош ёки дўстларини кўришга мўлжалланган бўлиб, ўз мамлакатларидан айрим сабабларга кўра кўчиб кетган кишилар билан боғлиқдир. Кўчиб кетганлар шартли равишда икки турга бўлинади: 1) мажбурий кўчганлар, ўзларининг тарихий ерларини диний, ҳарбий ёки сиёсий сабабларига кўра ташлаб кетганлар; 2) ўз хоҳишлари бўйича кўчганлар - яхши ҳаёт излаб ўз юртларини ташлаб кетганлар (батафсил Turizm: nazariya va amaliyot. -T.: «Fan va texnologiya», 2018, 400 bet. 253 б.).

Қўниш талони - Посадочный талон - Boarding pass - бу махсус транспортда юриш ҳужжати бўлиб, ҳаво ва денгиз линиясига чиққан йўловчиларни назорат қилиш, расмийлаштириш бўйича ишлаб чиқилган карточка ёки қонунлар жамланмаси ҳисобланади.

Қўрғон - Усадьба - Farmstead - шаҳарнинг ташқарисида, қишлоқда жойлашган алоҳида участка.

Қўриқ ҳудуд - Зона заповедная - Reserve area - ҳар қандай иқтисодий фаолият ва дам олиш фаолияти тақиқланган функционал ҳудуд.

Қўриқхона - Заповедник - Reserve - экологик, илмий ва илмий-маърифий мақсадлар учун мўлжалланган табиий мажмуалар ва ноёб экологик аҳамиятли объектларни ўз ичига олган экологик ташкилот. Қўриқхоналар рекреация фаолияти учун тақиқланади.

Қутқарув жилети - Жилет спасательный - Life jacket - кемалар тўқнашуви ёки самолётларнинг мажбурий ҳолда сувга қўниши каби ҳодисаларда денгиз ёки ҳаво кемаларидаги йўловчилар учун тақдим этиладиган махсус жилет. Қутқарув жилетлари йўловчи ўринлари учун осон кириш йўлида сақланади. Рейс кўзғалишидан олдин барча йўловчиларга экипаж аъзолари томонидан қутқарув жилетларидан фойдаланиш усуллари ҳақида аниқ инструксиялар берилади.

Қўшимча рекреация фаолияти - Занятие рекреационное, дополнительное - Additional

recreation activity - дам олиш тизимининг ихтисослашувини тўлдирадиган ва таркибий жихатдан ахамиятга эга бўлган рекреацион фаолиятнинг элементи

Қўшимча туристик хизматлар - услуга дополнительная туристская - Additional tourist service - қўшимча хак эвазига олиниши мумкин бўлган, туристик марказга хос, мақсадли ва инфратузилма хизматлари, улар тур нархига киритилмаган.

Қўшимча туристик-экскурсия хизматлари - Дополнительные туристско-экскурсионные услуги - Additional tourist-excursion services - туристик пакетда назарда тутилмаган, туристларнинг бўш вақтларида ҳохиш-иштагига кўра тақдим этилувчи туристик хизматлар. Масалан: қўшимча овқатланиш, ички маршрут хизмати, гид хизмати ва бошқалар). БТТ қўшимча хизматларнинг 400 турини ишлаб чиққан. Ушбу хизматлар турист томонидан қўшимча нархларда сотиб олинади. Туристик махсулотда туристларнинг харажатлари таркиби қуйидагича бўлади: тур - 50%, қўшимча хизматлар - 30%, товарлар - 20%.

Қўшма бронлаштириш - Двойное бронирование - Double reservation - бронланган номерга меҳмонлар келмай қолиш хавфини камайтириш мақсадида меҳмонхона раҳбарияти томонидан қўлланиладиган сиёсатлардан бири. Бир номерни икки ёки ундан ортиқ мижозлар учун бир вақтнинг ўзида брон килишдан иборат.

Р

Рағбатлантириш - Стимулирование - Inspiration - шахсни муайян ҳаракатлар килишга ундовчи, муҳим ташки объект (объект, шартлар, вазият ва бошқалар) орқали таъсир қилиш жараёни.

Рақобат гуруҳи - Конкурентная группа - Compiting group - меҳмонхона рақобатлашадиган асосий рақобат кўрсаткичлари билан танланган меҳмонхоналар гуруҳи. Танлов гуруҳи шу каби хусусиятларга эга меҳмонхоналарни: юлдуз даражасида, нарх даражаси, жойлашуви, тақдим этилган хизматлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Рафтинг - Рафтинг - Rafting - тоғ дарёларида кайик, катамаран ёки шунга ўхшаш двигател билан жиҳозланмаган воситаларда окмок (сузмок).

Реал хизмат - Реальная услуга - Real service - мижознинг эҳтиёжларини кондиришга қаратилган муайян моддий тадбирлар. Реал хизматлар доимо идеалдан фарк килади. Реал хизматлар ижрочилар, истеъмолчилар томонидан таъминланадиган махсус шароитлар билан ажралиб туради.

Реализация - Реализация - Realization - сотиш мақсадида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, алмаштириш, совға қилиш, шунингдек гаровга қўювчи томонидан гаровга қўйилган

товарни етказиш. Реализацияни тасдикловчи хужжатлар таркибига товарларни жўнатиш (ўтказиш) хужжатлари, ишнинг бажарилганлиги акти, хизматлар кўрсатишни тасдикловчи хужжатлар, ишларни бажариш ёки хизматларни тақдим этиш тўғрисидаги хужжатлар, квитанция, чеклар ва бошқа хужжатлар киради.

Реализация қилинадиган маҳсулот (хизмат)нинг рентабеллиги - Рентабельность реализованных туристских продуктов (услуг) - Profitability of realized tourist products (service) - сотиладиган туристик маҳсулотларнинг (хизматларнинг) рентабеллиги ва жорий харажатларнинг самарадорлиги хақида маълумот беради. Сотилган маҳсулотларнинг рентабеллик коэффициенти, реализация қилинган туристик маҳсулотнинг хар бир кисми канча миқдорда пул маблағлари келтиришини ва аниқ фойдани ифодалайди.

Реализация қилинмаган операцияларнинг молиявий натижалари - Финансовые результаты от внереализационных операций - Financial results from non operations - бу туристик корхонанинг асосий фаолияти - турмаҳсулотни, асосий воситаларини сотиш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш билан боғлик бўлмаган бошқа турдаги операциялар бўйича даромади ҳисобланади.

Регион - Регион - Region - маълум худудга нисбатан бир ёки бир неча мезонлар қўлланганда ҳосил бўладиган катта худуднинг географик жиҳатдан бўлинмаси.

Режалаштирилган туризм - Плановый туризм - Planned tourism - сайёҳлик корхоналари, муассасалари, транспортлари ва бошқаларни мунтазам равишда юкланишини таъминлайдиган мижозлар сонига кўра олдиндан режалаштирилган гуруҳли ёки индивидуал саёҳат бўлиб, давомийлиги, маршрутлари, хизмат доираси жиҳатидан бир-бирига боғлиқ бўлган туризм туридир.

Резервация - Резервации - Reservation - мамлакат аҳолисини жойлаштириш учун ажратилган худудлар.

Рейс - Рейс - Charter-flight, voyage-sea, run-bus - транспорт воситасининг чиқиш жойидан борадиган жойигача бўлган йўл.

Рёкан - Рёкан - Ryokan - Япониядаги анъанавий услубда қурилган мехмонхона, уларда номерлар битта хонадан иборат бўлиб, ер гуруч сомони (татами) матолари билан қопланган, мехмонлар кўрпача (матрас)да ётишади. Кўпинча рёканлар термал булоқлар (онсэн) очиқ жойда қурилади, унинг таркибида умумий япон ҳаммоми ҳам мавжуд бўлади. Жойланиш нархига таомлар (анъанавий япон таомлари) киради. Одатда, рёканаларда яшаш нархи ғарб услубида қурилган мехмонхоналар билан солиштирганда бироз юқори бўлади.

Реклама - Реклама - Advertisement - бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот; туристик маҳсулот ва истеъмолчи ўртасида бевосита алоқанинг шаклидир. Рекламанинг мақсади: диққатни жалб қилиш, қизиқишни уйғотиш, истеъмолчига ахборотни етказиш ва муайян усулда ишлашга мажбурлаш. Туристик рекламада хабарларнинг ҳақиқий ва тўғри бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Рекламали тур - Рекламный тур - Briefing tour - туристик агентликлар ва (ёки) авиакомпания ходимлари учун маълум туристик йўналишлар ва марказлар билан танишиш мақсадида ташкил этилган бепул ёки имтиёзли (арзонлаштирилган) тур.

Рекреация тизими - Сети рекреационные - Recreational chains - мамлакатда (республика, вилоят, туман) мавжуд рекреацион (даволовчи, боғ, экотуристик) ташкилотларнинг йиғиндиси.

Рекреалогия - Рекреалогия - Recreational - инсон экологияси парадигмаларига асосланган рекреация (дам олиш) тизимлари ҳақидаги фанлараро фан; инсоннинг тирик кучларини тиклаш жараёнлари ҳақидаги фандир.

Рекреацион даволаш ресурслари - Ресурсы рекреационные лечебные - Therapeutic recreational resources - махсус мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган ҳудудларни қамраб оладиган аҳолини даволаш ва дам олиш учун мўлжалланган рекреацион ресурслар. Буларга: минерал сувлар, терапевтик лой, шўр сувлар ва кўллар, тиббий иқлим ва бошқа табиат объектлари киради. Улар касалликни даволаш ва олдини олиш учун ишлатилади.

Рекреацион ресурслар ҳажми - Ёмкость рекреационных ресурсов - Capacity of recreational resources - экологик ҳолат ва табиат мувозанатини бузмасдан маълум миқдордаги рекреантларни қабул киладиган ва маълум миқдордаги антропоген зўриқишларга бардош берадиган рекреацион ресурслар имконияти. Рекреацион ресурслар ҳажми қуйидаги нормативлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади: антропоген зўриқиш, турли биогеосенозларга мувофиқ равишда турли хил табиат зоналарида сайр қилиш, пиёда туризми ва экскурсия фаолияти учун табиий теварак-атрофнинг экологик ҳолатини бузилишига йўл қўймаслик мақсадида унинг нормаси; мумкин бўлган даражадаги зўриқишлар - антропо-экологик нормативлар, уларнинг бузилиши геотизим барқарорлигининг бузилишига олиб келади, инсон соғлигини тиклаб бўлмас ўзгаришларга олиб келади. Маълум миқдордаги зўриқишлар

давлат қонунчилиги асосида белгиланади.

Рекреацион салоҳият - Потенциал рекреационный - Recreation potential - рекреацион ресурслари мавжудлиги асосида аниқланган максималь сайёҳлар сонининг нисбати.

Рекреацион тизимларнинг ривожланиш босқичлари - Стадии развития рекреационных систем - Development stages of recreation system - ташкил этиш, етилиш, инқироз.

Рекреацион туризм - Туризм рекреационный - Recreational tourism - нафақат дам олиш, шунингдек, жисмоний, ҳиссий ва руҳий кучларни қайта тиклаш мақсадида амалга ошириладиган оммавий туризм тури. Ушбу туркумга экскурсиялар, турли хил кўнгилочар, дам олиш тадбирларига ташриф буюришлар киради. Рекреацион туризм қатор давлатлар учун туризмнинг оммавий шакли бўлиб ҳисобланади.

Рекреацион фаолият тури - Тип рекреационной деятельности - Recreational activity type - ушбу гуруҳнинг барча бошланғич кўнгилочар тадбирлари учун бир-бирининг ўрнини босадиган ва мукобил бўлган асосий ўйин-тадбирларни бир хилда гуруҳлаш.

Рекреацион ҳудуд - Район рекреационный - Recreational area - рекреацион ҳудудларни ажратиш натижасида юзага келган ҳудуд.

Рекреацион эҳтиёж - Потребности рекреационные - Recreational needs - шахснинг психофизикавий ва маънавий-интеллектуал кучини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи.

Рекреация - Рекреация - Recreation - инсон кучини кўпайтириш; жисмоний ва руҳий қувватни тиклаш учун амалга ошириладиган ҳар қандай кўнгилочар ва бошқа ўйин-кулги амаллари; рекреация (дам олиш) аҳолининг фаол ташқи маконга жалб этилиши билан боғлиқ бўлган саноатнинг жадал ўсиб бораётган сегментидир.

Рекреация концепцияси, технологик - Концепция рекреации, технологическая - Recreation concept, technological - бу дам олишни туристик хизматлар ва давлат хизматларини ишлаб чиқариш учун технологик тадбирлар тизими сифатида кўриб чиқадиган концепция ҳисобланади.

Рекреация мақсадидаги ерлар - Земли рекреационного назначения - Recreational purpose lands – 1) кишиларнинг дам олиш, туризм, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун мўлжалланган ва шу мақсадларда фойдаланиладиган ер майдонлари. Дам олиш масканлари таркибига: дам олиш уйлари, пансионатлар, лагерлар, жисмоний тарбия ва спорт объектлари, сайёҳлик базалари, стационар ва чодирли туристик лагер, баликчилик ва овчилик уйлари, болалар туристик манзиллари, туристик парклар, йўллар, болалар ва спорт лагерлари ва бошқа шу каби объектлар киради; 2) белгиланган тартибда уюшган, оммавий дам олиш ва

туризм учун мўлжалланган ва фойдаланиладиган ер участкалари. Бу ҳудудда белгиланмаган мақсадларда амалга оширилувчи тадбирлар тақикланади.

Рекреация ресурслари - Рекреационные ресурсы - Recreational resources - 1) жамиятнинг рекреацион эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган табиий ва антропоген объектлар; 2) табиатнинг табиий ва антропоген геотизимларини, табиати ва табиат ҳодисаларини ифодаловчи туристик ресурсларининг бир қисми, дам олиш учун қулай шароитга эга бўлган истеъмол қийматига эга бўлган ресурслар, мавжуд технология ва мавжуд моддий имкониятлардан фойдаланган ҳолда, муайян вақт ичида маълум бир гурухлар учун рекреацион фаолиятни ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Рекреация фаолияти - Занятие рекреационное - Recreational activity - дам олиш фаолиятининг энг оддий элементи.

Рекреация хизматлари - Рекреационные услуги - Recreational service - дам олиш, одамлар кучини ва соғлиғини тиклаш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш билан боғлиқ хизматлар.

Рекреация ҳудуди - Пространство рекреационное - Recreation area - рекреацион фаолият учун мўлжалланган жойлар.

Рекреация ҳудуди - Рекреационные зоны - Recreation area - парклар, истироҳат боғлари, шаҳар ўрмонлари, ўрмон парклари, соҳил ва бошқаларни ўз ичига олувчи клубли дам олиш ҳудуди. Махсус мухофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва табиий объектлар рекреацион ҳудудга киритилиши мумкин.

Рекреация ҳудудларини ўзлаштириш - Освоенность территории, рекреационная - Degree of territorial colonization - ҳудуднинг рекреацион ривожланиши жараёнининг натижаси, ушбу ҳудуднинг туристик фаолият турларини тўлдириш даражасини тавсифлаб беради.

Рекреация юкламаси - Нагрузки рекреационные - Recreational load - дам олиш масканлари, уларнинг транспорт воситалари, сайёҳлик инфратузилмаси, вақтинчалик қолиш ва дам олиш уйлари ва бошқа тузилмаларнинг табиий мажмуа ёки дам олиш масканларига тўғридан-тўғри таъсир даражаси. Рекреация юкламаси маълум ҳудудидаги дам олувчилар сони сифатида ифодаланади.

Рентабеллик - Рентабельность - Profitability - (немисча рентабел-даромадли, фойдали) - корхона ёки тадбиркорликнинг даромаддорлиги, самарадорлиги; микроиқтисодий миқёсдаги иқтисодий фаолиятнинг самарадорлиги. Рентабеллик корхона ёки тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижаларини баҳолашда қўлланиладиган асосий кўрсаткич. Рентабеллик фойда олиб ишлашнинг қиёсий, яъни сарф-

харажатларга нисбатан аниқланадиган кўрсаткичи бўлиб фоизларда ифодаланади. Узоқ муддатли ва жорий харажатлар (машина, ускуна, бинолар, иншоотлар, хом ашё, ёқилғи, материаллар, бутловчи қисмлар, иш кучи ва бошқа сотиб олиш) мазмунан ҳар хил бўлганидан улар қандай натижа берганлигини билиш учун Рентабелликнинг 4 та асосий кўрсаткичлари қўлланилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида иқтисодий ўсишнинг интенсив омилларини кучайтириш асосида Рентабелликни оширишга, фойдани максимумлаштиришга зарур шарт-шароитлар яратилади. Бозор талаб қилган харидоргир товарларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, хом ашё ва материаллар сарфини қисқартириш, ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш асосида жорий харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бориш, капитал таркибини шакллантириш (айланма капитал), меҳнат мотивациясини кучайтириш (ишчи-хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш меҳнат унумдорлигини оширишга, тежамкорликни таъминлашга интилишни пайдо этади) Рентабелликни ўстиришнинг асосий омилларидир.

Ресепшн - Ресепшн - Reception - меҳмонхонанинг меҳмонларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва расмийлаштириш учун мўлжалланган бўлими, шунингдек у ерда меҳмонлар (туристлар)нинг номер калитлари кабул килинади, уларга қайта топширилади ва меҳмонларга турли хил йўриқномалар кўрсатилади.

Ресорт - Резорт - Resort - ўз ҳудудида дам олиш ва ўйин-кулги учун кўплаб имкониятларни таъминлайдиган курортли меҳмонхона. Ушбу турдаги меҳмонхона учун айникса "пляж" туризми оммавийлиги билан ажралиб туради. Кўпинча "ҳаммаси ичида" тизимида фаолият юритади.

Ресторан - Ресторан - Restaurant - 1) кафе ёки бардан фарқли ўлароқ, кенг ассортиментга ва иссиқ таомларга эга бўлган умумий овқатланиш корхонаси. Одатда ресторанларда официантлар хизмат кўрсатишади; 2) ҳаммабоп овқатланиш корхонаси бўлиб, жуда кўп ассортиментли таомлар, газаклари билан, ҳар хил пиширикларн ва спиртли-спиртсиз ичимликларлари билан ажралиб туради. Ресторанларда яна индивидуал буюртмалар асосида ҳам жуда кўп салат ва таомлар тайёрлаши билан бирга европача ҳамда миллий овқатлар ҳам тортиқ қилинади. Хизматлар кўрсатиладиган меҳмонларнинг сони бўйича ресторанлар кичкина (10-15 кишигача) ва катта (500 киши ва ундан ортик) ресторанларга бўлинади.

Ресторансиз меҳмонхона - Гостиница без ресторана - Limited service hotel - одатда бу каби меҳмонхоналарда жойлаштириш хизмати нархи анча арзон бўлади. Меҳмонхона мижозлари яқин-атрофдаги овқатлантириш корхоналарида овқатланишлари

лозим бўлади.

Реэкспорт - Реэкспорт - Re-export - бу Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан чет эл товарлари импорт божхона божлари ва соликларини ундирмасдан ёки кайтариш йўли билан ва иктисодий сиёсат чораларини кўлламасдан олиб чикиладиган режимдир.

Рикша - Рикша - Rickshaw - турист ёки бошқа йўловчиларни махсус аравачада олиб юрувчи шахс.

Ротел - Ротель - Rotel - ётоқ учун кровати бўлган икки ўриндан иборат номери мавжуд (ётоқ жойига эга) харакатланувчи меҳмонхона. Алоҳида кийиниш хонаси, умумий ошхона, совутгич ва умумий ҳожатхонага эга.

Рўйхатга олиш картаси - Регистрационная карта - Registration card - вақтинчалик меҳмонлар (сайёҳлар, гранзит йўловчилар ва бошқалар)га мамлакатга кириш вақтида чегара идоралари томонидан бериладиган ва қайтиш вақтида қайтариб бериладиган ҳужжат; 2) туристик хизматнинг потенциал харидори бўлган мижозлар учун шакл.

Рухсат бериш тартиби - Порядок разрешительный - Permit order - бу фақатгина махсус рухсатномалар ёки қоидалар асосида амалга ошириладиган махсус туризм регламентидир.

C

Саванна - Саванна - Savanna - 1) ўт билан қопланган, сийрак холдаги дарахтлар ва буталардан иборат субэкваториал худуддаги майдон; 2) машхур, лекин қиммат турувчи сафари объекти.

Савдо (савдогарлик) - Торговля - Trade - 1) товар муомаласининг бир тури, меҳнат маҳсулотлари ва хизматларни олди-сотди йўли билан айирбошлаш шакли. Бунда товар хариди миқдори, товар сифати, сотишдан олдин ёки кейин хизматлар кўрсатиш, сотиб олинган товар ёки хизмат ҳақини ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқалар шартлашилади; 2) сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги киймат алмашувига доир муносабатлар. Товар ишлаб чиқариш пайдо бўлиши билан товарларни пул воситасида айирбошлаш, яъни савдо вужудга келган. Халқ хўжалигининг ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида ажралиб чиққан ва товарларни олиш, сотиш ва улар билан боғлиқ хизматлар кўрсатишда воситачилик фаолиятини амалга оширадиган тармоғи. Ишлаб чиқариш билан истеъмолни ўзаро боғлайди, товарларни сўнгги истеъмолчи (аҳоли)га етказишни таъминлайди. Савдо улгуржи ва чакана савдога бўлинади. Улгуржи савдо - товарларни ишлаб чиқариш истеъмоли ёки қайта сотиш учун йирик партияларда сотиб оладиган ёки сақлайдиган, уларни чакана

савдога, истеъмолчи ёки бошка савдо ташкилотларига сотадиган муассасалар мажмуи. Чакана савдо - бевосита истеъмолчининг пул даромадларига айирбошлаш йўли билан якка ёки кичикрок микдордаги товарларни сотиб охирги истеъмолчига хизмат кўрсатади. Савдо ички ва ташки савдога бўлинади. Ички савдо бир мамлакат доирасида товар муомаласига хизмат кўрсатади.

Савдо сиғими - Объем продаж - Volume of sales - бозор нархида ифодаланган махсулотнинг умумий киймати.

Савдо ташкилотчиси - Организатор продаж - Sales organizer - якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс конунчиликда такикланмаган хар кандай усуллар билан тадбиркорлик фаолияти доирасида бозорда клубда дам олиш хукукини кўллаб-кувватлайдиган корхонадир.

Саёхат - Поездка - Trip, voyage - 1) шахс ўзининг доимий яшаш жойидан ташкарида бўлган бутун давридир (БТТнинг таърифи); 2) шахснинг доимий яшаш жойига нисбатан аҳолининг бошка худудга килган даврий кўчиши хакидаги факт хисобланади.

Саёхат - Поход - Excursion - туристик хизматининг сайёхларнинг дам олиш ва таълим эхтиёжларини маршрут бўйлаб фаол транспорт воситаларида кондириш имконини берувчи сайёхлик хизматидир.

Саёхат - Путешествие - Travel - 1) туристларнинг турмуш даражасини оширишнинг ўзига хос шартлари асосида унинг соғлиғи ва маънавий эхтиёжларини кондиришни таъминлайдиган кенг микёсли туристик хизмат; 2) хар кандай худуддаги одамларнинг танишиш, ўрганиш, шунингдек умумий таълим, билим, спорт ва бошка максадларда харакат килиши; 3) вакт ва маконда кишиларнинг харакати.

Саёхат ва экскурсия буюроси - Бюро путешествий и экскурсий - Travel and excursion bureau - туристик-экскурсия хизматларини кўрсатиш, йўлланмаларни сотиш ва бошка хизматларни кўрсатиш. Шунингдек, аҳолининг алохида гурухлари туристик фаолиятини амалга ошириш максадида фаолият кўрсатувчи ташкилотлар ва муассасалар тизими.

Саёхат килувчи гурух - Путешествующая группа - Travelling group - саёхат давомида харажатларнинг аксарият кисмини умумий бюджетдан тўловчи, бутун сафар давомида ёки унинг бир кисмида биргаликда харакат килувчи мехмонлар (туристлар) (БТТ таърифи).

Саёхат маршрути - Маршрут путешествия - Route travel - туристнинг саёхат давомида ташриф буюрадиган географик пункт ва жойлари рўйхатини ўз ичига олувчи йўли.

Саёхатдаги кузатув - Наблюдения в походе - Campaign observation - туристлар ўзларининг ташаббуси билан ёки топшириклар бўйича маршрут ўтувчи ерларни ўрганиш учун бажарадиган табиий, географик, геологик, тарихий,

фолклор, этнографик ва бошқа кузатишлар.

Саёҳатчи - Путешественник - Traveller - 1) икки ёки ундан ортиқ жойлар орасида саёҳат қилувчи шахс (БТТ таърифи); 2) кишиларнинг мақсади, йўналиши, муддати ва мақсадларининг ҳаракатидан қатъий назар саёҳат қилишидир; 3) инсоннинг ҳаёт тарзи ёки хизмат юзасидан амалга ошириладиган сафарлари.

Самарадорлик - Эффективность - Leverage - ҳар қанақа сабаб туфайли амалга оширилган фаолият натижаси. Туристик корхона фаолиятининг самарадорлиги: хўжалик фаолияти натижаларини ушбу фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурс харажатларига нисбати сифатида белгиланиши мумкин. Иқтисодий самарадорлик - чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, товар ва хизматларга бўлган жамиятнинг чексиз талабини максимал қондиришдир. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий фаолиятнинг якуний натижасидир.

Самолиёт купони - Полетный купон - Boarding pass - бу авиакомпания йўловчисига (сайёҳга) муайян маршрутлар бўйлаб ҳаракатланиш ҳуқуқини берадиган йўл ҳужжати ҳисобланади.

Санаторий - Санаторий - Sanatorium - асосан табиий ва физиотерапевтик воситалар, парҳез ва аниқ тартиб орқали даволайдиган даволаш-профилактика муассасаси.

Санатория - Здравница - Sanatorium - рекреацион ресурслар билан биргаликда даволаш-соғломлаштириш хизматлари ташкил этилувчи муассаса.

Санъат ёдгорликлари - Памятник искуства - Monument of arts - маданий қадриятлар сифатида эътироф этилган, эстетик хиссиётларни уйғунлаштирадиган, таниқли санъат кўринишига эга бўлган ўтмишдаги моддий ва маънавий ёдгорликлар.

Саргузашт туризми - Туризм приключенческий - Adventure tourism - экзотик ва экологик тоза табиий ҳудудларга одатий бўлмаган транспорт воситалари ёрдамида ғайриоддий турларни ташкил қилиш билан боғлиқ туризм тури. Саргузашт туризмига пиёда экспедициялар, сафари турлар (ов, балиқ ови, фото ов ва бошқалар), атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кабилар (яхтинг) киради.

Саргузаштли круиз - Приключенческий круиз - Adventure cruise - экзотик ҳисобланган ҳудудларга турли хил денгиз сафарлари.

Сармоявий инвестицияларни қайта тиклаш - Окупаемость капитальных вложений - Return on capital investment - капитал қўйилмаларни инвестициялар натижасида олинган, иқтисодий таъсирга нисбати сифатида аниқланган капитал қўйилмалар самарадорлигининг кўрсаткичидир.

САУНА - САУНА - SAUNA - фин ҳаммоми; бассейн ёки табиий сув ҳавзасида совуқ сув ва иссиқ, қуруқ пар ҳавосини (90-140 даража ҳарорат, намлик 5-15%) навбат-

навбат билан алмаштириладиган жараён.

Сафар мақсади - Цели поездки (посещения) - Purpose of the trip - халқаро стандартлар бўйича: бўш вақт, дам олиш ва даволаниш; қариндошлар ва танишларникига ташриф буюриш; бизнес ва касбий мақсадлар, шунингдек рағбатлантирувчи саёҳатлар, таълим ва тадқиқот фаолияти; согликни тиклаш; диний тадбирларда иштирок этиш, зиёрат қилиш; шоп туризм билан шуғулланиш ва бошқа мақсадлар бўлиши мумкин.

Сафар муддати - Продолжительность поездки - Duration of travel - юборувчи мамлакат ёки худуддан борилиадиган мамлакат ёки худудгача босиб ўтиладиган масофага сарфланган вақтни ўз ичига олади (БТТ таърифи).

Сафар нархларини пасайтириш учун франкфурт жадвали - Франкфуртская таблица по снижению цен на поездки - Frankfurt table on reduced price for travels - турист томонидан эътироф этилган сайёҳатдаги камчиликларга қараб, хизмат нархининг пасайиши ставкасини (фоизда) белгилайдиган ҳужжат.

Сафари - Сафари - Safari - 1) ов қилиш ва маҳаллий табиат билан танишиш мақсадида уюштириладиган туристик саёҳат, одатда Марказий Африка мамлакатларига уюштирилади; 2) жиплар, туялар, филлар ва бошқа воситаларда амалга ошириладиган табиат кўйнига саёҳат; 3) енгил матодан тикилган чўнтакли, кулай кийим.

Сафарни бекор қилиш - Аннуляция поездки - Travel cancellation - туристик хизматлари учун шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда сайёҳлик ташкилотининг хизматидан воз кечиш.

Свингер-туризм - Свингер-туризм - Swinger tourism - турғун жинсий жуфтлик сафарини назарда тутувчи туризм тури, унинг мақсадларидан бири - жинсий алоқа шерикларининг вақтинчалик алмашинувидир. Турли худудларда улар учун тунги клублар, свинг-меҳмонхоналар ва туристик инфратузилманинг бошқа элементлари ташкил этилади.

Сегментация мақсади - Цель сегментации - Target segmentation - истеъмолчиларнинг меҳмонхона маҳсулотларига бўлган талабларини максимал даражада қондириш, хизматларни ишлаб чиқишда меҳмонхона харажатларини оптималлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва сотиш.

Секс туризм - Секс-туризм - Sex tourism - 1) туризм соҳасида ёки ундан ташқарида ташкил этилишига қарамасдан, туризмнинг тузилмалари ва тармоқларидан фойдаланиладиган ҳамда асосий мақсади туристлар ва резидентлар ўртасида тижорий равишда жинсий алоқа қилиш бўлган туризм тури; 2) жинсий эҳтиёжларни қондириш, айниқса фоҳишалардан фойдаланган ҳолда сафар қилиш.

Сервировка - Сервировка - Serving - таомланишда фойдаланиладиган идишлар ва приборларни тўғри жойлаштириш ҳамда столни безаш санъати.

Сервировка столи - Сервировочный стол - Serving table - хизмат кўрсатиш учун лозим бўлган барча керакли жиҳозлар (воситалар, ускуналар) қўйилган иш столи. Одатда сервировка столлари бир вақтда турли хил ҳудудларда хизмат кўрсатиш учун стратегик муҳим жойларга қўйилади.

Сервис - Сервис - Service - 1) аҳолига турли соҳаларда хизмат кўрсатиш; 2) талабни, эҳтиёжни ва хоҳишни қондиришга қаратилган ҳаракат. Агар талаб, эҳтиёж ва хоҳиш ҳаракат давомида қондирилмаган бўлса, сервис - йўқ; 3) туризмда сервис ўз ичига нафақат туроператор томонидан тақдим этилган хизматлар, балки меҳмонхоналар, пансионатлардаги ва сиз саёҳат қилаётган мамлакатдаги барча хизматларни олади; 4) инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, кишиларнинг наф келтирадиган, маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти.

Сервис даражаси - Уровень сервиса - Service level - хизмат турларининг хилма-хиллиги, турли қулайликларнинг мавжудлиги, уларнинг услуби ва сифати билан тавсифланади.

Сервиснинг табақаланиши - Сервисная дифференциация - Service differentiation - рақобатчиларникига қараганда юқорирок сифатли ва ранг-баранг хизмат даражасини таклиф этиш.

Сертификат - Сертификат - Certificate - туристик хизматлар сифатини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Серфинг - Серфинг - Surfing - махсус доска билан окимга қарши, тўлқинларга қарши сув устида ҳаракатланувчи серфингист томонидан бажариладиган сув спорти тури.

Сиғим - Объем - Volume - меҳмонлар учун маълум бир вақт ичида маълум бир нарх бўйича хизматга тайёр бўлган номерлар сони.

Синф - Класс - Class - кулайлик даражасидан келиб чиққан ҳолда туристлар учун таклиф қилинадиган самолётдаги жойлар, теплоходдаги каюталар ва темирйўл йўловчи вагонларининг туркумланиши.

Сити тур - Сити-тур - City tour - етиб келган жойдаги экскурсия қоидасига кўра, ўз ичига транспорт ва гидни олади.

ски-пасс - Ски-пасс - Ski-pass - ҳужжат бўлиб, у туристга махсус тоғ чанғиси ёки сновбордда учиш жойига боришда махсус кўтариш мосламасидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Слоган - Слоган - Slogan - қисқа шиор ва реклама шиори, озиқ-овқатнинг сифатини кўрсатувчи, туристик фирманинг

иш - фаолиятини кўрсатувчи, баъзида намойишли, нутқли ёки санъат кўринишида бўлади, шиор қисқа ва осон талаффуз қилиниши керак ва умумий реклама мавзуларига мос бўлиши керак.

Смета - Смета - Budget - корхонанинг пул ва моддий воситалар орқали кирим ва чиким режаси.

Сноркелинг - Сноркелинг - Snorkeling - никоб ва найча мосламаси орқали сузиш.

Сноубординг - Сноубординг - Snowboarding - махсус жиҳозланган доска ёрдамида қорли тоғ чўққиларидан тушиш билан амалга ошириладиган спорт тури.

Снэк-бар - Снэк-бар - Snack-bar - газакларнинг бир неча турини таклиф этувчи газакхона, буфет ва кичик кафелар.

Соғлиқ - Здоровье - Health - жисмоний, ижтимоий ва маънавий фаровонлик ҳолати.

Соғломлаштириш туризми - Оздоровительный туризм - Medical tourism - бу шундай туризм турики, унда табиий ва иқлим шароити соғлиқ учун фойдали бўлган ҳар қандай жойларга саёҳат уюштириш ва дам олиш мақсадида у ерда қолиш тушунилади. Одатда соғликни сақлаш туризми доирасида фаол бўлган турлар, юриш, сузиш, тоғ чанғиси, саёҳатлар, дам олиш кабилар уюштирилади.

Соғломлаштирувчи иқлим - Климат лечебный - Healing climate - табиий даволовчи рекреацион ресурслар.

Соф тушум - Чистая выручка - Net revenue - товарлар (ишлар, хизматлар) нархида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғини ҳамда аксиз солиги суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум.

Соф фойда - Чистая прибыль - Net profit - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан сўнг юридик шахснинг тасарруфида қолган фойда.

СПА-меҳмонхона - СПА-отель - SPA hotel - "спа" сўзи ўз ичига қуйидагиларни олади ва бу меҳмонхонада ҳам ўз аксини топади: согломлаштириш маркази, соғломлаштирадиган ва ёшартирадиган даволаш тадбирлари, тренажор заллар, бассейнлар, массаж хоналари, қулай номерлар ва сокин муҳит.

Спелеотуризм - Спелеотуризм - Caving - спелеотуризмнинг ўзига хос жиҳатлари: ерости маршрутларининг мураккаблиги, яъни ғорларнинг турлича релъефи (қудуқ, чукурлик, ерости дарёлари ва бошқ.), одатда, ҳавонинг юкори намлиги (100% гача), паст температурадаги юкори босим, табиий ёруғликнинг йўқлиги. Спелеотуризм куч, бардош, чаққонлик, ерости ишлатиладиган воситалардан фойдалана олиш, яхши сузиш ва шўнғиш кабиларни талаб қилади.

Сплит-чартер - Сплит-чартер - Split charter - маршрутнинг бир қисмида мунтазам ҳаво кемалари томонидан, қолган қисмида чартер

рейслари билан йўловчиларнинг қатновини амалга ошириш.

Спорт согломлаштирувчи лагер - Лагерь спортивно-оздоровительный - Sport-recreation camp - фаол дам олиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун мўлжалланган ихтисослашган рекреацион корхона.

Спорт туризми - Туризм спортивный - Sport tourism - 1) мижознинг ўз турмуш шароитида бажара олмайдиган спорт тури билан шуғулланиш истаги сабабли юзага келадиган туризм тури; 2) муайян мураккаблик тоифасидаги маршрутлар бўйлаб юриш, шунингдек туризм техникаси мусобақаларида ва чемпионатларда иштирок этиш; турли хил шакллаги ҳаваскорлик туризми тури.

Стандартлаштириш - Стандартизация - Standartization - маҳсулот, жараён, иш ва хизматларни аҳоли соғлиғи, табиат муҳофазасига хавфи масаласида истеъмолчи ва давлат қизиқишларининг ҳимояси; маҳсулотларни ўзаро алмашиниш ва замонавийлигини таъминлаш; маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини илмий-техника ўзгариш даражасига бундан ташқари аҳоли ва халқ хўжаликлари талаблари даражасига қараб ошириш; ресурсларни тежаш ва ишлаб чиқариш жараёни техник-иқтисодий хусусиятларини оширишда кўмаклашиш, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник дастурларни амалга ошириш; халқ хўжалиги объектларини табиий ва техник хавф-хатарлардан асраш; чиқарилаётган маҳсулот ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотларни тақдим этиш; ўзини ҳимоя қилиш ва мобилизиацион тайёргарлигини таъминлаш; ўлчов бирликларини ишлаб чиқиш.

Статистик меню - Меню статичное - Static menu - ҳар куни ўзгармайдиган олдиндан белгиланган меню. Мумтазам мижозлари кам бўлган қимматбаҳо ресторанлар бошқаларига нисбатан менюни тез-тез ўзгартиришлари шарт эмас.

Стик - Стик - Stick - чипта (ҳаво ва темир йўл) шакли, катъий жавобгарлик шакли.

Стоп овер - Стоповер - Stop over - борадиган жойга парвоз рейсининг йўқлиги ёки йўловчи илтимоси билан 24 соатдан ортиқ муддатдаги танаффус.

Стоп-лист - Стоп-лист - Stop-list - кўрсатилган саналарда сотуви тугатилган, турагентликлар учун мўлжалланган, меҳмонхоналар ва турлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат.

Стриптиз - Стриптиз - Striptease - ижрочининг ракс давомида аста-секин ечинуви билан амалга оширилувчи эротик ракс.

Студио - Студио - Studio - ичига ошхона жойлаштирилган, стандарт номерлардан фарк қилувчи йирик бир хонали номер.

Стюард - Стюард - Steward - умумий овқатлантириш корхоналарида столдан идиш-товокларни йиғиштириш ва мебелларни тартибга келтириш

билан шуғулланувчи ходим. Официантдан фарқли жиҳати стюард фақат у хизмат кўрсатгандан сўнг столни йиғиштириш билан шуғулланади. Бундан ташқари стюарднинг зиммасига салфеткаларни гўлдириш, кулдонларни алмаштириш ва бошқалар киради.

Стюард, борт кузатувчиси - Стюард, бортпроводник - Steward(ess), flight attendant, cabin attendant - сув ва ҳаво кемаларида йўловчиларга хизмат кўрсатувчи ва хавфсизлигини таъминловчи мутахассис (кутилмаган ҳалокатларда ва бошқаларда йўловчиларга ёрдам кўрсатиш). Жуда катта кемаларда стюард капитанга ва катта офицерларга ҳам хизмат кўрсатади.

Сув бунгалоси - Водное бунгало - Water bungalo - бу қирғоқ яқинида тўғридан-тўғри сувда козиклар устида жойлашган бир каватли уй ҳисобланади. Унинг кўпчилигида тераска ёки панорамик деразалари мавжуд бўлган хонаси ҳам мавжуд бўлади. Тўғридан тўғри ундан сувга тушишингиз мумкин, бу орқали сиз сув ости ҳаётини кузата олаш имкониятига эга бўласиз.

Сув омбори - Водохранилище - Reservoir - миллий иқтисодиётда ундан фойдаланиш учун сувни йиғиш ва сақлаш учун сув таъминоти қурилмалари томонидан дарё водийсида шакллантирилган сунъий (инсон қурилиши) сув омбори. Сув омборлар икки турга бўлинади: кўл сув омбори, дарё сув омбори.

Сув туризми - Водный туризм - Water tourism/sea tourism – 1) бу сув сиртининг йўналишини енгиб ўтишдан иборат спорт туризми турларидан бири ҳисобланади. Бир неча турдаги сув туризми мавжуд: рафтинг, каноэ, сурфинг, каякинг кабилар. Сув туризми учун спорт кемалари, губкали рамкалар, сувда чўкмайдиган қайиқлар, сув устида ҳаракатланувчи иншоотлар қўлланилади; 2) қайиқлар, байдарка, катамаранлар, моторли кемалар ва бошқа сузиш воситаларидан фойдаланган ҳолда сувда дам олишни амалга оширадиган туризм тури. Шунингдек, сув туризми гоифасига моторли кема ва океан лайнерлари бўйича тинч сузиш билан биргаликда яна бир қатор турлари мавжуд бўлиб, буларга: дарё оқимида сузиш, рафтинг, елканли туризм, денгизда каякинг кабиларни киритиш мумкин.

Сув чанғиси - Водные лыжи - Water skiing - бу фаол сув спорти бўлиб, махсус қайиқнинг орқасида арқонни икки қўл билан тутган ҳолда сувнинг юзасида мохирона учиш ҳисобланади. Бунда спортчи оёқларига махсус тикилган сувнинг ўстида ҳаракатланувчи чанғисимон пояфзални кийиб олади.

Сувенир - Сувенир - Souvenir - бирор шаҳар, мамлакат ва бирор киши ҳақида эслатиб турувчи бадиий буюм.

Суғурта - Страховка - Insurance - 1) маълум воқеалар (суғурта ҳодисаси) юз берганда жисмоний ва юридик шахсларининг мулкий манфаатларининг ҳимояси бўйича

муносабатларни англатувчи атама. Ҳимоя манфаатлари ҳимоя қилинаётганлар томонидан тўланувчи суғурта бадалларидан (суғурта мукофотлари) шаклланувчи пул жамғармалари ҳисобига амалга оширилади; 2) суғурта полисида суғурта шартлари тўлиқ кўрсатилади. Суғурта полиси касаллик ёки нохуш вазият содир бўлганда тиббий хизмат кўрсатишни таъминловчи ҳужжат ҳисобланади. Маълум бир мамлакатларга киришда суғурта полиси мажбурий ҳисобланади; 3) ноқулай тоғ ҳудудларидаги асосий ҳимоя воситаси.

Суғурта гувоҳномаси - Свидетельство страховое - Certificate of insurance - суғурта полиси томонидан қоплаб бериладиган харажатларни кўрсатувчи ҳужжат.

Суғурта мукофоти (бадали) - Страховая премия - Insurance premium - суғурталанувчи суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов, суғурта бадали. У суғурта суммасининг миқдори, тарифи, суғурта муддати ва бошқа омилларга боғлиқ.

Суғурта полиси - Полис страховой - Insurance policy - бу суғурта шартномасининг шартларини белгилайдиган ҳужжат ҳисобланади. Суғурта полиси инсон ҳаёти давомида кутилмаганда юзага келувчи бахтсиз ҳодислар натижасида юзага келган харажатларни қоплашни назарда тутувчи ҳужжат ҳисобланади.

Суғурта суммаси - Страховая сумма - Insurance amount - 1) тиббий хизмат кўрсатишга етарли бўлган пул суммаси, кўрсатиладиган тиббий хизматлар тури сумма миқдорига таъсир қилади; 2) унинг доирасида суғурталанувчи (учинчи шахслар) олдидаги масъулиятни ўз зиммасига оладиган, суғурта шартномаси (полиси) кўрсатилган пул маблағи; суғурта копламасининг максимал имкони бор суммаси. Суғурта суммаси мулкнинг ҳақиқий баҳосига тенг бўлиши лозим. Ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича алоҳида ёки умумий сумма сифатида белгиланади. Суғурта бадали ва суғурта копламаси миқдори ундан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Суғурта хавф-хатари - Страховой риск - Insurance risk - суғурта амалга оширилганлиги тўғрисида даъво қилинган ҳодиса.

Суғурта ҳолати - Случай страховой - Insurance case - қонун ёки шартнома асосида кўрсатилган ҳолат юзага келган вақтда суғурталанган шахсга, суғуртачининг суғурта пулини бериш мажбуриятининг юзага келиши.

Суғурта ҳолати - Страховой случай - Insurance case - шартномада ёки қонунда айтиб ўтилган, содир бўлган ҳодиса бўлиб, унинг юзага келиши натижасида суғурталовчи суғурталанувчига, суғурталанган шахсга ёки учинчи шахсга нисбатан суғурта тўловини амалга оширади. Мулк билан боғлиқ бўлган суғурта ҳолатида

тўлов суғурта зарарини қоплаш тарикасида, суғурталанувчи ёки учинчи шахс билан боғлиқ суғурта ҳолатида - суғурта таъминоти сифатида амалга оширилади.

Суғурта шартномаси - Договор страхования - Insurance agreement - суғурталанувчи ва суғурталовчи ўртасида агент ёки брокер воситачилиги ёки уларнинг воситачилигисиз тузилган ва у бўйича суғурталовчи зарарни қоплаб бериш ёки суғурта суммасини унга (ёки наф олувчига) тўлаб бериш, суғурталанувчи эса суғурта мукофотини тўла ҳажмда ва вақтида тўлаб бериш мажбуриятини олувчи шартнома. Суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради.

Суғуртанинг иқтисодий асоси - Экономическая сущность страхования - Economic basis of insurance - суғурталовчининг пул маблағлари ва суғурта қилдирувчилар томонидан тўланган суғурта тўловлари (бонуслари), суғурта ҳодисалари (хатар) жараёнида суғурталанган шахсларга, учинчи шахсларга ёки мулкдорларга тўловларни амалга оширишга мўлжалланган. Буларнинг барчаси суғурта шартномасида белгилаб қўйилган.

Сўзлаш вақти - Время рассказа - Telling time - экскурсия пайтида оғзаки маълумотларнинг давомийлиги.

Сўров варақаси - Лист опросный - Questionnaire - сўров натижаларидан олинган маълумотларни тўплаш учун намуна сўровларида фойдаланиладиган маълумотлар йиғиш воситаси.

Сюит номер - Сюит - Suite room - катта иккиталик кровать (200x200 см.) ва меҳмонлар учун қўшимча ҳожатхонага эга бўлган учта ва ундан ортиқ хоналардан иборат (меҳмонхона, ошхона, кабинет ва ётоқхона), 75 $м^2$ кам бўлмаган меҳмонхона номери.

Т

Табелдот - Табельдот - Table d'hote - тўлиқ хизмат кўрсатувчи овқатланиш корхонаси, унинг асосий хизмати - озиқ-овқатлар киритилган тўлиқ менюси; катта ресторан, кафе, бари мавжуд бўлган кичикрок меҳмонхоналар. Асосий хусусияти - камрок ҳақ эвазига ажойиб таомлардан баҳраманд бўлиш имконияти.

Табиат ёдгорликлари - памятник природы - Natural monument - илмий, маърифий, эстетик ёки маданий аҳамиятга эга бўлган, бебаҳо табиий объектлар.

Табиат туризми - Туризм природный - Nature tourism - табиатга таъриф буюриш, кузатиш ва ўрганиш билан боғлиқ бўлган туризм тури.

Табиатни муҳофаза қилиш - Охрана природы - Protection of nature - табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва тиклаш бўйича чора-тадбирлар тизими ва инсоннинг мавжудлиги ва атроф-

муҳит билан уйғун муносабатлар учун мақбул шароит яратиш қобилардир.

Табиий ресурсларни муҳофаза қиладиган округ - Округ санитарной охраны - Natural resource protected district - табиатни камёб ресурс заҳираларини муҳофаза қилишни, атроф-муҳитни ифлосланишидан ва эрта йўқолиб кетишидан муҳофаза қилинишини таъминлайдиган қонунчилик ҳокимияти. Шунингдек у яшаш жойи, табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан белгиланган махсус муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд ҳамдир.

Табиий хавфлар - Опасное природное явление - Dangerous natural phenomenon - табиий офатлар, тарқалиш миқдори ва давомийлиги одамлар ҳаёти учун хавфли бўлган ҳолатлар, давлат иқтисодиёти ва табиий муҳити учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳатарлар.

Табиий-иқлим шароит - Природно-климатические условия - Natural-climatic conditions - туристлар ташриф буюрадиган ҳудуднинг табиий ва иқлимий шарт-шароитлари комбинацияси ва кўп ҳолларда у инсон саломатлигини яхшилашга таъсир кўрсатади.

Таваккалчилик - Риск - Peril, risk - 1) маблағга зарар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳодиса; 2) қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ ноаниқлик, унинг амалга оширилиши фақат маълум вақт ичида содир бўлади ва бу инновацияларни яратиш ва амалга ошириш жараёнида олдиндан аниқ бўлмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Туризмда ҳатарни камайтириш усулларидан бири қўшма корхонада иштирок этиш ёки бозорда муваффақият қозонган компанияга аъзо бўлишдир.

Таверна - Таверна - Tavern - Италия ва бошқа баъзи мамлакатларда ичимлик ва газаклар харид қилиш мумкин бўлган овқатланиш корхонаси.

Тайёрлаш хизматлари учун тўлов - Оплата по факту оказания услуг - Provided service payment - туроператор кўрсатилган хизмат муддати мобайнида тўлиқ хизмат кўрсатиш фактини тўлиқ тўлдириш йўли билан тасдиқланганидан кейин муайян вақт ичида тўлаш тартиби кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлайди. Бундай ҳолатда хизматлар кўрсатиш тақдим этилган турар жой объекти ҳисоб-вараги операторига, туристик воучерга ва шартномада кўрсатилган бошқа ҳужжатларга тасдиқланади.

Тайм менежмент - Тайм менеджмент - Time management - мақсадларга эришиш учун вақтдан самарали фойдаланишни режалаштириш, устуворликларни белгилаш ва режалаштирилган ишларнинг бажарилишини назорат қилиш учун иш соатларини самарали режалаштириш.

Тайм-чартер - Тайм-чартер - Time charter - маълум бир муддат давомида самолётни ижарага бериш. Бу ҳолатда, йўловчиларни бир нуқтадан иккинчисига етказиб бергач, самолёт орқага қайтмайди ва туристлар келган жойда

туристлар қоладиган муддат давомида ўша ердаги аэропортда қолади. Бу вақт низоми мижозлар учун фойдали, туристларнинг қолиш муддати жуда юқори бўлмаса (1-2 кундан бир ҳафтагача) бу мижозлар учун анчайин фойдали ҳисобланади. Ташкилотчи одатда мижозларнинг парвоз вақтини ва авиакомпаниянинг бўш вақтини, сарфлайдиган харажатларини ҳисобга олган ҳолда, самолётдан фойдаланиш вақтини тўлайди, аэропортда самолётнинг қолиши учун қўшимча харажатларни қоплайди, экипажни таъминлаш ва сақлаш учун ҳақ тўлайди. Қандай чартер рейсни амалга оширмасин, саёҳат компаниялари асосан молиявий манфаатлардан келиб чиқиб қарор қабул қилади. Кўп ҳолларда транспорт воситаси (барча етарли автоуловлар парки мавжуд бўлганда) бир марталик низомлардан фойдаланади, чунки у тўлиш коэффициенти даражасидан қатъий назар, транспорт учун кафолатланган тўловни олади.

Таймшер - Таймшер - Timeshare - 1) туризм бизнесида кўчмас мулкдан пул маблағлари эвазига мутаносиб равишда маълум муддатга фойдаланиш имконияти билан биргаликда эгалик қилиниши; 2) муайян вақт (одатда бир ёки икки ҳафта) мобайнида маълум бир жойлаштириш воситасидан (пансионат, квартира) узоқ муддатга фойдаланиш ҳукукини сотиб олиш. Айни пайтда, одатда, алмашинув шартлари келишилади, бу эса вақтинча эгаларга дам олиш жойларини ўзгартириш имконини беради. Шартномага транспорт харажатлари киритилмайди.

Таклиф - Оферта - Offer - шартларни белгилайдиган битим тузиш учун расмий таклиф.

Таклиф вазифаси - Функция предложения - Future suggestions - етказиб бериш хажмининг унга боғлиқ бўлган омилларга боғлиқлиги.

Таклиф нархи - Цена предложения - Offering price - сотувчининг товарни муайян миқдорини сотишга рози бўлган минимал нархи.

Такси - Такси - Taxi - одатда сафар харажатлари таксометр асосида ҳисобланадиган, йўловчилар ва юкларни ташиш учун фойдаланиладиган автомобил.

Такс-фри - Такс-фри - Tax free - чет элликлар томонидан товарлар сотиб олиш ва экспорт қилишда бир қатор мамлакатларда қўшилган қиймат солиғини қисман қайтариб бериш тизими. Одатда, катта дўконларда маълум миқдорда товар сотиб олаётганда ишлатилади. Чегарани кесиб ўтишда ёки доимий яшаш жойида пул қайтариб берилиши мумкин.

Талаб бўйича жойлаштириш воситалари хизматини сотиш - Продажа услуг средства размещения по запросу - Sale of accommodation service on request - мижознинг ҳар бир сўрови бўйича туристик агентликнинг талаби жойлаштириш воситасига юборилади. Аризани тасдиклаш ёки рад этиш ҳақида 24 соат ичида

туроператорга хабар юборилиши лозим бўлади.

Талаб нархи - Цена спроса - Demand price - 1) истеъмолчининг талаби ривожланаётган ҳолатдаги талаб ва таклиф бўйича бозор нархи; 2) бозорда товарларларни истеъмолчилар томонидан сотиб олиш имконияти бўлган ва сотиб олишга тайёр бўлган нарх. Талаб нархи талабнинг ҳажмига, харидорларнинг пул маблағларига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Талаба туризми - Туризм студенческий - Students tourism - ёшлар учун туризм тури; талабалар ва ўқувчилар учун ташкил этилган саёҳатлар.

Талассотерапия - Талассотерапия - Thalassotherapy - денгиз суви, лой ва сув ўтлари хусусиятларидан фойдаланилган ҳолда соғломлаштириш жараёнлари.

Танишиш сафари (реклама ёки хабарли тур) - Ознакомительная поездка (рекламный или информационный тур) - Familiarisation tour-fam tour - сайёҳлик агентликлари ва авиакомпания ходимлари учун маълум туристик маршрутлар ва марказлар билан танишиш мақсадида бепул ёки чегирмали саёҳат.

Танишув тури - Стади-тур - Study tour - туристик компания ходимлари ва ушбу турни амалга оширишда иштирок этадиган туристик агентликлар вакиллари учун турнинг сифати, унинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари ҳақида ғоялар яратишдан иборат. Иштирокчилар танишув тур вақтида меҳмонхоналар, ресторанлар, экскурсия бюролари бошқаруви ва ишчи ходимлари билан учрашишади, турга киритилган хизматлар ва уларни кўрсатиш жараёни билан танишишади.

Танишув туризми - Туризм познавательный - Cognitive tourism - ҳар кандай ҳудудларнинг, жойларнинг, туристик марказларнинг табиати, тарихи ва маданий ёдгорликлари, маҳаллий аҳолиси ҳаёти ва анъаналари, халқ ҳунармандчилиги, ҳунармандчилик соҳасидаги ютуқлари билан, саноати, ишлаб чиқариши, қурилиш ва бошқа соҳалари билан танишиш мақсадидаги туризм тури. Танишув туризмининг элементлари деярли барча турдаги туризм турларига хосдир.

Танишув туризми ҳудуди - Зона познавательного туризма - Cognitive tourism area - экологик таълимни ташкил этиш ва диққатга сазовор жойлар билан танишиш учун мўлжалланган функционал ҳудуд.

Таннарх - Себестоимость - Cost price - бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодасидир. Бу ўринда маҳсулот таннархини унинг қийматидан фарқлаш лозим. Маълумки, маҳсулот қиймати ўз ичига сарфланган ишлаб чиқариш воситалари қиймати ҳамда янгидан яратилган қийматни тўлиқ олади. Ўз навбатида янгидан яратилган

қиймат иш ҳақи ва ялпи фойдага ажралади.

Таом тақдим этиш усуллари - Способы подачи блюд - Food service manners - вена усули - таом олдин ошхонада идишларга солинади, кейин истеъмолчилар олдига қўйилади; Франция усули - таом сервировка идишига солинади ва столга олиб бориб қўйилади, кейин истеъмолчи ўзига керагича олади; Англия усули - таом сервировка идишига солинади, официант уни олиб келиб, ўзи истеъмолчиларнинг идишига солиб беради; русча усул - таом сервировка идишига солиниб олиб келинади, официант истеъмолчилар олдида уни порцияларга бўлади ва истеъмолчилар ўзлари идишлари солиб олишади; гуеридон усули - истеъмолчилар олдида таом таёрлаш усули. Масалликлар сервировка идишига солиниб, ғилдиракли столда олиб келинади ва официант уни истеъмолчилар олдида тайёрлайди.

Тариф - Тариф - Rate - хизмат ҳақи олинадиган тарифлар тизими. Бунга: транспорт тарифлари; алоқа ставкалари; коммунал тарифлар; божхона тарифлари; суғурта тарифлари; мехмонхона тарифлари ва бошқалар киради.

Тариф режаси - Тарифный план - Rate plan - аслида бу мехмонхоналарда қўлланиладиган тарифлар учун қўлланиладиган ном.

Тарихий ёдгорликлар - Памятник истории - Monument of history - жамиятда қадр-қимматга эга бўлган ва ҳимоя қилиниши лозим бўлган ўтмишдаги моддий ва маънавий ёдгорликлар.

Тарихий-маданий объектларни қўриқлаш ҳудуди - Зона охраны историко-культурных объектов - Protection area of historical and cultural sights - тарихий ва маданий объектларни асраш учун шарт-шароитлар яратилган функционал ҳудуд.

Тарк этиш - Отпуск - Leave - аввалги ишни сақлаб қолган ҳолда дам олиш ва бошқа ижтимоий мақсадлар учун маълум бир вақт давомида иш кунидан вақтинча озод қилиш.

Тарқалиш - Рассредоточенность - Dispersion - ушбу синфнинг ҳар бир объекти учун ҳудуднинг майдони; 2) туристнинг тарқалиш кўрсаткичи: Т = С/Н, бу эрда С - ҳудуднинг майдони, Н - туристлар сони.

Тартибга солинмаган талаб - Нерегулируемый спрос - Unregulated demand - мавсумий, кунлик ёки соат сайин ўзгариб турадиган қайсики ташкилотлар учун кам ёки кўп муаммолар келтириб чиқарадиган талаб.

Ташаббускор туроператорлар - Туроператоры инициативные - Initiative touroperators - қабул қилувчи туроператорлар ёки тўғридан-тўғри туристик корхоналар билан келишилган ҳолда хорижга ёки бошқа минтақаларга туристларни юбориш.

Ташиш - Перевозка - Transfer - туристик корхона ва транспорт ташкилотлари ўртасидаги келишувга биноан, туристлар ва уларнинг юкларини белгиланган

жойга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган туристик хизматлардир. Унда туристик корхона транспорт ташкилотига бажарган хизмати учун келишилган тўловни амалга оширади.

Ташкил қилинмаган туризм - Неорганизованный туризм - Unregulated tourism - турфирма ёрдамисиз қонун бўйича туристларнинг мустақил саёҳат қилиши, бу ҳолда турист сафар хизматлари тўлови жаҳонда сайёҳларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади.

Ташкиллаштирилган оммавий туризм - Организованный массовый турист - Organized mass tourism - бунда сайёҳлик йўналиши олдиндан тузилган бўлади. Туристик ташкилотнинг уюштирилган сайёҳатлари оммавий равишда иштирок этувчи туристлар томонидан тур пакет сотиб олинади, сафари давомида деярли ҳеч қандай қарор қабул қилинмайди.

Ташкиллаштирилган туризм - Организованный туризм - Organized tourism - сайёҳлик фирмалари томонидан туристик йўналиш бўйича ишлаб чиқилган ёки стандарт асосида ташкил этилган саёҳат ҳисобланади.

Ташкиллаштирилмаган туризм - Туризм неорганизованный - Unorganised tourism - ҳаваскор туризм билан бир хил.

Ташқи бозор туроператорлари - Туроператоры внешнего рынка (въездные) - Incoming touroperators - туристик пакетларни турли мамлакатларга сотиш билан шуғулланишади. Улар чет эл туристик операторлари учун турли хил хизматларни ташкил қилишади.

Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик ваколатхоналар ва Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари ваколатлари - Полномочия министерства иностранных дел, дипломатических представительств и консульских учреждений Республики Узбекистан - authority of ministry of foreign affairs, diplomatic missions and consular post of the Republic of Uzbekistan - бу ташкилотларнинг ваколатлари қуйидагилар: 1) жисмоний шахслар томонидан чет элда доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид кўрсатмалар бериш; 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги баённомаларни тасдиқлаш учун тақдим этилган далилларни ва ҳужжатларни текшириш; 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссияга зарур ҳужжатлар билан биргаликда фуқаролик масалалари бўйича аризаларни юбориш; 4) чет элда доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига шахсини аниқлаш; 5) чет элда доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганлигини қайд қилиш; 6) чет элда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг

ҳисоб-китобларини юритиш кабилардир.

Ташқи туристик бозор - Экстерналий туристского рынка - Tourist market externals - туристик хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаштириш, реализация қилиш ва истеъмол қилиш объектив равишда қўшимча харажатлар ва қўшимча имтиёзларни тугдиради. Бундай ҳолда, туристик бозорнинг ҳар бир иштирокчиси харажатларни бошқаларга ўтказишга ва имтиёзлардан фойдаланишга интилади.

Ташриф - Визит - Visit - сайёҳлик сафари давомида ташриф буюрилган жойда қолиш.

Ташриф буюрувчи - Визитер - Visitor - 1) доимий яшаш муҳитидан ташқари жойга саёҳат қилган ва сафарнинг асосий мақсади ўз иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ва ташриф буюрилган жойда қолиш вақти узоғи билан 12 ойдан ошмайдиган кишидир (БТТни таърифи); 2) таътилга чиққан ёки туристик мақсадлар учун келган шахс (биринчи марта МКОТО томонидан 1972 йилда қабул қилинган халқаро таъриф); 3) ўз касбий фаолиятидан пул топишдан ташқари, исталган мақсадга эришиш учун бошқа мамлакатга келган шахс. Ушбу таъриф саёҳатчилар учун ҳам амал қилади; 4) мамлакатга статистика мақсадлари учун ташриф буюрувчи деб аталади. Иқтисодий омиллар ҳисобга олинса, меҳмонлар тунги меҳмонларга бўлинади, яъни. вақтинчалик яшаш жойида камида бир кечада турар жойни ва 24 соатдан камроқ муддат давомида ташриф буюрадиган бир кунлик ташриф буюрувчилар деб аталади.

Ташриф қоғози - Визитная карточка - Business card - бу эгаси ҳақида маълумотни ўз ичига олган карта. Одатда, бизнес картада эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, расмий (баъзан уй) манзили, телефон рақамини кўрсатилган бўлади. Баъзида картада товар белгиси, компания логотипи жойлаштирилади. Визитканинг икки томони турли тилларда тўлдирилиши мумкин. Ишбилармонлик анжуманига кўра бизнес учрашувларда, сухбатларда, бизнес карталарида алмашинилади.

Ташрифчиларга хизмат кўрсатиш зонаси - Зона обслуживания посетителей - Visitors service area - турар жойларни, чодирли лагерларни ва туристик хизмат кўрсатишнинг бошқа объектларини ўз ичига олувчи, маданий-маиший ва ахборот хизматларини тақдим этувчи, меҳмонларни жойлаштириш учун мўлжалланган функционал ҳудуд.

Ташувчи - Перевозчик - Carrier - 1) ҳақиқатда товарларни ташувчи ёки транспорт воситасига маъсул шахс; 2) йўловчилик транспортида ижара шартлари ва бошқа қонуний ҳуқуқлар асосида туристлар ва уларнинг юкларини доимий ёки чартер равишда ташийдиган транспорт воситасига эгалик ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки якка тартибдаги тадбиркор шахс.

Таълим туризми - Образовательный туризм - Educational tourism - бу шундай туристик саёҳат бўлиб, унда туристнинг дам олиши билан ўкиши чамбарчас боғланган бўлади.

Таълимий туризм - Туризм образовательный - Study tourism - дам олиш билан бирга таълим олишни ҳам ўз ичига оладиган туристик сафар.

Таътил учун турар-жой - Жилище для отдыха - Holiday lodging - коллектив ҳолда туристларни жойлаштириш воситаси.

Тез ўсиш босқичи - Стадия ускоренного роста - Rapid growth stage - даромад миқдорини кескин ошиши билан фарқланади, бунинг натижасида даромад ва фойда ўсиши даражаси туристик маҳсулотнинг физик миқдоридан ошиб кетади.

Тезкор ижара - Оперативная аренда - Renting - молиявий лизинг шартномаси ҳисобланмайдиган мол-мулкни ижарага бериш (ижарага бериш) шартномаси бўйича вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш.

Темирйўл крузи - Железнодорожный круиз - Rail cruise - тўхташ жойларига экскурсияларни амалга ошириш билан бирга нафақат транспорт сифатида, балки туристларга жойлаштириш, овқатлантириш ва бошқаларни тақдим этиш орқали айланма маршрут бўйлаб бир неча кун мобайнидадаги темирйўл туристик сафари.

Темирйўл туризми - Железнодорожный туризм - Railway tourism - жисмоний шахснинг соғломлаштириш, танишиш, касбий-амалий, диний ва бошқа мақсадларда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда тунаш билан бирга 24 соатдан 1 йилгача ёки 24 соатдан кам муддат ичида ихтисослашган темирйўл транспортида темирйўл орқали амалга оширадиган саёҳати.

Терминал - Терминал - Terminal - 1) йўловчиларни киритиш ва тушириш ёки юкларни ортиш ва тушириш жойи (темир йўл вокзали ёки автовогзалда, сув транспорти портида, аэропортнинг муайян қисми); 2) фойдаланувчининг (ёки операторнинг) компютер ёки компютер тизими билан, маҳаллий ёки узоқдан бошқариладиган ўзаро алоқаси учун фойдаланиладиган курилма; 3) жисмоний шахслардан ўзини ўзи хизмат кўрсатиш режимида тўловларни қабул қилишни таъминлайдиган аппарат-дастурий мажмуа.

Терраса - Терраса - Terrace - очиқ ёки ёпиқ балкон ёки ресторан учун хона.

Терренкур - Терренкур - Terrenkur - тоғ ҳудудида белгиланган аниқ йўналишларда тепага юриш, саёҳатларда жисмоний ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутадиган санаторияли даволаш усули.

Терроризм - Терроризм - Terrorism - сиёсий рақибларни, мухолифларни йўқотиш ёки қўркитиш, аҳоли ўртасида ваҳима

ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва бошқалар). Терроризм якка тартибдаги ва гуруҳли терроризм (масалан, экстремистик сиёсий тўдаларнинг ҳаракатлари каби) тоифаларга бўлинади. Сиёсатшуносликда давлат терроризми тушунчаси ҳам қўлланади (диктаторлик ва тоталитар режимларнинг репрессиялари). Терроризм ўрта асрлардан бошлаб барча минтақа ва мамлакатларда учраб турган. Лекин ўтган асрнинг охирларидан унинг янги кўринишлари вужудга келди (чет эл давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларини, уларнинг дипломатик вакилларини ўлдириш ёки ўғирлаш, элчихоналар, миссиялар, халқаро ташкилотларнинг биноларини портлатиш, аэропортлар ва вокзалларда портлашлар содир этиш, ҳаво кемаларини олиб қочиш, одамларни гаровга олиш ва ҳ.к.). Халқаро терроризм кенг тарқалиб, терроризм ошкора сиёсий тус ола бошлади. Террорчилар айрим мамлакатлар ҳукумати ва унга яқин тузилмалардан мадад оладиган ҳоллар юзага келди. Улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортди. Террорчилар қўлига ядровий, кимёвий, биологик қурол тушиб қолиши хавфи кучайди, электрон террорчилик пайдо бўлди. Кўп ҳолларда терроризм диний экстремизм, наркобизнес, сепаратизм билан боғлиқлиги, чатишиб кетиши кузатила бошланди.

Техник-иқтисодий режа - Технико-экономический план - Technical and economical plan - меҳмонхона компанияси фаолиятининг барча жиҳатларини - мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнларидан бошлаб харажатларни режалаштириш ва молиявий натижаларни якунлашни қамраб оладиган режаларни ишлаб чиқишни таъминлаш. Корхонанинг техник-иқтисодий режалари фаолият кўрсаткичларининг миқдорий ва сифат доирасидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади. Ушбу турдаги режалаштириш объекти - бутун меҳмонхона бўлиб хисобланади. Техник-иқтисодий режалаштириш даври бир ойдан то беш йилгача бўлган жуда кенг диапазонга эга бўлади.

Тиббий суғурта - Страхование медицинское - Medical insurance - туристнинг ҳаёти ва соглигини суғурта қилиш.

Тиббий туризм - Туризм медицинский - Medical tourism - яшаш жойидан ташқарида, хорижда дам олиш билан биргаликда юқори малакали тиббий хизматлардан фойдаланишни бирлаштирувчи тушунча.

Тижорат меҳмонхонаси - Коммерческий отель - Commercial hotel – тадбиркор типидаги меҳмонлар учун барча зарур восита ва хизматлар билан таъминланган меҳмонхона.

Тиндирадиган рейс - Отстойный рейс - Slop flight - ҳаво

кемасида туристлар учун дам олиш вақтини қутаётган одатий чартер рейси (кўпинча бундай чартер рейслар байрамларда ўтказилади ва киска муддатли сафар иштирокчилари учун режалаштирилган бўлади).

Товар - Товар - Good, commodity - бу эҳтиёжни қондирадиган ва сотиб олиш, ундан фойдаланиш ёки истеъмол қилиш (жисмоний объектлар, хизматлар, шахслар, ташкилотлар, ғоялар) мақсадлари учун бозорга таклиф қилинадиган барча нарсалар.

Товар айирбошлаш - Распределение товара - Distribution of goods - туризмда туристик маҳсулотни истеъмолчига туристик маҳсулотни сотишни ташкил этишнинг бир қатор воситаси сифатида тушуниш керак. Тарқатиш каналлари таъсис даражаларининг сони билан тавсифланади. Савдо канали корхона томонидан охирги истеъмолчигача туристик маҳсулотни сотиш йўлида ҳар қандай воситачилар тушунилади. Даражалар сони тарқатиш каналининг узунлигини аниқлайди.

Товар белгиси - Товарный знак - Trademark - бир юридик ёки жисмоний шахснинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг худди шу турдаги товар ва хизматларидан фарқлашга ёрдам берадиган ҳамда ўз соҳиби номига тегишли тартибда расмийлаштирилган нишон-тамғадир. Бундай белгилар сифатида сўзлар, ҳарфлар, рақамлар, тасвирлар, муайян шакллар, логотиплар, этикеткалар ва уларнинг бирикмалари, бир ёхуд турли рангдаги жамлама ифодалар рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар сифати - Качество товара - Product quality - туроператор ва турагентнинг шартнома шартларига мос келадиган туристик маҳсулот сифатини тақдим этишлари шарт. Агар шартномада берилган туристик маҳсулот сифати юқори бўлмаса, тур оператори сифатли хизматларни ишлаб чиқишга мажбурдир.

Товар экспорти - Экспорт товаров - Pruduct export - конун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни кайтариб олиб кириш мажбуриятисиз экспорт қилишдир.

Товарнинг ҳаётийлик даври - Цикл товара, жизненный - The life cycle of a product - товарнинг бозорга кириб келган вактдан бошлаб бозорда айланиб юрадиган вақт оралиғи.

Товарнинг электрон идентификацияси - Электронная идентификация товара - Electronic identification of goods - кўпгина мамлакатларда истеъмол товарларни идентификация-лашнинг ягона компютер тизими қабул қилинган. Тизим ўрамдаги ёрлиққа туширилган турли калинликдаги штрихлар ва рақамларни ўз ичига олади.

Тоғ - Горы - Mountain - ер юзасининг теварак-атрофдаги текисликлардан якка ёки қатор

кўтарилиб турган баланд жойлари. Тоғ турли йўналишда, ҳар хил масофада тўғри чизиқ шаклида (Урал, Катта Кавказ, Кордильера, Олай, Зарафшон) ёки ёйсимон шаклда (Альп, Карпат чўзилган бўлади. Туризм нуқтаи назаридан тоғлар ландшафтни безайди, туристик маршрут объектини, шунингдек, тоғ спорти ва унинг йўналишларини, шунингдек, алпинизм ва тоққа чиқишни ташкил этади. Қор қопланган тоғ ён бағирлари - чанғи спорти учун идеал жой ҳисобланади.

Тоғ туризми - Горный туризм - Mountain tourism - 1) тоғли ҳудудларда маршрутларни пиёда юриб ўтишни кўзда тутади. Одатда 3000-3500 метрдан ортиқ баландликлардаги тошли жойларни, довонларни, қояларни, музликлар, корликлар, тоғ дарёларини ошиб ўтиш талаб этилади. Тоғ туризми учун махсус техник воситалар ишлатилади. Булар: музўяр болта, баланд кўнжли поябзал, лангар, тош ва муз учун илгичлар, қисқичли занжир, арқонлар ва бошқалар; 2) очиқ туристик фаолият турларидан бири, жумладан, тоғ дараларида, тик қояларда, тошли йўлларда, тоғ дарёларида ва музликларда амалга ошириладиган актив туризмнинг машҳур тури. Маршрутлар мураккаблигини бешта тоифада таснифлаш мумкин. Ушбу туризм тури билан нафақат профессионал алпинистлар, шунингдек, шаҳарнинг шовқинли ҳаётидан безор бўлган офис менежерлари ва ходимлар ҳам шуғулланишлари мумкин; 3) баланд тоғ шароитларида тоғли ҳудудда жойлаштирилган муайян йўналиш бўйлаб мушакнинг кучи ёрдамида бир гуруҳ одамларнинг ҳаракати воситасида амалга ошириладиган туристик тур; 4) ўрта ва баланд тоғлар оралиғида тоғ йўлаклардан пиёда ҳолда ўтиш, баланд чўққилар ва тепаликларга, музликларга чиқиш бўйича саёҳатлар ва юришларни ўз ичига олади.

Тоғ чанғи курорти - Горнолыжный курорт - Ski resort - тоғ чанғиси, чанғида учиш, алпинизм, тоғ туризми сингари фаол туризм турлари билан шуғулланиш, шунингдек, даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган, тоғли ҳудудда жойлашган майдон. Тоғ чанғи курорти инфратузилмаси меҳмонхона, бошқа турар жой бинолари, сноубоард ва бошқа тоғ спорти учун махсус жиҳозланган йўлак, спорт ускуналари ижараси, умумий овқатланиш корхоналари, автомобиллар қўйиш жойи, тиббий-профилактика муассасалари (балчиқли ва минерал сувлар, спа-салонлар), анимация ва дам олиш масканлари (кинотеатрлар, дискотекалар, боулинг, ўйин марказлари ва ҳоказолар) учун иншоотлари кабиларни ўз ичига олади.

Тоғ чанғи туризми - Горнолыжный туризм - Ski tourism - тоғлардаги табиий қор нишабликларида ёки чанғи учиш учун махсус тайёрланган йўлларда амалга оширилувчи тоғ туризми тури.

Тожлар - Короны - Crown -

меҳмонхонанинг таснифлаш тизими. Буюк Британия ҳудудида қабул қилинган тизим. Меҳмонхона тоифалари 1-6 гача тожлардан иборат бўлиши мумкин. Юлдузлар таснифи билан солиштирганда 1 тож - юлдузсиз тоифадаги меҳмонхона таснифига тўғри келади, қолган тожлар эса бошқа юлдузлар таснифидаги каби тақсимланади. Яъни, уч юлдузли меҳмонхона 4 та тожга тўғри келади ва беш юлдузли меҳмонхона 6 та тожга тўғри келади.

Тоифаланштирилган маршрутлар - Классифицированный маршрут - Classified tour - туризмнинг энг мураккаб категорияларидан бири бўлган, режалаштирилган ёки ташаббускорона сафар маршрути.

Толерантлик - Толерантность - Tolerance - ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳиқ-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш. Ҳозирги дунёда толерантлик ўта муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва янада мобиллашуви, коммуникацияларнинг тез ривожланиши, интеграция ва ўзаро боғлиқлик, кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши ва бошқа жамиятда толерантлик тамойилининг аҳамиятини кучайтиради. Бағрикенглик тамойили ақидабозликдан, ҳақиқатни мутлоқлаштиришдан воз кечишни англатади ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларни тасдиқлайди. Бу тамойилга кўра, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. Бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Томас Кук - Томас Кук - Thomas Cook - инглиз тадбиркори, уюшган туризм асосчи. У 1841 йил 6 июль куни биринчи туристик компаниясини очган.

Топилмалар столи - Стол находок - Lost property - йўловчилар томонидан йўқотилган ва қолдириб кетилган нарса ва буюмларни сақлаш хонаси.

Топлес - Топлес - Topless - чўмилиш кийимини юқори қисмисиз ишлатиш (баъзи мамлакатларда бу таъсия қилинмайди ёки тақиқланади).

Топографик харита - Топографические карты - Topographic maps - минтақадаги асосий табиий ва ижтимоий-иқтисодий объектларни тасвирловчи, мазмуни, безаги ва математик асоси ягона бўлган муфассал умумгеографик хариталар.

Торфли даволаш - Торфолечение - Peat treatment - торф лойидан фойдаланган ҳолда балчиқли даволаш усули. Торфдан фойдаланиш ўрта ва юқори даражада бўлиши мумкин. У яхши пластиклик хусусиятига эга бўлиши, қайишқоқ, ёпишқоқ, паст иссиқлик ўтказувчан, юқори намлик ва коллоид хусусиятларига эга бўлиши керак.

Травма (жароҳат) - Травма - Injury - 1) ташқи омиллар таъсири остида тананинг жисмоний жиҳатдан шикастланиши; 2) ташқи муҳит таъсирида организм тўқималари ва орган фаолиятининг бузилиши. Шикастловчи омилларга кўра механик, кимёвий, электрик, термик, шунингдек психик травма бўлиши мумкин. Шикастловчи омилнинг таъсир этиш вақтига кўра, ўткир ва сурункали травмаларга бўлинади. Травмага сабаб бўлган ҳодиса ва шароитларга асосан, ишлаб чиқариш, спорт, турмуш, кўча, транспорт ва бошқа травмаларга ажратилади.

Траволатор - Траволатор - Travolator - аэропортда, метрода, катта дўконларда ва ҳоказоларда йўловчилар учун ҳаракатланадиган йўл.

Транзит - Транзит - Transit - 1) товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, шу жумладан хорижий давлат ҳудуди орқали бож, солиқлар ундирилмасдан, шунингдек товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида олиб ўтиладиган тартиб; 2) йўловчиларни (туристларни) бир мамлакатдан бошқасига оралиқ мамлакат орқали олиб ўтиш.

Транзит виза - Виза транзитная - Transit visa - бу виза, учинчи мамлакат ҳудуди орқали асосий яшаш жойига саёҳат қилиш ҳуқуқини беради. Одатда визага давлатга кириш учун 1 кундан 3 кунгача вақт берилади, бу сафарнинг асосий мақсади ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда ҳатто, бир аэропортдан иккинчисига ўтиш керак бўлса ҳам транзит визаси талаб қилинади.

Транзит ҳудуд - Зона транзитная - Transit area - транзит йўловчилар тарк этмайдиган аэропорт ёки порт ҳудуди.

Транспорт воситалари - Транспортное средство - Means of transport - 1) йўловчилар ва товарларни, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт воситаларини ташиш учун фойдаланиладиган воситалар; 2) транспорт воситаси йўловчи ва юкларни ташишга мўлжалланган восита бўлиб, у моторли (механик), одамнинг мушак кучида ҳаракатланадиган (велосипед ва ҳоказо) ёки ҳайвон ёрдамида ҳаракатланадиган (от-улов) бўлиши мумкин.

Транспорт воситаси юкламаси - Загрузка транспортного средства - Transport load - 1) йўловчи ва юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситасининг йўловчи ва юк массаси; 2) йўловчи ва юкларнинг йўловчи ва юк ташиш учун мўлжалланган мазкур транспорт воситасининг нормада (енг кўпи билан) йўловчи ва юкларни ташиш массаси стандартига нисбати.

Транспорт харажатлари - Расходы транспортные - Transport expenses - туристик сафар вақтида юз берган харажатлар, шу жумладан, меҳмоннинг яшаш жойидан ташриф буюрадиган жойга бориши ва ортга қайтиши; саёҳат жойидан бошлаб,

шунингдек, ташриф буюриладиган жойларга саёхат қилиши билан боғлиқ транспорт харажатлари. Бу тоифа харажатларига қуйидагилар киради: жамоат транспортида юриш учун саёхат чипталари ва шунга ўхшаш тўловлар (самолётлар, моторли кемалар, автобуслар, таксилар); ёнилғи ва бошқа транспорт харажатлари, хусусий транспорт билан боғлиқ бўлган харажатлар; автоуловларни ижарага олиш; автотураргоҳларга тўловлар, пуллик йўллар, аэропорт ва шунга ўхшаш йиғимлар учун йўл ҳақи ва бошқалар.

Транспорт чорраҳаси - Узел транспортный - Transport junction - бир нечта транспорт йўналишларининг кесишган жойи.

Трансфер - Трансфер - Transfer - туристларни туристик марказ ичида ҳар қандай ташишни амалга ошириш (аэропортга, темир йўл вокзалига ёки денгиз портига етказиш ҳамда у ердан олиб келиш, меҳмонхонадан театрга олиб бориш ва орқага қайтариш ва бошқалар).

Трансферт - Трансферт - Transfert - пул маблағларини (масалан, валюта ёки олтин) ва бошқа иқтисодий объектларни бир мамлакатдан бошқасига ўтказиш. Трансфер натижасида объектнинг жойлашган ўрни ёки фақатгина унга эгалик қилувчилар ўзгариши мумкин.

Траттория - Траттория - Trattoria - Италия услубида ва унга мос равишда курилган ва жиҳозланган ресторан тури. Траттория классик ресторанлардан менюларининг мавжуд эмаслиги, соддалаштирилган хизмати, арзон нархлари ва оддий мижозларга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Треккинг - Треккинг - Tracking - катнашувчиларнинг махсус тайёргарликларсиз юриш қийин бўлган нотекис ерларда юриши.

Тренинг - Тренинг - Training - қиска муддатли тадбир ёки билим олиш, малака ошириш ва тадбир иштирокчиларини савиясини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар тўплами.

Тўғридан-тўғри бронлаштириш - Прямое бронирование - Direct booking - воситачиларсиз бронлаштириш.

Тўғридан-тўғри рейс - Прямой рейс - Direct flight - йўловчи (турист)нинг кетиш жойидан борадиган жойигача ўтказишни амалга оширмасдан (бошқа транспорт воситасига ўтказмасдан) олиб борувчи рейс.

Тўй туризми - Туризм свадебный - Wedding tourism - янги турмуш қурганлар учун мўлжалланган туризм тури.

Тўлиқ пансион - Полный пансион - Full board - меҳмонга (туристга) кунига уч ёки тўрт маҳал овқатлантиришни тақдим этишни ўз ичига олган меҳмонхона овқатлантириш хизматининг туридир.

Тўлиқ пансионли жойлаштириш - Размещение с полным пансионом - Accommodation with fullboard - туристларнч жойлашиш нархига тўлиқ уч маҳал овқатланиш ёки хоҳлаган вақтда овқатланиш

киритилган (AL, ALL Incl) меҳмонхонага жойлаштириш.

Тўлов қобилиятли талаб - Спрос платежеспособный - Effective demand - харидорнинг тўлов қобилиятига тенг бўлган товар ва хизматларга реал талаби.

Турмаҳсулот буюртмачиси - Заказчик туристского продукта - Customer of tourist product - турист ёки турист номидан туристик маҳсулотга буюртма берувчи бошқа шахс, шу жумладан ёш туристнинг қонуний вакили.

Тунаш жойи - Ночлег, ночевка - Overnight - туристлар (экскурсия) гуруҳининг тунда ухлайдиган, шунингдек, тунда дам оладиган жойи.

Тунги клуб - Клуб ночной - Night club - махсус шоу-дастурлар олиб бориладиган овқатлантириш корхонаси (асосан ичимликлар тақдим этиладиган жой) ҳисобланади.

Тунги ташриф буюрувчи - Посетитель ночующий - Overnight visitor - ташриф буюрадиган мамлакатда камида бир кечани ўтказадиган сайёҳ.

Тур - Тур - Tour - муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат.

Тур ассортименти - Набор ассортиментный - Bild jf goods, commodity bundle - бир бутун бўлиб ҳисобланган бир хил товарлар мажмуаси. Туристик корхонанинг бизнес-режасини белгилашда нафақат индивидуал турдаги маҳсулотлар, балки барча турдаги маҳсулотларнинг эҳтиёжлар ва бозор талабларига мос келиши муҳим аҳамиятга эга.

Тур давомийлиги - Продолжительность маршрута - Duration of tour - туристларга хизмат кўрсатувчилар томонидан тайёрланган туристик маршрутни амалга ошириш учун зарур бўлган энг кам вақт. Туристик маршрутнинг мураккаблигини ифодалайдиган муҳим хусусиятлардан бири.

Тур дастури - Программа тура - Tour program - туристик ваучернинг ажралмас қисми. Сайёҳлик хизматларини (меҳмонхона, транспорт, турар жой, овқатланиш ва экскурсия) кўрсатишнинг муайян шартлари кўзда тутилган тур жадвали.

Турагент - Турагент - Travel agent - 1) тўғридан-тўғри туризм бозорида ишловчи туроператорнинг туристик маҳсулотини сотувчиси, воситачилик ташкилоти; 2) туристик маҳсулотни лицензия асосида сотиш ва реализация қилиш билан шуғулланадиган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор; 3) бу истеъмолчига, яъни туристга ёки мижозларга айрим туристик хизматлар ва турларни чакана сотиш функциясини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Турагентлик комиссияси - Комиссия тур агентская - Agent's commission - сайёҳлик ва транспорт хизматларининг етказиб

берувчилари томонидан охирги истеъмолчиларни чакана савдони енгиллаштириш учун туристик агентга бериладиган пул мукофотидир. Комиссия юборилган хизматлар нархининг фоизи белгиланган миқдорда тўланади.

Турагентлик фаолияти - Турагентская деятельность - Travel agency activity - юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан лицензия асосида амалга ошириладиган туристик маҳсулотни сотиш ва реализация қилиш бўйича фаолият.

Турар жой - Размещение - Location, geographical distribution - 1) ҳудуд ва сув зоналари бўйича ҳодисалар; 2) туристга бир кеча-кундуз жойлашиш билан боғлик туристик хизмат; 3) туристик харажатлар қисми; 4) туристик хизмат кўрсатиш дастурининг кичик тизими; 5) рекреацион хизмат кўрсатишнинг кичик тизими.

Турбаза - Турбаза - Tourist base - ривожланган табиий туристик ҳудудларда барпо этилган ва вазифалари умумлаштирилган меҳмонхона ҳамда унинг атрофидаги туристик тадбирларни уюштирувчи ташкилотлар.

Турброкер - Турброкер - Tourbroker - ўз транспорт воситасига эга бўлмаган, лекин улгуржи сотувчилардан турларни сотиб олиб ёки ижарага олиб, тур пакетга киритилган хизматларни тақдим этиш билан шуғулланувчи индивидуал шахс ёки компания.

Туризм - Туризм - Tourism - 1) жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан согломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошка мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши); 2) дам олиш, бизнес ва бошка мақсадлар учун бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ўз нормал мухитидан ташқарида саёҳат килган ва турадиган шахслар фаолиятини қамраб олади (БТТ таърифи). 3) бир сафар (ташриф), маълум мақсадлар учун одатдаги яшаш мухитидан ташқаридаги жойгача бўлган шахснинг саёҳати; ташриф буюрувчилар ташриф буюрган пайтдан бошлаб доимий яшаш жойидан ташқарида ўтказадиган тадбирлар; саёҳат фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш ҳамда саёҳат хизматлари пакетини амалга ошириш билан боғлик хизматларни меҳмонларга тақдим этиш учун тадбиркорлик фаолияти.

Туризм айланмаси - Туристский кругооборот - Tourist circuit - турист ва туристик ташкилот ўртасида юзага келадиган ҳамда туристик маҳсулот оқимларининг йўналишини кўрсатадиган ҳодисалар, туризмни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар, шунингдек, туризм фаолиятидан олинадиган даромадлардан бюджетга пул тушумларини ифодаловчи иқтисодий ва ҳуқуқий (фуқаролик-ҳуқуқий) муносабатлар тизими.

Туризм аниматори - Аниматор туризма - Tourism animation - аҳолининг фаол дам олиши,

билимга оид фаолиятни жалб қилиш, маданий ва рекреацион эҳтиёжларни қондириш соҳаси сифатида туризмни ривожлантиришни мақсадли таъминлашда чуқур билим ва кўникмага эга бўлган мутахассис.

Туризм анимацияси - Туристская анимация - Tourist animation - туристларни фаол ҳаракат билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган туристик хизмат. Аниматорларнинг туристлар билан бевосита алоқаси ҳамда туристларнинг тақдим этилаётган кўнгилочар тадбирлардаги иштироки асосида юзага келади. Ушбу хизмат туристларни турли тадбирларга жалб этиш орқали туристик комплексларда, мехмонхона, круиз кемаларида амалга оширилади. Туристик анимация - туристик корхона фаолиятининг, туристик маҳсулотнинг энг муҳим қисми ҳисобланиб, корхонанинг юқори даражадаги профессионаллигини талаб қилади. Анимациянинг якуний мақсади туристларнинг мазмунли дам олишини таъминлашдир. Шундай қилиб, туристик маҳсулотларининг сифатини, мазмундорлигини ва жозибадорлигини ошириш, доимий мижозлар сонини кўпайтириш ва маҳсулотга бўлган талабни ошириш, моддий базадан фойдаланиш самарадорлигини яхшилашда туристик анимациясининг аҳамияти катта.

Туризм ассоциациялари - Объединения туристов - Tourist association - уюшмалар, жамоат ташкилотлари бўлиб, туристларни саёҳати давомида дам олиш ҳуқуқини, ҳаракатланиш эркинлигини ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаб бериш мақсадида ташкил этилган. Сайёҳлар ассоциациясининг фаолияти сайёҳлик туризмини ривожлантириш, сайёҳларни жалб этиш, сайёҳларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сайёҳлик ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини шакллантириш ва бошқа вазифаларни белгилашга йўналтирилган бўлади.

Туризм бозори - Туристский рынок - Tourist market - 1) хизматлар ва товарлар умумий бозорнинг бир қисми бўлиб, бозорда туристик-экскурсия хизматларини пулга ва аксинча пулнинг туристик-экскурсия хизматларига айрибошлаш жараёни амалга оширилади; 2) хўжалик юритувчи субъектлар (туроператор, турагент) яратган маҳсулотни ҳарид қилиш имкониятига ва эҳтиёжига эга бўлган истеъмолчилар фаоллигини юзага келтирувчи макондир; 3) туризм хизмат бозорини туристик маҳсулотларни яратувчи ва унинг харидорлари бўлмиш турист, турагент, туроператорлар ўртасида бўладиган иқтисодий муносабатларни юзага келтирадиган жараён.

Туризм бозори функциясининг механизми - Механизм функционирования туристского рынка - Tourist market functioning mechanism - туристик маҳсулотга бўлган талаб ва таклифни

мувозанатлаштиради, "пул - туристик махсулотлар" алмашинуви, туристик махсулотнинг пул окимлари учун иктисодий тўсикларнинг харакатлар тизими.

Туризм бозорини ўзлаштириш - Освоение туристского рынка - Tourism market development - туристик махсулотни илгари суриш ва туристик бозорда янги сегментни шакллантириш жараёни.

Туризм бозорининг хажми - Емкость туристского рынка - Tourist market capacity - маълум вакт мобайнида бозорда савдо-сотик объектлари бўлмиш туристик хизмат ва товарларнинг хакикий хажми. У табиий ёки нарх кўрсаткичлари билан ўлчанади. Туристик фирмалар реализациялашган саёхатлар хажмини худудий кесимлар (дунё, мамлакат, худуд, туман) да кандай бўлса, товар даражаси (туризмнинг бутун бозори, тоифалари, шакллари, турлари ва х.к.) ни хам шундай баҳолаши лозим.

Туризм бўйича Гага декларацияси - Гаагская декларация по туризму - The Hague declaration on tourism - UNWTO деклорацияси 1989 йил апрел ойида Гаагада парламентлараро туризм конференциясида кабул килинган. Деклорацияда таъкидланишича, туризм - барча мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ўсишининг самарали воситасидир. Шу билан бирга миллий масалаларни тезкор ва мустакиллик даражасини мувофаккиятли хал этиш учун зарур чораларни кўриш, бунда давлат туризмдан тушган даромаддан, кўпрок харажат килмаслиги назарда тутилади. Туризм хам иктисоднинг турли йўналишлари билан бир каторда мамлакатни хар томонлама ривожлантириш керак, ички туризмни эса халкаро туризм билан бир каторда ривожлантириш лозим. UNWTOнинг таъкидлашича Гаагадаги туризм деклорацияси халкаро хамкорлик воситаси деб эълон килинди.

Туризм бўйича европа комиссияси - Европейская комиссия по туризму - European travel commission (ETC) - Европа китъасида туризмни ривожлантириш учун мухим рол ўйнайдиган умумий характердаги худудий халкаро туристик ташкилот. Туризм бўйича Европа комиссияси 1977 йилдан буён БТТнинг аъзоси хисобланади. Ташкилот максади - дунёнинг 26 та мамлакатида миллий туристик ташкилотларни молиялаштирадиган асосий жахон бозорларини олдинга силжитилиши орқали Европада туризмни ривожланишига кўмаклашиш. Унинг асосий вазифаси - ОАВ ва истеъмолчиларга каратилган ижтимоий алокаларни ўрнатиш ва ривожлантириш; реклама ва нашриёт фаолияти; маркетинг текширувини ўтказиш; туристик индустриянинг турли секторларидаги профессионаллар билан алоқа ўрнатиш ва бошкалар.

Туризм географияси - География туризма - Tourism

geography - географик дам олишнинг асосий қисми бўлиб, туристик ресурсларнинг жойлашишини, ҳолатини, туризм ривожига таъсирини ва ҳудудий тузилишини ўргатади. Туризм географиясининг вазифаси, туристик ресурсларга баҳо бериш, дам олиш учун фойдаланиш, туристик регион ва туристик марказларда дастлабки шарт-шароитларни ташкил этишни ўрганади.

Туризм дестинацияси - Дестинация туристская - Tourist destination - туризм тизимининг ҳал қилувчи элементи. Уни ҳамма қулайликларга эга бўлган, туристларнинг талабларини қондира оладиган хизматларга эга марказ деб тарифлашимиз мумкун. Бошқача айтганда туризм дестинацияси туризмнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи элементларини ўз ичига олади. "Дестинация" сўзи ингилиз тилидан таржима қилинганда "жой, белгиланган жой" деган манони англатади. "Туризм дестиницияси" атамаси 1980 йилларнинг ўрталарида Лейпер томонидан киритилган. Хозирда дестинация бу туристлар гуруҳини жалб қилувчи ва хизмат қилувчи маълум чегараларга эга географик жой.

Туризм жараёни иштирокчилари - Участники туристского процесса - Stakeholders in tourism - туристлар, туризм ташкилотчилари, туристик индустрия ва давлат.

Туризм жаҳон бозорида савдо хизматлари сифатида - Туризм как торговля услугами на мировом рынке - Tourism as service trade in the world market – кўринмас (яширин) экспорт. У мамлакат тўлов балансига муносиб ҳисса қўшади.

Туризм зонаси - Зона туризма - Tourism area - туристик марказлари ва бошқа туристик корхоналар жойлашган ҳудуд, шунингдек дам олиш учун мўлжалланган темир йўл, автомобил, денгиз, дарё йўллари ва рейслари, круиз саёҳати.

Туризм иқтисодиёти - Экономика туризма - Tourism economics - туристик фаолият натижасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қилиш жараёнида туризм соҳасидаги муносабатлар тизими.

Туризм импорти - Импорт туризма - Tourism import - маълум бир мамлакат иқтисодиёти учун пассив туризм; бу мамлакатнинг туристик таассуротларини импорт қилиши бўлиб, бу мамлакатдан бир вақтнинг ўзида пул маблағларини олиб чиқиб кетади (яъни туристларнинг яшаш жойидан кетишини).

Туризм индустиясида бандлик - Занятость в отраслях туризма - Employment in tourism industries - туризм индустриясида ҳамда туризм соҳасидаги исталган иш жойида иш билан банд бўлган, шунингдек, туризм соҳасидаги мавжуд иш ўринларинг йиғиндиси.

Туризм индустрияси - Туристская индустрия - Tourism industry - туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишини

таъминловчи турли субъектлар (меҳмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, экспорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи.

Туризм индустриясининг иш жойи сифати - Качество рабочих мест в туристской индустрии - Quality of employment in tourism industry - ўзига хос хусусияти мавжуд бўлиб: аҳоли туристик хизматларида иш билан бандликнинг мавсумий хусусиятлари; ярим кунлик ишчиларнинг катта қисми; қуйи малакали жисмоний меҳнатнинг катта қисми; туризм соҳасидаги иш ўринларини автоматлаштириш ва компютерлаштириш учун яратилган имкониятлар (айниқса меҳмонхона ва ресторан саноатида) ҳисобланади.

Туризм инфраструктураси - Инфраструктура туризма - Tourism infrastructure - туристик фаолиятни амалга оширишда туристларнинг туристик ресурсларидан бемалол фойдаланишини таъминловчи бино ва иншоотлар тизими, мухандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан йўллар, ахборот технологиялари, туризмнинг турли хизмат кўрсатиш корхоналари ва уларни керакли даражада ишлатиш ва таъминлаш (батафсил И.С.Тухлиев ва бошқалар Туризм асослари. Дарслик. -Тошкент, 2014, -388 б.)

Туризм инфратузилмаси - Инфраструктура туризма - Tourism infrastructure - туризм соҳасидаги корхоналар фаолияти ва туризмни амалга ошириш учун умумий шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бир-бирига боғлиқ тузилмалар, корхоналар ва туристик ресурслар (комплекс).

Туризм инфратузилмаси - Инфраструктура туристская - Tourist infrastructure - туристлар ҳаётини қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш тармоқлари (саноат инфратузилмаси), ижтимоий (ижтимоий инфратузилма) ва рекреацион (рекреацион) инфратузилма объектлари мажмуаси.

Туризм категориялари - Категории туризма - Tourism categories - мамлакат ичида халқаро, миллий туризм: халқаро туризм - кириш ва чиқиш туризми; миллий туризм ички ва ташқи туризмдан иборат; мамлакат ичида уюштириладиган туризм чиқиш ва ички туризмга бўлинади.

Туризм классификатори - Классификатор туризма - Tourism classificator - қандайдир объектларнинг тизимли жамланмаси бўлиб, у барча объектларга ўз ўрни ва вазифасини аниқлашга шароит яратади.

Туризм кодекси - Кодекс туризма - Tourism code - бу туризмнинг мақсад ва тамойилларини белгиловчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Туризм кодекси 1985 йилда қабул қилинган.

Туризм концепцияси - Концепция туризма - Tourism concept - ҳозирги ҳолатга нисбатан илмий қарашлар йиғиндиси ва туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини прогноз қилиш.

Туризм қонунчилигининг бузилганлиги учун жавобгарлик - Ответственность за нарушение законодательства о туризме - Responsibility for violation of the law on tourism - туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Туризм маркетинги - Маркетинг туризма - Tourism marketing - туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш, реализация қилиш истеъмолини ташкил қилишни бошқаришга комплекс ёндашув бўлиб, у туристик бозор талабларини ҳисобга олишга, туристик маҳсулот сотиш ҳажмини кенгайтириш мақсадида талабга фаоли таъсир кўрсатишга мўлжалланади.

Туризм маркетингида даврийлик - Цикличность в туристском маркетинге - Tourist marketing cycle - туризм маркетинги қуйидаги бир қатор кетма-кетликдаги босқичларни ўз ичига олади: 1-туристик фирмалар потенциал мижозларининг истаклари ва эҳтиёжларини аниқлаш; 2-мижозларнинг рекреацион эҳтиёжларига асосланган туризм маҳсулоти ва мажмуасини, шунингдек, хизматларни яратиш; 3-туристларга хизмат кўрсатиш; 4-иккинчи босқичда таксимланадиган ёки қайта йўналтирилган даромад ва фойда устидан назорат; 5-туристларни қондириш даражасини назорат қилиш; 1-босқич ва х.к.

Туризм маршрути - Туристский маршрут - Tourist route - турнинг таркибий қисми бўлиб дастурда назарда тутилган асосий ва қўшимча хизматларни олиш мақсадида маълум вақт ичида туристларнинг режалаштирилган ҳаракат йўналиши ҳисобланади. Маршрут-французча марче-юриш, олдинга ҳаракат, роуте-йўл, рус тилида ҳам марш-олдинга юриш ҳисобланади. Бу жўғрофий жиҳатдан аниқланган, маълум бир жойга ва махсус объектларга боғланган ва саёҳатнинг турли йўналишларида, треккинг ва бошқалар билан батафсил тасвирланган.

Туризм менежери - Менеджер туризма - Tourism manager - туристик маршрутларда туристик хизматларни ташкил этишни таъминловчи мутахассис.

Туризм менежменти - Менеджмент туризма - Tourism management - туристик корхоналарни бозор шароитида бошқариш - рекреация ресурсларига эҳтиёжлари ва мижозлар талабига йўналтирилган, саёҳлик ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

Туризм мултипликатори - Мультипликатор туризма - Tourism multiplier - иқтисодий

кўрсаткичлардан (ишлаб чиқариш - иш билан таъминланганлик, даромад) бири бўлган туристик сарф-харажатларнинг ўзгаришига нисбати.

Туризм объекти - Объект туризма - The object of tourism - буларга саёҳат қилиш имконияти бўлган бирор бир тарихий ёдгорликлар, маданият (археология, тарих, меъморчилик ва бошқалар) ва табиат ёдгорликлари (шаршаралар, ғорлар, метеорит кратер, ва бошқалар) киради. Сайёҳлик объектлари сифатида маданий асарлар (қоятош расмлари, эски қасрлар, қалъа, сарой ва бошқалар) ва табиат манзаралари (ғорлар, чиройли коя, кекса дарахт) ёки белгиланган жойлар (шаҳар манзаралари) танланиши мумкин. Сайёҳлик йўналишларини жойлаштирадиган жойларда, кўплаб сайёҳларни жалб этадиган жойларда кўпинча сайёҳлик марказлари ташкил этилади.

Туризм ривожланишининг афзалликлари - Преимущества развития туризма - Advantages of tourism development - минтақага пул оқимлари, жумладан валюта тушиши; ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиб бориши; янги иш жойларининг яралиши; сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли томонидан ишлатилиши мумкин бўлган дам олиш тузилмаларининг ислоҳ қилиниши; капитал, шу жумладан хорижий капиталнинг жалб қилиниши кабилардир.

Туризм риволанишининг камчиликлари - Недостатки развития туризма - Tourism development limitations - маҳаллий товарлар ва хизматлар нархи ўсишининг таъсири, ер ва бошқа табиий ресурслар, кўчмас мулк ва х.к.; туризм импортининг бошқа мамлакатда пул оқимини шакллантириши; экологик ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши.

Туризм самарадорлигининг халқ хўжалиги мезонлари - Народнохозяйственные критерии эффективности туризма - National economic criteria of tourisn efficiency - учта жихатни ўз ичига олади: жамият даражаси(бутун миллий иктисодиёт), саноат, махсус сайёҳлик фирмалари.

Туризм соҳасини стандартлаштириш - Стандартизация в сфере туризма - Standardization in the field of tourism - давлат томонидан туристик маҳсулотлар, хизматларнинг умумий стандартларини ишлаб чиқиш, туристик фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш меъёрлари.

Туризм статистикаси - Статистика туризма - Travel or tourist statistics - туристик марказларга, меҳмонхоналарга, аттракционларга ва бошқа жойларга борадиган туристларнинг оқими, туризм мақсади бўйича гуруҳлари, ёши, тўлов қобилияти ва бошқа кўрсаткичлар бўйича ахборотларни тўплаш методлари, усуллари йиғиндиси.

Туризм тарихи - История туризма - Tourism history - 1) даврлар мобайнида туризмнинг ривожланиши босқичларини

назарда тутувчи ва воқейликни акс эттирадиган манбалар; 2) туризм тарихининг эволюцияси принципи, глобал сивилизация жараёнида туризмнинг ташкилий шакллари ва турлари, инсоният жамиятининг ажралмас қисми сифатида туризмни шаклланиши ва ривожланиши каби иқтисодий, ижтимоий, фалсафий ва маданий фаолиятнинг тарихий илдизлари.

Туризм таснифининг асослари - Основания классификации туризма - Reasons for tourism classification - саёҳатнинг мақсади, туризмнинг шакллари, саёҳатни ташкил қилиш табиати, фойдаланиладиган транспорт турлари, иштирокчилар таркиби, мотивлаштириш манбалари.

Туризм турлари - Виды туризма - Types of tourism - туризмнинг учта тури мавжуд: ички туризм, кириш ва чиқувчи туризм. БМТ БТТ луғатига кўра, сайёҳликни қуйидаги туристик турларини мақсадига кўра турли хил номлар билан номланган: ички туризм, миллий туризм ва халқаро туризм кабилардир.

Туризм турлари - Типы туризма - Types of tourism - ички, кирувчи ва чиқувчи: ички туризм - мамлакатда доимий яшайдиган одамларнинг мамлакат ичидаги саёҳати; кирувчи туризм - мамлакат бўйлаб бошқа мамлакатларда доимий яшовчи одамларнинг саёҳат қилиши; чиқувчи туризм - бир мамлакатда доимий яшовчи шахсларнинг бошқа мамлакатга саёҳатидир.

Туризм учун қулай давлат - Страна благоприятная для туризма - Country favorable for tourism - давлатнинг, туроператорнинг туризм бозорида шаклланган имиджи, обрў-эътибори, у ҳақида бошқаларнинг тасаввури.

Туризм фаолияти - Туристская деятельность - Tourist activity - "Туризм тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият.

Туризм фаолияти ҳудуди - Зона туристского интереса - Area of touristic interest - тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва расмий равишда эълон қилинган, туристларнинг яшаши учун камида 5000 та ўринга эга бўлган, туристларни қабул қилишга мўлжалланган икки ёки учта марказлари мавжуд бўлган миллий ҳудуд.

Туризм фаолиятини сертификатлаш - Сертификация туристской деятельности - Tourist activity certificate - туризм соҳаси сертификацияси туристик хизматлар, маҳсулотлар, ва талабларга биноан жорий қилинган объектлар талабларга жавоб бериш тартиби. Туристик хизматлар мажбурий сертификациядан ўтган бўлиши шарт. Туристик хизматларни сертификатлаш Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш метрология ва сертификатлаштириш маркази томонидан тасдиқланган ва

хизматларни сертификатлаш тартиби билан амалга оширилади.

Туризм хизматида шартнома шартлари - Условия договора на туристское обслуживание - Agreement terms and conditions of tourist service - туризм хизматида шартнома шартлари қуйидагиларни ўз ичига олади: туроператор, турагент (чакана) ҳақидаги маълумот, шу жумладан лицензия, юридик ва ҳақиқий манзиллар, банк тафсилотлари ҳақида маълумот; турист (харидор) ҳақидаги маълумотлар; туристик хизматларнинг тўлиқ тавсифи (туристик маҳсулотлар), амалга ошириш учун таклиф қилинган, шу жумладан меҳмонхона номи ва тоифаси, турар жой тури, озиқ-овқат ва экскурсия хизматлари, турар жой дастурлари, саёҳат йўналиши, ахборот варақаси, хавфсизлик шартлари, шунингдек, тегишли туристик хизматларнинг батафсил тавсифи; саёҳатнинг бошланиши ва охиригача бўлган вақт ва санани, кечки турар жойлар сони; туристларнинг мамлакатга (жойига) ташриф буюриш, йиғилиш тартиби; туристик маҳсулот (хизматлар)нинг чакана нархи ва уни тўлаш тартиби; гурухда сайёҳларнинг энг кам сони, сайёҳлар томонидан гуруҳнинг етишмаслиги туфайли саёҳатлар амалга оширилмаслиги, туристик маҳсулот учун турист томонидан тўланган пул маблағларини қайтариш шартлари ва муддатлари ҳақида маълумот бериш даври; саёҳатни ташкил қилиш ва ўтказишда тарафларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари; шартнома тузиш ва бекор қилиш шартлари, даъволарни бартараф этиш ва зарарни қоплаш тартиби; шартнома шартларини бажармаганлик учун турист томонидан сотувчига даъво бериш тартиби ва шартлари.

Туризм хизматларининг таърифи - Описание туристской услуги - Tourist service description - туристик хизматининг асосий тавсифи, хизмат кўрсатиш шартлари ва нархи ҳақида маълумот.

Туризм хавфсизлиги - Безопасность туризма - Tourism security - туристнинг (экскурсант) шахсий хавфсизлиги, уларнинг мулклари ҳамда атроф-муҳит ва халқнинг маънавий қадрияти билан бирга саёҳат қилиш жараёнида мамлакатга келтириши мумкин бўлган зарарларга қўйилган талабдир.

Туризм экспорти - Экспорт туризма - Tourism export - мамлакатга пул маблағларини олиб келиш билан бир вақтда сайёҳлик таассуротлари олиб кетилади (яъни чет эллик фуқароларнинг вактинча бошқа мамлакатга кириши).

Туризмда ахборот таъминоти - Информационное обеспечение туризма - Tourism information support - ягона тизим сифатида ишлаб чиқилган ва туризмни автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий таъминот ва электрон ахборотни сақлаш мажмуаси.

Туризмда инновация - Инновации в туризме - Innovation

in tourism - янги турдаги туристик маҳсулотларни яратиш, янги бозорларни шакллантириш, замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини қўллаш, сайёҳлик, транспорт ва меҳмонхона хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш, туристик бизнесни амалга ошириш учун стратегик битимлар тузиш, туристик корхоналарининг ташкилий ва бошқарув фаолиятининг замонавий шаклларини жорий этишга қаратилган ҳаракатлар натижаси.

Туризмда ишлаб чиқарувчилар - Производители в туризме - Producers in tourism - туристик компаниялар (туроператор, турагентлик, меҳмонхона, ресторан, туристик бюро) нинг турли йўналишдаги профил ва ихтисослашувларидаги мустақил фаолияти ва турли хил кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Туризмда нархлаштириш - Ценообразование в туризме - Pricing in tourism - туристик хизматлар нархининг пулли ифодаси бўлган маълум туристик маҳсулот ёки хизмат нархини белгилаш жараёни. Нархлар даражаси туристик ташкилотнинг даромад даражасини, рақобатбардошлигини ва молиявий барқарорлигини белгилайди.

Туризмда овқатлантириш - Питание в туризме - Food in tourism - бу туристик хизмат бўлиб, унинг асосида инсоннинг овқатга бўлган биологик эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти ётади.

Туризмда суғурталаш - Страхование в туризме - Insurance in tourism - туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган битимлар асосида амалга оширилади.

Туризмда табиатдан фойдаланиш - Природопользование туристское - Make use of nature in tourism - табиий ресурслардан туристик мақсадларда фойдаланиш учун оптимал тартибларни излаш билан боғлиқ назария ва амалиёт соҳаси.

Туризмда фойдаланиладиган объектларининг хусусиятлари - Характерные черты объектов туристического интереса - Characteristic features of tourist sights - 1) одамларнинг диққатини жалб қилиш қобилияти, уларни кўриш, ҳис қилиш, қувонч, завқ-шавқ билан қаратиш; 2) келиб чиқиши бўйича улар табиий (рекреацион, антропоген-рекреацион) ва инсон қўли билан яратилган бўлиши мумкин (техноген); 3) маълум бир шуҳрат. Потенциал турист объектнинг жойлашган жойи ва хусусиятларини билиши керак; 4) ривожланган туристик инфратузилмасининг мавжудлиги (транспорт коммуникациялари, турар жой ва озиқ-овқат хизматлари, дам олиш фаолияти ва х.к.).

Туризмда шартномавий муносабатлар - Договорные отношения в туризме - Contractual relations in tourism - туризм ташкилотлари ўртасида, шунингдек туризм ташкилотлари ва туристлар ўртасида тузиладиган шартномалар тизими. Шартнома турлари: агентлик; олди-сотди; лизинг; ижарага олиш; ихтиёрий суғурта; банк депозити; транспорт ва бошқалар бўйича бўлиши мумкин.

Туризмни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси - Организационная структура управления туризмом - Tourism management organizational structure - ижтимоий инфраструктуранинг диверсификацияланган тармоқлараро мажмуаси сифатидаги тизим бўлиб, минтақа миқёсидаги мустақил иқтисодий бирлиги сифатидаги сайёҳлик корхона (туристик фирма) ҳисобланади.

Туризмнинг барқарор ривожланиши - Устойчивое развитие туризма - Sustainable tourism development - экологик ресурслардан мақбул фойдаланишни таъминлаш, мавжуд маданий меросни ва маҳаллий халқларнинг анъанавий урф-одатларини сақлаб қолиш ва уларни идрок этиш учун бағрикенгликни таъминлашга имкон берадиган туризм фаолияти иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар; барча манфаатдор томонлар учун узоқ муддатли иқтисодий имтиёзлар, шу жумладан доимий иш жойлари ва келадиган даромад ва ижтимоий хизматлар учун имкониятлар. Барқарорлик тамойиллари атроф-мухитни муҳофаза қилиш, туризмнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий жиҳатлари билан боғлиқ. Барқарор туризмни ривожлантиришнинг нормалари ва амалиёти туризмнинг барча турларига ва барча турдаги йўналишларга, шу жумладан оммавий туризм ва туристик сегментларнинг турли хил жойларига нисбатан қўлланилади.

Туризмнинг глобал ахлоқ кодекси - Глобальный этический кодекс туризма - Global code of ethics in tourism - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги БТТ томонидан 1999 йил 1 октябрда қабул қилинган асосий тамойиллар тўплами. Ахлоқий кодекснинг асосий мақсади туризм соҳасидаги турли манфаатдор томонлар учун туризмнинг ривожланишига раҳбарлик қилиш ва туризмнинг атроф муҳитга, маданий меросга ва маҳаллий жамоаларга салбий таъсирини камайтириш, қашшоқлик даражасини камайтиришни хизмат қилишдир. Ахлоқий қоидалар кўнгилли восита бўлиб, қонуний жиҳатдан мажбурий ҳисобланмайди.

Туризмнинг ёрдамчи ҳисоби (ТЁҲ) - Вспомогательный счет туризма (ВСТ) - Tourism satellite account (TSA) - туризм самарадорлигининг алоҳида олинган мамлакатда ҳам дунё иқтисодиёти бўйича, ҳам радикал инновацияни баҳолаш методикаси. Бу метод туризмнинг иқтисодиётга

қўшган ҳиссасини олдин ҳисобга олмаган, катта сонли статистик маълумотларни йиғиш ва анализ қилишга асосланган. 2000 йилда БМТ статистика комиссияси томонидан маъқулланган кейин, туризмнинг иқтисодий тушунчасини баҳолаш учун ягона статистик воситадир. Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар томонидан ўзлаштирилмоқда.

Туризмнинг иқтисодий самарадорлиги - Экономическая эффективность туризма - Economic efficiency of tourism - миллий миқёсда туризмни ташкил этишдан иқтисодий самарани (даромад) олиш; минтақанинг туризм хизматлари; туристик фирманинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни.

Туризмнинг иқтисодий самарадорлик мезони - Критерии экономической эффективности туризма - Economic criteria of tourism efficiency - бу муаммони ҳал этишнинг тўғрилигини баҳоловчи асосий мезондир. Меъёрга бўлган эҳтиёж пайдо бўлади, чунки қайси позицияларга мурожаат қилиш кераклиги аниқ белгиланиши керак. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ҳисоблаш муҳим ҳисобланади. Энг катта натижаларни жамоатчилик манфаатларига эришишда маблағ ва меҳнат сарф-харажатларини камайтиришга.

Туризмнинг мамлакат (ҳудуд) иқтисодиётига бевосита таъсири - Прямое влияние туризма на экономику страны (региона) - Direct influence of tourism to economy of the country - бу туристларнинг маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш бўйича харажатларининг умумий натижасидир. Туристларнинг борган жойларида сарфлаган пуллари даромадни келтириб чиқаради, бу занжирли реакцияга кўринишида содир бўлади: даромадлар - харажатлар - даромадлар ва бошқалар.

Туризмнинг мамлакат (минтақа) иқтисодиётига билвосита таъсири - Косвенное влияние туризма на экономику страны (региона) - Indirect impact of tourism on the country (region) economy - бу туристик товарлар ва хизматлар учун иккиламчи талабни келтириб чиқаради. Туризмнинг мамлакат иқтисодиётига бевосита алоқаси туристларнинг маълум бир вақт ва жойларда хизмат ва товарлар сотиб олиш харажатларини такрорлаш орқали намоён бўлади. Ушбу таъсир "мултипликатив таъсир" ёки "кўпайтирувчи" деб аталади.

Туризмнинг ривожланиш кўрсаткичлари - Показатели развития туризма - Indicators of tourism development - буларнинг жумласига туристлар оқимининг ҳажми; моддий-техник базасини ривожлантириш ва саёҳат компаниясининг молиявий - хўжалик фаолияти кўрсаткичлари; халқаро туризмни ривожлантириш кўрсаткичлари кабилар киради.

Туризмнинг тонфаланиши - Классификация туризма - Tourism classification - қабул

қилинган меъёрларга кўра туризм фаолиятининг фарқланиши. Булар: индивидуал, гурухли, оилавий, миллий, халқаро, ички, ташки, ташкиллаштирилган, ташкиллаштирилмаган, рекреацион, болалар, ёшлар, автомобилли, автобусли, сувли, пиёда, танишув, спорт ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Туризмнинг транспорт инфратузилмаси - Транспортная инфраструктура туризма - Transport infrastructure of tourism - туристларни ташиш билан шуғулланувчи транспорт ташкилотлари.

Турист - Турист - Tourist - 1) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс; 2) ташриф буюриладиган жойда камида бир кеча-кундуз жамоавий ёки индивидуал жойлаштириш воситасида истиқомат қилиб қоладиган меҳмон (БТТ таърифи).

Турист ва саёҳатчиларни суғурталаш - Страхование туристов и путешественников - Travel insurance - 1) фуқароларни туристик сафарлар, саёҳат, шоп-турларда ва ҳоказоларда соғлиги ва мулкий манфаатларини суғурта қилишни таъминловчи махсус суғурта тури; 2) туристик фаолият субъектларида бундай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Турист ҳақида маълумот - Сведения о туристе - Information about tourist - туристик махсулотни реализация қилиш учун етарли миқдордаги, шартномага киритиладиган истеъмолчи ҳақидаги маълумот.

Турист ҳуқуқлари - Права туриста - Tourist rights - шартномада назарда тутилган туристик хизматлар мажмуидан тўла фойдаланиш, саёҳатга тааллуқли тўлиқ ва ишончли ахборот олиш, шахсий хавфсизлик, ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шунингдек ўз мол-мулкининг асралиши, шошилинч тиббий ёрдам олиш, шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий зарарнинг тўланиши, шунингдек маънавий зиённинг ўрни қопланиши, агар турнинг умумий қиймати ошиши унинг шартлашилган қийматидан ортиб кетса, шунингдек форс-мажор ҳолатлари рўй берган тақдирда туристик фаолият субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қопламасдан шартномани бекор қилиш. Шу билан бирга турист қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

Туристик агент - Агент туристский - Tour agent - 1) турагент; 2) туристик фирманинг оммавий ишлар бўйича ишловчи ишчи ходими.

Туристик агентлик - Агентство туристское - Travel agency - 1) туризмни ривожлантириш, ташкиллаштириш ва ташкил қилиш учун ихтисослаштирилган туристик компания; 2) туристик махсулотни сотиш билан шуғулланувчи

каналлардан бири. Туристик агентлиги иккита асосий фаолият билан шуғулланади: олдиндан буюртма бериш орқали туристик хизматларни сотиш; туристик маршрутлар ва хизматлар ҳақида мижозларига хабар бериш.

Туристик агентлик - Туристское агентство - Travel agency - туристик компаниялар томонидан тайёрланган улгуржи турларни ва туристик хизматларни аҳолига билан бир қаторда якка тартибдаги истеъмолчиларга сотиш билан шуғулланадиган чакана туристик фирма (транспорт чипталари, экскурсиялар ва ҳ.к.).

Туристик агентликлар ассоциацияси бутунжаҳон федерацияси - Всемирная федерация ассоциаций туристских агентств, ФУААВ - Federation universelle des associations d'agences de voyages, FUAAV) - туристик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги ихтисослашган ташкилот 1996 йил 22 ноябрда ташкил этилган ва 76-миллий ташкилот бирлашмасини ва 1400 та индивидуал аъзоларни ўз ичига олади. ТААБФ 80 та давлатда 30000 мингдан ортиқ туристик бюро агентликнинг ҳуқуқини ифодалайди. ТААБФнинг мақсадлари қуйидагилар: миллий бирлашмаларни бирлаштириш ва мустаҳкамлаш, туристик бюро агентликига туристик агентлигига техник ва профессионал ёрдам кўрсатиш, бошқа халқаро бирлашмалар билан туристик агентлик, ишчи гуруҳларнинг координация фаолияти бўйича ТААБФнинг амалий фаолияти алоқаларини ўрнатиш; автоматлаштириш, меҳмонхона хўжалиги, авиатранспорт, сув, ер ва темирйўл транспорти фаолиятларига алоқадор бўлган битим ва келишувларни тайёрлаш бўйича масалаларидан иборат. Бирлашма яна туристик агентликлар учун кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни жалб этиш ва ҳар хил курслар ташкил этиш масалалари билан шуғулланади.

Туристик агломерация - Агломерация туристская - Tourist agglomeration - бу туристик индустриянинг мураккаб ва интеграцияси юқори даражада бўлган ҳудудий дам олиш тизими ҳисобланади. Туризм агломерацияси атроф-муҳитга сезиларли таъсир кўрсатади ва унинг иқтисодий тузилиши ҳамда аҳоли ҳаётининг ижтимоий жиҳатларини ўзгартиради.

Туристик айирбошлаш - Обмен туристский - Tourist exchange - туризм ташкилотининг икки томонлама айирбошлаш жараёни ёки ундан кўп миқдордаги икки давлат туристларини айирбошлаш жараёни.

Туристик амалиёт - Практика туристская - Practice in tourism - туристик хизматлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи фаолият; сайёҳлик ва экскурсиялар учун машғулотлар ташкил этиш усули.

Туристик ассоциация - Ассоциация туристская - Travel association - тенг ҳуқуқли

корхоналарнинг, туризм ташкилотларнинг, туристларга хизмат кўрсатувчи турдош соҳаларнинг (масалан, транспорт, жойлаштириш, овқатлантириш, ахборот, прокат, маданий клублар ва х.к.), ҳамда умумий хўжалик ёки бошқа бирор мақсадга эришиш учун яратилган жисмоний шахсларнинг бирлашуви, эркин иттифокидир. Улар қуйидагича турланади: хўжалик, савдо, жамоат, миллий, минтақавий, халқаро. Ассоциациянинг вазифаси - ўзининг аъзолари учун ахборот майдонини яратишдир, буни улар ҳар кунлик амалиётларида фойдалана олишлари мумкин, тажриба алмашишлари мумкин. Ўзбекистонда 1998 йилда хусусий туроператорлар ва Республика меҳмонхоналари таклифи бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан ташкил этилган хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси (ХТТА) фаолият кўрсатади. ХТТАнинг вазифалари ассоциация аъзоларининг ҳукукларини ҳимоя қилиш, хусусий секторнинг субектлари манфаатларини давлат ва бошқа органларга олиб чиқиш. Айниқса, Республика туризм соҳасидаги кичик ва ўрта тадбиркорлар вакилларининг Ўзбекистонда халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини ташкил этишда фаол иштирок этиши ва бошқалар.

Туристик ассоциация - Туристская ассоциация - Tourist association - туризм соҳасидаги тенг хукукли корхона ва ташкилотлар, турист ва экскурсантларга хизмат кўрсатувчи тармоклар, шунингдек, маълум бир максадга эришиш учун ташкил этилган юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашган иттифоки.

Туристик ахборот - Информация туристская/ предоставляемая туристу продавцом - Tourist information - саёҳат (сафар) ва реализацияни ташкил этилиши бўйича ишончли маълумотлар, тегишли лицензиялар ва сертификатлар мавжудлиги, сафар (саёҳат) учун зарур бўлган расмийлаштириш ва қабул қилиш даврида туристларни рўйхатдан ўтказиш вақти; тақдим этилаган хизматлар тўплами ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотлар

Туристик ахборот тизими - Туристские информационные системы (ТИС) - Tourist information systems (TIS) - электрон туризм (e-turizm) ва электрон саёҳатлар (e-sayohat) билан шуғулланувчиларга ташкилотларнинг ахборот хизматларини кўрсатиши, бизнеснинг янги тизими. Ушбу манбалардан олинган маълумотлар турли вазифаларни - жумладан, саёҳатни режалаштириш, нархларни таққослаш ҳамда туристик пакет ва экскурсияларни яратишда қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Туристик база - Туристическая база - Tourist base - туристларни қабул қилиш ва жойлаштириш хоналарига эга бўлган туристик мажмуа бўлиб, унда ресторан ёки ошхона, кўнгилли дам олиш учун

хоналар ва хизматлар таклиф этилади.

Туристик бизнес - Бизнес туристский - Tourist business - туристик ташкилотнинг фойда келтирадиган иқтисодий фаолияти.

Туристик бозор - Рынок туристский - Tourist market - туристик-экскурсия хизматларининг пулга айлантириш жараёни ва бунинг акси, пулнинг туристик-экскурсия хизматларига айланиши билан алокадор бўлган жаҳон иқтисодий муносабатлар тизими.

Туристик бозор конюктураси - Конъюктура туристического рынка - Tourism market environment - бозорда туристик хизматлар ва товарларни сотиб олиш учун белгиланган маълум бир вақтдаги жорий нарх.

Туристик бозорнинг харидорлари - Клиентура туристского рынка - Tourist market customers - туристик бозорнинг бир қисми бўлиб фирманинг потенциал мижозларидир.

Туристик бошпана - Приют туристский - Tourist lodgemenen - туристлар учун қисқа муддатли (2-3 кунлик) қолишга мўлжалланган, энг минимал қулайликларга эга бўлган туристик база филиали (меҳмонхона, кемпинг). Одатда туристик бошпанада кечаси турар жойлар ёки стационар чодирлар учун ёпиқ, иситиладиган хоналар, баъзан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш учун ошхона (ошхона, ўчоқ) ва оёқ кийимларини ва кийимларни қуритиш учун мўлжалланган жой бўлади.

Туристик бренд - Бренд туристский - Tourist brand - бу сотувчи мижозга маълум хусусиятлар ва афзалликларга жавоб берувчи хизматни тақдим этиш маркаси ҳисобланади.

Туристик брошюранинг тузилиши - Структура туристской брошюры - Structure of a tourist brochure - туристик брошюранинг тузилиш кетма-кетлиги: тур шартлари; брошюранинг амал қилиш муддати; масъул туроператор; тур графиги; келиб тушиш жойи; тур давомийлиги; транспортдаги суғурта; транспорт тури ва хусусияти; кетишдан олдинги учрашув жойи ва вакти; трансферлар; жойлаштириш шартлари; номер фонди хусусиятлари; теварак-атроф; овқатлантириш хусусиятлари; гид хизматлари; қўшимча хизматлар нархи; чегирмалар; экскурсиялар; расмий қоидалар ва таклифлардан иборат бўлади.

Туристик бюро - Бюро туристское - Travel bureau - сайёҳлик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи каналлардан бири.

Туристик ваучер - Ваучер туристский - Voucher tourist – 1) бунинг иккита вазифаси мавжуд бўлиб, улардан биринчиси туристик маҳсулотни (хизматлар, ишлар ва товарларни) таъминлаш тўғрисидаги туристик ва туристик ташкилотчи (туристик компанияси) ўртасида келишув мавжудлигини

тасдикловчи ҳужжат бўлса иккинчиси, туристик хизматига турист ёки туристлар гуруҳининг турда қатнашиш ҳуқуқини белгилайдиган ва уларни тақдим этиш фактини тасдикловчи ҳужжат ҳисобланади. Ваучер тақдим этилганда, турист кўрсатилган турар жой, овқатланиш, транспорт хизматлари ва бошқа туристик хизматларни олади. Бир неча шаҳарга саёҳат қилишда бир нечта ҳужжат берилади аммо, туристик ваучер бутун дунё бўйлаб қабул қилинади. Ваучер бир турист гуруҳига бериладиган шахсий (персоналлаштирилган) гурух ёки сайёҳлик гурухига ҳамроҳ бўлган сайёҳлик раҳбари номидан расмийлаштирилиши мумкин; 2) туристларнинг туристик хизматга бўлган ҳуқуқини белгилайдиган ҳужжат, шунингдек уларни тақдим этиш фактини тасдиқлайди.

Туристик виза - Виза туристская - Tourist visa - туризм ва дам олиш мақсадида келган туристларга берилади. Бу виза билан мамлакатга келган турист вақтинчалик пуллик иш билан шуғулланиш ҳуқуқига эга ва белгиланган муддатда мамлакатни тарк этиш керак.

Туристик гидлар ассоциацияси бутунжаҳон федерацияси - Всемирная федерация ассоциаций туристских гидов - World federation of tourist guide associations, WFTGA - халқаро нодавлат ташкилот, асосий мақсадларидан бири миллий ташкилотлар ва бошқа бирлашмалар мустахкамлаш ва бирлаштириш, туристик бюро тифоқлари ва таълим муассасаларига техник ва профессионал ёрдам кўрсатиш, ёрдам кўрсатиш, турустик агентликларнинг дунё миқиёсидаги барча категориялари бўйича қизикишларни акс этириш турустик гидлик касбини турузимнинг иқтисодий тузилиши жиҳатидан обрўсини максимал жиҳатдан қўллаб-кувватлаш.

Туристик гурух раҳбари - Руководитель туристской группы - Tour leader - туристик фаолият субъектининг вакили бўлган ва унинг номидан иш кўриб, туристларга ҳамроҳлик қилувчи, туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси шартларининг бажарилишини таъминловчи жисмоний шахс.

Туристик гуруҳларни жўнатиш - Отправка туристской группы - Forwarding tourist group - туристлар гуруҳининг йиғилишига қадар мезбон туроператор томонидан туристик гуруҳнинг тарк этилиши учун шароит яратиш.

Туристик гуруҳларнинг миқдори, минимал - Количество туристов группе, минимальное - Number of tourists in group, minimal - шартнома бўйича акс эттирилган саёҳатга гуруҳ юбориш шарти.

Туристик даромад - Туристский доход - Tourist income - қиймат жиҳатидан туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларига тенг бўлади: туристик даромад = туризм

махсулоти - бевосита соликлар + давлат субцидиялари.

Туристик дастур - Программа туристская - Tourist program - маркетинг тадкикотлари даражаларига кўра, туристик дастур учта даражага ажратилган: халкаро, федерал ва минтакавий дастур.

Туристик журнал - Журнал туристский - Travel magazine - туристик саёхатчилар туристик авлодининг ўсишида ҳар хил туристик ҳолатлари турли бўёкли расмлар билан безатилган оммабоп журнал.

Туристик импорт - Туристский импорт - Tourist import - мамлакатга туристик таассуротларини импорт қилиш, туристик импорт мамлакатдаги туристлар томонидан бир вақтнинг ўзида пул маблагларини экспорт қилиш билан бирга бўлади.

Туристик инвертар - Инвентарь туристский - Travel tools - мебел, тўшак, спорт, маданий ва ошхона асбоб-ускуналари, дастурхон, тиббий ва ёнгинга карши ускуналар, махсус ва алохида кийим-кечак ва пояфзал, сайёҳлик ускуналари каби нарсалар ва объектлар.

Туристик инфратузилма - Туристская инфраструктура - Tourist infrastructure - туристларнинг туристик захираларидан бемалол фойдаланишини таъминловчи бинолар тизими, мухандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан йўллар, туризмнинг турли хизмат кўрсатиш корхоналари ва уларни керакли даражада ишлатиш ва таъминлаш тушунилади. Бу автомобиль ва темир йўллар, йўл ҳаракатини, ҳаво йўлларини, денгиз ва дарё йўлари ҳаракатини тартибга солувчи, иссиклик, электр ва телефон алоқалари билан таъминлаш ва бошка коммуникация тизимлардир.

Туристик йўлланма - Туристская путевка - Tourist pass - 1) турга киритилган туристик хизматларга якка турист ёки турист гуруҳининг ҳукукини белгиловчи ва уларни тақдим этиш фактини тасдикловчи ҳужжат; 2) туристик хизматлар бўйича шартноманинг ажралмас қисми бўлган, шунингдек туроператор ёки туристик агентлик фаолиятини бирламчи ҳисобга олиш ҳужжати бўлган туристик хизмат кўрсатувчи ёки туристик агентлик таклифини ёзма равишда акс эттириш. Туристик хизматлардан фойдаланиш учун тўланган ва туроператорнинг қатъий жавобгарлик шаклини ифода этадиган йўлланма.

Туристик йўлланма (ваучер) - Путевка туристская (ваучер) - Vaucher - туристнинг ёки туристлар гуруҳининг тур таркибига кирувчи туристик хизматларга бўлган ҳукукини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдикловчи ҳужжат. Туристик йўлланманинг (ваучернинг) шакли туризм сохасидаги ваколатли давлат органи томонидан тасдикланади.

Туристик каталог - Проспекты туристские - Tourist catalogue - турист ва саёҳатчилар учун маълумотларни ўзида мужассам

этган тасвирий нашрлар. Туристик рисоланинг формати журнал ёки брошюра кўринишида бўлиб, улар одатда буклама бўлишади. Қоидага кўра, туристик рисолада йўллар ҳақида ахборотлар ва маълумотлар бўлади (улар мамлакатдаги меҳмонхоналар, экскурсия объектлари, шаҳар ҳақида маълумотларни туристик хариталар, схема кўринишида беради) ва реклама (умумий маълумот билан бир қаторда, экскурсиялар, хизматлар ва нархлар ҳақида техник маълумот ва бронлаш турлари акс этади) аҳамиятига эга бўлади.

Туристик кластер - Туристский кластер - Tourist claster - муайян географик чегараларда туристик маҳсулотларни ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар ва фирмалар мажмуи. Кластернинг асосий мақсади рақобатбардош туристик мажмуасининг шаклланиши ва фаолият юритишидир.

Туристик компания - Туристская компания - Tourist company – 1) туристик хизматларни истеъмолчиларга сотувчи компания; 2) мавжуд бошқарув усулларидан фойдаланган ҳолда зарур ишлаб чиқариш объектларини бирлаштириб, туристларга хизмат кўрсатишни ташкиллаштирадиган, турларни тайёрлайдиган, амалга оширадиган ташкилий-иқтисодий бирлик.

Туристик компания томонидан меҳмонхонани ижарага олиш - Аренда отеля туристской организацией - Rent a hotel by travel company - туристик ташкилотнинг меҳмонхона номер фондидан ижара пулини тақдим этиш эвазига фойдаланиши (бир мавсумга ёки даврий). Бу нарсанинг иқтисодий маъноси шундаки, туроператор фақатгина меҳмонхона фонди рақамларидан фойдаланибгина колмай ва нархлашда ўзининг сиёсатини ўрнатмайди, балки меҳмонхона эгасидан тижорат фаолиятида таваккалчиликни тўлиқ ҳолда операторга ўтказишда (бу албатта хоналарнинг бўш туриш ҳолати билан боғлик), меҳмонхона хонасидан ҳар бир хонанинг нархида жиддий чегирма талаб қилади. Қатор ҳолларда меҳмонхона ижараси шароитида хоналарнинг оператор томонидан сотиш баҳоси шу мавсумда белгиланган баҳодан 40-60 % паст бўлиши ҳам мумкин. Меҳмонхонаннинг ижара вақтида эгаси меҳмонхонани бошқаришни давом этишга доимий яшайдиганлар томонидан буюртмалардаги хизматларни кўрсатишни назорат қилишга (номерларни йиғиндхтириш, чойшабларни алмаштириш, хона хозмати, қўшимча хизматлар кўрсатиш бўйича бутун меҳмонхона инфраструктурасининг иши), тўлиқ ҳажмда коммунал тўловларни, соликларни ва бошқаларни тўлайди. Бу ишлардан ягона истисно бўлиб, бутун ижара даврида туроператор шуғулланадиган унинг номерларни брон қилиш жараёнига тўлиқ аралашмаслиги ва доимий

яшайдиганлар билан хисоб-китобга (доимий яшайдиганлар томонидан киймати аренда нархига кирмайдиган, қўшимча хизматлар, масалан, тренажер заллари ва бассейндан фойдаланиш, тўловидан ташқари) хисобланади. Ижарада хакининг киймати мехмонхона эгаси томонидан туроператор билан келишилган холда аниқланади.

Туристик компанияларнинг молиявий холати кўрсаткичлари - Показатели финансового состояния туристской фирмы - Financial condition indicators of tourist company - буларга туристик компаниянинг ликвидлик, тўлов қобилияти, активларни ишлатиш, капитал маблағларидан фойдаланиш кабилар тушунилади.

Туристик компаниянинг устави - Устав туристского предприятия - Tourist company's regulations - туристик корхона тузилишини белгиловчи ва тартибга солувчи қоидалар мажмуи, унинг фаолияти тартиби.

Туристик корпорация, трансконтинентал - Корпорации туристские, трансконтинентальные - Tourist corporation, transcontinental - глобал туристик бозорни назорат қилувчи халқаро туристик компаниялар.

Туристик корхона стратегияси - Стратегия туристического предприятия - Strategy of a tourist company - ўзаро боғлиқ бўлган босқичларнинг занжири, уларнинг хар бири аввалги босқичга мантиқан тўғри келади. Ушбу жараённинг дастлабки босқичи стратегияни баҳолаш ва таҳлил қилиш, яъни стратегик максадларга эришиш учун ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш, корхона фаолиятидаги афзаллик ва камчиликларни аниқлаш, корхонанинг юқори даражали стратегияга ўтиш имкониятларини баҳолаш учун имконият яратувчи баҳолаш натижаси хисобланади.

Туристик кулба - Хижина туристская - Hut tourism - пиёда, тоғли, сувли ёки тош йўлли маршрутларда кечаси тунаш учун мўлжалланган бошпана. Одатда маҳаллий материаллар асосида қурилган кичик уй (6 кишидан 30 кишигача мўлжалланган). Улар тунги дам олиш учун панжара билан жиҳозланган, овқат тайёрлаш учун ўчоғи мавжуд бўлган бино. Хизмат кўрсатувчи ходимлар мавжуд эмас.

Туристик кундалик - Дневник туристский - Tourist diary - туристик маршрутда давомида амалга оширилган юриш сафарлари, воқеа-ҳодисаларни кетма-кетликда (кунлар бўйича) қайд этиб бориш, кузатиш жараёнидаги маълумотларни ёзиб бориш учун мўлжалланган дафтар. Туристик кундалик туристик сафар тўғрисида огзаки ёки ёзма хисобот тақдим этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Туристик кўргазма - Выставка туристская - Tourist fair - янги туристик маҳсулоти билан туристик ташкилотларининг намойиши билан боғланган маркетинг туристик тадбир. Туристик ярмаркада туристик фирмаларнинг

янги туристик маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилади ва ўзаро хамкорлик шартномаси тузилади.

Туристик қизиқиш - Туристский интерес - Tourist interest - туристларнинг маълумотларни олиш истиқболлари, ижобий хис-туйғулар ёки туристнинг режали эҳтиёжларини қондириш учун потенциал имкониятлар, маълум турдаги туристик хизмат (иш), туристик маҳсулотлар ва туристик хизматлар.

Туристик лагер - Лагерь туристский - Tourist camp - туристларни жойлаштириш жойи. Мўлжалланишига қараб вақтинчалик ёки ҳар доимги бўлиши мумкин.

Туристик мажмуа - Комплекс туристский - Tourist complex - бир ёки бир неча сайёҳлик корхоналари, мехмонхоналар, ресторанлар, лагер объектлари, лагерлар ва ҳоказолар ҳудудий бирлашмаси ҳисобланади. Туристик мажмуа таркибига осма арқон йўллари, тоғ-чанғи спорти трассалари, машҳур туристик объектлар ва бошқалар киради.

Туристик марказ - Туристский центр - Tourist centre - ўзига хос рекреацион ресурсларининг, транспорт ва географик жойлашувнинг мавжудлиги ва бу ҳақида туристларга тақдим этиш мумкин бўлган маълумотларнинг мавжудлиги туфайли туристларни ўзига тортадиган жой.

Туристик марказ - Центр туризма - Tourism centre - шаҳар, табиий ҳудуд, ер участкаси ва бошқаларда тўпланган сайёҳлик ресурслари асосида туристик-экскурсия хизматлари комплекси ташкил этилган ҳудуд.

Туристик маршрут - Маршрут туристический - Tourist route - туристик дастур орқали тақдим этиладиган асосий ва қушимча экскурсия хизматларидан фойдаланиш учун туристларни географик нуқталарга маълум бир вақт ичида қиладиган экскурсияси. Турли: аниқ, юриш, жисмоний маданият, соғликни сақлаш, эстродиол, йил бўйи, мавсумий, чизикли, ринг, дам олиш куни, эстродиол ва бошқалар.

Туристик маршрутларни маркировка қилиш - Маркировка маршрутов - Route marking - анъанавий рамзлар ёрдамида саёҳлар сафарларининг йўллари ва саёҳатлар белгиси. Саёҳатчиларнинг тўхташ жойлари, табиий тўсиқлар ва хавфли бўлинмалар йўллари, маршрут бўйлаб тавсия этилган ёки тақиқланган шакллар, ушбу маршрут табиий, тарихий ва маданий объектлар тўғрисида маълумот бериш учун қўйилади.

Туристик маҳсулот - Продукт туристский - Tourist product - 1) туристларга сотиш учун мўлжалланган турга бўлган ҳукук; 2) туристик, сайёҳлик ва экскурсия хизматларини ўз ичига олган хизматлар тўплами; 3) туристларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган моддий ва номоддий кийматликлар мажмуи.

Туристик маҳсулот - Туристский продукт - Tour

product - 1) истеъмол қилинадиган туристик хизматлар, туристик ишлар ва товарларнинг тартибли тўплами; 2) туроператор томонидан олдиндан тузилган ва камида иккита асосий хизмат тури: туристларни ташиш ва жойлаштиришни ўз ичига олган туристик хизматлар мажмуи; сотилган ёки сотувга қўйилган туристик маҳсулот ягона, бирламчи нархда тақдим этилади. Экспорт учун ишлаб чиқарилган ва мамлакатда сотиладиган туристик маҳсулот. Туристик маҳсулот истеъмолчисининг қизиқиши уни туристик маҳсулотдан ажратиб турадиган масофани енгиб чиқади.

Туристик маҳсулот сифатига эътирозлар - Претензии к качеству туристского продукта - Complains to the quality of tourist product - туристик шартнома муддати тугагандан сўнг 20 кун мобайнида туроператорга ёки саёҳат агентлигига ёзма равишда юборилган, хизматларни тақдим этишдаги камчиликлар ва тартибсизликлар (туристик хизмат шартномасининг бузилиши) тўғрисидаги расмий туризм баённомаси. Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ талаблар 10 кун ичида кўриб чиқилиши (қондирилиши) керак.

Туристик маҳсулотларини сотиш (тарқатиш) тармоғи - Канал сбыта (распространения) туристского продукта - Sales channel of tourist product - бу рақобатдош маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчига етказиб берадиган бошқа мулкка ёки бошқа шахсга топширган ташкилот ва шахслар мажмуи ҳисобланади. Туристик корхона, одатда, ўзига хос хизматларни (турар жой, озиқ-овқат ва бошқалар) ишлаб чиқармайдиган бизнесининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, корхонанинг ўзи тарқатиш каналига жалб қилинган бўлиши мумкин. Яъни, сайёҳлик маҳсулоти битта хизматдан иборат эмас, балки учинчи томон ташкилотлари ва сайёҳлик агентлигининг ўзи томонидан тақдим этиладиган хизматлар қаторидир. Тарқатиш каналлари хизмат даражаларининг сони билан характерланади. Ишлаб чиқарувчилар нуқтаи назаридан, тарқатиш канали қанчалик кўп бўлса, уни назорат қилиш имконияти ва ундан қиммат маҳсулот олиш имконияти янада кенгаяди. Қуйидаги савдо усулларидан фойдаланишни тақозо этувчи мавжуд тарқатиш каналлари мавжуд: 1) тўғридан-тўғри сотиш (нол даражадаги тарқатиш канали) воситачилар мавжудлигини англатмайди, сотиш бевосита алоқалар асосида бевосита истеъмолчиларга сотилади. Тўғридан-тўғри сотувдаги канал танловлари: Маилинг Ордерс; телефон орқали сотиш; каталог сотуви; шахсий савдо; ўз чакана савдо тармоғи; глобал компютерни захиралаш тизими, Интернет кабилардир. 2) бевосита савдо (кўп тармоқли тарқатиш канали) маҳсулотларни воситачилар орқали сотишни ўз ичига олади.

Туристик маҳсулотни силжитиш - Продвижение туристского продукта - Promotion of tourproduct - туристик маҳсулотни сотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи (реклама, туристик маҳсулотларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган кўргазмалар, ярмаркалар, сотиш марказларида иштирок этиш, каталоглар, буклетларни чоп этиш ва бошкалар).

Туристик маҳсулотни таклиф қилиш - Предложение туристского продукта (насыщенность) - Tourist product offer - бозорга маълум нархларда сотиладиган туристик маҳсулотлари (сайёҳлик ва экскурсия хизматлари) сони. Агар талаб бозорнинг тахминий ҳажмини акс эттирса, таклиф бозорда истеъмолчига тақдим этиладиган сайёҳлик ва экскурсия хизматларининг ҳақиқий ҳажмидир. Демак, талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатлар кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг бири нархдир. Ҳаддан ташқари юқори нархлар алоҳида ҳолатлардан ташқари, талабнинг пасайишига олиб келади ва корхона фойдасининг йўқолишига ва корхонанинг зарар билан ишлашига олиб келади. Бозорда фаолият юритадиган ҳар бир туристик фирма нарх сиёсатига эътибор бериш керак.

Туристик маҳсулотни шакллантириш - Формирование туристского продукта - Forming tourist product - туристик пакет таркибига кирувчи туристик хизматларни тақдим этувчи учинчи шахслар билан шартномалар тузиш ва ижро этиш бўйича туроператорнинг фаолияти.

Туристик маҳсулотнинг (истеъмолчилик) хусусияти - Свойства туристского продукта, потребительские - Features of tourist product - тур дастури; саёҳат маршрути; туристнинг хавфсизлиги гарови, туристик маҳсулотнинг сертификатлаштириш натижаси.

Туристик маҳсулотнинг шаклланган нархи - Формирование цены туристского продукта - Forming price of a tourist product - жойлаштириш хизматлари, овқатлантириш, ташиш, трансфер, экскурсия дастурлари, учрашувлар, алоқа хизматлари кабиларнинг нархларини аниқлаш.

Туристик маҳсулотнинг шаклланиши ва силжитилиши - Формирование и продвижение туристского продукта - Forming and promoting tourist product - туристик маҳсулот туристик бозорнинг ҳолати ёки туристларнинг аниқ буюртмасидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Туроператор туристик хизматларга туристик хизматларни тақдим этувчи шахслар билан ёки туристларни қабул қилиш бўйича туристик оператор билан тузилган шартномаларга асосан, турга киритилган барча турдаги хизматларни тақдим этиш ҳуқуқини олади.

Туристик меҳмонхона - Гостиница туристская - Tourist

hotel - туристик гурухларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган мехмонхона.

Туристик миграция - Миграция туристическая - Tourist migration - аҳолини соғломлаштириш, спорт билан шуғулланиш, бўш вақтларида билим олиш ва бошқа туристик қизиқишларни қондириш мақсадида амалга ошириладиган доимий яшаш жойини ўзгартирмасдан, вақт оралиғидаги вақтни тежаш. Халқаро ва маҳаллий саёҳлар кўчиши ва бошқалар.

Туристик мотивация - Туристская мотивация - Tourist motivation - шахснинг индивидуал физиологик ва руҳий хусусиятларига, фикрлаш тизимига, қадриятларга, мойилликларга, таълимга ва бошқаларга боғлик равишда дам олиш эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган мотивацияси.

Туристик мувозанат - Туристский баланс - Tourist balance - қабул қилувчи мамлакатга ташриф буюрувчи хорижий туристларга сотиладиган туристик маҳсулот қиймати ва шу мамлакат фуқаролари томонидан чет элдаги туристик сафарлари учун сотилаган туристик маҳсулотнинг қиймати орасидаги муносабат.

Туристик оқим - Поток туристский - Touris flow - муайян вақт ичида маълум туристик ҳудудларга ва марказларга саёҳат қилган сайёҳлар сони.

Туристик оқим - Туристский поток - Tourist flow - туристларнинг мамлакатга (минтақага) доимий кириши. Туристлар оқими ҳажмини тавсифловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради: туристларнинг, шу жумладан уюшган ва ҳаваскорларнинг умумий сони; туристларнинг мамлакатда бўлиш давомийлиги (тунашлар сони, кундузги қолиш кунлари); мамлакатда, минтақада туристларнинг ўртача бўлиш давомийлиги (ўртача вақти). Туристлар оқими нотекис. Туристлар оқимининг бекарорлигини тавсифлаш учун бекарорлик коэффициэнти ишлатилади.

Туристик пансионат - Пансионат туристский - Tourist resort - курорт раёнлари ва дам олиш масканларида жойлашган, туристлар (шу жумладан, оилавий) дам олиши мўлжалланган мехмонхона типидаги соғломлаштириш маскани.

Туристик полигон - Полигон туристский - Tourist polygon - туристлар машғулот ўтказишлари учун мўлжалланган асбоб ускуналарга эга, махсус жиҳозланган майдон.

Туристик поезд - Поезд туристский - Tourist train - бу сайёҳлар учун ташиш ва жойлаштириш воситаси сифатида хизмат қилувчи йўловчи поездни ҳисобланади. Одатда, шаҳар атрофидаги диққатга сазовор жойларга саёҳат қилиш учун фойдаланилади. Шу жумладан, таътил кунлари турли шаҳарлардаги узоқ масофаларга 12-14 кунгача

бўлган вақтдаги саёҳатлар ҳам уюштирилади.

Туристик радиал (айланма) маршрут - Туристский радиальный маршрут - Tourist radial route - танланган туристик марказдан экскурсия мақсадларида саёҳат қилиб, ташриф буюрган турар-жой ва объектларга кечаси қолиш учун қайтиб келишдир. Масалан, Мисрдаги Хургада санаториясига рекреацион тур давомида Қоҳира ва Гиза шаҳарларига сафар билан бориб-келиш давомида меҳмонхонада туристлар учун жой қолдирилади.

Туристик раёнлаштириш - Районирование туристское - Touristical regionalization - туризм ҳақидаги географик ахборотларни тизимлаштириш ва унинг ҳудудий ривожланиш моделларини белгилаш учун майдонларни ажратиш.

Туристик расмиятчилик - Туристские формальности - Tourism formality - давлат чегарасини кесиб ўтувчи туристларнинг муайян шартлар, қоида ва талабларга риоя этиши билан боғлиқ бўлган тартиб-қоидалар мажмуи. Расмиятчилик қуйидаги гуруҳларга бўлинади: паспорт ва виза расмиятчилиги; валюта назорати ва валюта алмашинувини назорат қилиш; божхона қоидалари ва тиббий расмиятчилик.

Франчайзинг шартномаси - Договор франчайзинга - Franchising agreement - бир томон (ҳуқуқ эгаси)нинг бошқа шахс (фойдаланувчи)га тегишли товон эвазига чекланган ёки чекланмаган муддатга савдо номи, тижорат маълумотлари, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳоказоларни бериши бўйича шартнома.

Франшиза - Франшиза - Franchise - франчайзер франчайзига франчайзинг пакети шаклидаги тайёр бизнесни сотишидир. Баъзан франшиза франчайзинг тизимида фаолият юритувчи корхона ҳам дейилади.

Франшиза шартномаси - Договор франшизы - Franchise agreement - туристик хизматларни ишлаб чиқарувчининг ҳуқуқларини ва имтиёзларини сотиш бўйича шартнома. Франчайзинг савдо белгисидан хизмат сифатининг кафолати сифатида фойдаланишни таъминлайди.

Фрахталаш (чартер) шартномаси - Договор фрахтования (чартер) - Contract for affreightment - бир томон (чартерер) бошқа томонга (ижарачига) товарларни, йўловчиларни ва багажни ташиш учун бир ёки бир нечта рейсга бир ёки бир нечта транспорт воситаларининг барчаси ёки бир қисми учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олган шартнома.

Фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш - Страхование гражданской ответственности - Liability insurance - туристлар, транспорт, меҳмонхона, турфирмалар ва бошқа туристик ташкилот раҳбарларининг жавобгарлигини суғурталаш.

Фул хаус - Фул хаус - Full house - меҳмонхонанинг 100% лик юкланишини ифодаловчи атама.

Функционал жавобгарлик - Функциональные обязанности - Functional responsibilities - ходимга (ходимларга) юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун бажарадиган ҳаракатлар мажмуи.

Х

Хаб - Хаб - Hub - авиация соҳасида уланган рейслар улуши юқори бўлган марказий аэропорт. Ҳаво линияси бир ёки бир неча авиакомпаниялар томонидан йўловчиларни ташиш ва парвозлар операцияларини маълум бир аэропортда тўплаш учун фойдаланилади. Улар йўловчиларни сўнгги манзилга етказиш учун (ёки тўхташ нуқтаси) нуқталар сифатида хизмат қилади.

Хавфсизлик - Безопасность - Safety - 1) ички ҳамда ташқи хавфдан мамлакат ва жамиятни ҳамда шахсни ҳимоя қилиш; 2) туризмдаги асосий критериялардан бири.

Хавфсизлик хизмати - Служба безопасности - Security - туристларнинг отелдаги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Халқ санъат музейи - Музей народного искусства - Folk art museum - санъат музейида халқнинг кундалик ҳаётида ишланадиган кийим-кечак, меҳнат қуроллари, ҳунармандчилик буюмлари, анъаналари ва маданиятини намойиш этувчи экспонатлар жойлашаган жой.

Халқ табобати - Народная медицина - Folk medicine - одамларнинг аждодлар тажрибасига суянган ҳолда, ташхис қўйиш ва даволаниш, касалликларни олдини

олиш, даволаниш усули халқ анъаналарига ўрнашиб кетган табобат.

Халқаро гидлар куни - Всемирный день экскурсовода - International tourist guide day - 1990 йилда бутунжаҳон туристик гид ташкилоти федедацияси томонидан қабул қилинган халқаро касбий байрам, 21 февралда нишонланади. Байрамнинг мақсади - касбга эътиборини қаратиш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш. Унинг маданияти ва туризмини самарали ривожлантиришга ёрдам бериш.

Халқаро меҳмонхоналар қондалари - Международные гостиничные правила - International hotel conventions - халқаро меҳмонхона уюшмаси (ХМУ) томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжат, унда меҳмонхона мижозлари (туристлар) ўртасидаги муносабатлани белгилаб берувчи ҳужжат.

Халқаро мижозлар - Международный посетитель - International arrival - яшаш жойи бўлмаган ва ўз одатий яшаш шароитидан ташқари ва 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга ташриф буюрган мамлакатида ҳақ туланадиган фаолият билан шуғулланмаслигига айтилади.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти - Международная организация по стандартизации - International organization for standardization (ISO) - бутун дунё бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи ва қайта ишловчи ташкилот ҳисобланади. Мазкур ташкилот бошқарув органи Швецариянинг Женева шаҳрида жойлашган бўлиб, ўз фаолиятини 1947 йилда бошлаган. Ҳозирда 162 давлат миллий стандартлаштириш институтларини ўзида бирлаштирган. У халқаро стандартларни, шу жумладан, 9000 туркумидаги стандартларни ҳам ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Тўққиз минг - ушбу стандартга берилган тартиб рақамидир. Стандартлар туркуми деб аталишига сабаб, ISO 9000 стандартидан ташқари, ISO 9000 „Сифат менежменти“ оиласига кирувчи яна ISO 9001 ва ISO 9004 стандартлари ҳам мавжуд. ISO 9000 — асосий қондалар, атама ва таърифлар луғати, ISO 9001 — талаблар, халқаро стандартларга қўйилган талаблар ISO 9002 ва ISO 9003 стандартларида ҳам кенгроқ ёритилган. ISO 9004 — янада ривожланиш ва фаолиятни яхшилаш бўйича тавсиялар, тўққиз минг сонидан кейин ёзиладиган тўртлик сонлар, стандартнинг қайси йили қабул қилинганлигини билдиради. Мисол учун: ISO 9000:1987 - БС 5750 билан мос тушган, учта сифат назорати моделини ўзида мужассам этган. ISO 9000:1994; ISO 9000:2000; ISO 9000:2008. Хозирги кунда корхона ва ташкилотлар сифатли бошқарувнинг асосий талабларини бажариш орқали маҳсулот ёки хизмат сифатига урғу бериб ўз нуфузларини оширишга ҳаракат қилишади. Шу сабабли ISO 9001 стандартларини бажариш оммалашганлиги сабабли, хозирги

кунда бу стандартлаштириш тизими машҳурдир.

Халқаро ташиш харажатлари - Расходы на международные перевозки - International tourist fare expenses - етакчи ҳисобланадиган мамлакатда доимий яшовчи ҳар қандай шахснинг чет элда рўйхатдан ўтган ташувчилар учун амалга оширилган барча тўловлари (БТТ таърифи).

Халқаро ташриф буюрувчи - Посетитель иностранный - International visitor - доимий яшашайдиган мамлакатидан ташқарида саёҳат қилувчи шахс.

Халқаро транспорт ташуви даромади - Поступления от международных перевозок - Income from international transportation - саёҳатчилар тегишли мамлакатда рўйхатдан ўтган ташувчилар хизматидан фойдаланганлик статистикаси, ўзга мамлакатга борганлиги ёки бормаганлиги (БТТ таърифи).

Халқаро туризм - Международный туризм - International tourism - мамлакат фуқаросининг чет давлатларга туристик мақсадларда чиқиши ва чет давлат фуқароларининг туристик мақсадлар билан ушбу давлатга ташриф буюриши ҳисобланади.

Халқаро туризм - Туризм международный - International tourism - чиқувчи ва кирувчи туризмдан таркиб топган. Халқаро туризм - бу туризм соҳасида халқаро ҳамкорликка қаратилган муҳим йўналиш.

Халқаро туризм харажатлари - Расходы международные туристские - International tourist expenditure - туристнинг истеъмол учун харажатлари, яъни хорижда истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар учун тўловлар, шу жумладан халқаро ташиш учун миллий ташувчиларга тўловларни ўз ичига олади.

Халқаро туризмнинг ҳолати ва ривожланиш кўрсаткичлари - Показатели, характеризующие состояние и развитие международного туризма - Condition and development indicators of international tourism - бунга қуйидагилар киради: хорижий мамлакатларга ташриф буюрадиган туристлар сони (давлат чегарасининг ўтиш жойлари бўйича аниқланади); чет эллик сайёҳлар учун экскурсиялар сони; чет элга сафар пайтида туристлар томонидан амалга оширилган жами пул харажатлари. Туризмни ривожлантириш ва туристик хизматлар ҳажмини ошириш қарорлар қабул қилишнинг ижтимоий оқибатлари жуда юқори бўлгани учун мувозанатли ёндашувни талаб қилади.

Халқаро турист - Международный турист - International tourist - халқаро мижозлар, ташриф буюрган мамлакатларида камида бир кеча якка тартибдаги ёки умумий тунаб қоладиган мижозлар ҳисобланади.

Халқаро туристик ваучер - Международный туристский ваучер - International touristic

voucher - ваучер ва расмий ҳужжатнинг ажралмас қисми сифатида бирлаштирилган ҳужжат, меҳмонхоналардаги меҳмонлар, автолизинг ва авансни тўлашни талаб қилувчи бошқа хизматларни кўрсатиш учун мўлжалланган.

Халқаро туристик даромад - Поступления от международного туризма - International tourism income - халқаро кириб келган меҳмонларнинг харажатлари, шу жумладан халқаро ташиш учун миллий ташувчиларга тўловларни амалга ошириш. Улар шунингдек, борадиган мамлакатда олинган товар ва хизматлар учун сафарга қадар ёки ундан сўнг бошқа ҳар қандай тўловларни ўз ичига олади (БТТ таърифи).

Халқаро туристик харажатлар - Международные туристские расходы - International touristic expenditures - муқум яшаб турган ҳудуддан бошқа ҳудудда қилинган ҳамда саёҳатдан олдин ёки кейин қилинган харажатлар.

Харита режаси - План-карта - Map plan - каюта ёки купени жойлашган жойини кўрсатувчи схема.

Хизмат - Услуга - Service - ижрочи билан истеъмолчи ўртасида тўғридан-тўғри алоқанинг натижаси, шунингдек истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш бўйича ижрочининг фаолияти.

Хизмат бюроси - Бюро обслуживания - Service bureau - ҳар хил ахборот хизматлари, валюта ва молиявий операцияларни амалга оширувчи, транспорт чипталари ва маданий-кўнгилочар тадбирларга бориш учун чипталар ва тиббий ёрдамни ташкил қилувчи меҳмонхона бюро хизмати.

Хизмат кўрсатиш - Обслуживание - Service - мижоз ва хизмат кўрсатувчи ўртасидаги алоқа (муомала).

Хизмат кўрсатиш дастури - Программа обслуживания - Service program - режалаштирилган хизматлар мажмуи, уларни тақдим этиш куни ва вақтлари бўйича тақсимланади.

Хизмат кўрсатиш синфи - Класс обслуживания - Class of service - халқаро туризмда тур хизматининг сифат кўрсаткичи. Туристларга хизмат кўрсатадиган комплекс таркибига кирувчи меҳмонхона ва номерларнинг қулайлик даражаси, овқатлантириш категорияси ва бошқаларни ўз ичига олади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари - Работники сферы обслуживания - Staff - меҳмондўстлик соҳасида мижозларга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатадиган ходимлар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари учун асосий талаблар киришувчанлик, етакчилик, олдиндан кўра билиш, мижознинг мурожаатидан аввал унинг истакларини амалга ошира олиш кўникмаларининг бўлишидир.

Хизмат кўрсатиш стандартлари - Стандарты обслуживания - Standard of services - барча бажариладиган ишларни белгилаб қўйилган талаблар орқали мижозларга хизмат кўрсатиш тадбирлари.

Хизмат кўрсатиш стратегияси - Стратегия обслуживания - Service strategy - ташкилотнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги 3 та асосий компонентини ўз ичига олган харакатлар режаси: истеъмолчилар талаби; талабни қондира олиш қобилияти; компаниянинг кўп йиллик рентабеллиги. Хизмат кўрсатиш стратегияси қуйидаги саволларга жавоб беради: Қандай қилиб биз бозорда рақобатлаша оламиз? Истеъмолчиларнинг қандай талабларини қондирамиз? Яхши хизмат кўрсатишда бошқаларга қараганда кўпрок билим ва тажрибага эгамизми? Фойда олиш учун қандай қилиб хизмат кўрсатишимиз керак?

Хизмат кўрсатувчи оператор - Оператор наземного обслуживания - Ground operator - туристлар ва меҳмонларни кўчириш, турар жойлар, овқатлар, диққатга сазовор жойларга олиб бориш ва бошқа хизматларни ташкил этувчи ходим.

Хизмат сифатнинг доимий эмаслиги - Непостоянство качества услуг - Impermanence of service quality - хизмат сифати хизмат етказиб берувчи, хизмат кўрсатилган жойи ва вактига қараб турли хил бўлиши мумкин. Хизматнинг сифати баъзи ҳолларда ўзгариши ҳам мумкин хизмат бир хил фирма ёки ташкилот томонидан кўрсатилган бўлса ҳам. Дунё меҳмонхоналари тармоғи катта эътиборини бир хил хизматга қаратади. Бунинг ҳаммаси талаб қилади ходимларнинг юкори малакага эга бўлишини ва ўз соҳаси устида кўпрок шуғилланишини, агар бутунлай "сифатнинг доимий эмаслиги" омили чиқарилиб ташланмаса, унда аниқ унинг таъсирини камайтириш мумкин.

Хизматлар мажмуи - Комплекс услуг - Set of services - 1) меҳмонхонада, туристик марказда, курортда, рекреацион ҳудудда учрайдиган турда назарда тутилган хизматлар мажмуаси; 2) турда назарда тутилган хизматлар тўплами. Турни мижозга сотувчи туристик ташкилот барча хизматлар комплексини шартномада келишилган сони ва сифати бўйича тақдим қилишга мажбур; 3) рекреацион марказлар, туристик марказлар, меҳмонхоналарда кўрсатиладиган жами хизматлар ва турда назарда тутилган хизматлар мажмуи.

Хизматлар пакети - Пакет услуг/турпакет - Tour package - 1) туроператор томонидан ишлаб чиқиладиган туристик маҳсулот: транспорт, турар жой, овқатланиш, экскурсиялар ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Экскурсиядаги хизмат турлари туризм мақсади ва туристларнинг танлаган сайёҳлик таътилига бўлган эҳтиёжига қараб тузилади; 2) истеъмолчиларга сотиш учун таклиф қилинадиган ва транспорт, турар жой, гид хизмати, овқатлантириш ҳамда бошқа хизматларни ўз ичига олган индивидуал ёки гуруҳли туристлар учун хизматлар мажмуи.

Хизматлар соҳаси - Сфера услуг - Service sector - аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини

кондиришга каратилган фаолият турлари йиғиндиси.

Хизматлар экспорти - Экспорт работ (услуг) - Servis export - Ўзбекистон Республикаси юридик ёки жисмоний шахслари томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахсларига уларнинг бажарилиши (кўрсатилиши) жойидан қатъи назар, ишларини бажариш ва хизматлар кўрсатиш.

Хизматнинг қулайлиги - Удобство обслуживания - Serviciablity - меҳмонлар учун ётоқхоналар, ресторанлар, барлар ва бошқаларнинг турлари, ҳажми ва нархи бўйича фарқланиши ҳамда қулайлиги.

Хизматнинг сақланмаслиги - Несохраняемость услуги - Nonpersistent services - хизматнинг асосий таркибидан бири, бунда хизматни истеъмол қилингунича сақланиши мумкин эмаслиги тушунилади.

Хона бекаси - Горничная - Chambermaid - асосий вазифаси турар жой биноларининг номерларини (хоналарини) тозалаш ва уларни тегишли санитария шароитларида сақлаб туриш бўлган меҳмонхона ходими. Одатда ҳар бир хона бекаси учун меҳмонхонада 8-12 номер ажратилади.

Хона рўйхати - Комнатный лист - Room list - гуруҳда олдиндан рўйхатга олиш, шунингдек, кечки пайтларда иштирок этиш учун меҳмонхонада ишлатиладиган исмлар рўйхати.

Хона сервиси - Комнатный сервис - Room service - хонага почта, ичимлик ва озиқ-овқатларни етказиш бўйича меҳмонхона хизматлари мажмуи.

Хона тозалаш хизмати - Служба горничных - Housekeeping - номернинг, ҳолнинг, санузелнинг, коридорнинг ва бошқа воситаларнинг тозалигига жавоб бериши керак.

Хона хизмати - Рум сервис - Room service - хона хизмати (меню бўйича ресторандан таом ва ичимликлар буюртма қилиш).

Хоналарнинг бандлик кўрсаткичлари - Показатель занятости койко мест - Room occupancy indicators - бу кўрсаткич банд этилган номерлар сонининг меҳмонхонадаги бўш номерларнинг умумий сонига нисбати орқали топилади. Номерлар кўрсаткичларини аниқлаш меҳмонхона хоналарининг тўлиш тезлигини ҳисоблаш имконини беради.

Хорижлик - Иностранец - Foreigner - муайян мамлакат ҳудудида бўлиб турган, аммо бошқа мамлакат фуқаролигига эга бўлган шахс. Чет эллик туристлар чет элликлар деб таснифланади. Чет эл фуқароларининг давлатдаги ҳуқуқий мақоми, тегишли миллий конунчиликни мулкчилик шаклида белгилайди.

Хотира ансамбли - Ансамбль мемориальный - Memorial ensemble - архитектура санъат жамланмаси, йўқолган қахрамонлар хотираси учун, катта давлат арбоблари ва ҳодисаларга атаб барпо этилади. Архитектура ташкилотлари хозирги замон иншоотлари, монументли

ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат, ёзувлар, барида товушли ва рангли кўринишда бирлаштиради.

Хусусий меҳмонхона - Гостиница частная - Private hotel - хусусий мулкка эга бўлган меҳмонхона.

Хусусий турар-жой - Жилище собственное - Private lodging - индивидуал ҳолда туристларни жойлаштириш воситаси.

Хўжалик операциялари - Операции хозяйственные - Household operations - улар қуйидагиларни ўз ичига олади: таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш операциялари.

Ҳаваскорлик туризми - Туризм самодеятельный - Amateur tourism - 1) асосий қисми туристлар томонидан ташкиллаштирилган транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ спорт ва дам олиш фаолияти билан шуғулланишга қаратилган туризмнинг бир тури; 2) ихтиёрий ташаббус (ҳаваскорлик) асосида амалга ошириладиган очиқ туристик фаолият тури.

Ҳаёт тарзи билан танишиш туризми - Жизнеознакомительный туризм - Life-seeing tourism - маданият туризмининг бир қисми бўлиб, унинг максади ўзига нотаниш бўлган давлатнинг маданиятини ичига кириб ўзида буни ҳис қилиш, ҳар кунлик амалиётини алмашиш, биргаликда яшаб кўриш яъни ("меҳмондўстлик") ва ўзга меҳмонларнинг маданияти билан танишиш.

Ҳаж - Хадж - Hajj - ислом динининг энг муҳим маросимларидан бири, маълум бир даврда Макка шаҳри ва унинг атрофига ташриф буюриш орқали муайян бир маросимларни амалга ошириш билан боғлиқ зиёратдир. Ҳаж ҳар бир мусулмонга фарздир.

Ҳайвонот боғи - Зоопарк - Zoo - ёввойи ҳайвонларни намойиш қилиш, ўрганиш, сақлаш ва такомиллаштириш максадида туткунликда (қафасда) ёки чегараланган катта майдонларда сақлайдиган илмий-маърифий муассасаси.

Ҳалол туризм - Туризм халяль - Halal tourism - ислом дини нормаларига мувофиқ дам олишга имкон яратувчи, мусулмонлар учун мўлжалланган туризм кўриниши. Ҳалол туризм меҳмонхонасида фақатгина алкоголсиз ичимликлар тақдим этилади, барча овқатлар Ҳалол стандартига мос келади ҳамда эркаклар ва аёллар учун алоҳида инфратузилма - сузиш ҳавзалари, курортлар, пляжлар ва бошқалар шакллантирилган бўлади. Мусулмонлар учун ихтисослашган меҳмонхона ва дам олиш масканлари жойлашган асосий мамлакатлардан бири - Туркиядир. Шу билан бирга Малайзия, Араб Амирликлари ҳамда Миср ҳам ушбу туризм тури учун хизматларни таклиф этади.

Ҳаммаси киритилган - Все включено - All inclusive - бу озиқ-

овқат, ичимликлар (кўпинча маҳаллий ишлаб чиқариш) ва хизматларнинг муайян турларини қўшимча тўлов талаб қилмайдиган меҳмонхона хизмати тизими ҳисобланади. Ушбу хизмат тизимининг хилма-хиллиги, қўшимча хизматлар рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилган бўлади ва сауна, сартарошхона, турли спорт турлари ва бошқаларидан бепул фойдаланишни таъминлайдиган тизимнинг максимал миқдорини қамраб олади.

Ҳамрох шахс - Сопровождающий - Accompanying person - бу шахс туристик фирмада ишлайди, унинг ишларига қуйидагилар киради: туристларни маршрут бўйлаб, жойлаштириш воситаларига ташишга ва овқатлантиришга хамроҳлик киладиган шахс.

Ҳарбий туризм - Туризм военный - Military tourism - қизиқиш ва ҳарбий ҳаракатлар мақсадида ҳарбий тўқнашувлар бўлаётган ҳудудларга саёҳатга бориш. Бундан ташқари, жанговар самолётлар ва вертолётлар ёрдамида парвозни амалга оширган ҳолда, турли мамлакатлардаги ҳарбий-тарихий музейлар ва тарихий ҳарбий объектларни бориб кўриш, шунингдек, машҳур урушларни қайта гавдалантиришда иштирок этишни ўз ичига оладиган сайёҳлик хизматларида қўлланилади.

Ҳарфлар тизими - Система букв - Abc system - Греция таснифлаш тизими бўлиб, барча меҳмонхоналар 4 категория: АВСД ларга бўлинади. De luxe - меҳмонхоналарнинг энг сифатли, юқори категорияси. Ҳарфлар системасининг юлдузли таснифлаш системасидаги даражалари қуйидагича: de luxe 5 юлдуз, А категория 4 юлдуз, В кетегория 3 юлдуз, С категория 2 юлдуз, Д категория 1 юлдуз.

Ҳинд балл тизими - Балловая индийская система - Indian points system - меҳмонхонанинг эксперт комиссияси томонидан баҳоланиши.

Ҳисоб - Счет - Account - кўрсатилган хизматлар ҳамда бажарилган ишлар учун тўланган пул маблағлари кўрсатувчи ҳужжат. Хўжалик фаолиятида, тадбиркорликда ҳисоб-китоб ҳисобларининг кўпгина турларидан фойдаланилади. Булар: аванслы, банк, валютали, кредитли ва бошқалар.

Ҳисоб-китоб вараги - Лист поселения - Rooming list - хона фондининг юкланишини назорат қилиш ва тўловларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжат.

Ҳисоб-китоб вақти - Расчетный час - Checkout time - куннинг бошланиш вақти (одатда кундузги соат 12:00), ўша вақтга қадар меҳмонхона мижози номерни бўшатиши ёки кейинги кун учун қисман ёки тўлиқ ҳақ тўлаши лозим.

Ҳисоб-китоблар - Отчетность - Accounts - туристик корхона фаолиятининг асосий натижалари ҳақида қисқача маълумот.

Ҳисоб-фактура - Счет-Фактура - Invoice - товар етказувчи ёки

сотувчи томонидан тузилган рўйхат. У ўз ичига тўлаш муддати, нархи, товарлар сони, хизмат тури, ҳисоб рақами ва сотувчи телефон рақамларини олади. Ҳисоб-фактура кредит қарздорлиги бошқарувчи ва ҳисобини юритувчи ташкилот томонидан юритилади. Бу ҳужжат бирор бир қарздорлик муаммоси чиққанда далил сифатида фойдаланилади.

Ҳостел - Хостел - Hostel - ўзларининг таътилларини имкон қадар кам харажат асосида ўтказишни истовчи туристлар тўхтаб қолишлари мумкин бўлган меҳмонхона тури. Ҳостелдаги номерлар арзон бўлиб, одатда эр-хотинлар учун икки кишилик кровать ва шкафлар билан жиҳозланган катта хоналар берилади. Бундай хоналарда 12-20 кишигача яшашади. Номерда қанчалик кам ўрин бўлса, шунчалик қиммат бўлади.

Ҳостел (ётоқхона) - Общежитие - Hostel - арзон нархларда хизмат кўрсатувчи меҳмонхона тури ҳисобланади. бунда экскурсиялар пиёда ёки велосипедда олиб борилади ва шу йўл билан пул маблағи тежалади.

Ҳудуд - Территория - Territory - ер юзидаги табиий, давлат, маъмурий ва шартли чегараларнинг бир қисми.

Ҳудуддаги туристик томоша ва сайр-саёҳат объектлари - Объекты туристского показа и развлечения в дестинации - Attractions & attributes of destination - туристик ресурсларнинг муҳим элементидир. Бунга қуйидагилар киради: табиий ресурслар (иқлим, саёҳатлар, сув зоналари, тоғлар, канёнлар ва бошқалар); тарихий жойлар, шаҳарлар, музейлар, театрлар ва х.к. дам олиш жойлари (миллий боғлар, захиралар, тош марказлар, денгиз қирғоқлари ва бошқалар); энг муҳим маданий тадбирлар, жаҳонга машҳур карнаваллар, йирик спорт тадбирлари, санъат фестивали, йирик йиллик кўргазмалар ва х.к); махсус ўйинлар (харид қилиш, казино, овчилик, балиқ овлаш, ва бошқалар) ва бошқалар.

Ҳудудий сувлар - Территориальные воды - Territorial waters - давлат ҳудудининг бир қисми ва унинг тўлиқ суверенитети остида бўлган маълум бир кенгликдаги киргоқ бўйидаги денгиз тасмаси.

Ҳудудий туризмнинг ижтимоий-экологик жиҳати - Социально-экологический аспект регионального туризма - Socio-ecological aspects of regional tourism - бу минтақанинг ички ва халқаро бозордаги ўрнини ва туризмни ривожлантиришни рағбатлантирадиган ёки чеклаши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий шароитларни белгиловчи ривожланиш даражасини кўрсатади.

Ҳудудий туристик мажмуа - Комплекс туристский региональный - Regional tourist complex - бунга ихтисослашган сайёҳлик корхоналари ва муайян соҳада меҳмондўст саноати корхоналари киради.

Ҳуқуқий мақом - Правоспособность - Legal capacity - фирма туристик хизматларни сотиш билан шуғулланиш учун ҳуқуқий асосга эга бўлади. Ҳуқуқий мақом мамлакатнинг миллий қонунчилиги билан белгиланади ва ҳуқуқий шакллар билан тасдиқланади.

Ҳунармандчилик маҳсулотлари - Изделие кустарное - Handmade/handicraft - қўл меҳнати усулида уйда ишлаб чиқарилган маҳсулот. Замонавий шароитда ҳунармандчилик маҳсулотлари асосан хорижий туристлар орасида катта талабга эга бўлган эсталик воситалари бўлиб ҳисобланади.

Ц

Цикл - Цикл - Life cycle - иқтисодий фаолиятнинг бирин-кетин қайта-қайта такрорланиши. Одатда, тўртта босқичда: кризис (инқироз), депрессия (бир жойда депсиниш), жонланиш ва юксалишдан иборат. Амалий ҳаётда кўпроқ икки босқич: бум (чўққи, зудлик билан юқори босқичга кўтарилиш) ва репрессия, яъни ишбилармонлик фаолиятининг сусайиши, орқага кетиши билан характерланади. Цикл механизми инвестиция ҳажми билан боғлиқдир.

Ч

Чакана савдогар - Розничный продавец - Retailer - товарни бевосита истеъмолчига сотадиган, (одатда турагентлик) ўртадаги шахс.

Чанғи туризми - Туризм лыжный - Ski tourism - маршрутлари тепаликларда ва тоғ этакларида чанғи воситасида амалга ошириладиган спорт туризми тури. Чанғи туризми иштирокчиларнинг махсус тайёргарлигини ва ташкилотчиларнинг катта эътиборини жалб қилишни талаб этади.

Чартер - Чартер - Charter - транспорт воситасининг эгаси ва ундан фойдаланувчи шахс ўртасида транспорт воситаси (автомобил, самолёт, кема ва ҳ.з.) ёки унинг бир қисмидан белгиланган муддат ёки бир рейс учун ижарага бериш тўғрисидаги шартнома.

Чартер авиайўналиш - Чартерные авиалинии - Airline charter - парвозлар жадвалидан ташқари амалга оширилади ва бир қатор хусусиятларга эга: чартер рейси кимнингнинг буюртмаси билан амалга оширилади, яъни бошқа томон авиакомпания билан алоқага киришади, буюртмачи чартер ташиш нархини ва чипталар ҳақини тўлиқ тўлайди; Парвоз рейслари ҳар қандай сана ва вақт учун белгиланган авиарейслар (йўналиш ва борар жойлари) ва авиакомпаниянинг ўзи билан келишилган ҳолда амалга

оширилади; чартер парвозининг йўналиши буюртмачи томонидан кўрсатилади, лекин аэропортнинг қобилиятидан келиб чиқиб қўшимча мувофиқлаштиришни талаб қилади; чартер ҳаво транспорти қоидаларига мувофиқ, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларга чартер рейслар учун чипталарни сотиш тақиқланади.

Чартер блок - Блок-чартер - Charter block - транспорт воситасининг бир қисмини ёки бир неча мунтазам рейсни ижарага бериш. Туристик фирма (буюртмачи) самолётнинг маълум бир жойларини банд қилади ва фойдаланмаса ҳам нархини тўлайди.

Чартер занжири - Чартерная цепь - Charter chain - самолёт мунтазам равишда бир ёки бир нечта хизмат кўрсатиш йўналишларига "олдинга ва орқага" шаклида ҳаракат қилувчи чартер тури. Шу билан бирга, у бир гуруҳ сайёҳларни олиб боради ва бошқаларини олиб қайтади. Бундай чартер рейслар мунтазам равишда чартер рейслари деб аталади, чунки улар табиий равишда мунтазам транспортга яқин. Чартер занжирларини ташкил қилиш, туристларнинг қолган қисми билан боғлиқ бўлган оммавий транспорт мавсуми учун фойдалидир. Бунда самолётнинг биринчи ва охирги рейслари (биринчи гуруҳдан кейин самолёт бўш қайтади ва охирги гуруҳга бўш боради) самарасиз харажат ҳисобланади.

Чартер рейс - Чартерный рейс - Charter flight - денгиз ёки ҳаво орқали йўловчи ёки юк ташиш учун кема, самолёт эгаси билан уни ёлловчи шахс ўртасида тегишли транспорт воситасини ёки унинг бир қисмини маълум рейс ёки вақтга ижарага олиш ҳақида тузилган шартнома асосида амалга ошириладиган рейс.

Чегирма - Скидка - Discount - маълум қилинган, маълумот берилган сотув нархининг камайтирилиши. Чегирмалар турли хил бўлади: мавсумий, гуруҳ дам олиш кунлари учун, доимий мижозлар учун, болалар учун ва бошқалар.

Чек-аут - Чек-аут - Check Out - меҳмонхонани тарк этишда рўйхатдан чиқиш тартиби.

Чек-ин - Чек-ин - Check in - меҳмон меҳмонхонага келганда рўйхатдан ўтиш тартиби.

Чизиқли туристик маршрут - Туристский линейный маршрут - Tourist line route - чиқиш нуқтаси бориладиган жойга мос келмайдиган ҳаракат. Масалан, Испаниядаги денгизда дам олиш сафарида бир нечта транспорт воситаларидан фойдаланади. Тур автобусда бошланади, автобус бутун Европани айлантириб Испанияга олиб боради, кейин туристлар қирғоқ бўйлаб дам олишади ва уйларига самолётда қайтишади.

Чиқарилиш санаси - Релиз-дата - Release date - туроператор (саёҳат агенти) томонидан сотилмаган (бронлаштирилмаган) жойлаштириш воситаси номерларни қайтариш куни, чиқиш

муддатининг амал қилиш муддатига нисбатан фарқ.

Чиқиш - Посадка - Stand by-passengers - бу йўловчиларни жўнатилган қатновдан тўғридан-тўғри портга келиши ҳисобланади.

Чиқиш бўйича туроператорлик фаолияти - Туроперейтинг выездной - Outbound toroperereyting - ўз мамлакати туристларининг бошқа давлатларга туристик сафарларга чиқишини ташкил қилиш, ривожлантириш, тарғиб қилиш ва амалга ошириш бўйича туроператорлик фаолият тури. Туроператорлар фақат жойлаштириш воситалари, экскурсиялар, уюштирилган кўчиришлар, мамлакатга кириш тартиби ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши билан бирга, шунингдек, маҳаллий ҳокимият сиёсати, қабул қилувчи мамлакатда амалда бўлган қонунлар ва қоидалар, унинг божхоналари, туристлар учун хавфсизлик чораларини кўриш имкониятларини билишлари керак. Улар маҳаллий овқатлантириш корхоналари хусусиятлари, дам олиш ва кўнгилочар тадбирлар режаси кабиларни билиши лозим.

Чиқиш даври - Релиз-период (период высвобождения) - Release period - номерларни квотадан чиқарилиш вақтини билдиради.

Чиқиш картаси - Карточка выездная - Departure card - мамлакатдан чиқиб кетаётган сайёҳлар билан тўлдирилган расмий ҳужжат бўлиб, уни шу мамлакатнинг чегара идораларига топширилади.

Чиқиш туризми - Выездной туризм - Outbound tourism - муайян жой аҳолиси бўлиши билан бирга, бу макондан ташқарида бўлган жойларда ва одатий муҳитдан ташқарида саёҳат ва истиқомат қилиш, бир йилдан ошмаган вақт мобайнида дам олиш, бизнес ва бошқа мақсадларни амалга ошириш фаолиятини ўз ичига олади.

Чиқувчи туризм - Туризм выездной - Outbound tourism - қайсидир мамлакатда доимий яшовчи фуқаронинг бошқа мамлакатга туристик мақсаддаги саёҳати.

Чипта - Билет - Ticket - эгасининг муайян хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва ушбу хизматни тақдим этувчи шахс билан шартнома тузиш факти. Масалан, авиачипта - йўловчи ва ҳайдовчи ўртасидаги шартнома тўғрисидаги гувоҳнома йўловчини ва унинг багажини ташиш учун шартларни ўз ичига олади.

Чодир - Палатка - Tent - кўчириш мумкин бўлган жойлаштириш воситаси.

Чой банкети - Банкет-чай - Tea banquet - таваллуд топган кунлар, кичик маросимлар, тантаналар ўтказиш мақсадида куннинг иккинчи ярмида (16:00-18:00) ташкил этилади ва 8-10 кишига мўлжалланади.

Чойчақа - Чаевые - Tipping - 1) меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, сартарошхоналар, такси ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ходимларига

ихтиёрий равишда бериладиган пул миқдори. Бу анъана шаклида тўланади ва ходимлар даромадларининг муҳим (баъзан асосий) қисмини ташкил этади; 2) ресторанда ходимларни бошқариш ва рағбатлантириш воситаси.

Чўмилиш ҳавзаси - Бассейн - Swimming pool - илиқ ёки совуқ ҳолдаги сув мавжуд бўлган махсус ҳовузидир.

Ш

Шале - Шале - Chalet - Европа тоғ-чанғи дам олиш ҳудудларидаги турар жой тури. Дастлаб у Швейцария услубидаги кичик бир кишлоқ уйи бўлиб, том ва деворлари ёғочдан ишланган. Ҳозирги замонавий уйлар тош конструкциялардан кўп қаватли килиб курилган бўлиб, барча қулайликларга эга.

Шамол йўналиши - Роза ветров - Rose of wind - узоқ муддатли кузатувлар асосида маълум бир жойдаги шамол йўналишини белгилайдиган вектор диаграммаси. Диаграмманинг марказидан турли йўналишларда бўладиган нурларнинг узунлиги бу йўналишдаги шамолларнинг тезлигига мос келади.

Шартнома - Контракт - Contract - товонни тўлашни назарда тутувчи қонуний мажбурий шартнома.

Шартнома асосида меҳмонхона хизматларини банд қилиш - Бронирование гостиничных услуг на договорных условиях - Booking hotel services on an agreement - туристик фирма (туроператорлар, сайёҳлик агентликлари) билан корпоратив мижозлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик ва ҳамкорликни ташкил этишнинг бир тури бўлиб, улар "сўров бўйича савдони амалга оширишда ўзаро манфаатли шартномалар тузиш асосида амалга оширади.

Шартнома шартлари - Учредительный договор - Shareholder's agreement - иштирокчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти шартлари ва талабларини тартибга соладиган ҳужжат.

Шартномавий тур - Договор тур - Tour agreement - турист ва туристик компания ўртасида тижорат операцияларини қонуний тасдикловчи, туристик хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома, асосий ҳужжат. Турист ва туристик компания ўртасида имзоланади.

Шартноманинг бузилиши - Нарушение договора - Breach of contract - жисмоний ёки юридик шахсларнинг шартномада белгиланган шартларга амал қилмаслиги. Бузгунчига қарши даъво очиш ва етказилган зарарни қоплаш имконини беради.

Шаршара - Водопад - Fall - дарёлар суви баланд жойлардан отилиб тушиб, шаршаралар ҳосил қилади. Дунёдаги учта энг катта шаршара мавжуд: Шимолий Америкадаги Ниагара шаршараси (бу шаршара ҳар йили 70-90 см гача кўтарилади); Жанубий Америка Игуазу штатлари (Бразилия); Замбия ва Зимбабве чегарасидаги Замбези дарёсида Жанубий

Африкадаги Виктория шаршараси кабилардир.

Шатл - Шаттл - Shuttle - кўпинча киска масофани босиб ўтувчи транспорт (автобус, паром, самолёт ва бошка).

Шатл хизмати - Шатл-сервис - Shuttle service - транспортни (самолёт, автобус, поезд) белгилаш, киска масофага тез-тез учадиган рейсларни ташкил этиш хизмати.

Шатл-чартер - Шаттл-чартер - Shuttle charter - туристик мавсумда бир йўналишдаги парвозлар учун мўлжалланган. Бу "бориш ва дархол орқага қайтувчи" занжир кўринишида амалга оширилади (яъни, самолёт янги сайёҳларни олиб келади ва зудлик билан ортга қайтади). Бу ерда камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, булар: буюртмачи иккала бўш парвоз учун ҳам тўлаши лозим. Биринчиси, мавсум бошида, самолёт йўловчиларни тушириб, ортга қайтиш вақтида, иккинчиси, мавсум охирида, йўловчиларни ортга қайтариш учун бўш ҳолатда борганлиги учун.

Шато меҳмонхона - Гостиница шато - Chateau hotel - қишлоқ ҳудудида жойлашган қимматбаҳо ва нуфузли Француз меҳмонхонаси.

Шаҳар курорт меҳмонхонаси - Гостиница курортная городская - City resort hotel - рекреация мехмонлар учун махсус моддий базага эга бўлган шахар меҳмонхонаси. Спорт тринажорлари югуриш йўлакчаси ва гидро масажи мавжуд. Тенис ва сув спорти билан боғлиқ клубларга эгабўлган рекреацион марказдир.

Шаҳарсозлик ва архитектура ёдгорликлари - Памятник градостроительсва и архетиктуры - Monument town-planning and archetecture - тарихий ва технологик анъаналар, қурилиш усуллари каби ноёб меъморий услубларнинг маданий кадрият сифатида эътироф этилган ўтмишдаги моддий ёдгорликлар.

Швед столи - Шведский стол - Buffet service - бир вақтнинг ўзида катта миқдорда меҳмонларни қабул килиб овқатлантириш имкониятини берувчи ресторан хизмати тури. Швед столи усулида меҳмонлар ўзига-ўзи хизмат кўрсатади ва олдиндан тайёрлаб қўйилган таомларни идишларга солиш жараёни меҳмонлар томонидан амалга оширилади.

Швейцар/эшик оғаси - Швейцар - Doorman, commissionaire - меҳмонхонанинг кириш эшикларида навбатчилик қилувчи, меҳмонларга кириш ва чиқишларида кузатиб турувчи, меҳмонхонага кириш ва чиқиш вақтида мехмонлар юкларининг хавфсизлигини таъминловчи шахс. Эшик оғаси меҳмонхонада тақдим этиладиган хизматлар, меҳмонхона тадбирлари (конференциялар, банкетлар), меҳмонхона ва унинг атрофидаги жойлар ҳақида маълумотга эга бўлиши керак.

Шезлонг - Шезлонг - Chaise longue - ётиш мумкин бўлган енгил кўчирилувчи ўриндиқ.

Шенген визаси - Шенгенская виза - Shengen visa - бу виза турига эга чет эл фукаролари визада кўрсатилган муддат мобайнида

Латвия ҳамда Шенген келишуви аъзо давлатлари - Австрия, Белгия, Чехия, Дания, Франция, Греция, Эстония, Исландия, Италия, Литва, Люксембург, Малъта, Нидерландия, Норвегия, Полша, Португалия, Словакия, Словения, Аинляндия, Испания, Венгрия, Германия, Швеция ва Швейцария ҳудудларида бўлишлари мумкин.

Шикоят - Жалоба - Complain - туристик-экскурсия хизматлари сифатидан норози бўлиш.

Ширма - Ширма - Screen - ташки кўриниш элементи, кичик кўчма бўлим, хонани қисмларга бўлувчи, масалан. кийишин, ошхона ёки ётоҳхонани. Асосан Ҳиндистонда тайёрланади.

Шоп-тур - Шоп-тур - Shopping tour - кабул килувчи мамлакатга хос бўлган муайян турдаги товарлар сотиб олиш максадидаги туристик сафар.

Шоу - Шоу - Show - 1) ажойиб дам олиш, кўнгилочар дастур; 2) ташки таъсир учун мўлжалланган намойиш.

Шоу дастур - Шоу программа - Show programm - ўйин-анимация элементи.

Шхерлар - Шхеры - Skerries - денгиз киргоқлардаги тошлардан ташкил топган мустаҳкам кичик ороллар.

Э

Эгилувчан истеъмол - Эластичность потребления - Consumption flexbility - даромад, нарх сингари омиллар таъсирида маълум доирада талаб қобилиятининг ўзгаришини ифодаловчи иктисодий атама.

Эгилувчан таклиф - Эластичность предложения - Offer flexibility - нархи ўсишига караб таклиф ҳажмининг ўзгариши даражаси. Таклиф эластиклиги коэффиценти нарх ўсишининг фоизига нисбатан таклиф ҳажмининг фоиз миқдорида ҳисобланади.

Эгилувчан/мослашувчан - Эластичность - Elasticity - ўзгаришлар (масалан: нарх, даромад) га нисбатан бошқа ўзгаришлар (масалан: талаб ва таклиф) нинг содир бўлиши, дастлабки кўрсаткич ўзгаришлардан кейин қандай натижага эришгани фоизларда ифодаланади.

Эдикула - Эдикула - Aedicula - кичик уй, черков, ҳайкал ёки кабрлар учун жой; қурбонгоҳ устида қурилган бино.

Экзотика - Экзотика - Exotic - соддалаштирилган ва янгиланган, содда ва мураккаб экзотика тарзи этник маданиятнинг асосини ташкил этади.

Эклектика - Эклектика – Eclecticism - хилма-хил қарашларни, услубларни, назарияларни, фикрларни бирлаштиришда фундаментал бирдамликнинг йўклиги. Аралаштириш стиллари.

Экологик туризм (экотуризм) - Туризм экологический (экотуризм) - Ecological tourism - нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда бетакрор табиий ҳудудларга,

уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки, ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалга оширилиши ёрдамида экологик муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига боғлик мажмуалар йиғиндисини тушунамиз. (Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси. // Экология хабарномаси. № 6, 2007 й.).

Экологик фалокат - Бедствие экологическое - Ecological disaster - 1) атроф муҳитнинг ва инсоннинг яшаш шароитларини муаммоли ўзгаришлари билан ажралиб турадиган экологик вазият; 2) экологик тизимнинг фалокат оқибатлари натижасида номувозанатли ҳолати.

Экология - Экология - Ecology - 1) организмдан ҳар хил даражада юкори турадиган тизимлар; популяциялар, биоценозлар, биогеоценозлар (экосистемалар) ва биосферанинг тузилиши, уларда кечадиган жараёнларни ўрганадиган биологик фанлар мажмуи. Экология организмлар ва улар билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганадиган фан сифатида ҳам талкин килинади; 2) тирик организмларнинг теварак атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганадиган фан.

Экотизим - Экосистема - Ecosystem - тирик организмларнинг функционал бирлиги ва уларнинг яшаш жойлари.

Эксклав - Эксклав - Exclave - 1) давлат ҳудудининг бошқа давлат ҳудудидан ажратилган қисми; 2) суверен мустақилликка эга бўлмаган, атрофи бошқа бир ва бир нечта давлат билан ўралган ҳудуд.

Экскурс - Экскурс - Excursus - тақдимотнинг асосий мавзусидан ёндош ёки қўшимча масалаларни таъкидлаш учун оғиш.

Экскурсант - Экскурсант - Excursionist - тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар ва бошқа объектлар билан танишиш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган муддатга экскурсияларга чикувчи шахс. Экскурсант истеъмолчи сифатида экскурсия бюросининг мижозидир.

Экскурсия - Экскурсия - Excursion - 1) кизиқарли жойларга, музейларга ва бошқа кўнгилочар жойларга таълим-тарбия, маданий-маърифий ва бошқа мақсадларда экскурсовод бошчилигида жамоавий ёки индивидуал ташрифларни амалга ошириш; 2) турист ёки экскурсантнинг маънавий, эстетик, билим олиш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш имконини берувчи туристик хизмат; 3) туристик объектларга қиска муддатли тематик маршрутлар бўйича экскурсовод бошчилигида ташриф буюриш. Экскурсия ўз хусусиятларига кўра қуйидагиларни ўз ичига олади: экскурсант, кўрсатиш учун экскурсия объекти, мавзу, буюртма маршрути, вақтнинг давомийлиги, олдиндан тайёрланган экскурсия матни, режалаштирилган (дастурлаштирилган) жараён. Экскурсиянинг функционал мақсади - дам олиш ва бўш вақтни мазмунли ўтказиш, маданий даражани кўтариш ҳамда мулокот.

Экскурсия давомида иштирокчилар атрофдаги дунёни, табиат ҳодисалари ва маънавиятни, тарихий вазиятларни, кундалик элементларни ва сахналарни, шаҳар, минтақа, паркни ва бошқаларни ўрганиш имкониятига эга бўладилар.

Экскурсия бюроси - Экскурсионное бюро - Excurison bureau - экскурсия, шу жумладан, экскурсия билан боғлиқ бўлган бошқа хизматларни ташкил этиш, тартиб қилиш ва амалга ошириш, шу билан бирга экскурсия хизматларини режалаштириш фаолиятини амалга оширадиган юридик, жисмоний ёки якка тартибдаги тадбиркорлик бюроси.

Экскурсия композицияси - Композиция экскурсии - Excursion design - экскурсия қурилиши унинг характер, мақсад ва кўп жиҳатдан унинг идрокини белгилаб беради; экскурсиянинг энг муҳим ташкилий элементи бўлиб, унда бирлик ва яхлитликни таъминлайди, унинг элементларини бир-бирига бўйсундиради.

Экскурсия маршрути - Маршрут экскурсии - Excursion route - экскурсия гуруҳини йўналиши, экскурсиянинг методологик ишлаб чиқишига мос келади.

Экскурсия объекти - Экскурсионный объект - Excurison sight - экскурсиянинг биринчи омили ҳисобланган қизиқарли жой, бориладиган макон ва объектлар. Экскурсия объектларига тарих ва маданият ёдгорликлари (бинолар, таниқли шахсларнинг ёдгорликлари, обидалар ва бошқалар), музейлар, муҳандислик иншоотлари (каналлар, кўприклар ва бошқалар), табиий объектлар (шаршаралар, ғорлар ва ҳ.к.) киради.

Экскурсия тарифи - Экскурсионный тариф - Excursion fare - гуруҳли турлар учун махсус чегирмалар тақдим этилган, экскурсиялар ва бошқа туристик хизматларнинг нарх-наволари.

Экскурсия фаолияти - Экскурсионная деятельность - Excursion activity - 1) туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар ва бошқа объектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этишга доир қисми; 2) турар жой билан таъминлашни назарда тутмаган ҳолда вақтинчалик яшаш жойидан бошқа жойга сайёҳлик ресурслари билан танишувни ташкил этиш бўйича тадбирлар.

Экскурсия хизматлари - Экскурсионные услуги - Excursion services - 1) тарихий ва маданий ёдгорликлар, табиат манзаралари, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўрсатиш, ҳикоя қилиш жараёнини услубий жиҳатдан ташкил қилишдир. Ушбу жараёнда экскурсантлар кўз олдидаги объектлар, улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар малакали мутахассис-гид томонидан ҳикоя ва таҳлил қилинади; 2) сайёҳларнинг

маънавий, интеллектуал, ишбилармонлик ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган объектлар билан танишиш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича гид (экскурсовод) ҳамроҳлигида экскурсияларни ташкил этиш хизматлари.

Экскурсия хизматларининг тури - Вид экскурсионной услуги - Type of excursion services - умумий технологик хусусиятлар билан тавсифланган ва муайян мавзуга мос келадиган бир хил экскурсия хизматлари мажмуи ҳисобланади.

Экскурсияларни таснифлаш - Классификация экскурсий - Excursion classification - экскурсияларнинг мазмуни, иштирокчилар сони, ўтказиш жойи, ўтказиш шакли, ташиш тартиби бўйича бўлиниши.

Экскурсовод (гид, гид-таржимон) - Экскурсовод (гид, гид-переводчик) - Guide - тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлган, турист ёки сайёҳларни қизиқтирадиган жойлар билан таништирувчи ва улар учун уларнинг ўз она тилида зарур маълумотларни тақдим этувчи жисмоний шахс.

Экспатриант - Экспатриант - Expatriate - бу мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган ва ушбу мамлакат фуқаролигидан маҳрум бўлган шахс.

Экспонат - Экспонат - Exhibit - музей ёки кўргазмада кўриш учун намойиш этилган буюмлар.

Экспорт - Экспорт - Export - товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва капитални мамлакат ташкарисига чикариш.

Экспресс - Экспресс - Express - юкори тезликда ҳаракатланувчи ва фақат асосий станцияларда тўхтовчи поэзд (ёки паром, автобус ва бошқалар).

Экстаз - Экстаз - Ecstasy - ҳаяжонли, жўшкин ҳолат.

Экстрадиция - Экстрадиция - Extradition - хорижий давлат фуқароларига ушбу давлат қонунларини бузганлиги учун берилади.

Экстремал туризм - Туризм экстремальный - Survival tourism - хавф билан бевосита боғлиқ бўлган туристик дам олишнинг бир тури. Экстремал туризм турлари: дайвинг, тоғ туризми, пиёда юриш, ҳитчҳикинг, алпинизм, рафтинг, автомобиль туризми, спелеотуризм, парашютдан сакраш, каякинг ва бошқалар.

Экстремизм - Экстремизм - Extremism - амалга оширилаётган ҳаракатларга нисбатан кескин фикр (одатда сиёсат бўйича), бундай қарашлар оммавий тартибсизлик, террорчилик, партизан урушларига сабаб бўлиши мумкин.

Электрон калит - Электронный ключ - Key card - шахсий кодли магнитли пластик карта.

Электрон туристик биржа - электронные туристические биржи - electronic tourism exchange - бир неча туроператорлар томонидан оддий ёки рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар учун тўпланган ва тизимлаштирилган интернет порталлари.

Электрон ҳукумат - Электронное правительство - E-government - давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими.

